


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



**«ИҚТИСОДИЁТ ВА СТАТИСТИКА» ФАКУЛТЕТИ**

**ХОЛМЎМИНОВ Ш.Р., ШОЮСУПОВА Н.Т.,  
ХОЛМУРОТОВ С.Э.**

**МЕҲНАТ БОЗОРИ ИҚТИСОДИЁТИ**

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2006**

**Холмўминов Ш.Р., Шоюсупова Н.Т., Холмуротов С.Э. «Мехнат бозори иқтисодиёти» (Ўқув қўлланма) – Т.: ТДИУ, 2006 – 323 бет.**

Ушбу ўқув қўлланмада «мехнат бозори иқтисодиёти» тушунчаси, унинг таркибий қисмлари, элементлари, сегментлари, шаклланиши, тартиба солиниши, ривожланиши батафсил баён этилган, унда меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини таҳлил этиш ва истиқболлаштиришда қўлланиладиган замонавий баланс усули акс эттирилган.

Мазкур ўқув қўлланмада юқорида таъкидлаб ўтилган усуллар билан бир қаторда ишчи кучи миграцияси, маҳаллий кадрлар тайёрлаш ва уларни танлашнинг замонавий усуллари, глобаллашув шароитида меҳнат бозори, давлат иш билан бандлик хизмати, меҳнат бозорида иш фаол ва нофаол сиёsat, ва меҳнат бозорида мослашувчанлик каби масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилган.

Ўқув қўлланма иқтисодий йўналишларнинг бакалаврлари, магистрлари, профессор-ўқитувчилари ва илмий-тадқиқотчиларига мўлжалланган.

**Масъул муҳаррир: “Иқтисодиёт ва статистика” факультети декани,  
и.ф.н., доцент Ҳайитов А.Б.**

**Тақризчилар: академик Убайдуллаева Р.А.  
и.ф.н., проф. Назаров А.Ш.**

## МУНДАРИЖА

КИРИШ .....	7
<b>I-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ .....</b>	<b>9</b>
1.1. Меҳнат бозорининг моҳияти ва тушунчалари.....	9
1.2. Меҳнат бозорининг ижтимоий – иқтисодий мазмуни .....	11
1.3. Меҳнат бозорининг асосий вазифалари ва хусусиятлари .....	16
Қисқача хуносалар.....	17
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	17
Асосий адабиётлар .....	17
Интернет веб-сайтлари.....	19
<b>2-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ.....</b>	<b>20</b>
2.1. Меҳнат бозори шаклланишининг аҳамияти ва шарт-шароитлари.....	20
2.2. Меҳнат бозори шаклланиш тамойиллари.....	23
2.3. Меҳнат бозори шаклланишининг омиллари ва чекловчилари .....	24
Қисқача хуносалар.....	26
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	26
Асосий адабиётлар .....	26
Интернет веб-сайтлари.....	27
<b>3-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ, ТУРЛАРИ ВА СЕГМЕНТЛАРГА БЎЛИНИШИ.....</b>	<b>28</b>
3.1. Меҳнат бозорининг ишлаш механизми.....	28
3.2. Меҳнат бозорининг турлари ва моделлари.....	35
3.3. Меҳнат бозорининг сегментларга бўлиниши ва ундаги мослашувчанлик.....	43
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	46
Асосий адабиётлар .....	46
Интернет веб-сайтлари.....	47
<b>4-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ.....</b>	<b>48</b>
4.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти .....	48
4.2. Меҳнат шартномаларининг меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни.....	50
4.3. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг минтақавий усуллари.....	51
4.4. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари.....	54
Қисқача хуносалар.....	56
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	56
Асосий адабиётлар .....	56
Интернет веб-сайтлари.....	57

<b>5-БОБ. АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ.....</b>	58
5.1.Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорининг таъсири.....	58
5.2. Аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлари.....	64
5.3. Аҳолининг иш билан таъминлашни тартибга солиш .....	65
Қисқача хulosалар .....	67
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	67
Асосий адабиётлар.....	67
Интернет веб-сайтлари.....	68
<b>6-БОБ. ИШСИЗЛИК: САБАБЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА КЎРСАТКИЧЛАРИ.....</b>	69
6.1. Ишсизликнинг ижтимоий - иқтисодий мазмуни.....	69
6.2. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари .....	71
6.3. Ишсизликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари .....	73
6.4. Ишсизликнинг табиий даражаси. А. Оуken қонуни .....	75
6.5. Ишсизликни ҳимоя қилиш борасида давлат тадбирлари .....	76
Қисқача хulosалар .....	77
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	77
Асосий адабиётлар .....	77
Интернет веб-сайтлари.....	78
<b>7- БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ БАЛАНС УСЛУБИ ...</b>	79
7.1. Меҳнат бозори ва аҳолининг иш билан бандлигини таҳлил қилишда баланс услубининг аҳамияти .....	79
7.2. Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиш асослари .....	82
7.3. Меҳнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиш босқичлари.....	87
Қисқача хulosалар.....	91
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	91
Асосий адабиётлар .....	91
Интернет веб-сайтлари.....	92
<b>8- БОБ. ИШЧИ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ИСТИҚБОЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ .....</b>	93
8.1. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти .....	93
8.2. Ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштириш босқичлари.....	95
Қисқача хulosалар.....	100
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	100
Асосий адабиётлар .....	100

Интернет веб-сайтлари.....	101
<b>9- БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУРИ .....</b>	<b>102</b>
9.1. Меҳнат бозори мақсадли комплекс дастурининг аҳамияти .....	102
9.2. Мақсадли комплекс дастурнинг тузилиши ва уни ишлаб чиқиш босқичлари .....	102
Қисқача хуросалар .....	109
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	109
Асосий адабиётлар .....	109
Интернет веб-сайтлари.....	110
<b>10- БОБ. ИЖТИМОЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ.....</b>	<b>111</b>
10.1. Ижтимоий меҳнат миграциясининг ижтимоий иқтисодий мазмуни ва моҳияти.....	111
10.2. Ижтимоий меҳнат миграциясига таъсир этувчи омиллар ва ижтимоий меҳнат миграциясининг иқтисодиётга таъсир .....	114
10.3. Ижтимоий меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши.....	119
Қисқача хуросалар.....	124
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	125
Асосий адабиётлар .....	125
Интернет веб-сайтлари.....	126
<b>11-БОБ. МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ....</b>	<b>127</b>
11.1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий кадрлар билан ишлаш тизимининг тавсифи.....	127
11.2. Маҳаллий ташкилот ва муассасаларда кадрларни танлаш ва унинг мезонлари таҳлили.....	132
11.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг маҳаллий кадрларни тайёрлашдаги аҳамияти.....	139
11.4. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий кадрларни танлаш тизими ва уни такомиллаштириш истиқболлари.....	144
Қисқача хуросалар .....	147
Назорат ва муҳокама учун саволлар.....	148
Асосий адабиётлар .....	148
Интернет веб-сайтлари.....	149
<b>12- БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ.....</b>	<b>150</b>
12.1. Меҳнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти .....	151
12.2. Меҳнат бозорини аниқ социологик тадқиқ этиш босқичлари .....	156
Қисқача хуросалар .....	156
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	156

Асосий адабиётлар .....	156
Интернет веб-сайтлари.....	157
<b>13-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ....</b>	<b>158</b>
13.1. Демографик тенденциялар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири.....	158
13.2. Меҳнат бозорида глобаллашув ва миллий манфаатлар тамойили.....	167
13.3. Меҳнат бозорида фаол ва нофаол сиёsat.....	169
13.4. Давлатнинг иш билан бандлик хизмати.....	177
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	178
Асосий адабиётлар .....	178
Интернет веб-сайтлари.....	179
<b>14- БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.....</b>	<b>180</b>
14.1. Меҳнат бозори ривожланиши концепциясининг стратегик мақсадлари.....	180
14.2. Меҳнат бозорининг ривожланиш босқичлари .....	181
14.3. Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш тадбирлари .....	182
Қисқача хуносалар .....	186
Назорат ва муҳокама учун саволлар .....	186
Асосий адабиётлар .....	187
Интернет веб-сайтлари.....	188
“ Меҳнат бозори иқтисодиёти” фанидан қисқача изоҳли луғат (Глоссарий).....	189
«ТДИУ ва МДҲ мамлакатлари иқтисодиёт мутахассисликлари бўйича бакалаврият битириув-малакавий ишлари, магистрлик, номзодлик ва докторлик диссертацияларининг намунавий мавзулари»дан олинган «Меҳнат бозори иқтисодиёти» фани бўйича битириув малакавий ишлари мавзуларилари рўйхати.....	191
Фан бўйича айрим дарслик ва ўкув қўлланмалар шарҳи.....	197
“Меҳнат бозори иқтисодиёти” фанининг «Меҳнат ресурсларининг шаклланиши ва улардан фойдаланиш» тематик маъruzасини ўқитиши ва ўрганишда янги педагогик технологияларни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.....	201
«Меҳнат бозори иқтисодиёти» фани бўйича замонавий ахборот технологиялари.....	205
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	229
“Меҳнат бозори иқтисодиёти” фанидан ишчи дастур.....	238

## КИРИШ

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, «... ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни хоҳлов-чиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди, балки энг мақбул, ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Бу эса меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашни, ишсизликни камайтиришни тақозо этади. Уларни ижобий ҳал қилиш аҳоли турмуш даражасини оширишга олиб келади.

Ҳозир мамлакат меҳнат ресурсларининг иш билан банд бўлмаган қисми кўрсаткичи аста-секин ўсиб бориш анъанасига - тенденциясига эга. Бундай ҳолат саноат меҳнатининг тор доирада қўлланилиши, янги иш жойларини яратишга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг етарли эмаслиги, меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдорига нисбатан тезроқ ўсиши, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида мутаносибликнинг мавжуд эмаслиги, маҳаллий кадрлар малакаси ва рақобат қобилиятининг пастлиги ва уларни иш ахтариш ҳаракатларининг сустлиги билан асосланади. Бундан ташқари, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга янги ерлар ўзлаштирилишининг камайиши, интенсив технология ва кам меҳнат талаб қиласидан техниканинг юқори унумсиз қўлланилиши, хўжалик юритиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг янги бозор усувларидан самарасиз фойдаланилиши, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ривожланишининг паст даражаси, иш билан банд бўлганлар моддий манфаатдорлигининг пасайиши ва инфляция жараёнлари каби омиллар салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳолбуки, санаб ўтилган омиллар - бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг муқаррар белгилариdir.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни камайтиришнинг самарали механизмларидан бири меҳнат бозорини мақсадга мувофиқ шакллантириш ва ривожлантириш ҳамда уни тартибга солиш ҳисобланади. Бу, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги узвий алоқалар ва зиддиятларни, улар ҳамкорлигининг самарадорлик мезонларини аниқлашга, қишлоқ меҳнаткашлари касб малакасини оширишнинг асосий йўналишларини белгилашга ҳамда жонли меҳнат ресурсларини «ортикча» ва иш жойлари «тақчил» шароитларда ишчи кучига талаб ва таклифи макроиктисодий тартибга солишга, пировардида иқтисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирларни мақсадга мувофиқ равишда ишлаб чиқишига самарали имкон беради.

Бундай тадбирларни ишлаб чиқиш содир бўлаётган жараёнларни чукур ўрганишни меҳнат бозори шакллантирилиши ва ривожлантирилишининг энг муҳим муаммоларини ва уларни ижобий ечиш йўлларини аниқлашни талаб қиласиди. Бу йўлларни тўғри топиш эса “Меҳнат бозори иқтисодиёти” фанининг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср быса\асида: хавфсизликка ташдид, бар=арорлик шартлари ва тара==иёт кафолатлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1997.- 326бет.

назарий ва амалий асосларини мукаммалроқ ўрганишни талаб этади.

Мазкур фаннинг **мақсади** – талабларга меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган республикамиз учун характерли бўлган ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқишни ўргатишдан иборат. Ушбу мақсаддан келиб чиқсан ҳолда мазкур фаннинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгиланади:

- «меҳнат бозори» тушунчаси ва унинг таркибий қисимларни ўрганиш;
- меҳнат бозори шаклланиши ва унга таъсир этувчи омиллар, шартшароитлар, тамойиллар ва чекловчиларни аниқлаш;
- меҳнат бозори ривожланишининг асосий босқичлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий тадбирларини белгилаш;
- меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифнинг тартибга солиш усуулларини ўрганиш;
- меҳнат бозорини таҳлил қилишнинг аниқ социологик тадқиқот усулини ўрганиб, уни қўллаш методикаси билан танишиш;
- ишчи кучига талаб ва таклифнинг яқин келажакдаги ҳолатини истиқболлаштириш асосларини ўрганиш;
- меҳнат бозори ривожланишининг мақсадли комплекс дастурини тузишни ўргатиш.

«Меҳнат бозори иқтисодиёти» фани «Меҳнат иқтисодиёти», «Ходимларни бошқариш», «Иқтисодий назария», «Макроиқтисодиёт», «Микроиқтисодиёт», «Маркетинг» ва «Менежмент» каби иқтисодий фанлар билан узвий боғланган.

## **I-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ**

### **1.1.Меҳнат бозорининг моҳияти ва тушунчалари**

#### **1.2. Меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни**

#### **1.3. Меҳнат бозорининг асосий вазифалари ва хусусиятлари**

### **1.1.Меҳнат бозорининг моҳияти ва тушунчалари**

Хозирги вақтда ўтиш даври иқтисодиётининг олдида турган долзарб муаммолардан бири меҳнат бозорини самарали шакллантириш ва ривожлантиришдир. Бунинг учун, ҳаммадан аввал ижтимоий ва иқтисодий тизимлар ривожланишининг объектив қонунларидан саводли фойдаланиш зарур.

Маълумки, тараққиёт соҳиби бўлиб хизмат қилган инсон - жамиятнинг асосий ишлаб чиқариш кучи ҳамдир. У бир вақтнинг ўзида моддий бойликлар ва хизматларнинг ишлаб чиқарувчиси ва истеъмол қилувчиси бўлганлиги сабабли, айнан унинг туфайлигина «Ишлаб чиқариш - истеъмол» тизимида мувозанатга эришилади. Фақат инсон эҳтиёжини жуда муҳим деб билган ва унинг самарали тақрор ишлаб чиқарилишини таъминланган жамиятгина энг юқори тараққиётга эришади. Жамиятнинг бошқа барча воситалари: мулкчилик шакллари, ишлаб чиқариш ва илмий салоҳият, молия, нархлар ва ҳ. к. ушбу асосий мақсадга бўйсуниши керак. Бу дегани, бугунги бозорга қараб иқтисодий тизим ҳаракатини тўғри мўлжалга олмоқ, ўтиш даврини тезлатмоқ ёхуд секинлаштирумөқдир.

Меҳнат бозори бозорнинг бошқа барча тизимчалари билан узвий боғланган. Ҳақиқатдан ҳам, талабга эга бўлиш учун ишчи кучи жисмоний, ақлий ва қасбий қобилияtlарнинг белгиланган мажмуасига эга бўлиши керак. Ишлаб чиқариш жараёнига бу қобилияtlарни татбиқ эта туриб, у ўз истеъмол сифатларини йўқотмаслиги учун доимо қайта ишлаб чиқарилиши лозим. Нафақат ўзини қайта ишлаб чиқариш, балки меҳнат ресурслари ва бутун аҳолининг сифат кўрсаткичлари ҳам яхшиланишини рағбатлантириб бориб, келажакда қайта ишлаб чиқаришга асос солиши керак. Бундан келиб чиқадики, меҳнат бозорида рақобат ходимнинг меҳнат қобилиятини такомиллаштирувчи асосий куч сифатида мавжуд бўлиши лозим.

Бошқа томондан, «меҳнатга қобилияtlар» эгаси доимий қайта ишлаб чиқаришга эҳтиёжларни бошидан кечира туриб, бунинг устига ҳар доим янги, энг юқори сифат даражасида, шундай иш берувчини қидирадики, у бу қобилияtlардан энг фойдали шароитларда фойдалана олсин.

Шу муносабат билан ишчи кучига талабни шакллантирувчи тизимчада худди шундай ўзгаришлар содир бўлиши, яъни харидорлар-мулкдорлар ўртасида рақобат пайдо бўлиши керак. Фақат шундай шароитларда бир томондан, ходимнинг иқтисодий фаоллигига ва бошқа томондан, ишлаб чиқариш воситалари эгасининг бозордаги иқтисодий фаоллигига асосланган ижтимоий-иқтисодий ривожланишга умид боғлаш мумкин.

Меҳнат бозорининг бошқа муҳим назарий қоидаси - уни ўз - ўзини

ҳудудий ифодалаш ҳақидаги тассавури. Ходим ҳатто ёллангандаям, ўзининг «мехнатга қобилиятлари»ини қайта ишлаб чиқаришга эҳтиёжини бошидан доимий кечира бориб, бозор билан алоқасини узмайди.

Бундан ташқари, ходим энг яхши шароитларни қидира бориб, бир ёлловчидан бошқасига ўтишга табиий интилиши ҳам мавжуддир. Амалиётнинг кўрсатишича, ишлаб чиқариш кучлари даражаси қанчалик юқори бўлса, миграцион фаоллик ҳам шунчалик жадалдир. Бунда ходимларнинг бир қисми меҳнат бозорида вақти-вақти билан пайдо бўлиб, вақтинча ишлаб чиқаришда иштирок этмайди. Проф. В. Кулаковнинг ҳисоб-китобларига кўра, иш билан банд бўлганларнинг катта қисми шундай ҳаракатда бўлади: ҳар йили саноатда - 35% гача, қурилишда - 40%, темир йўл транспортларида -37% иштирок этади [51, 50-б.].

Шунинг учун меҳнат бозори ижтимоий бозор иқтисодиёти ва ижтимоий-меҳнат соҳасининг таркибий қисмидир. Илмий ва ўқув адабиётларида меҳнат бозорининг ўнлаб таърифлари қелтирилади. Масалан, янги синфий мактабни яратувчилар Д. Гилдер, А. Лаффер, М. Феддстайн, Р. Холлар меҳнат бозорини ички бир хил бўлмаган ва ғоят ўсувчи ҳамда бозор қонунларига бўйсунувчи тизим сифатида қарайдилар. Нарх-наво механизми унинг асосий регулятори бўлиб хизмат қиласди.

Меҳнат нархи ва иш ҳақи даражаси ишчи кучига талаб ва таклифга таъсир қиласди, улар ўртасидаги муносабатларни тартибга солади, керакли мутаносиблик ва мувозанатни сақлайди. Табиий бозор механизмларига кўра, ишчи кучи - нарх наво, бозор конъюктурасига тез ва эпчиллик билан жавоб беради, унинг ҳақиқий эҳтиёжига мувофиқ кўпаяди ёки камаяди. Жадал меҳнат бозори шароитларида ишсизлик - меҳнатга лаёқатли аҳолининг банд бўлмаган қисми давра айланиши вазифасини бажарувчи табиий ҳодиса.

Кейнсман мактабининг асосчиси Ж. Кейнс ўз концепциясини «Бандлик, фоиз ва пулларнинг умумий назарияси» номли китобида баён қилган. У меҳнат бозорини сусткаш, статистик тизим сифатида кўриб чиқади, ишчи кучи нархи (иш ҳақи)ни етарли даражада қаътий, деб қайд этади. Мажбурий ишсизликнинг мавжудлиги мажмуавий самарали талаб етишмаслиги билан асосланган, уни бюджет ва кредит-пул тартибига солишининг самарали (экспансиянистик) чоралари йўқ қилиши мумкин. Талабнинг етишмаслиги меҳнатга пул тўлашнинг уни пасайиши томонига эгилувчан эмаслиги оқибатида вужудга келади, бунинг натижасида талаб пасайганда ишлаб чиқариш ҳажми ва бандлик қискаради, иш ҳақининг номинал ставкалари ўзгаришсиз қолади. Давлат бозорни тартибга солиб борувчи вазифасини ўтайди, у мажмуавий талабни ошириб ёки пасайтириб, ушбу тенгсизликни йўқ қилиши мумкин. Ишчи кучига жами талаб - инвестиция ва ишлаб чиқариш ҳажмлари билан тартибга солинади.

Проф. В.А. Павленков таъкидлайдики, бозор иқтисодиётида меҳнат бозори ёлланиб ишлашга қодир кишиларнинг барчасини: ҳам ёлланма меҳнат билан банд бўлганлар ва ҳам банд бўлмаганларни қамраб олади [8, 10-б.]. А.А. Никифорова эса бошқа умумий таърифни таклиф этади: «Меҳнат бозори ривожланишининг даражаси ва бозорда иштирок этувчи кучлар: тадбиркорлар,

мехнаткашлар ва давлат ўртасида маълум даврда эришилган манфаатлар балансини акс эттирувчи ижтимоий муносабатлар тизими сифатида вужудга келган» [7, 18-б.].

Кейинги йилларда меҳнат бозори ҳақида аникроқ тушунчалар пайдо бўлди. Баъзи тадқиқотчилар меҳнат бозорини иш ҳақи ва даромадларнинг эркин ҳаракати орқали меҳнатга талабни ва ишчи кучи таклифини ўзини-ўзи тартибга солувчи механизм сифатида талқин қиласидилар. Бошқа иқтисодчилар тушунтирадиларки, меҳнат бозори иш берувчилар ва ёлланиб ишлашни хоҳловчиларни бевосита келишуви орқали талаб ва таклифни қаноатлантириш учун шароитлар яратади ва ишчи кучини харид қилиш-сотиш жараёнларини бевосита тартибга солмайди. И.С.Маслованинг таърифи бўйича «Меҳнат бозори – бу, ўсуви тизим, унда мулкчилик субъектлари ишчи жойлари ва ишчи кучи таклифлари, ходимга ва «ёлланма ишга талаб ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириб, ишлаб чиқариш омиллари (меҳнат воситалари ва ишчи қучи)га ўзаро таъсир этади». Меҳнат бозори мавжуд, аммо «кесик, шакли ўзгартирилган кўринишда, бунинг устига ҳар нарсани ўз ичига оладиган характерга эга бўлмай, балки меҳнат муносабатларининг фақат бир қисмини камраб олади» [6, 9-10-б.].

Қ.Абдураҳмонов ва Ф.Мамарахимовнинг таърифига кўра, «Меҳнат бозори дейилганда ишчи кучини сотиш, сотиб олиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар мажмуаси тушунилади». [3, 150-б.].

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозори – бу, меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган қисмлари ва иш берувчилар ўртасидаги муносабатларни ҳамда уларнинг шахсий манфаатларини ҳисобга олувчи контрактлар (меҳнат келишувлари) асосида «меҳнатга қобилиятларини» харид қилиш - сотишни амалга оширувчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатларни бевосита тартибга солувчи, бозор иқтисодиётининг мураккаб, кўп аспектли, ўсуви ва очиқ ижтимоий-иқтисодий тизимчасидир.

## **1.2. Меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни**

Республикамиз учун меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича муаммони ҳал қилишнинг энг самарали қуролларидан бири бўлган меҳнат бозорининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини тадқиқ қилиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга. Уларни ўрганиш қўйидаги демографик ва ижтимоий-иқтисодий вазиятларининг инобатга олинишини тақозо этади:

- республикада меҳнатта қобилиятли аҳолининг 60% дан ортиғи қишлоқ жойларда яшайди ва ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 40% дан кўпроғини ишлаб чиқаради;
- ноқишлоқ хўжалиги ишчи жойлари етишмаслиги сабабли иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнат ресурслари улуши республиканинг иш билан банд бўлмаган бутун аҳолисининг 60% дан ортиғини ташкил қиласиди ва уларнинг сони ўсмоқда;

- меҳнатга қобилиятли, иш билан банд бўлмаган қишлоқ меҳнаткашлари малакаси ва сафарбарлигининг пастлиги уларнинг яшаш жойларидан шаҳарга ва мамлакатнинг кам меҳнат билан таъминланган ҳудудларига ҳамда хорижий давлатлар обьектларига қараб ҳаракат қилишларига асосий тўсиқ бўлмоқда;
- меҳнат ресурсларининг сонини меҳнатни татбиқ этиш минтақаларга нисбатан тезроқ ўсиши яширин ишсизликни, айниқса, қишлоқ хўжалигида ишчи кучини таклиф этиш унга талабдан ошиб кетадиган даражада кўпайишига бевосита ёрдам беради;
- қайта ишлаш саноати, қурилиш ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳамда хусусий хўжаликларда янги ишчи жойларини яратиш йўли билан ишчи кучи талаби ва таклифи ўртасидаги рационал нисбатни таъминлаш учун ҳақиқий имкониятлар мавжуд.


Бозор иқтисодиётига ўтиш даври шароитларида меҳнат бозорини «меҳнатга қобилиятли» ишчи кучини харид қилиш-сотишни амалга оширувчи тизим сифатида кўриб чиқиш ўринли эмас. Шунинг учун у ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва ижтимоий меҳнат соҳасининг очик, мураккаб, кўп аспектли ва ўсувчи тизимчаси бўлиб, ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантирувчиdir. Мазкур бозор ишчи кучига талаб ва аҳолининг таклифини тартибга солища бевосита иштирок этади ва оқилона бандликнинг шаклланиши ҳамда ишсизликни камайтиришга кўмаклашади.

Меҳнат бозори таркибий қисмининг асосий элементларига қуйидагилар киради: ишчи кучига талаб ва унинг таклифи, қиймати, баҳоси ва ёллашдаги рақобат. (4.1-расмга қаранг). **Талаб** иқтисодиёт тармоқлари, ишлаб чиқариш - ижтимоий инфратузилмаси ва бошқа соҳаларнинг меҳнат бозорига буюртма этган, иш ҳақи фонди, шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар ва бошқа ҳаётий воситалар билан таъминланган ишчи кучи **эҳтиёжнинг ҳажми ва таркибини акс эттиради**. **Таклиф** ёлланма шарти билан ишга эга бўлишдан манфаатдор ишчи кучининг **миқдор ва сифат** (сони, жинси, ёши, маълумоти, касби, малакаси, миллати, ишлаб чиқиши, даромади ва бошқалар бўйича) **таркибини ифодалайди**.

Меҳнат бозоридаги ишчи кучининг таклифи мураккаб демографик тузилишга эга. Аввалламбор аҳолининг умумий сонидан ёлланиб ишлашга қодир, яъни меҳнат қобилиятига эга бўлиб, унинг эгаси - ходим меҳнат бозорида уни таклиф қилишдан, тадбиркор эса уни ўз корхонасида белгиланган вақт давомида фойдаланиш учун ёлланишидан манфаатдор қисмини ажратиш керак.

Аҳолининг умумий сонидан иккита йирик гуруҳларни ажратиш мумкин:

- 1) ёлланиб ишлашга қодир меҳнатга лаёқатли ва ундан юқори ёшдаги аҳоли;
- 2) ёлланиб ишлашга қодир бўлмаган меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ва каттароқ аҳоли.



1.1-расм. Мешнат бозори таркибий қисми асосий элементларининг ўзаро муносабатлари чизмаси.

Биринчи гурӯҳ қўйидаги гурӯҳчаларга бўлинади:

- а) иқтисодиёт секторларида ёлланиш бўйича банд бўлганлар;
- б) ёлланиш бўйича банд бўлмаганлар;
- в) иш қидириб эркин ҳаракат қилувчи шахслар.

Иккинчи гурӯҳ ҳам гурӯҳчаларга бўлинади:

- а) меҳнатга қобилиятли ёшдан кичик аҳоли, яъни 16 ёшгача бўлган ўсмирлар;
- б) меҳнатга қобилиятли ёшдан кексароқ аҳоли, яъни ёши ва ногиронлиги туфайли ишламаётган пенсионерлар ва нафақаҳўрларнинг асосий қисми.

Меҳнатга лаёқатли аҳоли, айниқса унинг **иқтисодий фаол қисми** меҳнат бозорининг шаклланишида асосий демографик манба ҳисобланади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, аҳолининг иқтисодий фаол қисми меҳнат ресурслари умумий сонининг 70% дан ортигини ташкил этиб, унинг миқдори 1998-2000 йилларда иқтисодиётнинг нодавлат секторида 29,3% ўси. Фермер ва дэхқон хўжаликлари сонининг ошиши, кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланиши, яккаҳол меҳнат татбиқ этилишининг кенгайиши хусусий секторда банд бўлганлар сонининг 2 мартадан ортиқ кўпайишига бевосита кўмаклашди.

Шундай қилиб, шубҳасизки, республика меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг ўсиши кўп жиҳатдан аҳолининг иқтисодий фаол қисми ҳолати билан белгиланади. У эса мазкур бозордаги рақобатга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Юқори унумли ишчи кучини ёллаш, меҳнатни ижтимоий тақсимлаш ва бўш иш ўринларни эгаллашда ходимлар ўртасидаги ҳамда меҳнат шартномалари асосида иш ҳақи шартлари учун ходимлар билан ёлловчилар ўртасидаги рақобат меҳнат бозорини ҳаракатлантирувчи механизм ҳисобланади.

Ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати меҳнат бозори конъюктурасини ифодалайди. У кўп сонли омиллар ва шароитлар таъсири остида шаклланади ҳамда меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолиси турли хил гурӯҳларининг ёлланма ходимлар сифатида teng бўлмаган ҳолатини акс эттиради. Амалда ишчи кучига талаб ва таклифнинг умумий ва таркибий мувозанатига эришиш қийин. Меҳнат бозорининг конъюктураси ишчи кучи нархига бевосита таъсир кўрсатади. У ўз навбатида, амалдаги бозор нархларига мувофиқ ўзгариб туради, меҳнат ресурларининг муомала соҳасида шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ маълум йўналишини шакллантиради. Ўз навбатида ишчи кучи нархини унинг қийматидан фарқланиши ишлаб чиқаришнинг самарадорлигига, тақсимот муносабатларига, иш ҳақи ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан даромадлар даражаларига, истеъмол саватининг ўсишига, товарлар ва хизматларнинг амалдаги нархларига, уларнинг мавжудлигига, табиий бойликларнинг ҳолатига ҳамда бошқа омиллар ва шароитларга боғлиқ.

Бизнинг фикримизча, меҳнат бозорининг конъюктурасини миқдор ва сифат нуқтаи назардан тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ. Республикамизда меҳнат бозорида ишчи кучига талабнинг миқдори унинг таклифига нисбатан 1,6 марта кам.

Ишчи кучи таклифининг миқдори унга эҳтиёжнинг талабларига тўлиқ

мос келмайди. Шунинг учун меҳнат бозори конъюктурасини ифодалайдиган иккита ўзаро боғланган гурухлардаги омиллар ва шарт-шароитлар ҳолатини таърифловчи миқдор ва сифат кўрсаткичларини ажратиш зарур. **Биринчи гурухга** қуидагилар киради: иқтисодиёт секторининг ҳолати; моддий-техник таъминотининг даражаси; ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма, қурилиш саноати, шахсий-ёрдамчи хўжаликлар ва уйда ишловчилар меҳнатининг ҳолати; кўп укладли иқтисодиёт ривожланиши шароитларида жамоа-ширкат, ижара, ҳиссадорлик, хусусий, қўшма ва бошқа хўжаликларнинг ислоҳот қилиниши даражаси; товарлар ва хизматлар, сармоялар, қимматли қоғозлар ва илмий ишланмалар бозорининг шаклланиши даражаси; табиий бойликларнинг мавжудлиги ва х.к.

**Иккинчи гурухга** эса қуидагилар киради: маълумот, малака ва касбни эгаллаганлик даражаси; юқори малакали кадрларни тайёрлаш билан шуғулланувчи ўкув юртларининг ҳолати; меҳнатга лаёқатли банд бўлган ва банд бўлмаган аҳолининг жинси ва ёши бўйича тузилиши; иш ҳақи ва бошқа манбалардан, айниқса шахсий ёрдамчи хўжаликлардан олинадиган меҳнат даромадларининг даражаси; ишсизнинг ижтимоий ва руҳий ҳолати; ёллаш бўйича иш таклиф қилувчи меҳнат жамоасидаги ижтимоий-руҳий муҳит; миллатлараро муносабатлар ва сиёсий аҳволнинг ҳолати; миллий-этник аънаналар ва аҳолининг мобиллиги (сафарбарлиги) ва бошқалар.

Юқорида таъкидлаб ўтилган, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини аниқловчи омиллар ва шарт-шароитлар аҳолини иш билан бандлиги сиёсатининг ижтимоий-иктисодий йўналишлари ва тамойиллари билан рақобатга (ёхуд зиддиятга) киришиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат бозорида салбий тенденцияларга қарши ҳаракат қилувчи тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва ўтказиш алоҳида ўринга эга. Худудий меҳнат бозориларининг омиллари ва конъюктурасидаги фарқларни ҳисобга олган бандлик сиёсати давлат томонидан ишлаб чиқиласди. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ва «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунда акс эттирилган [2].

Давлат томонидан қўлланиладиган тартибга солувчиларнинг (иктисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий) ўрни меҳнат бозорида зиддиятларни юмшатиш, ишчи кучига талаб ва таклиф конъюктурасидаги номувозанатликдан ва уларни инқирозий бузилиш оқибатларидан (ялпи ишсизликнинг пайдо бўлиши, ижтимоий хўжаликда ишга жойлашишга имконият йўқлиги, даромадларнинг пасайиши ва бошқалардан) огоҳлантириш йўли билан белгиланади. Баъзида бозор муносабатларининг ижтимоий оқибатлари натижасида шундай шароитлар шаклланадики, унда қишлоқ аҳолисининг бир қисмини меҳнат қилиш ва даромад олиш ҳуқуқларига эга бўлишида жиддий қийинчиликлар вужудга келиши оқибатида турмуш даражаси пасаяди. Иқтисодий тартибга солувчилар (солиқлар, меҳнат ҳақи, молия-кредит воситалари, инвестициялар (сармоялар)нинг жалб этилиши, бандликка кўмаклашиш жамғармаси ва бошқалар) ижтимоий-иктисодий муҳитни яратишга қаратилган, унда қишлоқ ишчи кучининг ҳаракати талаб ва таклифга мувофиқ ҳар бир мазкур даврда қуйилган мақсадлар ва вазифаларни амалга

оширишда содир бўлади. Тартибга солувчиларнинг энг муҳим йўналиши шундан иборатки, уларнинг мажмуаси орқали меҳнат бозорида нисбий мувозанатга эришиш мумкин.

### **1.3. Меҳнат бозорининг асосий вазифалари ва хусусиятлари**

Шуни таъкидлаш жоизки, «Меҳнат бозори» тушунчасининг ижтимоий-иктисодий мазмuni ва уни таркибий қисмларининг систематик тадқиқоти мазкур бозорни ўтиш даврида бажариладиган **асосий вазифаларни** ҳам аниқлашга имкон беради:

- ишчи кучига талаб ва таклифнинг ҳажми, таркиби ва нисбатини шакллантириш;
- бозор услубида хўжалик юритишининг иктиносидий, ижтимоий ва ҳукукий механизmlари ёрдамида ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солиш;
- меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга бевосита таъсир кўрсатиш;
- ишсизларни иш топишга ёки бозор ва уларнинг малакаси ва рақобат қобилиятини оширишга кўмаклашиш;
- ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва меҳнат тақсимотини ўзгартириш;
- инсоннинг ҳам ишлаб чиқарувчи ва ҳам истеъмолчи сифатидаги манфаатлари мос келишини таъминловчи юқори унумдор меҳнатга қизиқишини тартибга солиш;
- тақсимот муносабатларига билвосита таъсир қилиш.

Шундай қилиб, меҳнат бозорининг асосий вазифалари, хусусиятлари ва таркибий қисмлари мазмунини чуқур ўрганиш унинг рационал шаклланиши ва ривожланиши йўлини равшанроқ кўришга ва иш кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатнинг ўзига хос хусусиятларини топишга имкон беради.

Республикамизда меҳнат бозори ўзига хос хусусиятларига эга.

**Демографик хусусиятлари.** Шундай қилиб, меҳнат бозори, умуман, талаб ва таклиф қонунларига бўйсунган ҳолда, ўз амал қилиш механизмининг кўпгина тамойилларига кўра, бошка товар бозорларидан жиддий фарқ қиласидиган бозордир.

Бу ерда нафақат макро ва микроиктисодий омиллар, балки шулар билан бирга иш кучи баҳоси иш ҳақига доимо ҳам регуляторлар хисобланадилар. Реал иктиносидий ҳаётда меҳнат бозори динамикасига ишчи кучи таклифига ҳамда унга бўлган талабга таъсир этувчи бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Бинобарин, ишчи кучи таклифни демографик омиллар ва унинг туғилиш даражаси, меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолининг ўсиш суръатлари, унинг жинси, ёш тузилмаси кабилар белгилаб беради. Масалан, АҚШда аҳолининг ўртача йиллик қўшимча ўсиш суръатлари 30-йиллардан 90-йилларгача 1,8 фоиздан 1 фоизгacha қисқарган. Бу меҳнат бозоридаги таклиф динамикасига сезиларли таъсир этади.

Шунга ўхшашиб таъсир Ўзбекистон иктиносидида ҳам сезилади.

Ўзбекистонда ишчи кучининг йиллик ўсиш суръатлари 2,2-2,3 фоиз атрофида (яни анча юқори даражада). Бу эса ҳар йили камида 4-5 фоиз даражада (амалдаги миқдорга нисбатан) иш жойлари яратишни талаб қиласи. Шубҳасиз, бу жуда мушкул. Бунинг учун йилига бир неча миллиард сўмлик маблағ зарур.

### **Аҳолининг иқтисодий фаоллик даражаси билан боғлиқ хусусиятлар.**

Демографик омиллардан ташқари меҳнат қобилятига эга аҳолининг турли демографик ва этник гурухлари иқтисодий фаоллиги даражаси ҳам бозор динамикасининг муҳим омили ҳисобланади. Масалан, аёлларнинг ижтимоий роли фаоллашиши таъсири остида уларнинг ишчи кучи таркибига жадал жалб қилиниши ишчи кучи таклифининг ўсишига олиб келди. Аёлларнинг АҚШ иши кучларидағи иқтисодий иштироки даражаси 1950 йилдаги 34 фоиздан 1992 йилда 60 фоизга етди. (Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 40 фоиз атрофида).

Ишчи кучи динамикасига миграция жараёнлари ҳам жиддий таъсир кўрсатади. АҚШда у мамлакат аҳолиси қўшимча ўсишининг 20 фоизини ташкил этади. Очиқ холдаги иммигрантлардан ташқари АҚШда бир неча млн. яширин (нолегал) иммигрантлар (асосан Лотин Америкаси мамлакатларидан чиқканлар) яшашади. Мамлакатда миграция жараёни меҳнат бозорида ишчи кучи умумий таклифини кўпайтиради ва ундаги рақобатни кучайтиради. Иммиграция жараёнлари (хоҳ у сиёсий бўлсин, хоҳ меҳнат иммиграцияси) АҚШда маҳсус қонунлар билан тартибга солинади. Бу қонунлар мамлакатга паст даражали ишчи кучи киришини чеклашга, тегишли квоталар ўрнатган ҳолда АҚШга олий малакали кадрларнинг кўчиб келишини рағбатлантиришга йўналтирилган.

Талаб нуқтаи назаридан эса иқтисодий коньюктура ҳолати ҳамда иқтисодий цикллар фазалари бандлилиқ динамикасининг муҳим омиллари ҳисобланади. Улардан ташқари ишчи кучига бўлган эҳтиёжга илмий-техника тараққиёти ҳам жиддий таъсир кўрсатади.

**Ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ хусусиятлари.** Ҳозирга келиб жамият тараққиёти босқичлари ҳам меҳнат бозорининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатиши тўғрисида хulosа қилсак ҳам бўлади. Одатда, жамият ривожланишига ҳал қилувчи ўзгаришлар худди шундай ахамиятли ўзгаришларни меҳнат бозорининг ишчи ва ташқи «қиёфаси»да қолдиради. Чунончи, жамият ривожланишидаги сиёсий ўзгаришлар меҳнат бозорига дарҳол таъсир кўрсатади. Бунга мисол қилиб, 1930-40 йилларда Европадаги сиёсий ўзгаришларни келтириш мумкин. Маълумки, нацизм етакчи сиёсий партия сифатида Германия давлати тепасига келиши билан меҳнат бозорининг аксарият Европа ва ҳаттоқи жаҳон миқиёсида ҳарбийлашуви юзага келган эди.

Сиёсий тузумнинг алмашиши ҳам шу хилдаги ўзгаришлар учун замин ҳозирлайди. Бунга мисол қилиб инсоният тарихидаги энг йирик сиёсий ўзгаришларни (масалан, демократик бозор муносабатларининг бунёдга келиши ва х.) келтириш мумкин.

Ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг меҳнат бозори ва меҳнат муносабатларига таъсирига ёрқин намунаси сабиқ Совет Иттилоғининг емирилиши мисол бўла олади. Бунинг натижасида нафақат унинг таркибига киравчи давлатларда, балки бутун жаҳон меҳнат бозорида жиддий ўзгаришлар содир бўлди.

## **Қисқача хуросалар**

Меҳнат – бозори ишчи кучининг «меҳнатга бўлган қобилиятини» сотиш ва сотиб олиш тизимиdir.

Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари ишчи қучига талаб, ишчи кучининг таклифи, қиймати ва баҳоси ҳамда уни ёллашда рақобат ҳисобланади.

Меҳнат бозори асосий вазифаларининг бажарилиши талаб ва таклиф ўртасидаги фарқнинг камайишига ва аҳолининг иш билан бандлиги ошишига олиб келади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат бозорининг моҳияти нимадан иборат?
2. Меҳнат бозори нима?
3. Ишчи кучининг таклифи қандай демографик тузилишга эга?
4. Меҳнат бозорининг таркибий қисмлари нималардан иборат?
5. Меҳнат бозорининг қандай асосий вазифалари бор?
6. Меҳнат бозорининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) – Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Булanova В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. - 342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.ИЛемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.

12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмёминов Ш.Р. Мәхнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т.Замонавий мөхнат бозори:фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Мәхнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – мәхнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> –диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **2-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ**

- 2.1. Меҳнат бозори шаклланишининг аҳамияти ва шарт-шароитлари**
- 2.2. Меҳнат бозорининг шаклланиш тамойиллари**
- 2.3. Меҳнат бозори шаклланишининг омиллари ва чекловчилари**

### **2.1. Меҳнат бозори шаклланишининг аҳамияти ва шарт-шароитлари**

Меҳнат бозори, бозор тизимининг ажралмас қисми сифатида фақат товар ишлаб чиқариш ва муомаласи умумий ҳукмрон бўлгандагина вужудга келади. Ишчи кучи «меҳнатга қобилияти»нинг товарга айланиши меҳнат бозори шаклланишининг **бош шарти** ҳисобланади. Академик И.А. Каримов таъкидлаганидек, **«меҳнат бозори бўлмаса, ишчи кучи товарга айлантирилмаса, бозор муносабатлари тўғрисидаги гап-сўзлар оғизда қолиб кетади»**. Ишчи кучи товарга шундай ҳолда айланадики, агар унинг эгаси - ходим - ишлаб чиқариш воситалари ва турмуш кечириш воситаларидан юридик эркин шахс бўлса. Шахснинг фуқаролик эркинлиги ходимга меҳнатни қўллаш соҳаси, ундан фойдаланиш шароитлари ва иш ҳақини эркин танлаш ҳуқуқини расмий беради. Эркин субъект сифатида у шахсий мулкчилик ва ўзининг ишчи кучига эгалик ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонунда таъкидланганидек, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ишлаб чиқариш ва ижодий меҳнат учун ўз қобилиятларига эгалик қилиш ва қонунчилик ман қилмайдиган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган. Меҳнатга ҳар қандай шаклда маъмурий мажбур қилишга йўл қўйилмайди. Кишиларнинг ихтиёрий банд бўлмаслиги уларни жавобгарликка тортиш учун асос бўла олмайди».

**Меҳнатнинг эркинлиги ва ихтиёрийлиги** – умуман, республика бўйича **меҳнат бозори шаклланишининг асосий шароити ёхуд шартидир**.

Шу билан бир қаторда меҳнат бозорининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатаётган бир қатор иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иклиний ва ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжудки, уларни биз қуйида батафсилроқ кўриб чиқамиз.

Меҳнат бозори шаклланишининг **асосий иқтисодий шарт-шароити** бўлиб, ёлланма ходимларни ўз ишчи кучларига нисбатан шахсий мулкчиликлари ва иш берувчиларнинг иш жойларига жамоа ёки хусусий мулкчилиги хизмат қилади. Бу ерда шуни назарда тутиш керакки, мазкур субъектларни ўзаро алмашув муносабатига киришига уларнинг шахсий манфаатлари мажбур қилади, унинг орқасида шахсий истеъмолчилик ётади. Улар ҳам ўз навбатида қайта такрор ишлаб чиқаришда қишлоқ аҳолиси ижтимоий-иктисодий турмушининг фақат керакли ижтимоий эҳтиёжини ифодаланиши бўлади.

Меҳнат бозорининг вужудга келиши ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатга эришиш учун ўзаро рақобат қилишга тайёр эркин ва тенг ҳуқуқли шерикларнинг иқтисодий муносабатларда бўлишларини тақозо

этади. Бозорда ёлланма ходим ва иш берувчи шахсий эркинлик ва иқтисодий зарурият нүктаи назаридан ўзаро боғланган ҳамда бир-бирларига қарам бўлсалар ҳам бир-бирларига қарши турадилар.

**Ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасида бозор мувозанатига эришиш меҳнат бозорининг шаклланишида ҳал қилувчи иқтисодий шартлардан бири ҳисобланади.** Аммо бундай мувозанат мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби - таклиф қилинган меҳнатга лаёқатли аҳоли сонининг унга талаб миқдорига нисбатан тез ўсиши.

Иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ўзгаришлар ҳозирги шароитда меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифининг янги ҳаракатини белгиловчи энг муҳим иқтисодий шартлардан ҳисобланади. Булар саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларида янги иш жойларини яратишни ва мамлакатимизнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида сифат ўзгаришларини асослаб беради. Бундай шароитларда бир томондан, меҳнат бозорининг янги сегментлари агросаноат мажмуаси ва ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузилмасининг кўп жонли меҳнат талаб қиласиган тармоқлари ва ишлаб чиқариш бўғинларини қамраб олса, бошқа томондан, иқтисодиётнинг анъанавий секторларида бозор муносабатларини вужудга келтиради ва ривожлантиради.

**Ишчи кучи нархининг ўзгариши меҳнат бозори шаклланишининг муҳим иқтисодий шарти ҳисобланади.** Бозор иқтисодиётига ўтишни амалга ошираётган мамлакатларда иш ҳақи ҳақиқий даражасининг пасайиши тенденцияси кузатилади. Назарий жиҳатдан бундай вазиятда иш ҳақини ишчи кучи қийматидан пастроқ белгилаш учун қулай имкониятлар яратилади. Аммо бундай имкониятлардан фойдаланишни давлат қонунчилик йўли билан «тўсиб қўйиш»га ҳаракат қиласи. Шу мақсадда минимал иш ҳақи ва кун кечириш учун зарур миқдор даражаси расмий равишда белгиланади. Бундай ҳолда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти нормал фаолият кўрсатганда минимал иш ҳақи кун кечириш учун зарур миқдор даражасидан кам бўлмаслиги лозим.

**Меҳнат бозори конъюктурасини шаклланишининг ижтимоий шарт-шароитлари орасида ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг сифат кўрсаткичларини ошиши етакчи ўрин эгаллайди.** Агросаноат мажмуаси ва хизмат кўрсатиш тармоқлари кўламларининг кенгайиши, уларнинг интенсив ривожланиши, ўз вақтида моддий-техник ва молиявий ресурслар билан таъминланиши ишчи кучининг қайта тайёргарликдан ўтишини ва янги замонавий касбларни (универсал ишчи ва хизматчи, тадбиркор, менежер, маркетолог ва ҳ.к.) ўзлаштиришни талаб қиласи.

**Демографик шарт-шароитлар ишчи кучи таклифининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.** Масалан, юқори даражадаги туғилиш меҳнат бозорига аҳолининг катта оқими келишини асослайди. Республикада меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёш бўйича тузилишида 16-29 ёшдаги йигит-қизлар улуши 2001 йилда 26,4 %ни ташкил қиласи (2.1-жадвалга каранг).

Ўрта мактабларни битирувчиларнинг кўпчилиги, дастлабки касб тайёргарлигига эга бўлмасликлари ҳолда қишлоқ хўжалигига жалб

қилинадилар. Самарқанд вилоятида ўтказилган социалогик тадқиқот шуни кўрсатдики, иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида ёшларнинг улуши 34%ни, баъзи туманларда эса 35-55 %ни ташкил қилди, уларнинг мутлақ кўпчилиги хотин-қизлардир(60-65%). **Ёшларнинг 89 фоиз** ишга жойлашишни хоҳлайдилар.

2.1.-жадвал

### **Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш бўйича тузилиши**

Кўрсаткичлар	1999й.	2000й.	2001й.
Аҳолининг барчаси	100	100	100
Шу жумладан:			
Меҳнатга лаёқатли ёшдан кичик ёшдагилар	41,3	40,6	39,7
Меҳнатга лаёқатли ёшдагилар, шу жумладан:	51,2	52,0	53,0
16-29 ёшдагилар	24,8	25,7	26,4
Меҳнатга лаёқатли ёшдан катта ёшдагилар	7,5	7,4	7,3

Меҳнат бозори шаклланишига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иш мавсумий бўлғанлиги учун иш билан тўлиқ банд бўлмаган шахсларнинг кўпчилиги сезиларли таъсир қўрсатади. Бизнинг баҳолашимизча, 2000 йилда шу сабабга кўра Самарқанд вилояти қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида 38,4 минг киши, яъни ундаги ходимларнинг 18,4 фоизи иштирок этмаган. Мавсумий меҳнат даврининг катталиги ишсизлик хавф-хатари ва ҳажмини оширади. Ҳозирча қишлоқ хўжалигида қўл меҳнатининг улуши анча катта. Аммо бу анъанавий тармоқнинг экстенсив ривожланиши ва янги қўшимча иш жойларини яратиш имкониятлари камлиги ҳамда ер ва сув ресурслари етишмаслиги туфайли чекланган. Шу билан бирга илмий-техник янгиликлар ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор услубларини татбиқ этиш ходимлар қишлоқ хўжалигидан озод қилинишини тезлаштиради. Бу эса юқори малакага эга бўлмаган меҳнатга талабни янада камайтиради ва ишсизликни, айниқса, кўп болали аёллар ва ёш қизлар ўртасида кўпайтиради.

Иш берувчи ва ёлланма ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси (контракт) меҳнат бозорида ишчи кучини сотиш-сотиб олишнинг **хал қилувчи ҳуқуқий шарт-шароити** ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқи бўйича ғарб мутахассисларининг илмий ишларида меҳнат шартномаси «Ходимни иш ҳақи эвазига меҳнат қилиш мажбуриятини олиши ва ҳуқуқий бўйсуниши мавжудлиги ҳақидаги келишув» сифатида ифодаланади. Шартнома ҳусусий-ҳуқуқий харидларнинг турлича кўриниши бўлиб, унга нисбатан фуқаролик ҳуқуқига хос мөърлар, қоидалар, концептуал конструкцияларни қўллаш имкониятлари ва заруриятини асослайди.

Меҳнат шартномасининг бош ҳусусияти шундан иборатки, уни тузиш албатта бўйсуниш ва боғлиқликка олиб келади, бундан ташқари вужудга келган ҳуқуқий муносабатларга ишончлилик ва узоқ муддатлилик характерини

ифодалайди. Ишловчини ёлловчига бўйсунишига иқтисодий маънода меҳнат шартномасининг асосий аломати сифатида қаралади. Бу бўйсуниш, қоидага кўра, нафақат ижтимоий-иқтисодий, техник, ташкилий - балки, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва «Меҳнат кодекси»нинг барча талабларига жавоб берувчи шакллантирилган юридик характерга эга.

Иш қучига талаб ва таклиф нисбатининг яхшиланишига табиий-иқлим шароитлари муҳим рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қиласди. Юқори унумдор қишлоқ хўжалиги ерларида ва етарлича сув билан таъминланган яшаш жойларида ишчи кучи кўпроқ жамланади ва ишчи жойлари нормал фаолият кўрсатади. Янги иш жойларини яратиш ва ишлаб турган корхоналарни кенгайтириш йўли билан ишчи қучига талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлашга маълум даражада имкониятлар вужудга келтирилади. Булар эса меҳнат ресурсларининг ортиқчалик даражасини, демак, ишсизлик миқёсини ҳам кескин камайтиришга бевосита таъсир этади.

## **2.2. Меҳнат бозорининг шаклланиш тамойиллари**

Юқорида қайд этилган шарт-шароитлар меҳнат бозори фаолият кўрсатишининг қўйидаги **асосий тамойилларини** тўлиқ амалга татбиқ этган ҳолда мазкур бозор шаклланишига самарали таъсир кўрсатади:

- **ишчи қучининг эркин таклифи.** Бу меҳнатга лаёқатли қишлоқ аҳолисининг иш билан банд бўлиш ва бўлмасликни ихтирий танлашини, меҳнат қонунлари томонидан тақиқланмайдиган ва ҳар бир ходимнинг шахсий ва жамоа манфаатларини ҳисобга олувчи касб ва фаолият турини эркин танлаш учун шароитлар мавжудлигини англаради;
- **иш берувчиларнинг ишчи қучига мустақил талаби.** Бозор иқтисодиёти ходимларни барча иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Меҳнат кодекси» қоидаларига албатта амал қилган ҳолда ишга эркин ёллашлари ва ишдан бўшатишлари ҳамда бандлик, меҳнат шароитлари ва унга ҳақ тўлашни кафолатлаш билан фуқороларнинг манфаатларини ҳимоя қилишлари учун имкониятлар яратади;
- **ёлланма ходимларнинг иш берувчилардан хуқуқий ва ижтимоий ҳимоя қилинганлиги;**
- **иш ҳақи ва бошқа қонуний даромадлар чегарасини Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган «кун кечириш учун зарур миқдордан кам бўлмаслик»ка риоя қилган ҳолда эркин белгилаш.**

## **2.3. Мехнат бозори шаклланишининг омиллари ва чекловчилари**

Ортиқча меҳнат ресурсларига эга республикамиз ҳудудларда ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифи пасайишига бевосита таъсир этувчи **омилларни тадқиқ қилиш** энг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этади. **Ишчи кучига талабнинг ошишини** асословчи омилларга қўйидагилар киради: ноқишлоқ хўжалиги тармоқларида янги иш жойларини яратиш, меҳнат қўлланиладиган амалдаги минтақаларни техник қайта жиҳозлаш, модернизациялаш, қайта таъмирлаш, хорижий сармояларни жалб қилиш, янги ерларни ўзлаштириш, қайта ишлаш саноати, хизматлар кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти қўламини кенгайтириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва бошқалар. Шу билан бир вақтда **ишчи кучи таклифини пасайтирувчи** омиллар вужудга келади ва улар таъсир қила бошлайди: шахсий ёрдамчи хўжалик, якка меҳнат фаолияти, хусусий тадбиркорлик ва ўз-ўзини банд қилишнинг бошқа соҳаларини ривожлантириш, бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кенгайтириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усусларини татбиқ этиш, инфляция ва ишсизликни пасайтириш, маҳаллий кадрларнинг рақобатбардошлиги, сафарбарлиги ва малакасини ошириш ва бошқалар.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларда эса бир қатор омиллар **ишчи кучига талабнинг пасайишига** кўмаклашади. Хусусан, бу ижара ва хусусий мулкчиликни ривожлантириш, тўлаш қобилиятига эга бўлмаган ёки экологик заарали корхоналарни ёпиш, янги ерларни ўзлаштириш қўламини қисқартириш, моддий-техниковий ва молиявий ресурслар таъминотини яхшилаш, интенсив технологияни қўллаш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва ҳ. к.

Бундан ташқари, мазкур ҳудудларда **ишчи кучи таклифини оширувчи** омиллар мавжуд, кадрларнинг малакаси ва сафарбарлиги даражасининг пастлиги, меҳнат ресурслари сони ўсиш суръатининг иш жойлари миқдорига нисбатан юқорилиги, қишлоқ хўжалигига ишловчиларни иш жойидан озод этиш ҳолларининг қўпайиши, меҳнатни қўллаш минтақаларининг етишмаслиги ва бошқалар.

Шу билан бирга шундай омиллар ҳам борки, улар комплекс ҳолида ишчи кучи таклифининг шаклланиши ҳолатига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Уларга қўйидагилар киради: ишлашни хоҳловчилар, ёлланган ходимлар ва иш берувчиларнинг табиий ва механик ҳаракатлари; ёлланма меҳнатни ташкил қилишнинг турли-туман услублари; турмуш учун зарур бўлган маблағлар жамғармаси, ёлланган ходимларнинг пул даромадлари; нафақаҳўрлар ва болалик аёлларнинг меҳнат ва ижтимоий пенсиялари, имтиёзлари ва кафолатлари; касбий тайёрлаш ёки қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга зарурияти бўлган шахсларни маблағлар билан таъминловчи давлат, корхона ва оиланинг молиявий имкониятлари; шахсий ёрдамчи хўжалигига ва ёлланмасдан «уй меҳнати»да банд бўлганларнинг сони; қуролли кучларда хизмат қилувчилар сони ва уларда хизмат қилиш муддати; муқобил ва малакали касбий хизматларни такомиллаштириш ва ҳ.к.

Ишчи кучига талабнинг ўсиши ёки камайиши (динамикаси) қуйидаги миқдор ва сифат кўрсаткичларининг ўзгариши билан аниқланади: мавжуд бўлган ва янгидан яратиладиган ишчи жойлари; инвестиция салоҳияти ва унинг такорор ишлаб чиқариш тузилиши; иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар; мулкчилик шаклларининг турли-туманлиги; корхоналар ва ташкилотларнинг тўловга қодир эмаслиги (банкротлиги) ва ҳ.к.

Ўзбекистон шароитида меҳнат бозорини самарали шакллантиришга тўсиқ бўладиган **бир қатор чекловчилар ҳам** мавжуд: меҳнатни қўлланишнинг ноқишлоқ хўжалиги минтақалари яхши ривожланмаганлиги; меҳнат ҳақининг паст даражаси; истеъмол товарларининг қимматлашуви; ёлланма ишчи кучининг малакаси ва сафарбарлиги пастлиги; иш берувчиларнинг етарлича тажрибага эга эмаслиги ва ҳ.к.

Шу билан бирга ўтиш даврида ноқишлоқ хўжалиги меҳнат минтақаларининг етишмаслиги, иш ҳақининг паст даражаси ва истеъмол товарларининг қимматлашуви, хом ашёлар етишмаслигининг кўпайгани, маҳаллий кадрлар малакаси ва мобиллиги даражасининг пастлиги ишчи кучига талабнинг ошишига асосий тўсиқ бўлмоқдалар. Ходимлар меҳнатининг якуний натижалари қадрсизланиши мулкнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш самарадорлигини оширишга тўсиқ бўлувчи асосий иқтисодий воситалардан биридир. Бу соҳада ижобий натижаларсиз бозор иқтисодиётининг асосий ҳаракат қилувчи кучлари - тадбиркорлар, яъни меҳнат бозорида ишчи кучининг харидорлари пайдо бўлиши мумкин эмас.

Иш берувчилар малакасининг пастлиги ва уларда тадбиркорликка тажриба кўнималари етишмаслиги меҳнат бозорининг шаклланиши йўлида жиддий тўсиқ бўлмоқда. Бу муаммоларни ижобий ҳал қилиш учун тадбиркор «Бизнес», «Маркетинг», «Менежмент», «Банк иши», «Информацион технология», хорижий тиллар каби фанларни мукаммал билишлари, саноат меҳнатини ҳал қилувчилик ўрнини тушунишлари ва уни бошқа ҳар қандай меҳнатдан юқори баҳолай олишлари учун маълум вақт ва шароитлар керак.

Шундай қилиб, юқорида қайд этилган меҳнат бозорининг асосий таркибий қисмларини мукаммал тадқиқ қилиш - унинг шаклланиш жараёнини батафсил ифодалабгина қолмасдан, балки бу соҳада ечилиши лозим бўлган асосий муаммоларнинг аниқланишига ҳам имкон беради: ишчи кучига талабни ўстириш ва унинг таклифини камайтириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан ортиқча ходимларни озод бўлишини тезлатиш; иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг рақобатбардошлиги ва малакасини ошириш, турғунлигини камайтириш ва унинг ижтимоий ҳимояланганлигини таъминлаш. Бу муаммоларни меҳнатни қўллашнинг ноқишлоқ хўжалиги бўлган тармоқларини ривожлантириш, ўқув муассасалари ва бандлик хизматларининг фаолиятини яхшилаш ва меҳнат бозорида ижтимоий-иктисодий муносабатларни самарали тартибга солиш йўли билан муваффақиятли ҳал қилиш мумкин.

## **Қисқача хуросалар**

Меҳнат бозори шаклланишига ишчи кучининг «меҳнатга бўлган қобилияти» товарга айланиши, эркин таклифи, иш берувчиларнинг ишчи кучига мустақил талаби, иқтисодиётнинг таркибий ўзгариши, кўп мулкчиликнинг ривожланиши каби иқтисодий, ижтимоий ва ҳукуқий шартшароитлар бевосита таъсир этади.

Меҳнат бозори шаклланишида асосий муаммо бўлган ишчи кучига талабнинг ортиши ва унинг таклифи камайиши турли омиллар, тамойиллар ва чекловчилар таъсирида амалга оширилади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат бозорининг шаклланишига қандай шарт-шароитлар таъсир этади?
2. Меҳнат бозори шаклланишининг қандай тамойиллари мавжуд?
3. Мазкур бозор шаклланишининг қандай омиллари бор?
4. Ишчи кучига талаб ва таклифнинг шаклланишига нималар тўсик бўлади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) – Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Булanova В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. - 342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Дорохотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.ИЛемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.

13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмёминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т. Замонавий меҳнат бозори: фаолияти ва бошкарилишининг иқтисодий механизми. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **3-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ ИШЛАШ МЕХАНИЗМИ, ТУРЛАРИ ВА СЕГМЕНТЛАРГА БЎЛИНИШИ**

### **3.1. Меҳнат бозорининг ишлаш механизми**

### **3.2. Меҳнат бозорининг турлари ва моделлари**

### **3.3. Меҳнат бозорининг сегментларга бўлиниши ва ундаги мослашувчанлик**

#### **3.1. Меҳнат бозорининг ишлаш механизми**

Меҳнат бозори қандай ишлашини тушуниш учун мазкур бозордаги талаб ва таклифни ўрганиб чиқиши лозим. Р.Ж. Эренбергер ва Р.С. Смитнинг ёзишларича, меҳнат бозорини тадқиқ қилиш талаб ва таклифни таклиф қилиш билан бошланади, тугалланади ҳамда меҳнат бозори ишлашининг ҳар қандай натижаси ҳамиша ушбу таркибий қисмларга ва уларнинг ўзаро алоқасига у ёки бу даражада боғлиқ бўлади. **Маршаллнинг** сўзларини ўзгартириб айтганда, қайчининг иккита жағи ёрдамидагина мато бўлагини қирқиб олиш мумкин.

Меҳнат талабининг меҳнат нархига боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Фараз қилайлик, бирорта саноат тармоғида иш ҳақи ошди. Шу билан бирга технология, фойдаланиладиган усқуна ва бошқа омиллар ўзгармай қолди. Натижада маҳсулот таннархи ва ушбу маҳсулот нархи ошади. Харидор нархи юқори маҳсулотни камроқ сотиб олади, маҳсулот ишлаб чиқарувчи эса уни ишлаб чиқаришни, бинобарин, ходимларни қисқартиришга мажбур бўлади. Шу тариқа, иш ҳақини ошириш натижасида (бошқа шарт-шароитларнинг барчаси бирдек тенг бўлган тақдирда) иш билан бандлик қисқаради. Иш билан бандликнинг бундай қисқариши **кўлам самараси** дейилади<sup>1</sup>.


Бошқача йўл тутилган бўлиши ҳам мумкин: ишлаб чиқарувчилар иш ҳақини оширгач, капитал сифими юқорироқ бўлган ишлаб чиқаришни, ресурс тежайдиган технологияларни қўлланиш орқали маҳсулот таннархини пасайтириш йўлларини қидирадилар, буларни қўлланиш натижасида ҳам ходимларнинг иш билан бандлиги камаяди. Иш билан бандликнинг бундай қисқариши **ўрнини босиши самараси** дейилади, чунки ишлаб чиқариш жараёнида капитал ишчи кучининг ўрнига ўтади.

Иш ҳақи ва иш билан бандлик ўртасидаги ўзаро боғлиқлик талабнинг эгри чизиги билан кўрсатиб берилиши мумкин (3.1-чизма). 3.1-чизмадан кўриниб турганидек, талабнинг эгри чизиги пасаядиган чизик, яъни у иш ҳақи ошган сайин меҳнатга талаб камайишини кўрсатади. Ушбу эгри чизик ишчи кучи қиймати ўзгариб, талабга таъсир этадиган бошқа омиллар ўзгармаган тақдирда ходимлар сони қай тариқа ўзгаришини кўрсатади, шу билан бирга, иш ҳақи ўзгарганда меҳнатга талаб эгри чизик бўйлаб боради.

Ҳозирга қадар биз талаб механизмини кўриб чиқишимизда бошқа омиллар таъсирини эътиборга олганимиз йўқ. Энди улар талабнинг ўзгаришига қандай


<sup>1</sup> Ўදдайядада D.Æ., Нièò D.Ñ. Çàìñââèé ìåщíàò è=ðèññäè, ðè. 46-á.

таъсир этишини кузатамиз. Айтайлик, маҳсулотга талаб ошмоқда, бошқа омиллар эса бунда ўзгараётгани йўқ.



### **3.1-чизма. Мехнатга талаб эгри чизиги.**

Бунда шу нарса аён бўладики, ишлаб чиқариш даражаси ошиб боради ва иш ҳақи ставкаси қандай бўлишидан қатъи назар кўлам самараси меҳнатга талабни оширади. Мазкур ҳолда ўрнини босиш самараси юзага келмайди, чунки меҳнат ва капитал нархлари ўзгармайди. Рўй берган ўзгариш умуман ўнгга суриладиган меҳнат талаби эгри чизиги ёрдамида қўрсатилиши мумкин (3.2.-чизма). Ушбу сурилиш эҳтимолий иш ҳақи ставкаси қанча бўлишидан қатъи назар меҳнатга талаб қилинадиган ходимлар сонининг ошиб боришини кўрсатади.



### **3.2.-чизма. Мехнатга талаоб эгри чизигининг ишлаб чиқариш ҳажми ортиши туфайли силжиши.**

Башарти, капитал нархи ўзгариши рўй берса, иккита қарама-қарши самара юзага келади. Бир томондан, кўлам самараси (капитал нархи ва таннарх пасаяди, ишлаб чиқариш юксалиши рағбатлантирилди ва иш билан бандлик даражаси ошади) меҳнатга талаб эгри чизигини ўнгга силжитади. Бошқа томондан, силжиш самараси (капитал сифими кўпроқ технологиялардан

фойдаланилади, ишчи кучига эҳтиёж камаяди) талаб эгри чизигини чапга силжитади. Капитал нархи ошиши меҳнатга талаб борасида ҳам худди шундай номуайянликка олиб келади, лекин мазкур ҳолда кўлам самараси меҳнатга талаб эгри чизигини чапга, ўрнини босиш самарасини эса ўнгга силжитади. Шундай қилиб, иқтисодий назария капитал нархининг модификацияси меҳнатга талабни қандай ўзгартиради, деган саволга мутлақо аниқ жавоб бермайди.



### 3.3.-чизма. Мехнат таклифи эгри чизиги.

Қўйидагича хulosа чиқариш мумкин: агар иш ҳақи ўзгарса, меҳнатга талаб эгри чизиқ бўйлаб юқорига ёки пастга қараб юриши, маҳсулотга талаб, ишлаб чиқариш ҳажмлари ўзгариши, капитал нархи каби бошқа омиллар амал қиласа, меҳнатга талаб эгри чизигининг ўзи силжийди.




### 3.4-чизма. Иш ҳақи ўзгариши туфайли таклиф эгри чизигининг силжиши.

**Мехнат бозоридаги таклиф механизмини** осон тушуниш учун уни алохида лавозим мисолида кўриб чиқамиз. Бирорта лавозим бўйича иш ҳақи

ошган (бунда бошқа лавозимлар бўйича иш ҳақи ўзгармаган) тақдирда бундай лавозимда ишлашни хоҳлайдиган одамлар кўпайиши ва аксинча, иш ҳақи пастроқ бўлган тақдирда ҳеч кимда бундай хоҳиш пайдо бўлмаслигини кутса бўлади. Шундай қилиб, лавозимлар бирон-бир муайян бозорда меҳнат таклифи ушбу бозорда устунлик қилаётган иш ҳақи ставкалари билан боғлиқ. Меҳнат таклифи меҳнат нархига боғлиқлиги 3.3.-чизмада кўрсатилган. Меҳнат таклифи эгри чизиги каби таклиф эгри чизиги ҳам бунда бошқа омилларни эътиборга олмай тузилган.

Фараз қилайлик, бошқа бир лавозим бўйича иш ҳақи ошадио, бошқа омиллар ўзгармай қолади. Бундай тақдирда ходимлар аввалги лавозимларида ишлаш мўлжалларини ўзгаририб, иш ҳақи ошган янги лавозимларини ўzlари учун танлайдилар. Бу эса таклиф эгри чизигининг чапга силжишига олиб келади, бу 3.4-чизмада кўрсатилган.



### 3.5-чизма. Меҳнат бозорида талаб ва таклиф.

Оралиқ якун ясар эканмиз, шуни таъкидламокчимизки, меҳнат бозоридаги талаб эгри чизиги иш берувчилар ҳар бир муайян иш ҳақи ставкаси бўйича (бошқа омиллар ўзгармаган тақдирда) қанча миқдорда ходим олмоқчи эканликларини кўрсатади. Таклиф эгри чизиги эса ҳар бир иш ҳақи ставкаси даражасига мувофиқ қанча ходим меҳнат бозорига чиқиши мумкинлигини кўрсатади.

**Талаб ва таклиф ўзаро алоқадорлиги** 3.5-чизмада кўрсатилган. Эгри чизиклари кесишидиган нуқта (классик назарияга кўра, «Маршалл кесишимаси») талаб ва таклиф тўғри келишини акс эттиради, ушбу кесишимага мос келадиган

иш ҳақи эса бозор мувозанати иши ҳақи (Их) дейилади. Томонларнинг барчаси қаноатланган бозор мувозанатли ҳолатдадир.

Агар бозордаги иш ҳақи **бмпИх** (бозор мувозанатидан паст иш ҳақи) нүктасида тұхтаса, *талаb юқори (юТ-б нүктаси), таклиф* эса — *паст (пТ-ф нүктаси)* бўлади ва талаб таклифдан ошади. Бундай шароитда иш берувчилар ходимларни ишга олиш учун рақобатлашадилар, бу эса бозорда иш ҳақи муайян даражада ошишига олиб келиши мумкин. Бунда қуйидаги иккита вариант бўлиши мумкин:

1. Күпроқ миқдордаги ходимлар бозорга чиқиш ва иш қидиришни бошлашга ахд қиласы (яғни ҳаракат юқорида айтганимиздек таклиф еткізілген көзінде орналасқан).
  2. Иш ҳақи ошғанлығы иш берувчиларни ходимларни қабул қилиш миқдорини чеклашга мажбур қиласы (яғни ҳаракат талаб еткізілген көзінде орналасқан).

Башарти, иш ҳақи **бмюИХ** (бозор мувозанатидан юқори иш ҳақи) нүктасигача ошса, таклиф талабдан ошади(**юТ** нүктаси), ходимлар ортиқчаси юзага келади ва малакали иш берувчиларни пастроқ иш ҳақига ёллаш, бунинг устига кўпроқ миқдорда ёллаш имкони пайдо бўлади. Иш топганларнинг баъзилари (масалан, ишсизлар) мамнун бўладилар, бошқалар эса ишни янги жойлардан қидирадилар. Шундай қилиб, иш ҳақи **бмюИХ** нүктаси даражасидан пастга қараб юрса, талаб ва таклиф мувозанатга яқинлашади.

Бозор мувозанати иш ҳақи (**бмИХ**), одатда, меңнат бозорида устунлик қиласы ва умумқабул қилинган иш бўлиб қолади, буни иш берувчилар ҳам, ходимлар ҳам ҳисобга олишлари керак<sup>2</sup>.

Мөхнат бозорини ҳаракатга келтиришнинг энг муҳим омили иш кучининг нархи ҳисобланади. Материалистик концепцияга мувофиқ иш кучининг қиймати иш кучини қайтадан тиклаш учун зарур бўлган ҳаётий воситаларнинг қиймати билан белгиланади. Бунга овқатланиш, уй-жой ҳақи, маълумот олиш, соғлиқни сақлаш ва дам олишга сарфланадиган харажатлар қўшилади. Иш кучи нархига баҳо беришга иқтисодий назариячилар турлича ёндашганлар. Материалистик назариянинг тасдиқлашича, иш ҳақи барча ишлаб чиқариш омиллари — рента, фоиз, фойдани тўлагандан кейин қолган якуний даромад ҳажми билан белгиланади. «Битишиув» назарияси эса иш ҳақи даражаси энг охирги ишчи (ёлланганлардан сўнггиси) ишлаб чиқарган товарлар қиймати билан белгиланади, агар ходим ишлаб чиқарган қўшимча товарлар нархи иш берувчи тўлайдиган иш ҳақидан кам бўлса, иш берувчи бошқа ходим ёлламайди, деб ҳисоблайди.

Иш кучи нархининг паст даражаси яширин ишсизликнинг қўпайиб бориши омилларидан бири бўлади, чунки ишсизлик муайян вақтгача корхоналарнинг молиявий аҳволи учун ҳаддан ташқари оғир юк бўлмайди. Иш ҳақининг ўртача паст даражаси иш билан бандлик ва унинг тузилишига салбий таъсир қиласиди. **Биринчидан**, у ходимларнинг техник жиҳатдан бирмунча орқада қолган саноатнинг хом ашё тармоқларига ўтиб кетишини кескин кучайтиради, бу

<sup>2</sup> Ýðáiáððák Þ.Æ., Nièò Þ.Ñ. Càííàéé jåmpíàò è=òëññäè òè.

тармоқларда иш ҳақи даражаси ўртача даражадан бирмунча юқори бўлади, шунингдек ишлаб чиқаришда кам малакали меҳнат устунлик қиласди, бу билан бусиз ҳам иш билан бандларнинг касб-малака тузилишини мураккаблаштириб юборади. **Иккинчидан**, иш ҳақи даражасининг пастлиги истеъмол бюджетини торайтиришга ва издан чиқаришга олиб келади, уни фақат биринчи галда зарур бўладиган товарлар ишлаб чиқаришга йўналтиради. Айни вақтда аҳолининг узоқ вақт ишлатиладиган товарларга эҳтиёжи пасаяди, бу эса техник жиҳатдан илғор бўлган ишлаб чиқариш ҳажмини ва иш билан бандликни қисқартиришга олиб келади.

Давлат ўз-ўзидан асосий иш берувчи (аввало, ноишлаб чиқариш тармоқларида) бўлиб қолар экан, энг кам иш ҳақини ва бюджет соҳасидаги ходимлар учун ягона тариф сеткасини ўрнатиш ёрдамида иш кучининг нархига ҳозирча жиддий таъсир қилиш имкониятига эгадир, ҳолбуки у мулкчиликни давлат тасарруфидан чиқариш шароитида бу ўринда ҳам ўз монополиясини шиддат билан йўқотмоқда.

**Рақобат** — ҳар қандай бозор механизмини ташкил этувчи ажралмас қисм бўлиб, у кўп микдордаги эркин харидорлар ва иш кучини сотувчиларнинг мавжудлиги ҳамда улар учун меҳнат бозорига эркин кириш ва уни тарқ этиш имкониятини англатади.

Меҳнат бозори сифати хусусиятининг энг муҳим мезони унинг инфратузилмасининг ривожланиш даражасидир. Меҳнат бозори инфратузилмасини унинг таркибий қисми сифатида таърифлаш мумкин, у давлат идораларини, иш билан бандликка кўмаклашувчи нодавлат тузилмаларини, корхоналар ва фирмаларга кадрлар хизматини, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларини, норматив-хуқуқий муҳитни ўз ичига олади, улар иш кучига эҳтиёж билан таклиф ўртасидаги энг самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлайди.

Меҳнат бозори инфратузилмасининг асосий вазифаси иш кучининг баҳоси, меҳнат шароити, ходимнинг у ёки бу ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш ижтимоий-меҳнат низомларини тартибга солиш хусусида иш берувчи билан ходим ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Одатда, бу муносабатлар коллектив шартномалар тизими асосида тартибга солинади. Бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда коллектив шартнома тизими меҳнат бозорида давлат томонидан тартибга солишдан кўра бирмунча фаолроқ роль ўйнайди.

Меҳнат бозори инфратузилмаси вазифасига ходим билан иш берувчини алоқага киришга ва ўзаро ҳамкорлик қилишга тайёрлаш, шартнома тузишда ёрдам кўрсатиш, ўзаро ҳар томонлама ҳамкорликни таъминлаш ва меҳнат бозорига чиқувчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳам киради. Ривожланган меҳнат бозори иш берувчилар билан ёлланиб ишловчиларнинг ўзаро ҳамкорлигидан ташқари ҳар икки томоннинг жамоа манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ташкилий тузилмалар (касаба уюшмалари, тадбиркорлар, ишсизлар ва бошпанасизлар ассоциациялари, ижарачилар уюшмаси ва шу кабилар) мавжуд бўлишини ҳам тақозо этади, шунингдек ижтимоий ҳамкорлик соҳасида давлат воситачилигини ҳам талаб қиласди.

Меҳнат бозори субъектлари муносабатлари тизимиға маҳсус органларининг қўшилиши улар ўртасида зиддиятлар бўлмаслигини таъминлаш, турли-туман иқтисодий воситалар ва усуллар, ҳукуқий нормалар ёрдамида иш билан бандлик жараёнлари ва сиёсатини ташкил этиш ҳамда тартибга солишни таъмин этиш зарур.

Бозор иқтисодиётининг узвий таркибий қисми бўлган меҳнат бозори ўзининг ривожланишида бошқа барча томонларнинг (шу жумладан, капитал бозорининг, молия бозорининг, турар жой бозори ва ҳоказоларнинг) мавжудлиги ва ривожланганлигига боғлиқ бўлади, улар иш ўринларининг ҳаракат қилиш эркинлиги (уларни ташкил этиш ва тугатиш), иш кучининг иш билан бандлик соҳалари, хўжалик тармоқлари ва ҳудудлар бўйича ҳаракат қилиши (бўшаб қолиши, қайта тақсимланиши) мезонларини белгилаб беради.

Хозирги замон иқтисодий тизимининг яна бир таркибий қисми борки, уни ҳисобга олиш меҳнат бозорининг ҳозирги аҳволига ва ўзига хос ҳусусиятларига, унинг чегараларини белгилашга баҳо бериш учун айниқса мухимдир. Бу таркибий қисм иш кучи захираси бўлиб, унинг микдори ва мавжуд бўлиш шакли такрор ишлаб чиқариш циклининг муайян босқичига (юксалиши, таназзули, танглиги, турғунлиги билан) боғлиқ бўлади. Мазкур масалани аниқлаштириш зарур, чунки назария ва амалиётда иш кучи захирасини ишсизлик билан айни бир нарса деб ҳисоблашга, унинг кутилаётган миқёсларини асоссиз равишда ошириб юборишга йўл қўйилади.

Меҳнат бозоридаги вазиятга баҳо беришда иш кучининг захираларидан бир нечта турини ажратиб кўрсатиш зарурлигига асосланиш мақсадга мувофиқдир. Улар ижтимоий ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлигини таъминлаш мақсадида давлат йўли билан тартибга солиб турининг турли усулларига мухтож бўлади:

— иш кучининг муомаласи соҳасидаги захиралари (яни жорий очиқ меҳнат бозори);

— иш кучининг ишлаб чиқариш ичидаги захиралари; улар муайян ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазиятга боғлиқ равишида меҳнат бозори чегараларини торайтириши ёки кенгайтириши мумкин (яширин меҳнат бозоридаги захиралар);

— оиласарнинг киши бошига ўртacha истеъмол даражаси етарли бўлганда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ёлланиб ишлашга даъвогар бўлмаган захиралари (ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқишида иш билан банд бўлган шахслар, уй хўжалигига ва шахсий ёрдамчи хўжаликда, якка тартибда ва оиласий меҳнат фаолияти билан, иш билан банд бўлган, тадбиркорлик ва ҳусусий иш билан, фермерлик билан банд бўлганлар, ижара ва пудрат шартномаси шартлари асосида ишловчилар, меҳнатга қобилиятли пенсионерлар ва ногиронлар);

— қуролли кучлар сафида хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган иш кучи захиралари.

Иш кучи захираларининг мазкур шакллари ўртасидаги чегаралар анча ҳаракатчан, мослашувчан бўлиб, хўжалик механизми ва иш билан бандликнинг танлаб олинган тартибга солувчиларининг иқтисодий ривожланиш даражасига,

иқтисодиётдаги бозор моделининг ўзига хос томонларига, такрор ишлаб чиқариш цикли ва сиёсий вазият аниқ босқичининг даражасига ўхшашлигига боғлиқ бўлади. Ҳозирги босқичда меҳнат бозорини ташкил этишни тартибга солиш ва такомиллаштириш соҳасидаги чора-тадбирлар ана шу нуқтаи назардан асослаб берилиши лозим. Шу билан бирга, меҳнат бозори ва иш билан бандлик сиёсати давлат бошқарувининг нисбатан мустақил кичик тизими сифатида алоҳида ажralган ҳолда шаклана олмайди. У бутун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг ажralmas қисмини, айниқса, унинг устувор қисмини ташкил этиши лозим.

### **3.2. Меҳнат бозорининг турлари ва моделлари**

Барча турдаги бозорларда сотувчилар ва харидорлар мавжуд бўлиб, улар харакат қилганидек, бу жараён меҳнат бозорида ҳам амал қиласди. Бу бозор меҳнатни сотадиганлар ва сотиб оладиганлардан иборат бўлади. Агар сотувчи ва харидорлар бир-бирларини бутун мамлакат бўйлаб изласалар, бундай бозор **миллий** меҳнат бозори дейилади. Сотувчи ва харидорлар бир-бирларини фақат муайян ҳудудда изласалар, бундай бозор **маҳаллий** бозор деб номланади.

Агар ишчи кучининг географик, фирма ичидаи, касбий ҳаракати, иш жойларини тўлдириш мезонидан келиб чиқилса, унда бозорнинг турли мамлакатларда турли нисбатларда мавжуд бўлган икки турини ажратиш мумкин.

**Биринчи тури** — ишчи кучининг географик ва касбий ҳаракатини, яъни иш жойларини ходимларни корхона (фирма)лар ўртасида ҳаракатлантириш йўли билан тўлдиришни назарда тутадиган бозор. У шартли тарзда **ташқи бозор деб аталган**. Америка Кўшма Штатларидаги меҳнат бозорининг модели бунга кўпроқ мойил.

Бундай бозор доирасида фирмалар кадрлар билан четдан бутланади, зарур касб ва малакага эга бўлган тайёр ходимлар танланади, уларни корхонадан ташқарида тайёрланишига умид қилинади. Бундай корхоналарда тайёрлашнинг асосий шакли — шогирдлик.


**Иккинчи тур** — ходимларнинг фирма ичидаи касбий ҳаракатига мўлжалланган бозор: кадрларни тайёрлаш, касблар ва малака бўйича тузилмани шакллантириш фирма ичиди иш жойларни тузилмасига, корхонани ривожлантириш истиқболларига мувофиқ амалга оширилади. Бу турдаги бозор шартли тарзда **ички бозор номини олган**. Бу тур Япония меҳнат бозори моделига хосдир.

Ўзбекистонда замонавий меҳнат ресурслари бозори эндиғина шаклана бошлади. У мазкур мезон бўйича ҳали ўз шаклини эгаллаганича йўқ. Бу хусусда уни аралаш ҳамда меҳнат бозорининг биринчи турига мойилроқ дейиш мумкин.

Меҳнат бозорини кенг кўламда олиб қараш мумкин – бу ялпи кўламли бозор бўлиб, у ялпи таклифни (жами иқтисодий жиҳатдан фаол аҳолини) ва ялпи талабни(иқтисодиётнинг меҳнатга бўлган жами эҳтиёжини) қамрайди. Тор

маънода меҳнат бозори **жорий** бозор бўлиб, у ялпи бозорнинг бир қисмини ташкил этади ва бўш ўринлар ҳамда иш қидириш билан банд бўлган шахслар миқдори билан белгиланади.

Жорий бозор қуидаги икки қисмга бўлинади: **1) очик бозор**, унда таклиф иш қидираётган, шу жумладан, қайта касб танлашга, касб тайёргарлиги ва қайта тайёргарлигига муҳтож бўлган одамларни қамрайди, талаб эса бўш ўринлар билан тавсифланади; **2) яширин** бозор, у расман хўжаликда иш билан банд бўлган, лекин ишлаб чиқаришга зарари етмайдиган тарзда бўшатиб олинишлари мумкин бўлган шахсларни ўз ичига олади. Ана шу ҳар иккала бозорнинг расмий (рўйхатга олинган) ва норасмий (рўйхатга олинмаган) қисми бўлади.



### **3.6-чизма. Ишчи кучи бозорининг тузилмаси.**

Ўзбекистонда ҳозир амалда бўлган меҳнат бозори бир хил эмас. У ишчи кучи заҳираларини тўплаш усул ва шакллари, ташкил этиш ва бошқариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳамда меҳнаткашлар ҳолатига таъсир этиш характеристига кўра фарқланадиган, турли функционал вазифани бажарадиган, иккита ўзаро боғланган соҳа ҳосил қиласидиган кўп қатламли тузилмадир. Айтиб ўтилган белгиларига кўра уни «очик» ва «яширин» ишчи кучи бозорига ажратиш мумкин. Очик ишчи кучи бозори расмий ва норасмий (асосан ўз-ўзидан) шаклланган қисмлар билан берилган (3.6-чизма).

Ишчи кучининг очик бозори ҳақиқатан иш излаётган ва касбга йўналтиришга тайёрлаш ва қайта тайёрлашга муҳтож бўлган барча меҳнатга лаёқатли аҳолини, барча бўш иш жойлари ва лавозимлари, шунингдек, давлат ва нодавлат секторидаги ўқувчи ўринларини қамраб олади.

Очиқ бозорнинг расмий қисми иш билан бандлик хизматида рўйхатга олинган ишчи кучи ва бўш жойларни ва расмий касб-ҳунар таълими тизимидағи ўқувчи ўринларини ўз ичига олади.

Очиқ бозорнинг норасмий қисми меҳнатга талаб, янги касбларни эгаллаш учун ўқув жойлари ва ишчи кучи таклифининг ишга жойлаштириш органлари ҳамда расмий таълим ўқув тузилмалари томонидан воситаланмайдиган

қисмини түплады. Уларни келишиб олиш иш берувчилар билан бевосита алоқада амалга оширилади, шунингдек, муносиб иш топиш, тайёрлаш, малакани ошириш ва танқис янги касбларни эгаллаш кабиларни амалга оширадиган турли нодавлат воситачилик тузилмалари томонидан воситаланади<sup>3</sup>.

Ҳозирги яширин меҳнат бозоридаги гипертрофия ўтиш даврининг характерли хусусияти бўлиб, бу эски ташкилий-бошқарув тузилмаси бузилган, янгиси эса ҳали яратилмаган даврдир. Бундай шароитда ҳукумат иш билан бандлик хизмати моддий-техник базаси ва инфратузилмавий таъминот имкониятлари чекланмаганлигини, шунингдек, мажбуран иш билан банд этилмаган аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалий чора-тадбирларни ўtkазиш учун молиявий маблағларнинг етишмаслигини ҳисобга олиб, расмий меҳнат бозори доирасини минималлаштиришга ҳаракат қиласди. У бозорга ўтиш даврининг ижтимоий оқибатларини юмшатиш бўйича вазифалар қисмини корхоналар маъмурияти ва меҳнат жамоаларига топширишга ҳаракат қиласди.

У ёки бу меҳнат бозорига кирадиган иш билан бандларнинг тоифасига қараб меҳнат бозорининг турлари фарқланади. Бундай фарқлаш меҳнат бозорида табақалаштирилган сиёсатни амалга ошириш имконини беради. Бу сиёсат у ёки бу ходимлар тоифаларининг хусусиятларидан, уларнинг имкониятлари ва чекловларидан, уларни меҳнат қилишга ундовчи сабаблардан, меҳнат сарфлайдиган жойларидан, ишлаб чиқариш ва меҳнат жараёнидаги ролидан келиб чиқади.

Нуфуз мезонлари бўйича меҳнат бозорлари қуидагиларга ажралади:

- ёшларнинг меҳнат бозори;
  - хотин-қизларнинг меҳнат бозори;
  - кекса ёшдаги фуқароларнинг меҳнат бозори;
  - ногиронларнинг меҳнат бозори.

Ушбу меҳнат бозорларида амал қилувчи ишчи кучининг кўрсаткичлари барқарор бўлиб, бу кўрсаткичлар улардан фойдаланиш характерини ва меҳнат шароитларини белгилаб беради. Мазкур меҳнат бозорларидағи ходимлар учун муштарак ҳолат шуки, уларнинг ҳаммаси *маргинал* гурухларга киради ва уларни ишга солиш муайян чекловлар билан боғлиқ.

Ёшларнинг иш билан бандлиги ва уларни профессионал фаолиятга тайёрлаш ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан алоҳида аҳамиятга эга. Дунёнинг ҳамма ерида ёшлар орасида ишсизликнинг юқори даражада эканлиги кузатилмоқда. Бу ҳол маълум даражада ёшларнинг ўз хулқ-автор хусусиятлари билан боғлиқ: биринчи иш жойида иш ҳақи юқори бўлмаслиги сабабли улар муқим ишлаб қолишдан моддий манфаатдор бўлмайдилар; барқарор даромад

<sup>3</sup> Ѝіðàñìèé ìåµíàò áíçîðèíéä ÷åðàðàëàðè ыçãàðóå÷àí, èø÷è éó÷è ðàëàá áà òàéëèðéíéä êýii ñílëè ïíèëèàð òàùñèðéíé àèñ ýòòèðàëëàí íèñàðòèíéä òàáèèé ыçãàðèøëà áýéñóìàë. Øó áéëàí áéðàà, óíéä ñàðàðéòðèñòòèðàëàðè áí÷ðàëíéä =àòòè= íáúåéðèå ÷åééíàëàðàà ýâà. Áóëàð æàïéòð áà ыðåóäääðè èæðèíéé òàïäéëèíéä ыїéëàð åðààí þèè áýéëà, óíéä òàø=àðèñèëà ñàðàðéè áàçèòðëàð þçààð èåëàæ áà áíø=à ñàëàéé èæðèíéé ыїäèñàëàð (æéíýò÷èëé, äè, ўðàïäéëè, ыçéíè-ыçé ыéäèðèò áà áíø=àëàð) éó÷àÿëé.

олишга ундовчи сабаб йўқ бўлиб, ушбу вазият ёшларни ота-оналари кўпчилик ҳолларда моддий жиҳатдан қўллаб-кувватлашлари билан боғлиқ ва ҳоказо. Бунинг устига улар кўпинча ўзларининг дастлабки меҳнат тажрибаларини муайян ишда эмас, балки иш жойларини ўзгартириш йўли билан профессионал фаолиятнинг ҳар хил турларида орттиришга ҳаракат қиласадилар. Шу билан бирга, ёшларнинг иш билан бандлиги асосан иш берувчиларнинг муносабати билан белгиланади — конъюнктура ёмонлашган ҳар бир ҳолатда улар, энг аввало, малакаси ҳаммадан кам ва тажрибасиз бўлган ёш ходимларни қискартирадилар.

**Хотин-қизларнинг меҳнат бозоридаги аҳволини** моддий ҳақ эвазига ижтимоий меҳнатда қатнашишни оналик ва оиладаги вазифаларни бажариш билан боғлаш зарурлигини белгилайди. Бу мажбуриятлар хотин-қизларнинг узлуксиз таълим олиш, профессионал тайёргарликдан ўтиш, олган таълимига мувофиқ ишлаш, карьера қилиш имкониятларини чегаралайди. Айнан мана шу ҳолатлар корхоналардан (муассасалардан) биринчи навбатда хотин-қизлар бўшатилишига олиб келади. Хотин-қизлар орасида ишсизлик даражаси эркаклар орасидаги ишсизликдан анча юқоридир, иш қидириш эса чўзилиб кетади. Хотин-қизларнинг иш ҳақи, демак пенсияси ҳам, қоида тариқасида, бир хил иш жойларида ишлайдиган эркакларнидан кам бўлади. Улар ишга қабул қилиш чоғида эркаклар билан тенг имкониятга эга эмас.

Хотин-қизларнинг ишчи кучи борасидаги бундай аҳвол беистисно ҳамма мамлакатлар учун муштаракдир. Шу сабабли, Ўзбекистонда ҳам ишлайдиган хотин-қизларнинг иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари халқаро даражада меъёрий хужжатлар билан тартибга солинган.

Чунончи, ХМТ меҳнат қилувчи хотин-қизларни ҳимоялаш юзасидан бир қатор конвенциялар ишлаб чиқди ва қабул қилди: 1951 йилда «Қиймати бир хил ўлган иш учун эркак билан аёлга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида» 100-конвенция ва шунга мувофиқ 90-тавсия қабул қилинди, 1958 йилда «**Меҳнат ва машғулотлар соҳасидаги камситишлар тўғрисида**» 111-конвенция ва 111-тавсиянома, 1981 йилда «**Меҳнат қилувчи эркаклар ва аёллар: оилавий мажбуриятларга эга бўлган меҳнат қилувчилар учун тенг муомала ва тенг имкониятлар тўғрисида**» 156-конвенция, 165-тавсия қабул қилинди. Меҳнат қилувчи аёллар хусусидаги ҳимоя нормалари кўпчилик мамлакатларнинг миллий қонунларида ҳам мавжуд.

**Кекса ёшдаги кишиларнинг** иш билан бандлиги муаммоси бозор иқтисодиёти шароитида яшаётган ҳамма мамлакатларда кузатилади. ХМТнинг дунё бўйича иш билан бандликнинг аҳволи тўғрисидаги 162-тавсиясида (1980 йил) бундай дейилади: «Кекса ёшли ходимлар меҳнат бозорида дуч келаётган кўпгина қийинчиликларга ёш белгиси бўйича камситиш асос бўлмоқда. Иш берувчилар кекса ходимлар ишда янги кўнилмаларни эгаллаб ололмайдилар, ишлаб чиқаришдаги инновацияларга мослашмайди, янги ахборот ва коммуникация технологияларини тўла-тўқис эгалламаганлар, меҳнатни ташкил этишининг янги шакллари илгари сураётган талабларга жавоб бермайдилар, деб ҳисобладилар. Пенсия ёшига етган бу меҳнатчилар иш жойида қисқа вақт бўлишлари мумкинлиги сабабли иш берувчилар кекса ишловчиларга

профессионал ўқиши учун имкон беришни мақсадда мувофиқ деб ҳисобламайдилар».

Кекса ёшли ходимларнинг иш билан бандлигига ёрдам бериш — муҳим ижтимоий-иктисодий вазифадир. Бу вазифани ҳал қилиш чоғида фуқароларнинг ушбу тоифаси кўпинча юқори малакали бўлишини, катта иш тажрибасига эгалигини, меҳнат кўрсаткичларининг барқарорлиги, ноқулай иш шароитларига сабр-тоқат билан муносабатда бўлиши, юқори малака талаб қилмайдиган ва фақат маълум даражада моддий таъминот берадиган ишларда ишлашга розилиги билан ажралиб туришини ҳисобга олиш зарур.

**Ногиронлар** — аҳолининг ижтимоий жиҳатдан бўш ҳимояланган яна бир тоифаси бўлиб, бу тоифа давлат ва жамият томонидан фаол қўллаб-куватланишга мухтож. ХМТнинг «Ногиронларни профессионал қайта тиклаш ва иш билан банд қилиш» 168-тавсиясида (1983 йил) меҳнат қилувчи ногиронлар имкон бўлган ерда иш жойига эга бўлиш учун ўзларининг истакларига жавоб берадиган ҳамда ўзлари шахсан унга мос бўлган ҳолларда реал тарзда иш олишлари, уни сақлашлари ва хизматда юқорилаб боришларини таъминлаш маъносида тенг имконият ва муомаладан фойдаланишлари керак деб кўрсатилади.

Ногиронларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ қийинчиликлар давлат томонидан маҳсус чоралар кўрилишини, шу жумладан ногиронларни профессионал ўқитиши ва кейинчалик улар ишга жойлашишини ташкил этиш, иш жойларини ва ишнинг ташкил этилишини ногиронларнинг имкониятларига мослаш борасида иш берувчиларни молиявий рағбатлантиришни; умумий асосларда иш олиш имконига эга бўлмаган ногиронлар учун турли хил ихтисослаштирилган корхоналар ташкил этишда тегишли ёрдам кўрсатишни; ногиронларга мўлжалланган транспорт воситаларини ривожлантиришга ёрдам беришни; ногиронлар меҳнатга муваффақиятли жалб этилганлиги ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб туриш чора-тадбирларини кўришни талаб қиласди.

Профессионал меҳнат бозорларини (таълим, соғлиқни сақлаш ходимлари, муҳандислар, малакали ишчилар ва бошқаларнинг меҳнат бозорлари) ривожлантириш мамлакатдаги умумий иктисодий вазият билан, миллий иктисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, институциялашиш даражаси, яъни ходимларнинг ушбу тоифалари профессионал ташкилотлар, шу жумладан, ҳар хил уюшмалар, жамиятлар, профессионал клублар ва, турган гапки, касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан қай даражада қамраб олинганлиги билан белгиланади.

Меҳнат бозори моделлари уларнинг ушбу ҳодисани тавсифлаш андозаси сифатидаги мақсадига қараб, турлича бўлиши мумкин. Меҳнат бозоридаги рақобатчилик даражасига қараб, соф рақобат бозори модели, монопсония модели, касаба уюшмалари ҳаракати ҳисобга олинадиган модел, икки томонлама монополия модели<sup>4</sup> ажратилади.

**Соф рақобат бозори модели** қўйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

<sup>4</sup> Йаёёйлаб ёёқ Э.Д., Адр Н.Ё. Ўёйнёёа. І.: 1992, Ө.2.

- аниқ меңнат турини ёллашда күп сонли фирмалар бир-бири билан рақобат қиласы;
- бир хил малакага эга бўлган кўп сонли ишчилар бир-бирларидан меңнат хизматларидан қатъи назар, мазкур малака турини таклиф этадилар;
- на фирмалар, на ишчилар иш ҳақи бозор ставкаси устидан назорат қилмайдилар демак на улар, на булар иш ҳақи қандай бўлишини буюра олмайдилар.

**Монопсония модели** (яъни, битта харидор монополияси) ёллов чининг сотиб олиш (ёллаш) монополиясига эга бўлиши вазиятини акс эттиради.

Фирма меңнат бозорида бирдан бир йирик ёлловчи бўлган тақдирда у, аслида, тўлиқ монопсония ҳукмронлигига эга бўлади. Бирон бир корхона баъзида иш билан бандликнинг бирдан бир манбаи бўлиб қоладиган баъзи кичик шаҳар ва олис минтақаларнинг иқтисоди ёти бунга мисол бўла олади.

Базан оз микдордаги фирмалар (учта ёки тўртта фирма) меңнат бозорида монопологияга эга бўлиб турган бўлса ёки таклиф қилинган меңнатнинг аксарият қисмини ёллай оладиган бўлса, **олигопсония** рўй берган бўлади. Бунинг устига, олигопсониячиларда ходимлар ёллашда қандайдир монопсониячи сифатида биргаликда ҳаракат қилиш тенденцияси кузатилади.

Кўплаб бозорларда касаба уюшмалари ходимларнинг манфаатларини ёқлаб чиқадилар ва уларнинг номидан ёлловчилар билан музокаралар олиб борадилар. Мазкур ҳолда **касаба уюшмаларининг ҳисобга олинадиган меңнат бозори модели** намоён бўлади. Бунда касаба уюшмаларининг бошқа иқтисодий вазифаси иш ҳақини оширишга эришишдан иборат бўлади. Улар ушбу мақсадни қуидагича йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- 1) реклама ёрдамида маҳсулотга ва меңнат хизматларига талабни ошириш, ишларнинг хилма-хил турларига шартномалар олиш учун сиёсий **лоббининг** аралашуви ёки ишчи кучининг эҳтиёжи қандайлигидан қатъи назар уларни сақлаб қолиш амалиётини қўллаш йўли билан;
- 2) меңнат унумдорлигини ошириш орқали;
- 3) иш ҳақи ставкаларини ўзгартириш орқали. Касаба уюшмалари ходимларини бирлаштириб ва меңнат таклифини назорат қилиб, фирмага рақобатдагидан юқорироқ иш ҳақи ставкалари тайинлашни тиқиширадилар.

**Икки томонлама монополия модели** кучли тармоқ касаба уюшмалари ҳаракат қиладиган монопсоник бозор шароитларига хосдир. Бошқача қилиб айтганда, **монопсоник** модель билан касаба уюшмалари ҳаракати ҳисобга олинадиган модель бирлаштирилган тақдирда икки томонлама монополия ўрин тутади. Касаба уюшмалари шу маънода меңнатни монополистик сотувчиси бўлиб, у меңнат таклифини назорат қиласи ва иш ҳақи ставкаларига таъсир эта олади. У иш билан бандликни ўзгартириш йўли билан, иш ҳақига таъсир эта оладиган монопсонистик ишга ёлловчига қарама-қарши туради.

Турли мамлакатларда иш билан бандлик ва меңнат бозори моделлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади, биз ана шуларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

**Франция модели.** Францияда охириги 10 йил ичидаги ишсизлик даражаси 12,0 % атрофида сақланмоқда. Ишсизликка қарши курашиш учун ҳам фаол, ҳам

суст чора-тадбирлар қўлланилади, лекин меҳнат бозорида пассив (суст) сиёsat маъқулроқ кўрилади.

Ишсизларга узоқ вақт нафақа тўланади. Бундай нафақа тўланишининг энг узоқ давом этиши 5 йилни ташкил этади. Шу билан бирга Франция бюджетида меҳнат бозоридаги пассив сиёsatга харажатлар улуши фаол ижтимоий сиёsat ўтказишга қилинадиган харажатлар улусидан деярли икки баравар юқоридир<sup>5</sup>.

Ҳозирги вақтда Франция корхоналарида меҳнат ресурсларини бошқариш соҳасида ишсизликка қарши курашнинг глобал воситаси деб қаралаётган иш билан тўлиқсиз бандлик сиёsatи амалга оширилмоқда. Лекин Францияда ишсизлик бундан буён ҳам 10—12 % даражасида қолаверади, яъни Ғарбдаги кўпчилик мамлакатлардагидан юқорироқ даражада бўлади деб тахмин қилинмоқда. Ана шуларнинг барчаси меҳнат бозоридаги пассив сиёsatнинг фаол сиёsatга қараганда, самараси анча паст эканлигини кўrsатмоқда.

**Швеция модели.** Швецияда меҳнат бозоридаги сиёsat бўш иш ўринларини ишсизлар билан тўлдиришга кўмаклашиш ва ишсизларга фақат нафақалар бериб борищдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим, деб ҳисобланади. Иш билан тўлиқ бандликни юзага келтириш анъанавий стратегияси муқаррар равишда инфляциянинг юқори даражасига чиқишига ва иш ҳақи борасида силжишлар рўй беришига олиб келиши эътироф этилган эди. Шу боис Швеция меҳнат бозорида фаол сиёsat юритилиб, у қуйидаги тўрт элементни ўз ичига олади:

1. Чекловчи *фискал* сиёsat. Унинг мақсади товарлар ва хизматларга кам даромадли корхоналарнинг фаолиятни тўхтатишга мажбур қиладиган суръатда талаб ва инфляциянинг ошишига йўл қўймайдиган эгри солиқлар белгиланишидан иборат. Жуда юқори фойда оладиган фирмалар ўртасида иш ҳақини ошириш борасида инфляцияга олиб келувчи рақобатга йўл қўймаслик учун фойдани жиловлаб туриш лозим.

2. Иш ҳақи борасида олиб борадиган ҳамжиҳатлик сиёsatи. Бунинг маъноси шуки, барча ишчи ва хизматчилар тадбиркорларнинг молиявий аҳволидан ёки фирманинг қайси тармоққа қарашли эканидан қатъи назар, тенг меҳнатта тенг ҳақ олишлари керак.

3. Янги иш ўринларини, шунингдек ходимларни тайёрлаш ва қайта ўқитиши марказларини яратишни рағбатлантириши.

4. Селектив (танлама) тарздаги иқтисодий юксалиш. Иқтисодий кўrsаткичлари паст бўлса-да, ижтимоий зарур хизматларни таъминлайдиган секторларда иш билан бандликнинг давлат томонидан қўллаб-куватланиши тўғрисида гап бормоқда.

Швеция фаол сиёsat олиб бориш бўйича бир қатор Европа давлатлари ва Америка Кўшма Штатларидан анча олдинда бормоқда.

**Америка модели.** Америка Кўшма Штатларида конъюктура ўзгарган ва қўлланилаётган ишчи кучи ҳажмини камайтириш зарурати пайдо бўлган ёки корхона норентабел бўлиб қолган тақдирда ходимларни ишдан бўшатиш

<sup>5</sup> ×âðiiâ P.È. Ёашіа० оіояїðеа० аа ёене० è=øññäè, д. Й.: 1992, 24-á.

чораси ишга солинади. Бунинг устига, ходимлар токи ишдан бўшатиш ва корхонанинг ёпилиш вақти келгунигача ишдан бўшатилганликлари тўғрисида ахборот олмайдилар. Йирик саноат компаниялари одатда ходимларнинг касб-малака тайёргарликлари кам эътибор берадилар, маҳсус ишларга тайёргарлик бундан мустасно. Иш ҳақи ишларнинг муракқаблигига қараб таснифланишга боғлиқ бўлади. Ходимнинг ишда кўтарилиши одатда касб-малака йўналишини кенгайтириш билан эмас, балки бошқа ишга ўтиши билан боғлиқ бўлади. Иш ҳақи узоқ вақтга тузиладиган шартномалар билан белгиланади. Корхоналар маъмуриятлари ва касаба уюшмалари ўзаро суст боғланганлар ва деярли ахборот алмашиниб турмайдилар. Ушбу моделга ишчи кучининг касбий жиҳатдан ҳам, жуғрофий жиҳатдан ҳам юқори даражада ҳаракатчанлик хосдир.

Америка Кўшма Штатларида ишсизликка қарши курашнинг анча қатъий усули қўлланилади. Ишсизлик бўйича нафақа атиги ярим йил давомида тўланилади, ишсизларга ёрдам беришнинг фаол чора-тадбирларини қўриш одат тусига кирмаган. Чунончи, меҳнат бозорида фаол давлат сиёсатини олиб бориш харажатлари, Ялпи Ички Маҳсулотнинг атиги 0,19 %ини ташкил этади. Ана шундай ёндашиш шароитида одамларнинг ўзлари фаоллик ва сабитқадамлик билан ўзларига иш қидирадилар. Бундай сиёсат натижасида ишсизлик даражаси нисбатан паст бўлмоқда (5,4 %). Шу билан бирга кўпдан-кўп америкаликлар ўзларининг иш берувчига қарам эканликлари ва тез-тез ишни ўзгартириш, янги жамоага, янги иш шароитларига мослашиш зарурлигидан ўзларини руҳан ноҳуш сезадилар.

**Япония модели.** Бу мамлакатда меҳнат муносабатлари тизими умрбод ёлланишга асосланади, умрбод ёлланиш ходимларнинг корхонада ишлайдиган энг юқори (55—65 ёшга) етгуналрига қадар иш билан бандлик кафолатланишини кўзда тутади. Умрбод ёлланиш тизими иш ҳақи, мукофотлар ҳамда ижтимоий тўловлар тарзидаги моддий тақдирлаш миқдорларининг ошириб бориши кафолатлайди. Умрбод ишга ёллаш йўли билан корхоналарда ходимларни муста ҳкамлаш, ички фирма даражасида малака ошириш, тезкор равишида касб-малака таркибини иш ўринларининг тузилмаси билан, техника ва технологияларни ривожлантириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотни модификациялаш билан мувофиқлаштириб бориши имконини беради.

Япония фирмалари ёлланма ходимлардан узоқ вақт мобайнида фойдаланишини кўзлайдилар. Бу эса ходимларда меҳнатга ижодий муносабатда бўлиш ва ниҳоят даражада сифатли ишлашга интилишни тарбиялашга қаратилган сиёсатга асос бўлиб хизмат қилди. Бу маълум даражада тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни ва қўлланилаётган ишчи кучини ходимларни қисқартиш ҳисобига эмас, балки иш вақтини қисқартириш ёки ходимларни шуъба корхоналарига ёки ўзаро келишув бўйича бошқа фирма корхоналарига ўтказиш ҳисобига ҳал қилишга интилишларини ҳам белгилади.

Доимий ходимлар ва вақтинча ходимларни бир-биридан аниқ фарқлаш мавжуд, вақтинча ходимлар иқтисодий таназзул даврларида биринчи бўлиб ишдан бўшатилади ва кўпинча иқтисодий фаол аҳолининг таркибидан ҳамишаликка чиқади. Бунинг устига, фирманинг кўлами қанчалик кичик бўлса,

унда вақтинга ходимлар салмоғи шунчалик қўп, уларнинг ишсиз бўлиб қолишлари хавфи даражаси шунчалик юқори бўлади.

Японияда ишсизлик даражаси 2000 йилда атиги 3,3 %ни ташкил этди. Мехнат бозорида давлат сиёсатини олиб бориши харажатлари юқори эмас: улар ялпи ички маҳсулотнинг (ЯИМ) 0,52 %ини ташкил этади, шу жумладан, фаол сиёсат юритишга 0,13 %, пассив сиёсат ўтказишга 0,39 % сарф-харажат қилинади.

Умуман, меҳнат бозорида Япония модели ишлаб чиқариш эҳтиёжларини, иш берувчиларнинг ҳам, ёлланма ходимларнинг ҳам манфаатларини ниҳоят даражада тўлиқ ҳисобга олган ҳолда оқилона равища иш билан бандликни шакллантиришга хизмат қиласи, бу эса, ўз навбатида, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига қўмаклашади, ана шулар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайди, чунки амалда ҳар бир киши эртанги кунга ва ўз ижодий салоҳиятини намоён этиш имкониятига эга эканлигига ишончи комил.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси қўрсатишича, меҳнат бозори моделларидан биронтаси ҳам ўзгармай қололмайди, у ҳамиша ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг хусусиятларига боғлиқ бўлади. Чунончи, умрбод ёлланиш сиёсати ёш ва истиқболли ходимларнинг манфаатларига муайян маъноларда зид келди ва шу туфайли унинг қўлланиш соҳаси торайиши мумкин. Швецияда меҳнат катта сарф-харажатларни молиялаш учун юқори миқдордаги солиқлар сиёсати чет эл инвестициялари ошишини келтириб чиқарди. Ушбу тенденция Швециянинг ўзида компанияларнинг равнақ топишига йўналтирилган танлама иқтисодий юксалтириш сиёсатига путур етказмоқда. Ижтимоий нафақалар миқдори юқорилиги ишчи кучи таклифи камайишига олиб келди ва иш ҳақини ошириш заруриятини кучайтирга. Корхоналар иш ҳақи борасидаги чекланишларни четлаб ўтиши учун ходимларга фойдада қатнашиш тизимлари бўйича қўпроқ маблағ тўлайдиган бўлиб қолдилар.

Шундай қилиб, меҳнат бозори моделининг самарадорлиги иш билан бандлик борасида амалга оширилаётган сиёсатга, унинг ўзгарувчанлиги ва умуман иқтисодиётда юз бераётган ўзгаришларга мослашувчанлигига боғлиқ бўлади. Бизнинг мамлакатимиз меҳнат бозоридаги қандай моделга мос келишини ҳозирча фақат тахмин қиласа бўлади.

### **3.3. Мехнат бозорининг сегментларга бўлиниши ва ундаги мослашувчанлик**

**Мехнат бозорининг сиғими ва унинг контингентини ўрганиш учун сегментларга бўлиш қўлланиллади.** Мехнат бозорини сегментларга бўлиш — уни ўз чегаралари билан ходимлар ҳаракатини чеклайдиган барқарор алохидаланган сегментларга (гурухларга) ажратишидир. Одатда, сотувчилар ва харидорларни сегментларга бўлиш уларни бирлаштирувчи белгилар, масалан, жуғрофия жойлашуви, ижтимоий-демографик хусусиятлари (жинси, ёши), маълумот даражаси, малакаси, иш стажи ва ҳоказоларга қараб рўй беради.

Хорижий иқтисодчилар баҳоларига кўра ишчи кучи бозори тузилмасида ҳозирги кунда, жуда бўлмаганда бешта сегментни ажратиш мумкин: **биринчидан**, нисбатан кам сонли, аммо барқарор юқори малакали раҳбар ходимлар отряди; **иккинчидан**, рақобат қонунлари таъсирига учрайдиган кекса ёшли ишчи ва хизматчилар; **учинчидан**, қайта ишловчи саноат тармоқларининг тузилмавий қайта қуриш ва ишлаб чиқаришнинг қисқартирилишига бевосита дахлдор ишчи ва хизматчилар; **тўртингчидан**, меҳнат унумдорлигининг даражаси юқори бўлган (асосан хизмат соҳаси) сермеҳнат тармоқларда фаолият кўрсатадиган ходимлар; **бешинчидан**, аҳолининг энг заиф тоифалари — ёшлар, кексалар, жисмоний ва ақлий нуқсони бор бўлганлар, иш топиш умидини йўқотганлар ва бошқалар. Аслида меҳнат бозори сегментларининг чегараси шартлидир. Улар элементлари муайян қонуниятларга бўйсуниб, доимо бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиб турадиган мураккаб динамик (ҳаракат чан) тизимдир. Бунда, адабиётларда айтиб ўтилганидек, бирбиридан нисбатан алоҳида вақтга кўра турли барқарорлик даражаси, ишчи кучи талаб ва таклифига айрим омилларнинг таъсири, қандайдир кичик тизим ичидаги кучли рақобат билан ифодаланувчи ҳамда уларни ўзларининг ўртасидаги заиф, кичик тизимлар ўртасидаги алмаштиришнинг қийинлиги, бозор иқтисодиёти субъектларининг ижтимоий ўзига хосликлари туфайли кичик системаларга ажратилади.

Меҳнат бозорида иш берувчилар ҳам, ёлланма ходимлар ҳам сегментлар обьекти сифатида намоён бўлади. Бозорни иш берувчилар нуқтаи назаридан сегментациялаш уларнинг эҳтиёжларини баҳолаш ва уларга яхшироқ йўсинда мослашиш имконини беради. Сегментациялаш обьекти ёлланма ишчилар бўлган ҳолатда уларнинг миқдор ва сифат характеристикалари, хатти-ҳаракат жиҳатлари бўйича ифодаланадиган групҳари тўғрисидаги тасаввур шаклланади. Иш жойларининг сифати нуқтаи назаридан меҳнат бозорини икки асосий сегмент — малака ва малакасиз иш жойлари сифатида тасаввур қилиш мумкин. **Биринчи сегментда** маълум даража — олий ёки ўрта маҳсус таълим даражасидан кам бўлмаган малакали тайёргарликни талаб қиласидиган иш жойлари тўпланади. Бу иш жойларини маъмурий, бошқарув ва муҳандис — техник ходимлар, юқори малакали ишчилар эгаллайди. Бу сифатдаги ходимлар юқори даражадаги иш ҳақи ва иш билан бандлик кафолатига эга бўлади. **Иккинчи сегментда** иш билан банд этилиши маҳсус касбий тайёргарликни талаб этмайдиган ҳамда бошланғич даражадаги малака кифоя қиласидиган иш жойлари тўпланади. Меҳнат бозорининг бу сегментида иш билан банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи юқори даражада бўлмайди, барқарор иш билан бандлик ҳам йўқ. Меҳнат бозорини айтиб ўтилган икки сегментга ажратиш анчагина мавхум ишдир.

Бозорни сегментларга бўлиш муносабати билан меҳнат бозорларининг иккиламчилиги назарияси юзага келади, бу назарияда меҳнат бозорини бирламчи ва иккиламчи бозорга бўлиш таклиф қилинади. Шу билан бирга, турли иқтисодчилар ушбу тушунчаларни турлича талқин қиласидилар. Баъзи иқтисодчиларнинг таъкидлашларича, бирламчи бозорда барқарор, яхши ҳақ тўланадиган, юқори малакали меҳнат билан боғлиқ бўлган ва ҳоказо ишлар

бўлади. Иккиламчи бозорда, аксинча, паст ҳақ тўланади ва барқарор бўлмаган ишлар бўлади, иш ҳақи даражаси паст, хизматда кўтарилиш имконияти йўқ ва ҳоказо.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, бирламчи бозор деганда бутун иш вақти мобайнида барқарор равишда иш билан банд бўлиш хос ва мос бўлган меҳнат жамоасининг «ўзаги» тушунилади. Бундай талқинда иккиламчи бозор — ишчи кучининг чет қисми бўлиб, у иш билан қисман банд бўлган ходимларни, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайган тақдирда, биринчи навбатда ишдан бўшатиладиган ходимларни ўз ичига олади.

Сегментлашганликдан ташқари, меҳнат бозорининг муҳим хусусиятларидан бири унинг мослашувчанлигидан иборат. Ушбу мослашувчанлик, аксинча, бозорда ҳаракатчанликни оширади. Мослашувчанликнинг қуидаги турлари бўлиши мумкин:

1. Миқдорий мослашувчанлик, у айрим омилларнинг ўзгаришига жавобан иш билан банд одамларнинг сони, иш ҳақи даражаси ўзгаришида ифодаланади. Мослашувчанликнинг ушбу тури ҳамиша меҳнат бозорига хосдир.

2. Функционал мослашувчанлик, ушбу тур меҳнат ва иш билан бандликнинг мослашувчан тартибларини, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларидаги ўзгаришларни назарда тутади.

**Мослашувчан меҳнат бозори** иш билан бандликнинг турли шаклларини (доимий ва ўзгарувчан иш билан бандлик, мавсумий, тасодифий, қисман иш билан бандлик ва ҳоказо) ва ҳар турли иш вақти режимларини (тўлиқ бўлмаган, қискартирилган иш вақти; иш кунининг бошланиши ва тугаши ўзгариб турадиган мослашувчан иш вақти графиклари; турли иқлим мавсумларида иш хафтасининг давомийлиги турлича бўлишини назарда тутувчи йиллик иш вақти режимларини ва ҳоказолар) назарда тутади.

Иш билан бандликнинг ва иш вақтининг мослашувчан шакллари ходимларнинг қулай, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнатни машғулотнинг бошқа турлари – ўқиш, оиласи мажбуриятларни бажариш, бўш вақтни кўпайтириш ва шу кабилар билан қўшиб олиб бориш имконини берадиган иш режимларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ҳам, шунингдек, иш билан бандлик ва иш режимларини корхоналарнинг эҳтиёжларига мослаш — ишлаб чиқариш қувватларини иш билан тўлиқ таъминламаслик, технологик жиҳатдан қайта ташкил этиш, айрим тоифа ва касбдаги ходимлар учун (фаррошлар, қоровуллар, овқатланиш корхоналари ходимлари ва ҳоказолар) қўлланилиши мумкин. Ушбу алоҳида меҳнат бозорларининг ҳар бири ташкил этилиши ва фаолият қўрсатиши жиҳатидан ўз хусусиятларига, ривожланиш омилларига эга. Мазкур омилларни ҳисобга олиш у ёки бу тоифадаги ходимлар хусусида кадрлар сиёсатини ва социал сиёсатни белгилаш имконини беради.

## Қисқача холосалар

Меҳнат бозори қандай ишлашини тушуниш учун мазкур бозордаги талаб ва таклифни ўрганиб чиқиш лозим. агар иш ҳақи ўзгарса, меҳнатга талаб эгри чизик бўйлаб юқорига ёки пастга қараб юриши, маҳсулотга талаб, ишлаб

чиқариш ҳажмлари ўзгариши, капитал нархи каби бошқа омиллар амал қилса, меҳнатга талаб эгри чизигининг ўзи силжийди.

Меҳнат бозорини ҳаракатга келтиришнинг энг муҳим омили иш кучининг нархи ҳисобланади. Материалистик концепцияга мувофиқ иш кучининг қиймати иш қучини қайтадан тиклаш учун зарур бўлган ҳаётй воситаларнинг қиймати билан белгиланади. Меҳнат бозори сифати хусусиятининг энг муҳим мезони унинг инфратузилмасининг ривожланиш даражасидир. Меҳнат бозори инфратузилмасини унинг таркибий қисми сифатида таърифлаш мумкин, у давлат идораларини, иш билан бандликка кўмаклашувчи нодавлат тузилмаларини, корхоналар ва фирмаларга кадрлар хизматини, жамоат ташкилотлари ва жамғармаларини, норматив-хуқуқий муҳитни ўз ичига олади, улар иш кучига эҳтиёж билан таклиф ўртасидаги энг самарали ўзаро ҳамкорликни таъминлайди.

Меҳнат бозоридаги вазиятга баҳо беришда иш кучининг захираларидан бир нечта турини ажратиб кўрсатиш зарурлигига асосланиш мақсадга мувофиқдир. Меҳнат бозорида иш берувчилар ҳам, ёлланма ходимлар ҳам сегментлар обьекти сифатида намоён бўлади. Бозорни иш берувчилар нуқтаи назаридан сегментациялаш уларнинг эҳтиёжларини баҳолаш ва уларга яхшироқ йўсинда мослашиб имконини беради. Сегментациялаш обьекти ёлланма ишчилар бўлган ҳолатда уларнинг миқдор ва сифат характеристикалари, хатти-харакат жиҳатлари бўйича ифодаланадиган гурухлари тўғрисидаги тасаввур шаклланади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат бозорида ишчи кучи таклифининг асосий таркибий қисмлари нимадан иборат?
2. Ёлланма ишчи кучига эҳтиёж ва меҳнат бозори элементларидан бири сифатидаги ишчи кучига талабнинг моҳияти нимадан иборат?
3. Меҳнат бозори ишлаши ва унинг асосий элементлари биргаликдаги харакатининг механизмлари қандай?
4. Меҳнат бозорларининг сегментацияси нима?
5. Мослашувчан меҳнат бозори деганда нимани тушунамиз?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -6726.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. -342с.

5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмүминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т. Замонавий меҳнат бозори: фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **4- БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ**

- 4.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти**
- 4.2. Меҳнат шартномаларининг меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни**
- 4.3. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг минтақавий усуллари**
- 4.4. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари**

### **4.1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти**

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида **меҳнат бозорини бошқариш ва бандлик сиёсатини фаол ўтказиши, республиканинг меҳнатга яроқли ахоли зич жойлашган туманларида кичик ва ўрта корхоналарни устувор ривожлантириш ҳисобига янги иш жойлари бунёд этишини рағбатлантириш масалаларига катта эътибор берган.** Шу муносабат билан меҳнат бозорида ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тартибга солиш алоҳида аҳамият касб этади.

Меҳнат бозорида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизимида аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат шароитларини белгилаш, у ёки бу ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий-меҳнат можороларини бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасидаги муносабатлар марказий ўрин эгаллади. Меҳнат бозорида мазкур муносабатлар жамоавий, шахсий ва худудий усуллар асосида тартибга солинади (3.1.1.-расмга қаранг).

Жамоавий битимлар тузилаётганда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнат кодекси», Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг Конвенцияси ва тавсияларига асосланилади. ХМТ конвенциясининг 54-бандида таъкидланганидек, "Жамоавий музокаралар, бир томондан, тадбиркор, тадбиркорлар груҳи билан, бошқа томондан эса, меҳнаткашларнинг битта ёки бир неча ташкилоти ўртасида: а) меҳнат шароити ва бандликни белгилаш; б) тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш; в) тадбиркорлар ёки уларнинг ташкилотлари ва меҳнат-кашларнинг ташкилоти ёки ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадларида олиб бориладиган барча музокараларни билдиради" ..

Меҳнат бозорида бундай тартибга солишни қўлланишнинг энг муҳим афзаллиги шундаки, унда қабул қилинадиган қарорлар ниҳоятда қайишқоқ (эгилувчан, мослашувчан) бўлади, уларни на қонунчилик, на суд ва на маъмурӣ усулларга қиёслаб бўлмайди.

**Мешнат бозоридаги ижтимоий-и=тисодий  
муносабатларни тартибга солиш**



*Мешнат бозорида тартибга солувчиларнинг ҳаракатлари чизмаси*

## **4.2. Мехнат шартномаларининг меҳнат бозорини тартибга солишдаги ўрни**

Меҳнат бозори муносабатларини тартибга солиш комплекс-шартнома тизимининг қайишқоғлиги, шунингдек, муносабатлари соҳасида тенглик ва ижтимоий адолат тамойилларини рўёбга чиқариш ҳақидаги кенг ёйилган тўғри тасаввурларга эга бўлишдир. Айрим ходим музокараларда ўзидан анча кучли шериги - иш берувчига нисбатан якка тартибда амалга оширадиган хатти-харакатлари билан қаршилик кўрсата олмайди Боз устига, жамоавий шартномага кўра, малакаси паст ҳамда етарли даражада юқори унум билан ишлай олмайдиган ишчи кучининг иш жойи муайян муддатга сақлаб турилади. Жамоавий шартнома меҳнат муносабатлари барқарорлигига эришишда муҳим аҳамиятга эга. Жамоавий шартнома тизими меҳнат бозоридаги хўжалик субъектларининг ўзаро муносабатларидағи можароларни ўзича бартараф эта олмайди. Чунки, ушбу можаролар асосини ижтимоий манфаатлар, мақсадлар, интилишлар, талаблардаги фарқлар ташкил этади. Гарчи, жамоавий битимлар тизими манфаатларни келишиб олиш, ўзаро бир қарорга келиш ва можароларни тезлик билан бартараф этиш жараёнларини кўзда тутсада, музокаралар жараёни анча мақбул натижаларга эришиш имкониятини ҳам яратади. Айни пайтда битим шартлари шартнома шаклини олиб, икки томонни мазкур шартлар асосида ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида охирги чораларни кўрмасдан, яъни, иш ташлаш ёки ишдан бўшатишга йўл қўймай, харакат қилишга мажбур этади.

Келажакда жамоавий битимлар, шунингдек, меҳнат бозори фаолиятини, кадрларни ўқитиш ва малакаларини ошириш ҳамда ўзгартириш, уларнинг иш ҳақи ва ишсизларни иш билан таъминлаш кўрсаткичларини тартибга солиш масалаларини ҳам қамраб олади. Шуни қайд этиб ўтиш керакки, асосан жамоавий меҳнат шартномаси тизими ва бевосита давлатнинг тартибга солиб бориши амал қилишига қарамай, ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатлар якка тартибда ҳам ҳал этилиши мумкин.

Ходим билан тузилган шахсий шартнома иш берувчи учун анча фойдалидир. Шахсий шартнома тизими ёлланувчининг меҳнат шароити ва унга тўланадиган иш ҳақини шу одамга қараб белгилаш имконини беради. Жамоавий битимларга кўра эса, бундай қилиб бўлмайди. Шу билан бирга, тузиладиган шахсий битим кўп ҳолларда ёлланувларни ижтимоий кафолатларнинг каттагина қисмидан маҳрум этади.

Меҳнат муносабатларини шахсий услубда тартибга солиш ва бандликнинг қайишқоқ шаклларини жорий этиш - ёлланувлар кучидан фойдаланишни (эксплуатацион характерда) кучайтириш ҳамда доимий ишловчи шахслар учун илгари мавжуд бўлган ижтимоий кафолатлардан воз кечилишидан ташқари яна бир қатор салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Жумладан, ривожланган мамлакатлардаги меҳнат бозорларида доимий ишчи кучларини вақтинча ёки тўлиқсиз иш вақтида ишловчи шахслар (ёшлар, хотин-қизлар, ногиронлар ва ҳоказо) билан алмаштириш қоида тусига кирмоқда. Табиийки, мазкур ижтимоий гурухларнинг вакиллари ижтимоий жиҳатдан кам

муҳофазаланган ва жамоавий шартномалар билан қамраб олинмаган. Шу боис давлат, айниқса, хўжалик юритишининг бозор муносабатларига ўтиш шароитларида ёллашнинг шахсий шартнома шакллари ривожини назорат қилиб бориши керак. Акс ҳолда, норозилик кучайиши натижасида давлат ишсизлик бўйича ижтимоий тўловларни анча кўпайтиришга мажбур бўлиб қолади.

Сўнгги ҳолатни алоҳида ҳисобга олишимиз лозим. Чунки, республикамиизда, бир томондан, тадбиркорлик, ишчиларни ёллаб ишлатиш бўйича хусусий тадбиркорлик ва бизнес яхши ривожланмаган бўлса, иккинчи томондан эса, кам таъминланган ҳамда ижтимоий жиҳатдан етарли даражада ҳимоя қилинмаган аҳоли орасида ишсизлар сони ошиб боряпти. Буларнинг ҳаммаси меҳнат бозоридаги ижтимоий-иктисодий муносабатларни тартибга солишининг янги, самарали ҳудудий усулларини, уларни меҳнат ресурслари ортиқча ва етишмайдиган ҳудудларга бўлган ҳолда, тадқиқ этишни талаб қилмоқда.

#### **4.3. Меҳнат бозорини тартибга солишининг минтақавий усуллари**

Республиканинг меҳнат ресурслари ортиқча ҳудудлари, аввало, **Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Хоразм вилоятлари** учун мазкур бозорни тартибга солишининг анча самарали усуллари деб, ишчи қучига бўлган талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайишини ҳисоблаш зарур.

Мазкур усуллар нималарда ифодаланишини батафсил кўриб чиқайлик.

**Ишчи қучига талабни ошириш усули.** Бозор иқтисодиётiga ўтиш шароитларида мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, экинларни етиширишда таркибий тузilmани қайta қуриш, заарар келтириб ишлаётган корхоналарни тугатиш, фан-техника тараққиёти ютуқлари ва интенсив технологияларни жорий этиш ҳисобига асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан бўшатилаётган ходимлар сони тез кўпаймоқда.

Ишчи қучига бўлган талабни оширишни рағбатлантириш усулларини тадқиқ этиш - меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга ҳамда мазкур ҳудуд учун самарали тармоқларни ривожлантиришга қаратилгандир. Маҳсулотларни қайta ишлаш, сақлаш ва харид қилиш ҳамда сервис хизмати кўрсатиш ва шахсий меҳнат фаолияти бўйича иш жойларини яратиш, ишлаб чиқариш кучлари ва бандликнинг ноанъанавий шаклларини ривожлантириш, аграр сектордаги ишдан вақтинча бўшатилаётган шахслар учун мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қайta таъмирлаш ҳамда янги иш жойларини яратиш мақсадида тўғридан-тўғри инвестициялар - сармоялар ҳажмини кўпайтиришни рағбатлантириш - мазкур услубни қўлланишининг асосий йўналишларидир.

Ишчи кучларига талабни оширишни меҳнат ресурсларини қайta тақсимлашдан манфаатдор иқтисодиёт тармоқларида иш жойларини яратиш ҳамда мавжудларини қайta таъмирлаш ва янги замонавий касбларни эгаллашга сармояларни тўғридан-тўғри жалб қилиш орқали тартибга солиш мумкин.

Дотациялар, субсидиялар ва кредитларни агросаноат мажмуи корхоналарини, айникса, қайта ишлаш корхоналарини қуриш, техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашга, шахсий меҳнат фаолиятини ривожлантириш йўли билан хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга, шунингдек, кўп болали аёллар, меҳнатга лаёқатли пенсионерлар, ногиронлар, ўсмирлар ва ҳоказоларга мос иш жойларини вужудга келтиришга йуналтириш мақсадга мувофиқдир. Шу тариқа ортиқча меҳнат ресурсларини юқорида айтиб ўтилган тармоқларга ва айрим маҳсус иш жойларига жалб этиш, айни пайтда ишчи кучларининг касбий ва малака таркибига бевосита таъсир ўтказиш мумкин.

Муваққат иш жойларини яратиш ва мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантиришни рағбатлантириш - аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим йўналишларидан бири. У корхоналарнинг иқтисодий манфаатдорлигини ошириш, бюджет тўловлари ва ходимларнинг вақтинча ва қисман бандлиги учун ижтимоий суғурта бадалларини камайтириш, уларни ишга қабул қилиш жараёнини енгиллатиш, бандликнинг ноанаънавий шаклларини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларни тўлаш каби чора-тадбирлар ёрдамида амалга оширилади.

**Ишчи кучларига таклифни камайтириш усули.** Ишчи кучларига бўлган таклифни камайтиришга, шунингдек, уларнинг меҳнат бозорига оқиб келишини қисқартириш ва бошқа жойга кетишини рағбатлантириш ҳамда иш вақти ва мавжуд иш жойларини ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлганлар ўртасида қайта тақсимлаш орқали самарали таъсир этиш мумкин. Республикаизда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида умумтаълим дастурларини кенгайтириш ва ўқиш муддатини узайтириш билан касбий тайёргарликни яхшилаш, ўқув юртларида кундузги таълим олинадиган ўқув ўринларини кўпайтириш ва кечки ҳамда сиртқи ўқувдаги талаба ўринларини қисқартириш, ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқиётганларга стипендиялар миқдорини ошириш, аёлларга бола парвариши учун тўланадиган нафақалар ва бериладиган таътил муддатини кўпайтириш, меҳнат стажини ҳисоблашда уларга имтиёз бериш; пенсионерлар, ногиронлар ҳамда уларни парваришлайдиган шахсларнинг пенсияларини ошириш – меҳнат бозорида ишчи кучларининг оқиб келишини камайтириш чора-тадбирлари ҳисобланади.

Иш билан бандлар орасида иш вақти ва иш жойлари ишчи кучларига бўлган таклифни камайтириш мақсадларида қайта тақсимланади. Меҳнат ресурслари иш билан бандлигининг хусусий ва вақтинчалик шаклларига ўтишларини рағбатлантиришга уларга ҳам иш билан тўла банд қилинган шахсларга мўлжалланган ижтимоий таъминотнинг ўша турларини, таътиллар ва бошқа ижтимоий кафолатларнинг миқдорларини ўрнатиш, кафолатланган энг кам миқдордаги иш ҳақи билан таъминлаш, ҳар йили бериладиган таътилларни ўз вақтида бериш, иш куни ва иш ҳафтаси давомийлигини қисқартириш орқали эришиш мумкин.

**Мамлакатимизнинг меҳнат ресурслари этишмайдиган минтақалари (Жиззах, Сирдарё вилоятлари ва Коракалпогистон Республикаси)да ишчи кучларига талабни камайтириш ҳамда улар таклифини кўпайтириш**

**мехнат бозорини тартибга солишнинг мақсадга мувофиқ усуллари**

**Ишчи кучларига талабни камайтириш усули.** Мазкур усулга ҳудудий хокимиятларнинг у ёки бу минтақаларда, тармоқлари ёки касб-хунарларида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш ва янги иш жойларини вужудга келтиришни секинлаштиришга оид қуидаги чора-тадбирлар: ортиқча ишчи кучларидан фойдаланганлик учун қўшимча соликларни белгилаш; қаттиқ кредит сиёсатини ўтказиш; корхонага ходимни ишга олганлиги учун бир марталик тўловни жорий этиш; ортиқча ишчи ва хизматчиларни қискартиришни рағбатлантириш ва ҳоказолар киради. Бундан ташқари, ишчи кучларига талабни камайтиришда меҳнат унумдорлигини ошириш ва тежамкорликка эришиш муҳим аҳамиятга эгадир.

**Ишчи кучлари таклифини кўпайтириш усули.** Ҳозирги шарт-шароитларда меҳнат бозорига ишчи кучлари таклифини мутлақ кўпайтириш, умуман, мумкин эмас. Ишчи кучлари таклифини кўпайтиришга саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқлари ва шахсий меҳнат фаолияти соҳаларининг ривожи жиддий тўсиқ бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ҳозирги пайтда ишчи кучи таклифи на касб, на малака тузилиши бўйича иқтисодиётининг тармоқларидаги жонли меҳнатга талабнинг ўсиш суръатига жавоб бермайди. Шу боис ишчи кучи таклифининг сифат кўрсаткичларини ўзгартириш ҳамда унинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш лозим. Бунинг учун эса, бандликнинг давлат хизмати тизимидағи ва бошқа ўқув юртларидаги ходимларнинг малакаларини оширишни ташкил этиш, корхоналарнинг ўзидағи маҳсус курсларда касб-корга ўргатиши яхшилаш ва уларга солик тўловида имтиёзлар бериш **маҳаллий кадрлар рақобатбардошлигини оширишнинг мақсадли маҳсус дастурини ишлаб чиқиш керак**.

Ишчи кучлари таклифини рағбатлантириш ходимларни ишга ёллаш ва жойлаштиришга ёрдамлашиш усулларини қўлланиш орқали ҳам амалга оширилади. Бу усуллар ташкилий тусда бўлиб, бўш иш жойлари ва ишга жойлашиш ҳамда қайта ўқитишга муҳтоҷ фуқароларнинг сони ҳақидаги **маълумотлар банкини ташкил этишини**, аҳолини ишга жойлашиш имкониятлари ҳақидаги ахборотлар билан таъминлашни, ишсизларни рўйхатга ва ҳисобга олишни, касбга йўналтиришга оид чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва ўтказиш каби йўналишларни қамраб олади.

Меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашнинг анча самарали усуллари орасида турмуш даражасини тартибга солишни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур услублар ҳудудларнинг молиявий ресурслари ҳисобидан ходимларнинг меҳнат ва уй-жой шарт-шароитларини ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш даражаларини яхшилаш каби тадбирларни ўтказиб, уларни тартибга солиш асосида татбиқ этилади.

Барча ҳудудлар меҳнат бозорларидаги муносабатларни тартибга солишда **ишга ёллашда эркин ва ўзаро манфаатли рақобат услубидан** фойдаланиш муҳим ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга.

Меҳнат бозорида ишчи кучларини ёллашда эркин ва самарали рақобат - ёлланувчилар билан иш берувчилар ўртасида ишчи кучларига бўлган эркин

талаб ва таклиф тамойилари асосида меҳнат-товарга ўзаро манфаатли баҳони ўрнатиш. Бунда ишга ёллаш бозоридаги унинг сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлиги, маҳаллий ва хорижий меҳнат биржалари томонидан турли гурухлар ва касблар бўйича бўш иш жойлари, ишчи кучларининг нархлари ҳақидаги ҳаққоний ахборотнинг берилиши, иш берувчиларнинг ёлланма ишнинг муддатлари ва характеристери юзасидан талаблари ва шартлари, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилишнинг ижобий ҳамда салбий оқибатлари ва ҳоказолар ҳисобга олинади.

Меҳнат бозоридаги эркин рақобатда ишчи кучларигина эмас, балки шахсий ёки жамоавий меҳнат шартномаси асосида фойдали нархда ўзининг «меҳнат қобилияти»ни сотишга муҳтож кадрлар ҳам қатнашиши мумкин. Бу ерда меҳнат ресурслари билан иш берувчилар ўртасидаги муносабатларнинг сифат кўрсаткичлари юзасидан эркин рақобат вужудга келади.


#### **4.4. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш йўналишлари**

Ишчи кучи бозори ички регуляторларининг турли-туманлиги ҳамда унинг самарали амал қилиши ижтимоий жиҳатдан аҳамиятга эга эканлиги туфайли меҳнат бозорида уни малакали равишда таритбга солиш талаб этилади. Бандлик соҳасида тартибга солишнинг бундай тизимини яратиш Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг асосий ижтимоий вазифаларидан биридир. Бу борада ҳозирда айрим ишлар қилинганигини айтиб ўтиш керак: меҳнат бозори ва муносабатларининг янги қонуний асослари (бандлик хизматлари) тузилди, ишсизларни рўйхатга олиш йўлга кўйилмоқда. Бугунги кунда жумҳуриятимизда 200дан зиёд меҳнат биржалари (давлат бандлик хизматлари) фаолият кўрсатмоқда. Улардан меҳнат муносабатлари бўйича 2000 дан ортиқроқ мутахасис аҳолини иш билан таъминлаш ва фаол ижтимоий муҳофаза масалаларини ҳал қилиш билан шуғулланмоқда. Бунда кўпгина ривожланган мамлакатларда (АҚШ, Россия ва ҳ.к.)нинг синалган тажрибасига ҳам суюнилмоқ. Ўзбекистон ҳукумати имкони бўлган барча ҳуқукий жиҳатдан асосланган дастурлар ёрдамида республикадаги меҳнат бозори сиёсатини олиб бормоқда.

Ҳозирги пайтда меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг **тўртта асосий йўналишини** ажратиб кўрсатиш мумкин. **Биринчидан**, бу иқтисодиётнинг нодавлат секторида бандликнинг ўсишини рағбатлантириш ва иш жойлари сонини қўпайтириш дастурлари, **иккинчидан**, иш кучини тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилган дастурлар ва **учинчидан**, ишчи кучини ёллашга кўмаклашиш дастурлари. Улардан ташқари, **тўртинчидан**, ҳукумат ишсизликни ижтимоий суғурта қилиш борасида ҳам дастурлар ишлаб чиқишига киришмоқда, яъни ишсизларга нафақа бериш учун маблағ жамғармаси тузилди. Шу тарздаги дастурлар доирасида, масалан, АҚШда урушдан кейинги йилларда давлат секторида (ижтимоий хизматлар соҳасида – маориф, тибиий хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалик ҳамда ижтимоий бинолар қурилиши ва таъмирлаш-тиклаш ишларида) юз минглаб иш жойлари яратилган эди. 2500 дан кўпроқ маҳаллий агентликларга (меҳнат биржаларига) эга бўлган АҚШ ишга

жойлаштириш хизмати ишсизларни рўйхатга олиш билан шуғулланади. Улар бўш иш жойлари топишга ҳаракат қилишади, малакасини аниқлаш мақсадида ишга даъвогарларни тест синовидан ўтказишади ва бошқа шунга алоқадор вазифалар билан шуғулланишади.

Кадрларни тайрлаш ва қайта тайёрлаш масаласига келганда эса, АҚШда унинг асосий бўғини бўлиб олий ва ўрта мактаб, хусусий корпорацияларнинг ўкув курслари ва марказлари ҳисобланади. Касбга тайёрлашнинг давлат тизими бу ерда анча заиф ривожланган.



### *Меҳнат бозорини тартибга солишининг мантиқий йўналишлари.*

Мантиқан олганда услубий жиҳатдан бу йўналишлар қуидаги тамоилиларга суннади (расмга қаранг):

- давлат бандлик хизматлари воситасида иш билан таъминланмаган аҳолини янги касбларга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- меҳнат муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатдан узлуксиз тартибга солиб боришни йўлга қўйиш;
- ишсиз қолганларни йўналтирилган ижтимоий муҳофаза қилиш.

Тадқиқотлар кўрсатяптики, меҳнат бозорини самарали тартибга солишининг юқорида санаб ўтилган усуллари орасида ишчи кучларига талабни қўпайтириш ва унинг таклифини камайтириш усули етакчи ўринни эгаллади. Ҳунки, республикамиз ҳудудларининг аксарият қисми меҳнат ресурслари билан ортиқча таъминланган. Буларнинг ҳаммаси аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришга ҳамда ишсизликни йўл қўйиладиган даражагача камайтиришга кўмаклашади.

## **Қисқача хуросалар**

Меҳнат бозоридаги умумий ижтимоий - иқтисодий муносабатлар жамоа ва шахсий шартномалар асосида тартибга солинади.

Меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган ҳудудларда меҳнат бозори ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш усуллари асосида тартибга солинади.

Меҳнат ресурслари билан кам таъминланган ҳудудларда эса меҳнат бозори ишчи кучига талабни камайтириш ва унинг таклифини ошириш усуллари асосида тартибга солинади.

Меҳнат бозори давлат томонидан ўтказалидиган ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий чора – тадбирлар асосида тартибга солинади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат бозорини тартибга солишнинг аҳамияти нимада?
2. Жамоа ва шахсий меҳнат шартномаларининг ўрни қандай?
3. Меҳнат ресурслари билан кўп ва кам таъминланган ҳудудларда меҳнат бозори қандай усулар асосида тартибга солинади?
4. Меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий йўналишлари нималардан иборат?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. -342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.ИЛемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.

11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмюминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т. Замонавий мехнат бозори: фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

7. <http://www.economyfaculty.uz> – “Мехнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
8. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
9. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
10. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
11. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
12. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **5-БОБ. АҲОЛИНИНГ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ**

**5.1.Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорининг таъсири**

**5.2. Аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

**5.3. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш**

### **5.1.Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ва унга меҳнат бозорининг таъсири**

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг оқилона бандлигининг шаклланиши фақат меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва иқтисодиётнинг барча секторларида таркибий ислоҳотлар ўтказилиши асосида амалга оширилиши мумкин. Булар ортиқча ишчи кучининг оммавий озод бўлиши ва уларни саноат ва хизмат кўрсатиш тармоқларига ва шахсий меҳнат фаолияти соҳаларига ҳамда шаҳар халқ хўжалигига оқиб ўтиши ходимлар заҳираларининг шаклланиши ва уларни бозор механизмлари асосида сафарбар қилиниши ва қайта тақсимланиши жараёнини белгилаб беради.

Иқтисодий адабиётларда «Оқилона бандлик» тушунчаси ҳақида турли ҳил нуқтаи назарлар мавжуд. Рус иқтисодчи олим А.Б.Наумовнинг фикрича, «Оқилона бандлик» тушунчаси самарали тўлиқ бандлик билан синоним бўлади. Умумий кўринишида тўлиқ бандлик ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш жойларига талабини бутунлай қаноатлантирганигини билдиради. Агар аҳолининг ишчи жойларига талаби тўла қаноатлантирилса ва ишчи кучидан энг катта самара билан фойдаланилса, унда аҳоли бандлиги оқилона бўлади [1, 18-б.]. Украин иқтисодчиси В.Ф.Онишенко ҳам худди шундай нуқтаи назарни қўллаб-куватлаб, таъкидлайдики, «Оқилона бандлик тўлиқ ва самарали бандликнинг бирлашмасидир. Оқилона бандлик ўз ичига қўйидагиларни олади: 1) аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнатга эҳтиёжини тўлиқ қаноатлантириш; 2) ишлаб чиқариш воситалари ва жонли меҳнатни самарали мувофиқлаштириш; 3) ижтимоий меҳнат унумдорлигининг энг катта имкондаги даражаси ва унинг самарадорлиги; 4) ишлаб чиқариш кучлари ривожланишининг маълум даражасида аҳолининг моддий, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжларини имкони борича тўлиқроқ қаноатлантириш» [2, 14-б., 17-18-б.].

Меҳнат бозорининг ривожланиш шароитларида бу олимларнинг оқилона бандлик - меҳнатга қобилиятли аҳолининг доимий иш жойларига талабини тўлиқ қондиради, деган фикрларига қўшилиш қийин. Меҳнат бозори ёппасига бандликни таъминламайди ва рақобат асосида сони ўзгариб турган «доимий» ишчи жойларини кафолатламайди.

Бизнинг фикримизча, аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасидаги бозор мувозанатига эришишни билдиради. Бундай ҳолда ишсизликнинг йўл қўйилиши мумкин (табиий) даражаси вужудга келади.

Бундай мувозанат иш берувчилар ва «мехнат қобилияти» кишиларининг иқтисодий манфаатлари энг муқобил даражада амалга оширилишини таъминлайди. Бунда ишчи кучига касб-малакали тайёргарлиги бўйича мос нархлар белгиланади. Худди шулар туфайли, аҳолининг оқилона бандлиги, ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш ва ишчи қучининг қиймати асосида «мехнат қилиш қобилияти»ни бозорда сотиш учун тақлиф қилганларнинг турмуш даражаси шаклланиши ҳам таъминланади.

Юқорида тақлиф этилган тушунча нуқтаи назаридан қараганда республикамиизда аҳолининг оқилона бандлигини шаклланишига ҳали тўла эришилгани йўқ. Бунга қуйидаги сабаблар асосий тўсик бўлмоқда: давлат мулкини хусусийлаштириш самарадорлигининг паст даражаси; иқтисодиётда тубдан таркибий ислоҳотларни ва ишловчиларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод бўлишининг секинлиги; меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши; иш жойларининг паст сифатли моддий-техник жиҳозлар билан таъминланиши; меҳнатга қобилияти ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар фаолиятининг етарлича рағбатлантирилмаганлиги; ишчи кучи тақлифини унга бўлган талабга нисбатан кўпроқ ўсаётганлиги; бўш иш жойлари ҳақида ишончли ахборотларнинг камлиги ва меҳнат бозорини самарали тартибга солиш механизмининг такомиллашмаганлиги. Улар орасида давлат мулкини хусусийлаштириш ва иқтисодиёт тармоқларини таркибий ислоҳ қилиш етакчи ўрин эгаллади. Бу жараёнларни амалга ошириш кўпроқ расмий характерга эга бўлиб қолмоқда.

Ваҳоланки, ижара, ҳиссадорлик, ширкат, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига ижобий таъсир қилиб, ишчи кучига талабнинг ошишига ва унинг тақлифи камайишига олиб келиши мумкин.

Аммо республиканизнинг айрим жойларида ишчи кучига талабнинг камайиши ва унинг тақлифи ошиши кузатилмоқда. Ноқишлоқ хўжалигига иш жойлари сони етарли эмаслиги ва ишловчиларнинг касбий билимлари пастлиги республиканинг барча худудларида мавжуд бўлган ишчи кучига талаб ва тақлиф ўртасидаги номутаносиблик ва ишсизликнинг асосий сабабларидан ҳисобланади.

Масалан, Самарқанд вилоятида ишчи кучига талаб унинг тақлифига кўра 2 марта кам ва ишсизлик даражаси республиканинг ўртача кўрсаткичидан 1,8 марта катта (4.1-жадвал).

#### 4.1-жадвал

#### **Самарқанд вилоятининг мехнат бозори ва ишсизликнинг ҳолати, %**

Кўрсаткичлар	1999й.	2000й.	
		1999-2000 йиллардаги ўзгариш	Жами
Ишчи кучи тақлифи	66,8	+0,4	67,2
Ишчи кучига талаб	33,2	-0,4	32,8

Ишчи кучи таклифининг талабдан ошиб кетиши	2,0	K0,1	2,1
Ишсизлик даражаси	4,6	K0,2	5,8

Вужудга келган ҳолатни меҳнат ресурслари сонининг иш жойлари миқдоридан ошиб кетиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига эҳтиёжнинг камайиши, саноат меҳнатини қўллаш минтақаларини яратишнинг секинлашуви ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишнинг илфор услугларидан самарали фойдаланмаслик билан изоҳланади.

Авалламбор, техник воситалардан самарасиз фойдаланиш ва ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишда илфор усулларни секинлик билан татбиқ этиш сабабли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида меъёрдан юқори жонли меҳнат сарфланмоқда ва ходимларнинг мазкур тармоқдан озод бўлишлари секинлашмоқда. Тадқиқот ишлари кўрсатадики, унинг ҳозирги мавжуд техник жиҳозланиш даражасида ҳам камроқ сонли ходимлар билан юқори самарадорликка эришиш мумкин. Ишчи кучининг ортиқча қисмидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг унга талаб бўлган тармоқларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Меҳнат ҳақи унинг якуний натижаларидан узилиб қолиши ва ишловчиларнинг касбий билимлари ва иш жойларининг унумли техника билан таъминланиш даражаси пастлиги нафақат АСК корхоналари ишлаб чиқариш қувватларида самарасиз фойдаланишга, балки ички ва ташқи бозорларининг талабларига тўлиқ мос келмайдиган паст сифатли товарларни ишлаб чиқаришга олиб келади. Натижада кўпгина қишлоқ меҳнаткашларининг меҳнати ижтимоий тан олинмайди (амалда меҳнат ҳақи орқали тан олинган бўлса ҳам) ва халқ хўжалиги нуқтаи назаридан уларнинг бандлиги иқтисодий мазмунга эга бўлмайди. Меҳнат натижаси ижтимоий тан олинган бандликни оқилона деб ҳисоблаш мумкин.

Меҳнатга қобилиятли пенсионерлар, ногиронлар, ўқувчилар, кўп болали аёллар ва аҳолининг бошқа категория (тоифа)лари бандлигини моддий рағбатлантириш бўйича мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмайди. Квоталаштирилган янги иш жойларини яратиш ва хусусий тадбиркорларни ривожлантириш уларнинг бандлиги ва меҳнат ҳақларини анча оширади.

Вакант (бўш) лавозимлар ва иш жойлари мавжудлиги ҳақидаги ишончли ахборотларнинг камчилиги – иш билан банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштиришни қийинлаштиради. Статистика идоралари факат саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш обьектларида иш жойларининг миқдори ва тузилиши бўйича ахборотлар тўплаш ва уларни таҳлил қилиш билан шуғулланади. Аммо синалган методика йўқлиги туфайли қишлоқ хўжалигига иш жойларининг сони ҳақидаги ахборотларни йиғиш амалга оширилмайди.

Буларнинг барчаси ва меҳнат бозорида муносабатларни тартиба солишининг самарали механизми мавжуд эмаслиги - аҳолининг оқилона бандлиги шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Мавжуд механизм эса

оқилона бандлик шаклланишининг асосий шарт-шароитларини тўлиқ ҳисобга олмайди. Такомиллаштирилган янги механизм эса қуидаги асосий шарт-шароитларнинг таъсирини тартибга солиши лозим: **ишчи кучига талабнинг ошиши ва унга таклифнинг камайиши; ёлланма ишчи кучига меҳнат ҳақининг(нархнинг) энг паст миқдорини аҳоли жон бошига тўғри келадиган минимал истеъмол бюджетидан кам бўлмаган ҳолда белгилаш; меҳнатга қобилиятли ўсмирлар, пенсионерлар, кўп болали аёллар ва ногиронлар бандлигини ошириши рағбатлантириш; ишсизларнинг малакаси, рақобатбардошлиги ва сафарбарлигини ошириш; бандлик хизмати инфратузилмасининг самарали ривожланишини таъминлаш ва бошқалар.**

Аҳоли оқилона бандлиги шаклланишининг муҳим шарт-шароитлари – машғулотлар тури, иш ва яшаш жойини эркин танлаш, аҳоли сафарбарлигининг турли маъмурий чекланишларини (прописка, виза, асоссиз ишдан бўшатишни ман қилиш ва ушлаб қолишлар) бекор қилиш, меҳнат ҳақидаги қонунларга қатъий риоя қилган ҳолда ишга жойлашиш кафолатини беришдан иборат бўлади. Мажбурий меҳнат қилишдан воз кечиш ҳар бир шахснинг ижтимоий ишлаб чиқаришда ишлаш ёки ишламасликни ҳақиқий танлашини билдиради. Бунда меҳнат қилишнинг ҳуқуқий амалга оширилиши, шубҳасиз, ходимларни меҳнат бозорида ёлланишнинг энг яхши шароитлари учун мусобақалашувларини кўзда тутади.

Аммо ходимларни расмий озод қилиш етарли эмас. Ёлланма меҳнат учун иқтисодий шароитлар ва ижтимоий кафолат зарур. Улар орасида келажакда энг кам иш ҳақини аҳоли жон бошига қун кечириш учун зарур бўлган энг кам миқдоргача қонун асосида ошириш ва меҳнат даромадларини чеклашни бекор қилиш асосий ҳисобланади. Ўшандагина ходим иқтисодий фаол бўлади.

Иқтисодий нуқтаи назардан оқилона бандлик ишчи кучидан шундай фойдаланишини акс эттирадики, у ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ва меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлайди ва мулкчиликнинг турли шакллари, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг самарали услубларини қўлланиш соҳалари кенгайишига қўмаклашади. Бу ортиқча ишчи кучининг озод бўлишига олиб келадики, у ёлланган ишловчиларни қайтадан тақсимлаш ва меҳнат миграцияси кенгайиши жараёнининг кучайишига ёрдам беради. Шу билан бирга шундай вазият юзага келадики, унда ишлаб чиқаришдан озод бўлган ишловчилардан бир қисмининг меҳнатга ва даромадларга ўз ҳуқуқини амалга ошириш шароити ёмонлашади. Бундай ҳолда ишсизлик пайдо бўлади.

Меҳнатга қобилиятли аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришнинг асосий демографик манбаларидан бири - унинг **иқтисодий фаол қисми кенгайишидан** иборат. Аҳолининг иқтисодий фаол қисми мулкчиликнинг турли хил ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шаклларига эга корхоналарда иш билан банд бўлган ёлланма ходимларни, мустақил шахслар ва тадбиркорларни, иш қидираётган (шу жумладан, ишсиз) меҳнатга қобилиятли, банд бўлмаган аҳолини қамраб олади. Буларнинг барчаси меҳнат салоҳиятини ташкил қиласди. У меҳнатга қобилиятли аҳолининг иқтисодий фаол бўлмаган қисми - ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда ўқиётганлар, ҳарбий хизматда

бўлганлар ва субъектив-объектив сабабларга кўра иш билан банд бўлмаганлар хисобига янгиланади ва тўлдирилади. Микдорий янгиланиш характери - иқтисодий фаол аҳолининг кенгайтирилган, оддий ёки торайтирилган такрор ишлаб чиқарилиши - унинг таркибидан чиқсан шахслар (пенсияга чиқиш, меҳнат қобилиятини йўқотиш ва бошқа сабаблар бўйича) сонини ( $V_\beta$ ) ва меҳнат бозорини тўлдирадиган шахслар (ўқув юртларни битиувчилар, ҳарбий ёки мажбурий хизматдан қайтганлар, олдин банд бўлмай, ҳозир меҳнат қилишни хоҳловчи шахслар ва бошқалар) сони ( $P_\beta$ ) ўртасидаги айрмани иқтисодий фаол аҳоли сонига ( $A_{\text{ҳак}_\beta}$ ) нисбати билан белгиланади.

Иқтисодий фаол аҳолининг микдорий янгиланиши коэффициенти ( $K_{\text{янг}_\beta}$ ) қуидаги тартибда аниқланди:

$$K_{\text{янг}_\beta} = (P_\beta - V_\beta) / A_{\text{фак}_\beta} \times 100\%, \quad (1)$$

Бу ерда  $A_{\text{фак}_\beta}$  - иқтисодий фаол аҳоли  $\beta$ -категориясининг умумий сони.

Шундай қилиб, иқтисодий фаол аҳолининг бандлиги - унинг ўзаро боғлиқ иқтисодий ва ижтимоий-демографик жараёнлар бирлигидаги ҳаракатини акс эттиради.

Сўнгги пайтларгача оқилона бўлмаган бандликнинг асосий сабабларидан бири иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги номутаносибликтининг мавжудлиги ҳисобланар эди. Аммо ҳозирги вақтда бу муаммонинг бошқа жиҳати - ишчи қучига талабни унинг таклифига мос келмаслиги муҳим, чунки ҳозирги ҳудудий сафарбарлик, прописка билан тўхтатиб турилган, уй жой бозори яхши ривожланган, ҳудудлар бўйича турмуш даражаси табақалаштирилган вазиятда таркибий мос келмасликлар - бошқа муаммолар вужудга келишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, бозор муносабатларининг вужудга келиши ва ишсизлик факти унинг барча кўринишларида тан олиниши ишчи қучига талафутини ўртасидаги тенгизликни камайтириш бўйича масала ҳал қилиниши кўзда тутади. Аммо bunga эришилиши керакки, меҳнат ҳар бир иш жойида иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлсин, яъни аҳоли бандлигининг оқилона тузилишини таъминлансан.

Ҳозирги вақтда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигининг вужудга келган тармоқлардаги тузилиши иқтисодиёт тармоқлари ишлаб чиқариш тузилишининг акс эттирилиши бўлиб, у иқтисодий мақсадга мувофиқлик нуқтаи назаридан оқилона эмас, деб таърифланади.

Тадқиқотлар кўрсатадики, бозор иқтисодиёти ривожланган хорижий мамлакатларда аҳолининг иш билан бандлиги авваломбор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишга йўналтирилган. Ўзбекистонда эса тескари манзара кузатилади: 67%дан ортиқ аҳоли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва хом ашё сифатида қайта ишлаш саноатига тайёрлаш билан шуғулланади (4.1-жадвалга қаранг). Худди шундай вазият собиқ иттифоқ давлатларида ҳам хукмрон. Масалан, Украинада қишлоқ хўжалигига банд бўлганлар 73 %ни, қайта ишлаш саноатига 10%ни, савдо ва умумий овқатланишида - 7%ни ташкил қиласади [2, 56-б.]. Меҳнат ресурсларининг

ишлиб чиқариш томонига бундай мутаносиблиги кейинчалик маҳсулотни истеъмолчи томонига қараб ҳаракат қилишида ишчи кучининг элементар етишмаслиги оқибатида узилишларга олиб келади.

Меҳнат бозори ривожланаётган шароитларда қишлоқ хўжалиги ишлиб чиқаришидаги иш жойларини қисқартирилиши натижасида ходимларнинг тез озод бўлиши оддий ҳол бўлади. Бу муаммони тўғри ҳал қилишнинг муҳим йўналишларини Президент И.А. Каримов қўйидагича изоҳлайди: «Ҳозир барча ижтимоий ишлиб чиқариш ходимларининг учдан бир қисмидан кўпроғи қишлоқ хўжалигига банд. Уларни бўшатиб олиш ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига, энг аввало, саноатга ва хизмат кўрсатиш соҳасига йўналтириш иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар қилиш ҳамда уни жадал ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради».

4.2-жадвал

### **Ўзбекистон Республикаси ва бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар АСКида аҳоли бандлигининг тузилиши**

<b>Аҳолининг иш билан банд АСК тармоқлари</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>Германия</b>	<b>Буюк Британия</b>	<b>АҚШ</b>
Қишлоқ хўжалигига	67,2	6,3	2,4	3,0
Қайта ишлаш саноатида	12,2	41,5	30,2	27,4
Ишлиб чиқариш - ижтимоий инфратузилмасида	20,6	54,2	67,4	69,6

АСКнинг барча соҳаларини узвийлаштириш ва такомиллаштириш, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ишлиб чиқариш-ижтимоий инфратузилмасининг юксалиши бандликни меҳнатнинг қишлоқ хўжалиги бўлмаган турлари бўйича ўсишига кўмаклашади. Аҳоли бандлигининг таркибий ўзгаришларидаги кўрсатилган тенденциялар меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш омили сифатида ходимларнинг қишлоқ хўжалиги тармоқларидан саноат меҳнати жабҳаларига кўчиб ўтишига олиб келади. Аҳолининг тармоқлараро бандлигидаги ўзгаришлар ҳудудлар меҳнат билан турлича таъминланишига олиб келса ҳам, ҳамма жойда ижтимоий меҳнатни қайта тақсимлашга эришиш зарур. Чунки, уни тўхтатиб туриш келажакда меҳнатни қўллашнинг янгидан ривожланаётган тармоқларини ходимлар билан таъминлашга жиддий тўсиқ бўлиши ва ижтимоий меҳнат самарадорлигининг пасайишига катта таъсир этиши мумкин. Ушбу жараённи амалга ошириш учун ходимларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, қишлоқ аҳолисининг касб эгаллашдаги самарали тизимини ташкил қилишга алоҳида аҳамият бериш керак.

Қишлоқ хўжалиги ишлиб чиқаришидан озод бўлган ходимлар малакаси даражасини саноат меҳнатининг замонавий талабларига тўлиқ мослаштиришдек муракқаб ижтимоий муаммони шошилинч ечиш керак. Бунинг учун эса “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да қабул қилинган чора-

тадбирларни тез ва самарали амалга ошириш лозим.

Қишлоқ хўжалигидан озод бўлган паст малакали ходимлар орасида меҳнатга лаёқатли аёллар катта салмоқни (65%) ташкил қиласди. Бозор иқтисодиётiga ўтиш даврида аёллар бандлиги муаммоси янада кескинлашади, иқтисодий ислоҳотлар аёл ишчи кучининг **маргализациялашишига** олиб келади. Камроқ малакали аёл ишчи кучи меҳнат бозорида тенг рақобат қила олмайди. Сир эмаски, аёллар ишдан бўшатиш учун биринчи номзодлардир. 1995-2000 йиллар давомида иш жойларини йўқотганларнинг 65%ини аёллар ташкил қиласди. Шундай вазият вужудга келмоқдаки, унда аёл биринчи ишдан бўшатилувчилар сафида, аммо бўш жойга эса биринчи номзод эмас.

Бозор муносабатларига ўтишда аёл ишсизлигининг ўсиши кўпгина сабаблар билан изоҳланади, аммо улардан энг муҳимлари, **биринчидан**, - аёл меҳнатини қўллаш учун иш жойларининг етишмаслиги; **иккинчидан**, - қишлоқ хўжалиги ишларида қўл меҳнати салмоғининг юқорилиги; **учинчидан**, - уларнинг малакаси даражаси ва сафарбарлигининг пастлиги. Шунинг учун меҳнат бозорида аёл ишчи кучига талаб эркакларга қараганда анча кам.

Аёлларнинг иш билан бандлик даражасини оширишга йўналтирилган комплекс тадбирларни ўтказиш лозим. У кўп болали аёллар ва ёш қизлар учун янги иш жойларини яратиш, аёлларни болага қарашиб давридан кейин касбий мослаштириш ва ишлаб чиқаришга қайтариш, боласи бор аёллар малакасини ошириш учун маҳсус курслар ташкил қилиш, аёлнинг иш шароитини яхшилаш учун сармоялар жалб қилишни рағбатлантириш каби тадбирларни қамраб олиши керак.

## **5.2. Аҳолининг оқилона бандлигини таъминлаш мезонлари ва кўрсаткичлари**

Оқилона бандликни шаклланишининг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қуидаги мезонларда ўз аксини топади: **ишчи кучига талаб ва таклиф ўргасида бозор мувозанатига эришиш; иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг меҳнатда иштирокини ошириш; меҳнат унумдорлигининг ўсишини таъминлаш; аҳолининг меҳнат даромадларини кўпайтириш; ишсизликни камайтириш ва бошқалар.**

Мазкур мезонлар қуидаги **кўрсаткичлар** ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вақтининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган меҳнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими; меҳнатни фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфратузилма хизматларининг миқдори; қишлоқ хўжалиги ҳар бир ходимини ер юкланмаси; ўртacha йиллик иш ҳақи; аҳолининг уй-жой билан таъминланиши; меҳнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; асосий фондлардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти; ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлар сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; меҳнатнинг умумий

натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли хил шакллари ва меҳнатни ташкил қилишнинг самарадорлиги ва ҳ.к.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва уларнинг кўрсаткичларидан меҳнатга лаёқатли аҳолининг оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солиш механизмларини, тегишли мақсадли комплекс дастурини ва эконометрик моделларни ҳамда комплекс таҳлили ва истиқболини белгилашнинг методологик асосларини яратишида ва уларни татбиқ этишда фойдаланиш мумкин.

### **5.3. Аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш**

Иқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган бозорни бошқариш (тартибга солиш) сиёсати уч асосий мақсадга эришишни назарда тутади:

- таркибий қайта қуришни рағбатлантириш ва бўшаб қолган ходимларни қайта тақсимлаш жараёнини жадаллаштириш;
- ишсизларни меҳнат жараёнига тезлик билан жалб қилиш;
- иш қидираётганларнинг ҳар бирини иш билан таъмин этиш.

Давлатнинг аҳолини иш билан таъминлаш сиёсатининг чора-тадбирлари қуйидаги соҳалар бўйича табақалаштирилган:

- таъсир кўрсатиш обьекти бўйича (умумий ва ихтисослашган чора – тадбирлар);
- маблағ билан таъминлаш бўйича.

Аҳолини иш билан таъминлаш ва унга таъсир кўрсатиш усулларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- билвосита (маъмурий) усуллар: қонун йўли билан тартибга солиш;
- меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари;
- бевосита (иқтисодий) усуллар: молиявий, монетар, фискал (хазина) сиёсати.

Аҳолини иш билан таъминлашга **давлатнинг таъсир кўрсатиш усуллари**:

- пассив таъсир кўрсатиш – иш билан банд бўлмаган аҳолига ижтимоий ёрдам;
- фаол таъсир кўрсатиш – меҳнат таклифини рағбатлантириш, меҳнатга бўлган талабни рағбатлантириш, талаб ва таклифни мувофиқлаштириш чора-тадбирлари (ахборот, маслаҳат хизмати кўрсатиш, касбий соҳада маслаҳатлар бериш, аҳолининг камроқ рақобатдош гуруҳлари учун бандлик дастурларини ишлаб чиқиши ва ҳоказолар).

Давлат бандлик сиёсати доирасида меҳнат бозорини тартибга солишида бандликка кўмаклашиш жамғармаларининг аҳамиятинг алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Бандликка кўмаклашиш жамғармаси харажатларини шартли равишда қуйидаги йўналишлар бўйича қисмларга ажратиш мумкин:

- ишсизлик бўйича нафақага сарфланадиган маблағлар, ишсизларга моддий ёрдам кўрсатиш, узок муддатли пенсиялар тўлаш. (Буларни пассив сиёсат деб аташ қабул қилинган.);

- қайта тайёрлаш ва жамоат ишларига сарфланадиган маблағлар. Фаол сиёсатнинг мазкур шакли амалдаги қонунчиликдан келиб чиқади, яъни бандлик соҳасидаги давлат хизмти учун мажбурий ҳисобланади.
- молиявий қўллаб-қувватлашга, қимматли қоғозлар сотиб олиш ва бошқа харажатларга мўлжалланган маблағлар. Айтиб ўтилган бу шаклларни бирлаштириб турадиган томон шуки, улар қонун билан кафолатланмаган. Шу билан бирга «молиявий қўллаб - қувватлаш» моддасига доир харажатларни меҳнат бозоридаги фаол сиёсат шаклларига киритиш қабул қилинган;
- бандлик хизматларини ривожлантириш учун мўлжалланган маблағлар (уларни таъминлаш, капитал маблағлар, реклама, «Бандлик» ахборот хизмати).

Давлатни бандликка кўмаклашиш жамғармаси қуидаги тўловларни амалга оширади:

- ишсизлик бўйича нафақа тўлаш;
- бандлик хизмати йўлланмаси билан қўнгилли равишда бошқа жойларга кўчиб борувчининг йўл чиқимлари билан боғлиқ моддий харажатларини қоплаш;
- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даври учун ҳақ тўлаш;
- бандлик хизмати томонидан касбий тайёргарлик, қайта тайёрлаш, малака ошириш учун стипендиялар.

Ишсизларга узоқ муддатли пенсиялар тайинлаш муносабати билан Пенсия жамғармаси харажатлари бандликка кўмаклашиш жамғармасидан қопланади. Аҳолининг бандликка кўмаклашиш жамғармасига бадаллар тўлаши учун суғурта тарифи меҳнат ҳақига тўлашга мўлжалланган маблағларнинг 1,5%ини ташкил этади. Бадаллар тўлашдан ногиронларнинг жамоат ташкилотлари, ногиронлар ва пенсионарларнинг жамоат ташкилотлари, уларга тегишли бўлган корхоналар, шунингдек, диний бирлашмалар озод қилинади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда меҳнат бозорини бошқаришда бир қатор йўналишлар мавжуд бўлиб, улар аҳоли бандлиги давлат хизматига тааилуқлидир. Бу хизматнинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотни тарқатиш ҳисобига меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши самарадорлигини оширишдан иборат.

Ўзбекистонда давлат бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Республика аҳоли бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро амалиётга мувофиқ келади. Ҳозирги вақтда Ўзбекистон аҳоли бандлиги хизмати минтақаларда (вилоятлар, шаҳар ва туманларда) ишлаб турибди.

Аҳолининг бандлигига кўмаклашиш билан боғлиқ хизматлар бандлик хизмати органлари томонидан бепул кўрсатилади. Бозор муносабатларининг ривожланиши бандликнинг нодавлат хусусий характердаги тузилмалари ҳам ташкил этилишига имкон бермоқда. Булар ходимни танлаш бўйича тижорат агентликлари, ўқув юртлари хузуридаги муассасалар, диний идоралар хузуридаги ва ҳоказо муассасалардир. Меҳнат биржалари ҳам ишлаб турибди.

Тажрибаларнинг кўсатишича, меҳнат биржалари меҳнат бозорининг тўла маънода тартибга солувчи таъсирчан воситаси бўлиб қолиши мумкин.

Меҳнат биржалари меҳнат бозори ҳақидаги, унинг ахволи ва истиқболи тўғрисидаги ахборотларни ўзида тўплайди. Бозор тузилмаси сифатидаги меҳнат биржаси хилма-хил вазифаларни бажаради.

Аҳоли бандлигини нодавлат даражасида ташкил этиш соҳасидаги тижорат тузилмаларининг бошқа шакллари ҳам мавжуд.

## **Қисқача хulosалар**

Аҳолининг оқилона бандлиги ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги мувозанатга эришишни билдиради.

Аҳолининг иш билан оқилона бандлигига ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришилган, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланган, иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар юзага келган, яшаш ва меҳнат қилиш жойлари эркин танланган, маҳаллий кадрлар сафарбарлигининг ҳар қандай маъмурий чекланишлари бекор қилинган, меҳнат ҳақидаги қонунларга мувофиқ ишга жойлашиш кафолатлари мавжуд бўлган, энг кам иш ҳақи даражасини минимал истеъмол бюджетигача оширишга муваффақ бўлинган ва меҳнат даромадларидан солиқлар секин қисқартирилган шароитлардагина эришиш мумкин.

Аҳолининг иш билан таъминланиши давлат томонидан турли иқтисодий, ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий тадбирларни амалга ошириш асосида тартибга солинади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Аҳолининг иш билан оқилона бандлиги нимани англатади?
2. Аҳолининг оқилона бандлиги билан меҳнат бозори ўртасида қандай алоқадорлик бор?
3. Оқилона бандликка эришиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш даркор?
4. Қандай мезонлар ва кўрсаткичлар асосида аҳолининг иш билан оқилона бандлиги ҳолатини ифодалаш мумкин?
5. Аҳолини иш билан таъминлашга давлатнинг қандай таъсир кўрсатиш усуслари мавжуд?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -6726.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.

4. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. -342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмүминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т. Замонавий мехнат бозори: фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Мехнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **6-БОБ. ИШСИЗЛИК: САБАЛЛАРИ, ТУРЛАРИ ВА КҮРСАТКИЧЛАРИ**

- 6.1. Ишсизликнинг ижтимоий - иқтисодий мазмуни**
- 6.2. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари**
- 6.3. Ишсизликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари**
- 6.4. Ишсизликнинг табиий даражаси. А. Оукен қонуни**
- 6.5. Ишсизликни ҳимоя қилиш борасида давлат тадбирлари**

### **6.1. Ишсизликнинг ижтимоий - иқтисодий мазмуни**

Ишсизлик муаммолари тадқиқисиз меҳнат бозори ва ижтимоий-меҳнат муносабатларини тўла тасаввур этиб бўлмайди. Ишсизлик – бу, бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир.

Ишсизлик муаммосини ўрганишдан **асосий мақсад** - аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишидан иборат. Жамиятдаги ишсизлик даражасини пасайтириш учун қўшимча иш жойларини яратиш, уларни ишга тушириш аҳолининг табиий ўсишидан орқада қолмаслиги керак.

Маълумки, Ўзбекистон дунё ҳамжамияти давлатлари ўртасида аҳолисининг жадал ўсиб бораётганлиги билан ажралиб туради. Республикамиз аҳолиси сони ҳар йили ўртача 550-600 минг кишига, меҳнатга лаёқатли аҳоли сони эса 250-300 минг кишига қўпаймоқда. Бундай вазият ўз навбатида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш борасида узлуксиз тадқиқот олиб боришини тақозо этмоқда. Бунинг учун эса ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш жойларини яратиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Акс ҳолда, ишсизлар сонининг ортиб бориши аҳолининг турмуш даражасининг пасайишига олиб келади. Шу нуқтаи - назардан авваламбор, ишсизлик тушунчаси ва унинг мазмунини чуқурроқ ўрганмоғимиз лозим.

Одатда, жаҳон мамлакатлари ишсизлик тушунчасини БМТ, Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ), Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш жамияти талабларига кўра ишлаб чиқишиди. Халқаро меҳнат ташкилотининг 13-конвенцияси таърифига биноан «ишсиз шахслар» деганда, - иш жойларига эга бўлмаган, ишлашга тайёр ва иш излаётган фуқаролар тушунилади. Мана шу асосий шартларга риоя қилган ҳолда, турли мамлакатларда фуқарони ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қўшимча шартлар талаб қилинади.

Масалан, Америка Кўшма Штатларида сўнгги бир ҳафта мобайнида иш билан банд бўлмаган, сўнгги тўрт ҳафта давомида ишга жойлашишга (бевосита иш берувчига ёки иш билан таъминлаш давлат хизматига мурожат этиш орқали) ҳаракат қилган, меҳнат қилиш қобилиятига эга бўлган фуқаролар ишсиз шахс деб эътироф этиладилар.

Японияда ишсиз шахс деб сўнгги бир ҳафта давомида бир соат ҳам ишламаган, Буюк Британияда эса, сўнгги бир ҳафта мобайнида ишламаган, шу

давр мобайнида иш қидирган ёки касаллиги туфайли иш қидириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар тушинилади.

Айрим малакатларнинг қонун хужжатларига биноан ишсиз деб, ишдан бўшатилган ва меҳнат стажига эга бўлганлар тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунига биноан «... ишсиз шахс деб, меҳнатга қобилиятли (ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминлаш ҳуқуқини олгунга қадар), ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаган, иш қидирувчи шахс сифатида маҳаллий меҳнат органида рўйхатга олинган, меҳнат қилишга, касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашдан ўтишга, малакасини оширишга тайёр меҳнатга қобилиятли шахслар этироф этилади».

Ишсиз шахс деб эътироф этиш учун қуйидаги **тўртта шарт** мавжуд бўлиши лозим.

**Биринчи шарт** – фуқаро меҳнатга қобилиятли бўлиши ва амалдаги қонун хужжатларига биноан пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Ҳуқуқий жиҳатдан меҳнат қилиш қобилиягининг қуи даражаси, «Меҳнат кодекси»нинг 77-моддасига мувофиқ 16 ёш деб белгиланган.

**Иккинчи шарт** – фуқаро ишга ва иш ҳақига (меҳнат даромадига) эга бўлмаслиги лозим.

**Учинчи шарт** – фуқаро ишлашга тайёр бўлиши лозим. Фуқаронинг ишлашга тайёр эканлиги, унинг маҳаллий меҳнат органига иш қидириб расимӣ мурожаат қилиши, белгиланган муддатларда меҳнат органида қайтадан рўйхатдан ўтиб туриши ва меҳнат органлари томонидан таклиф қилинган мақбул ишни қабул қилиш ҳолатлари тасдиқлайди.

**Тўртинчи шарт** – фуқаро барча тегишли хужжатларни тақдим қилган ҳолда маҳаллий меҳнат органида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтиши лозим.

Ишсизлик тушунчасига аниқлик киритиб, шуни таъкидлаш керакки, ишсизлар – булар шундай кишиларки, улар меҳнат бозорида ўз хизматларини фаоллик билан таклиф қиласилар, иш қидирадилар, бу нарса иш билан бандликнинг иқтисодий муносабатларини тартибга солишда давлат томонидан ҳисобга олиниши даркор. Баъзан «ишсизлар» тушунчасининг халқ хўжалигига иш билан банд бўлмаган меҳнатга қобилиятли аҳоли сифатида кенг маънода талқин қилиниши мақбул эмас, чунки у фаол иш қиридаётганларни ҳам, иш қидирмаётганларни ҳам, шунингдек, ҳақ тўланадиган иш ўрнини эгаллаш учун даъвогарлик қилаётган, лекин унга ўзининг касб-малака жиҳатидан яроқли, соғлиғи, ички уюшқоқлиги билан мос келишига ёрдам бермаётган шахслар ҳам киритиларди. ХМТ сандартларига кўра, ишсизлар сирасига муайян ёшга етган, ҳисобот даври мобайнида ишсиз бўлиб, дарҳол ишга тушишга тайёр бўлиб турган ва фаоллик билан иш қидираётганлар киритилади. Шундай қилиб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда ишсиз деган мақомга эга бўлмоқчи бўлган киши қуйидаги **мезонларга** мос келиши лозим:

- ишсизлар бандлик хизмати идораларида иш қидирувчи сифатида рўйхатга олинишлари даркор;

- ишсиз деб ҳисобланиш учун одам фаоллик билан иш қидириш (одатда бандлик хизматига мурожаат қилишдан бир - тўрт ҳафта илгари) керак бўлади;
- ишсизлар мақоми ва ишсизлик бўйича нафақа олиш ҳукуқи фақат илгари ишлаган кишиларга берилади;
- ишсизлик ихтиёрий равишда бошланмаслиги лозим;
- ишсиз одам ўзи учун бандлик хизмати «мос келади» деб ҳисоблаган ишга жойлашиш таклифини рад қилмаслиги лозим;
- ишсизлар бошқа даромад манбаларига эга бўлмаслиги керак;
- ишсиз одам муайян ойлар мобайнида ишсизлик бўйича нафақа олиб туради, шундан кейин нафақанинг миқдори камайтирилди ёки уни тўлаш мутлақо тўхтатилади.

Ишсизлик даражаси – меҳнат бозорининг ҳозирги пайтдаги аҳволи ҳақида ва унда муайян вақт мобайнида рўй берган ўзгаришлар тўғрисида тасаввур берадиган асосий кўрсаткичdir.

Ишсизлик даражаси (N) даврнинг боши (ёки охири)даги аҳволга кўра тегишли санада ишсизлик мақомига эга бўлган кишилар сонининг (I) ана шу санадаги иқтисодий фаол аҳоли сонига (F) нисбати сифатида аниқланади:

$$I=I/F \cdot 100\%$$

Ишсизлик даражаси кўпчилик мамлакатларда иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг муҳим ижтимоий омилларидан бири сифатида қаралади.

## 6.2. Ишсизликнинг сабаблари ва турлари

Иқтисодчи олимлар ўртасида оммавий ишсизликнинг ҳақиқий сабаблари қандайлиги тўғрисида турлича қаршиликлар мавжуд.

Маълумки, Ж.М.Кейнс «...ишсизликнинг давоси сифатида иш ҳақини пасайтириш ғоясини қатъий инкор этиб, ўзига инвестициялар, давлат харажатлари ва соф экспортдан ташқарии истеъмол харажатларини – бунда ҳам сўнгги – умумий талабнинг асосий қисмини ҳам қамраб оладиган умумий талабдан келиб чиқади».

Фикримизча, Ўзбекистонда ишсизликнинг пайдо бўлиши ва ўсиш тарихи айнан Кейнс қарашларининг тўғрилигини исботлайди. Ишсизлар расмий рўйхатга олингандан бошлаб, ишсизлик даражаси маълум даражада мунтазам ортиб боради, **ишга жойлаштириш қанчалик юқори бўлса, ишсизлик даражаси шунчалик наст бўлади.**

Иш билан бандликнинг кескин камайиши иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар (давлат секторининг камайиши), инфляция ҳамда хўжалик юритишнинг муқобил шакллари (хусусий корхоналар, ҳиссадорлик жамиятлари) етарлича тез ўсмаганлиги туфайли кўпгина корхоналарда молиявий аҳвол ёмонлашуви натижасида юзага келади. Буларнинг ҳаммаси,

табиийки, умумий талаб ҳажмида салбий акс этади: давлат таъсири қисқаради, инвестиция фаолияти сустлашади, истеъмол ҳаржатлари эса инфляция таъсирида турмуш даражасининг ёмонлашуви туфайли бирмунча камаяди.

Демак, Ўзбекистонда ишсизлик ўсишининг **асосий сабаби** – энг аввало **ишлаб чиқаришнинг қисқаришидир**. Иқтисодий ўсиш динамикаси билан ишсизлик ўртасидаги алоқа узвий боғлиқ кўрсаткичлардир.

Коидага кўра, ғарб иқтисодчилари иқтисодий ўсиш суръатларини аҳоли иш билан бандлигининг ўсиш суръатлари билан, таназзулни эса ишсизлик даражасининг ўсиши билан боғлайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, индустрисал турдаги нормал ишлаётган бозир иқтисодиётида иқтисодий ўсиш доимо тармоқларнинг ривожланиши ва кенгайишини, демак, иш билан бандликнинг ортишини англатади. Шундай бўлсада, ривожланаётган мамлакатларда бундай боғлиқлик кўзга очик ташланмайди. Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларда саноатнинг тез ўсиши иш билан бандликнинг мувофиқ кенгайишини келтириб чиқармади. Иқтисодчилар бу ҳодисани саноатдаги ўсиш суръатларидан анча юқори бўлган урбанизация суръатлари ҳамда қишлоқдан шаҳарга кўчиб келаётган аҳоли малакасининг пастлигида деб изоҳлайдилар.

Аҳолининг иш билан бандлик динамикаси, ЯИМ билан ишсизлик ўртасидаги бевосита алоқанинг тасдиқланмаслиги дастлабки қараашда мантиқан зид ҳодисадир. Иккита далил кишини ҳайратга солади: биринчидан, ишсизликни ЯИМнинг ўсишига қиёсан илгариловчи қисқариши; иккинчидан, иш билан бандликнинг камайиши билан бирга ишсизликнинг қисқариши.

Фикримизча, бу ҳодисаларни фақат статистик хатоликлар ва ишсизлик мақомини бериш шартларининг мураккаблашуви билан изоҳлаб бўлмайди. Кўринишидан яхши бўлган иқтисодий ўсиш кўрсаткичларидан иш билан бандликнинг камайишини иккита сабаб билан изоҳлаш мумкин. **Биринчидан**, яширин ишсизликнинг юқори даражаси сақланганлиги, у ўз потенциалини хатто айрим барқарорлик шароитларида ҳам очик бозорга чиқариб туради. **Иккинчидан**, яширин иш билан бандликнинг кўпайиши, у ишчи кучи ва ишсизларнинг сезиларли қисмини очик меҳнат бозоридан тортиб туради.

Республикамида ишсизликнинг пайдо бўлиш сабабларига кўра қўйидаги асосий турлари кўпроқ учрайди:

- **яширин**, бу асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқлари учун характерлидир ва бу ҳақиқий иш кучини камроқ миқдорда талаб қиласди. Амалда ишсизликнинг яширин шакли фақат иқтисодий эмас, шу билан бирга сиёсий хусусиятга ҳам эгадир. Яширин ишсизлик ишлаб чиқаришнинг чуқур таназзули шароитида корхоналарда ортиқча бандликнинг сақланиб қолганлигидан далолат беради;
- **мавсумий**, маълум бир мавсумда иш билан бандликни таъминловчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш ва тайёрлаш муддати билан асосланган. Уни нормал ишсизлик жумласига киритиш мумкин. Мавсумий ишсизликнинг ҳажми ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф мавсумий омилларининг баравар таъсир қилиши сифатида намоён бўлади;

- *технологик ўзгарувчан*, бу шакли масалан, фан - техника ютуқлари натижасида күл мөхнати ўрнини машина эгаллаши натижасида юзага келади;
- *таркибий*, иқтисодиётнинг янги тармоқлари пайдо бўлиши ёки эскисига барҳам берилиши ва мулкчилик шаклларининг ўзгариши билан юзага келади.

Ишсизликнинг ижтимоий - иқтисодий мазмуни, сабаблари ва турлари назарий асосланиши ишсизлик ҳолатининг мезонлари ва кўрсакичлари очиб берилишини тақозо қиласди. Чунки ишсизликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари мөхнатга лаёқатли аҳоли оқилона бандлигини шакллантиришни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эгадир.

### **6.3. Ишсизликнинг асосий мезонлари ва кўрсаткичлари**

Ишсизлик ҳолатининг демографик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа жиҳатлари қўйидаги **мезонларда** ўз аксини топади: ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш; ишчи кучи таклифини камайтириш; иш жойларини кўпайтириш; иқтисодий фаол аҳолининг мөхнатда иштирокини ошириш; кадрлар малакаси, сафарбарлиги ва рақобатбардошлигини ошириш; аҳолининг мөхнат даромадларини кўпайтириш ва бошқалар.

Мазкур мезонлар қўйидаги ишсизлик **кўрсаткичлари** ёрдамида аниқланади: мавжуд ва янги яратилган иш жойларининг сони; бажарилган иш вақтининг миқдори; аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг ҳажми; маҳаллий ва жалб этилган мөхнат ресурсларининг сони; аҳолининг миграцион оқими; мөхнатнинг фонд ва энергия билан қуролланиши; ижтимоий инфратузилма хизматларининг ҳажми; қишлоқ хўжалиги ҳар бир ходимининг ер юкланиси; ўртacha йиллик иш ҳақи; ҳар бир аҳолининг уй-жой билан таъминланиши; мөхнат ресурсларининг малака ва маълумот даражаси; саноат корхоналаридаги асосий фонdlардан фойдаланишнинг сменалик коэффициенти; ижтимоий ишлаб чиқаришда иш билан банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори; мөхнатнинг умумий натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма хизматларидан қаноатланиш даражаси; мулкчиликнинг турли шакллари ва мөхнатни ташкил қилишининг самарадорлиги ва ҳоказолар.

Юқорида қайд этилган мезонлар ва кўрсаткичлардан ишсизлик ҳолатини таҳлил қилиш ва истиқболлаштиришда ҳамда унинг турли кўринишлари миқдорларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Бизнингча, ишсизликнинг турли шакллари қўйидагича аниқланади.

#### **A) Яширин ишсизлик:**

$$И_{яш}(t)=R_{xk}(t)-R_{ни}(t), \quad (1.)$$

Бу ерда:  $R_{xk}(t)$  – ҳақиқий банд бўлган ишловчилар сони ( $x_k$ ), минг киши;  $R_{ни}(t)$  – иш билан банд бўлиши зарур бўлган норматив ишловчилар сони( $ни$ ), минг киши.

#### **Б) Мавсумий ишсизлик:**

$$I_{\text{мав}}(t) = R(t) + R_{\text{мав}}(t), \quad (2.)$$

Бу ерда:  $R_{\text{мав}}(t)$  - қишлоқ хўжалиги махсулотларини етишириш ва қайта ишлаш ва аҳолига хизмат кўрсатишнинг қизғин даврида мавсумий иш билан банд, меҳнатга лаёқатли шахслар сони, минг киши.

### **В) Технологик ишсизлик:**

$$I_{\text{тех}}(t) = R_{\text{олд}}(t) - R_{\text{кей}}(t), \quad (3.)$$

Бу ерда:  $R_{\text{олд}}(t)$  ва  $R_{\text{кей}}(t)$  – янги техника ва интенсив технологияни қўллашдан олдин (олди) ва кейин (кей) иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

### **Г) Таркибий ишсизлик:**

$$I_{\text{тар}}(t) = (R_{\text{иж.олд.}}(t) - R_{\text{иж.кей.}}(t)) + (R_{\text{хх.олд.}}(t) - R_{\text{хх.кей.}}(t)) + (R_{\text{хк.од.}}(t) - R_{\text{хк.кей.}}(t)) + R_{\text{кк.олд.}}(t) - R_{\text{кк.кей.}}(t), \quad (4.)$$

Бу ерда:  $R_{\text{иж.олд.}}(t)$  ва  $R_{\text{иж.кей.}}(t)$  – мулкчиликнинг ижара шаклини қўллашдан олдин ва кейин иш билан банд бўлган ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{хх.олд.}}(t)$  ва  $R_{\text{хх.кей.}}(t)$  – хусусий хўжаликлар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{хк.од.}}(t)$  ва  $R_{\text{хк.кей.}}(t)$  – ҳиссадорлик корхоналари пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши;

$R_{\text{кк.олд.}}(t)$  ва  $R_{\text{кк.кей.}}(t)$  - қўшма корхоналар пайдо бўлгандан олдин ва кейин иш билан банд ишловчилар сони, минг киши.

Меҳнат потенциалидан фойдаланишининг ижтимоий - иқтисодий самарадорлигини ошиши қўпроқ ишсизлик даражасига боғлиқ ва бу чет эл ва ўзимизнинг иқтисодий адабиётларимизда турлича аниқланади. Масалан, япон статистикасида ишсизлик даражасининг ( $I$ ) иккита усул амал қиласиди:

ишсизлар сони

$$1) \quad I = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{ёлланма ишчилар} + \text{ишсизлар}} \quad (5)$$

ишсизлар сони

$$2) \quad I = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иш билан бандлар} + \text{ишсизлар}} \quad (6)$$

Бошқача ёндашишда эса ишсизлик нормаси ишсизлар сонини ( $I_{\text{нор}}$ ) меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбатан ( $A$ ) бўлиш орқали аниқланади:

$$I_{\text{нор}} = I / A * 100\% \quad (7)$$

Биринчи ёндашишнинг асосий камчилиги шундаки, ишсизлик нормасининг бўлинувчиси сифатида барча ишчи кучининг миқдори эмас, балки иш билан банд ишловчилар сони танланган.

Бошқача ёндашишда эса ишсизлик нормасини характерлашда меҳнатга лаёқатли аҳоли сони нотўғри фойдаланилган. Чунки меҳнатга лаёқатли аҳолининг барчаси иш жойларида талабга эга бўлавермайди.

Бизнингча, ишсизлик даражасини ишсизлар сонини иқтисодий фаол аҳоли сонига бўлиш орқали аниқлаш лозим:

$$И = \frac{\text{ишсизлар сони}}{\text{иқтисодий фаол аҳоли сони}} * 100\% \quad (8)$$

#### 6.4. Ишсизликнинг табиий даражаси. А. Оукен қонуни

Ишсизлик даражасининг табиий миқдори қанча бўлиши мумкин, деган масала устида иқтисодчилар жуда кўп фикр билдирадилар, лекин бирор мамлакатда унинг аниқ миқдори белгиланган эмас. Масалан, АҚШда ишсизлар сонининг табиий даражаси 1960 йилларда 4-6% га қўтарилди. Инфляция даражаси юқори бўлган даврдаги ишсизлик даражаси табиий меъёрий ҳолат деб ифодаланиб, ишлаб чиқаришнинг потенциал имконияти билан боғлиқликда бўлади. Агар бандлик юқори бўлиб, ишлаб чиқаришда ҳам кўп бўлса, спиралсимон инфляция юзага келади.

Ишсизлик даражаси доимо нолдан юқори бўлади, чунки ихтиёрий ва таркибий ишсизлик у ёки бу кўринишда мавжуд бўлади. Лекин ишсизликнинг табиий даражаси инфляциянинг кучайишини тўхтатиб туради.

Хозирга вақтда ривожланган мамлакатларда табиий ишсизлик даражаси қуйидаги **сабабларга** кўра ортиши мумкин:

1. Мехнатга ўсмирлар, аёлларнинг жалб этилиши.
2. Давлатнинг иқтисодий сиёсати ишсизларга кам маош тўлайдиган ишларга ёлланмасдан узоқ муддат юқори иш ҳақи тўлайдиган ишни қидириш имконини беради. Хозирги вақтди кўпчилик мамлактларда ишсизларга 16 дан 26 ҳафтагача олаётган энг сўнгти иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида ишсизлик нафақаси тўланади ва соликлардан озод этилади, натижада улар иш ҳақининг 60-70 фоизи миқдорида пул ола бошлайдилар.
3. Таркибий ишсизликнинг кучайиши ишсизлик табиий даражасининг ўсишига олиб келади. Масалан, қишлоқ хўжалигининг суст ривожланиши.

Амалда ишсизлик табиий даражасининг энг мақбул миқдори йўқ. Ҳали ҳеч ким иқтисодиёт учун энг мақбул ишсизлик даражасини исботлашга эришгани йўқ. Аксинча, айrim ҳисоблардан кўринадики, ялпи миллий маҳсулотнинг юқори даражада ўсиши ишсизликнинг табиий даражасини пасайтиради.

Аммо у мақбул миқдордан юқори бўлиб қолаверади. Чунки, ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш ўз имконият даражасига етмаган бўлади. Ялпи миллий маҳсулотни потенциал даражасига ўстириш эса ҳаддан ташқари иқтисодий фаровонликка олиб келади ва оқибатда инфляция кучайиши мумкин. Қуйидаги **тадбирлар** ишсизлик табиий даражасига эришишга бевосита таъсир кўрсатиши мумкин:

- аҳолини мавжуд иш ўринлари ҳақида хабардор этишни яхшилаш;
- мутахасислар тайёрлашни такомиллаштириш;

- ишсизларни давлат томонидан ҳамоялаш даражасини қучайтириш. Халқаро меҳнат ташкилоти стандарти бўйича табиий ишсизлик даражаси 1,5 – 2,5% ни ташкил этади.

Америкалик иқтисодчи олим Артур Оуken нотабиий ёки даврий ишсизликнинг салбий таъсирга эга эканлигини математик ҳолда исботлаб берди. А.Оуken қонунига кўра, **ишсизликнинг табиий даражаси 1 фоизга ошганда ялпи миљий маҳсулот 2,5 фоизга камаяди.**

## **6.5. Ишсизликни ҳимоя қилиш борасида давлат тадбирлари**

Жиддий муаммолар юзага келишига йўл қўймаслик мақсадида давлат доимий равища фуқароларни иш билан таъминлаш даражасини ошириш сиёсатини ўтказади. **Биринчидан**, ишсизликнинг фрикцион ва таркибий турлари ўсгандан:

- қайтадан касб ўргатади;
- таълим бериш тизимини кенгайтиради;
- бўш иш жойлари ҳақидаги ахборотларни кенг тарқатади;
- меҳнат биржаларига инвестицияларни қўпайтиради.

**Иккинчидан**, агар ишсизлик даврий хусусият касб этса, давлат бюджет, фискалъ, кредит - пул воситаларини ишга солади, яъни:

- иш билан таъминлашни қучайтириш учун ишлаб чиқаришга қўпроқ маблағ сарфлайди;
- тадбиркорнинг манфаатдорлигини ошириш учун ссуда ҳамда кредиторларнинг фоиз ставкаларини пасайтиради;
- ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларга солинадиган солиқларни камайтиради.

**Учинчидан**, давлат меҳнат бозорини ташкил этиш ва тартибга солиш:

- аҳоли сони, ёш ва жинси салмоғидаги ўзгаришларга;
- иш билан бандлиқдаги тармоқ ва ҳудуд ўзгаришларига;
- қўшимча ишчи кучини ишлаб чиқаришга жалб этиш мезонлари;
- ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва таркибига ҳамда унинг ўсиш суръатига;
- ишлаб чиқариш кучларининг ҳудудий жойлашуви каби омилларга алоҳида эътибор беради.

Ишсизликни камайтиришнинг иқтисодий тадбирларидан энг асосийси халқ хўжалиги тармоқларида бозор талабига мувофиқ кичик корхоналарни барпо этишдир. Бу эса ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқёсини оширишга қаратиласидан бўлиши даркор. Бунга эса, меҳнат унумдорлигини ошириш, иш жойларининг моддий-техникавий, технология ва сармоя таъминотларини яхшилаш, янги ноқишлоқ хўжалиги меҳнати зоналарини ташкил этиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва оқилона солиқлар орқали эришиш мумкин.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг асосий маҳсулотларига талаб ва таклифга асосан истиқбол кўрсаткичларини белгилаш, кичик ёшдаги болалари бўлган ва кўп болали оналарни, нафақаҳўр ва ногиронларни кафолатлаштирилган иш жойлари билан

таъминлаш, уларга турли ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар бериш орқали моддий манфаатдорлигини ошириш ҳамда иш билан таъминланишини яхшилашга эришиш киради.

## **Қисқача хуносалар**

Ишсизлик даражаси мамлакат иқтисодиётининг қай даражада тараққий этганлигининг ҳамда иқтисодиётда содир бўлаётган ўзгаришларнинг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Ишсизлик даражаси деганда ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли таркибидаги салмоғи тушунилади.

Республикада ишсизлик даражасини бандлик хизматларида рўйхатдан ўтган ишсизлар сонининг иқтисодий фаол аҳоли умумий сонига нисбатан олиб ҳисоблаш мумкин.

Ишсизлик даражасига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади: меҳнат ҳақининг пастлиги, меҳнат шароитлари яхши эмаслиги, иш ҳақининг вақтида берилмаслиги, иш жойларини қисқартиришлар ва бошқалар.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари барқарорлашаётган даврда ишсизликнинг бўлиши табиий ҳолатdir. Чунки ишчи кучига бўлган талабнинг таклифига мос келиши оқилона бандликни шакллантириб, жамият учун табиий бўлган ишсизлик даражасини таркиб топтиради.

Иш билан банд бўлмаган шахсларни янги касбларга ўргатиш, малакасини ошириш, моддий ёрдам бериш ва иш жойларини тавсия этиш меҳнат биржаси томонидан амалга ошириладиган ижтимоий тадбирларнинг энг муҳими ҳисобланади.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Ишсизлик нима ва унинг даражаси қандай аниқланади?
2. Ишсиз деб эътироф этиш учун қандай шартлар мавжуд бўлиши лозим?
3. Ишсизликнинг асосий сабаблари нималардан иборат?
4. Ишсизликнинг қандай турларини биласиз?
5. Ишсизликнинг қандай асосий мезонлари ва кўрсаткичлари бор?
6. Ишсизликнинг табиий даражаси нима?
7. Артур Оуken қонунини таърифлаб беринг.
8. Ишсизликни камайтириш борасида давлат томонидан қандай тадбирлар ўтказилади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) – Т.: “Меҳнат”, 2004. -6726.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.

4. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. - 342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмүминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т.Замонавий меҳнат бозори:фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Мехнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> –диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **7-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ВА АҲОЛИ ИШ БИЛАН БАНДЛИГИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШНИНГ БАЛАНС УСЛУБИ**

- 7.1. Мехнат бозори ва аҳолининг иш билан бандлигини таҳлил қилишда баланс услубининг аҳамияти**
- 7.2. Мехнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқиши асослари**
- 7.3. Мехнат сарфлари тармоқлари балансларини ишлаб чиқиши босқичлари**

### **7.1. Мехнат бозори ва аҳолининг иш билан бандлигини таҳлил қилишда баланс услубининг аҳамияти**

Баланс услубининг асосий вазифалари меҳнат ресурсларининг бандлик ҳолатига, аҳоли табиий ва механик ҳаракатларининг ўзгаришларига, меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигининг сони ва тузилишига, буюмлашган ва жонли меҳнатнинг сарфланишини тақсимлаш ва фойдаланиш даражасига, иш жойларининг миқдори ва тузилишига, меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг самарадорлигига, ходимлар касб-малака таркиби шаклланишининг манбалари ва кўламларига, ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг бузилиши шароитларида меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларига таъсир қилувчи омилларни ҳар тарафлама ҳисобга олиш ва комплекс таҳлил қилишдан иборат. Ушбу услуб қуидаги ўзаро боғлиқ тизимлардан ташкил топади: меҳнат ресурслари баланси, меҳнат ресурсларининг ҳаракати ва меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари, меҳнат бўйича баланс ҳисоб-китоблари ҳамда иш жойлари ва меҳнат ресурсларининг йигма баланслари.

Меҳнат ресурслари балансини тузиш ҳамда ишга жойлашишга муҳтож шахсларни аниқлаш чоғида асосий ахборот манбалари давлат статистикаси (меҳнат бўйича, аҳоли бўйича статистика ҳисоботлари) маълумотлари, маъмурий ҳисобга олишнинг (масалан, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, уй-хўжаликлари, ходимлар рўйхатлари) ҳар хил турлари, шунингдек, иш билан бандлик масалалари юзасидан ишчи кучини танлаб текширишдан иборат бўлади. Ушбу хилма-хил манбалар улардаги ахборотнинг хусусияти ва мазмуни, маълумотларни тўплаш шакллари ва усуллари бўйича бир-биридан фарқ қилиши мумкин.

Ишчи кучини таҳлил қилиш - маълумот тўплаш воситалари орасида энг мослашувчан усулдир. Уларнинг натижаларига қараб меҳнат ресурсларининг шаклланишини, иш билан бандлар, ишсизлар, иқтисодий нофаол аҳоли сонини кўрсатувчи маълумотларни олиш, заруратга қараб, тушунчалар, таърифлар ва саволларни ўзгаририш мумкин. Бу эса айрим аҳоли гуруҳлари ишчи кучида иштирок этишининг турли шаклларини аниқлаш имконини беради. Бундай мослашувчанлик ушбу текширувларни турли истеъмолчилар талабларини қондириш учун айниқса яроқли қиласиди, халқаро қиёсланадиган натижаларни таъминлайди. Ишчи кучини таҳлил қилиш фақат ишлаётганларни эмас, балки вақтинча иш билан банд бўлмаганларни ҳам қамраб олганлигидан, у меҳнат

ресурслари ва уларнинг тақсимланиш тузилмаси ҳақида тўла-тўқис тасаввур ҳосил қилишни тъминлайди.

Мехнат ресурсларининг ҳисобот баланси ҳар йил яқунларига қараб, Ўзбекистон Республикаси бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича, вилоятлар ва Тошкент шахри бўйича тузилади, шаҳар ва қишлоқ ахолисига бўлинади. Уни йириклиштирилган ҳолда қуидаги жадвал шаклида кўрсатиш мумкин:

Кўрсаткичлар	Жами	Шу жумладан	
		шахар	қишлоқ
<b>I. Жами меҳнат ресурслари</b>			
Шу жумладан:			
Мехнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли			
Ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар			
<b>II. Меҳнат ресурсларининг тақсимланиши</b>			
<b>II.1. Иқтисодий фаол аҳоли</b>			
Шу жумладан:			
<b>1. Иш билан бандлар</b>			
Шулардан			
расмий секторда			
норасмий секторда			
<b>2. Иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтоҷ шахслар</b>			
Шулардан:			
расман рўйхатдан ўтган ишчилар			
меҳнат органларида иш излаётган сифатида			
ҳисобда турувчилик			
меҳнат органларида рўйхатдан ўтмасдан			
мустақил равиша иш қидираётганлар			
<b>II.2. Иқтисодий нофаол аҳоли</b>			

Ҳисобот баланси ўз ичига қуидаги қўрсаткичларни олади:

**Меҳнат ресурсларининг микдори.** Бу микдор меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли сони билан меҳнат ёшидан кичик ва катта бўлиб, ишлаётган шахслар сонининг йигиндиси сифатида аниқланади:

$$MP=MEM + IUP,$$

Бунда: MP - меҳнат ресурслари; MEM - меҳнат ёшидаги меҳнатга қобилиятли аҳоли; IUP - ишлаётган ўсмирлар ва пенсионерлар.

MEM сони меҳнат ёшидаги аҳоли сонидан (16 ёшдан 60 ёшгacha бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгacha бўлган аёллар сонидан) иккала жинсга мансуб меҳнат ёшидаги ишламаётган I ва II гуруҳ ногиронлари ҳамда имтиёзли

шартлар асосида пенсия олаётган ишламаётган пенсионерлар сонини чегириб ташлаш йўли билан аниқланади:

$$М\ddot{E}M = Э_{(16-60)} + A_{(16-55)} - Ног,$$

Бунда:  $Э_{(16-60)}$  - 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар;  $A_{(16-55)}$  - 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар; Ног - меҳнат ёшида бўлиб, ишламаётган I ва II гурӯҳ ногиронлари (16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар ва 16 ёшдан 55 ёшгача бўлган аёллар) ҳамда имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган, ишламайдиган пенсионерлар.

*Ахборот олиши манбаи:*

*Э<sub>(16-60)</sub>, A<sub>(16-55)</sub> юзасидан - аҳолининг жисанс ва ёши таркиби бўйича статистика маълумотлари;*

*Ног юзасидан - Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиши вазирлигининг меҳнат ёшидаги ногиронлар сони ҳамда имтиёзли шартлар асосида пенсия олаётган пенсионерлар тўғрисидаги маълумотлари;*

*ИЎП юзасидан - корхоналарнинг 16 ёшига тўлмаган, ишилаётган ўсмирлар ва пенсионерлар ҳақидаги статистика ҳисоботлари.*

**Иқтисодий фаол аҳоли сони.** Ушбу аҳоли сони қуийидаги формула бўйича аниқланади:

$$ИФ = ИБ - ИИ,$$

Бунда: ИФ - иқтисодий фаол аҳоли қисми; ИБ - иш билан бандлар; ИИ - иш билан банд бўлмаган, ишга жойлашишга муҳтоҷ шахслар.

**Иш билан бандлар сони.** Ҳисобот даврида иш билан бандлар сони қуийидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$ИБ = Ир + Идҳ + Инр,$$

Бунда: Ир - Иқтисодиётнинг расмий секторида (корхоналар, ташкилотлар, муассасаларда) иш билан банд бўлганлар.

Идҳ - дехқон хўжаликларида иш билан банд бўлганлар.

Инр - иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан банд бўлганлар.

*Ахборот олиши манбаи:*

*Ир юзасидан - корхоналар ва ташкилотларнинг меҳнат бўйича статистика ҳисоботлари, солик органларининг маълумотлари.*

*Идҳ юзасидан - статистика органларининг ҳисоб-китоблари ва иичи кучини текшириб чиқиши маълумотлари;*

*Инр юзасидан - иичи кучини текшириб чиқиши маълумотлари.*

## **7.2. Мәхнат сарфлари тармоқлараро балансларини ишлаб чиқып ассоциациелер**

Мехнат ресурслари бандлиги комплекс таҳлилини НГ баланс воситалари орасида етакчи ўринни тармоқлараро баланс (ТАБ) эгаллади. Мехнат сарфларининг ТАБини ишлаб чиқиши иқтисодиётининг барча секторлари ва тармоқларидаги ҳисобот ва истиқбол даврларда тўғри ва тўлиқ меҳнат сарфланишининг коэффициентлари ёрдамида худди шундай бандлик коэффициентларини топишга имкон беради. Бу баланс ишчи қучига талабни вужудга келишини, иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларни, ишчи қучига талабнинг ва унинг таклифига мослигини, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини, уларнинг бандлик даражасига ва меҳнат ресурсларини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш истиқболларига таъсирини ҳамда меҳнат бозори эконометрик моделлари комплексини ахборотлар билан таъминлашни асослашни кучайтиради.

Одатда, ТАБни ишлаб чиқиша тармоқ ёндашиш услуги ва «хара-жатлар - ишлаб чиқариш» тамойили құлланилади, унга мувофиқ иқтисодиёт үзаро боғланған тармоқлари мажмусидан иборат.

Иқтисодиётдаги ўзаро боғланган тармоқларнинг энг тўлиқ ва аниқ таърифини функционал ёндашиш услуги асосида олиш мумкин. Унинг хусусияти шундан иборатки, бутун ҳудуд ўзаро боғланган ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи қуидаги секторлар мажмуасидан ташкил топган, деб қарааш мумкин: қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш, шахсий меҳнат.<sup>6</sup>

Бундай ёндашиш иқтисодиётнинг барча секторларида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишнинг таҳлили ва истиқболини белгилашни яхшилайди. Шунинг учун худудда меҳнат сарфлари ТАБини ишлаб чиқишида функционал ёндашиш қўлланилади. У бандлик даражасини, иқтисодиётнинг барча секторлари ва тармоқларида меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, тақсимлаш ҳамда улар ўргасидаги меҳнат мутаносиблигини тўғри аниқлайди. Унинг асосида худудида меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлиги секторлари тармоқларида меҳнат сарфларининг ТАБ чизмаси ишлаб чиқилган. У тўртта (I-IV) бўлимдан иборат (6.2.1- расмга қаранг).

**Биринчи бўлим** олтида бўлимчаларни ўз ичига олади, улар қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат секторларида ва ҳудуд таркибига кирмаган тармоқлардаги бандлик даражаси буюмлаштирилган меҳнат сарфлари кўрсаткичларини қўллаш ёрдамида изоҳланади. Баланснинг бу бўлимчалари горизонтал йўналишда буюмлаштирилган меҳнат

сарфларининг тармоқларабо ва секторлараро тақсимланишини, вертикал йўналиш бўйича уларнинг истеъмолини акс эттиради.

**Иккинчи бўлим** меҳнат кўринишидаги якуний маҳсулот таркибини, **учинчиси** эса, ялпи ички маҳсулот (ВИМ) ишлаб чиқаришда маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг жонли меҳнати сарфлари кўрсаткичлари асосида тўғри бандлик миқдорини ифодалайди. **Тўртинчи бўлим** ижтимоий инфратузилма тармоқларида бандлик даражаси ва меҳнат ресурсларидан фойдаланишни акс эттиради.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБининг тенгламаси моддий-буюмлашган ва мажмуавий меҳнат тақсимоти пропорцияларининг бирлигини акс эттиради. Мажмуавий меҳнат сарфлари қўйидаги тенглама ёрдамида аниқланади:

$$X_i^s = \sum_{i=1}^s X_{ij}^s + \sum_{i=1}^s X_{ij} + V_j^s + V_j^s, S = 1, 5, j = 1, n \quad (1)$$

(1) дан келиб чиқсан ҳолда меҳнатда ифодаланган оралиқ ва ялпи ички маҳсулот истеъмоли ҳажмини ҳисоблаш мумкин.

$$X_{ij}^s = \sum_{i=1}^s T_i^s X_{ij}^s; X_{ij}^s = \sum_{i=1}^s T_i^s X_{ij}^s; X_j^s = T_j^s X_j^s \quad (2)$$

(1) га (2) ни қўйиб, қўйидагини оламиз:

$$T_j^s X_j^s = \sum_{i=1}^s T_i^s X_{ij}^s + \sum_{i=1}^s T_i^s \bar{X}_{ij}^s + V_j^s + V_j^s, \quad (3)$$

$$\text{Бу ерда: } X_{ij}^s = a_{ij}^s X_j^s; \quad \bar{X}_{ij}^s = \bar{a}_{ij}^s X_j^s; \quad V_j^s = t_j^s X_j^s \quad (4)$$

Унда (3) тенглама қўйидаги кўринишни олади:

$$T_j^s X_j^s = \sum_{i=1}^s T_i^s a_{ij}^s X_j^s + \sum_{i=1}^s T_i^s \bar{a}_{ij}^s X_j^s + t_j^s X_j^s + \bar{t}_j^s X_j^s \quad (5)$$

(5) тўлиқ қайта ўзгартириб, тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларини оламиз:

$$T_j^s = \sum_{i=1}^s T_i^s a_{ij}^s + \sum_{i=1}^s T_i^s \bar{a}_{ij}^s + t_j^s + \bar{t}_j^s. \quad (6)$$

Балансда якуний маҳсулотда буюмлаштирилган мажмуавий меҳнат сарфлари (II бўлим) ЯИМ ишлаб чиқаришдаги жонли меҳнатнинг барча сарфларига (III бўлим) тенг, яъни:

$$\sum_{i=1}^s T_i^s Y_i^s = \sum_{j=1}^s (t_j^s + \bar{t}_j^s) X_j^s. \quad (7)$$

Балансни тузишда ЯИМ ишлаб чиқаришдаги мажмуавий ва буюмлаштирилган меҳнат сарфлари (ижтимоий инфратузилмасининг жонли меҳнат сарфлари билан бирга) ўртасидаги тенгликка риоя қилиш зарур

$$\sum_{j=1}^s X_j^s = \sum_{i=1}^s X_i^s. \quad (8)$$

Бу ерда  $i$  –истеъмол қилувчи тармоқларнинг индекси;  $j$  –ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг индекси;  $s$  – иқтисодиёт секторларининг индекси;  $a_{ij}^s$  –тўғри моддий харажатларнинг коэффициентлари;  $\bar{a}_{ij}^s$  – худуд

таркибига кирмаган тармоқларнинг тўғри моддий харажатлари коэффициентлари;  $t_j^s$  – маҳаллий меҳнат ресурсларининг тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари;  $\bar{P}_j^s$  – жалб қилинган меҳнат ресурсларининг тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари;  $T_j^s$  – тўлиқ меҳнат сарфларининг коэффициентлари;  $V_j^s$  – маҳаллий меҳнат ресурсларининг иш вақтлари ҳажми;  $\bar{V}_j^s$  – жалб қилинган меҳнат ресурсларининг иш вақтлари ҳажми;  $X_{ij}^s$  ва  $\dot{X}_{ij}^s$  – оралиқ маҳсулот истеъмолининг қиймат ва меҳнат кўринишидаги тегишли ҳажмлари;  $\dot{X}_{ij}^s$  ва  $\dot{\dot{X}}_{ij}^s$  – худуд таркибига кирмаган тармоқлардаги оралиқ маҳсулотлар истеъмолининг қиймат ва меҳнат кўринишидаги тегишли ҳажмлари;  $X_i^s$  ва  $X_j^s$  – ЯИМ ишлаб чиқаришнинг қиймат кўринишидаги ҳажмлари;  $\dot{X}_i^s$  ва  $\dot{X}_j^s$  – ЯИМ ишлаб чиқаришнинг меҳнат кўринишидаги ҳажмлари ёки мажмуавий меҳнат сарфлари;  $Y_i^s$  – якуний маҳсулот истеъмоли ҳажми. Ушбу баланс асосида меҳнат сарфларини тақсимлаш ( $r_{ij}^s$ ) ва фойдаланиш ( $q_{ij}^s$ ) коэффициентларини ҳисоблаб чиқиш мумкин:

$$r_{ij}^s = \dot{X}_{ij}^s / \dot{X}_i^s \quad (9)$$

Меҳнат сарфларини тақсимлаш коэффициентининг иқтисодий мазмуни шундан иборатки, у белгиланган меҳнат сарфлари истеъмолининг ҳар бир тармоқ ва ҳар бир сектордаги салмоғини акс эттиради, яъни меҳнат сарфлари бирлиги ҳудудларнинг барча секторлари ва тармоқлари бўйича тақсимланиши тузилишини акс эттиради.

Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш (истеъмол) коэффициентлари қўйидаги тартибда ҳисобланади ва маҳсулот ишлаб чиқаришда буюмлаштирилган ва жонли меҳнат истеъмоли даражасини ифодалайди:

$$q_{ij}^s = (\dot{X}_{ij}^s + \dot{X}_{ij}^s + V_j^s + \bar{V}_j^s) / \dot{X}_j^s \quad (10)$$

Мехнат сарфларининг турлари	Иш билан бандлик тармоқларида меҳнат сарфларининг ишлаб чиқариш истеъмоли						
	ҚХИЧ (тармоқлар бўйича)	СИЧ (тармоқлар бўйича)	ХК (тармоқлар бўйича)	ШМ (тармоқлар бўйича)	худуд таркибига кирмаган тармоқлар	Жами	Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг меҳнат сарфлари (элементлар бўйича)
<p>А.Буюмлаштирилган меҳнат сарфлари – жами</p> <p><i>Шу жумладан:</i></p> <p>кишлоп хўжалиги ишлаб чиқариши (ҚХИЧ) (тармоқлар бўйича)</p> <p>саноат ишлаб чиқариши (СИЧ) (тармоқлар бўйича)</p> <p>хизмат кўрсатиш (ХК) (тармоқлар бўйича)</p> <p>шахсий меҳнат (ШМ) (тармоқлар бўйича)</p> <p>Худуд таркибига кирмовчи тармоқларда</p>					I а БЎЛИНМА I б БЎЛИНМА I в БЎЛИНМА I г БЎЛИНМА I д БЎЛИНМА		II БЎЛИМ
<p><b>Б.Жонли меҳнат сарфлари–жами</b></p> <p><i>Шу жумладан:</i></p> <p>Маҳаллий меҳнат сарфлари жалб қилинган меҳнат сарфлари <b>жами буюмлаштирилган ва жонли меҳнат сарфлари</b></p>					III БЎЛИМ		IV БЎЛИМ

Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланси схемаси, минг киши-соат



### **7.3. Мехнат сарфлари тармоқлари балансларини ишлаб чиқиши босқичлари**

Мехнат сарфлари ҳисобот ТАБини ишлаб чиқиши мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиласиган жараён. Уни амалга ошириш учун ТАБ тузишда халқ хўжалиги баланси кўрсаткичлари тизимидан Ўзбекистон Республикаси Давлат дастури бўйича миллий счёtlар тизимига ўтишнинг биринчи босқичи вазифаларига асосланган кўп босқичли статистик, иқтисодий-математик ва ташкилий ишларни бажариш зарур.

**Биринчи босқичда** кўриб чиқилаётган ҳудуд меҳнат ресурслари бандлигининг комплекс таҳлили амалиётда ушбу балансни ишлаб чиқишнинг долзарблиги ва зарурлигига асосланади.

**Иккинчи босқичда** маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашнинг ТАБи тузилади. Бундай балансни ишлаб чиқиши жараёнида, одатда, **танлаб олиш** услуги қўлланилади. Унинг ёрдамида статистик ҳисоботнинг маҳсус шаклларини жорий қилиш йўли билан ушбу ҳудуднинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг репрезентатив объектларидағи моддий ресурсларидан фойдаланиш ҳақидаги ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш амалга оширилади. Аммо, ҳудудий даражада ҳар бир кичик ва ўрта корхона ЯИМ ишлаб чиқаришда сезиларли салмоққа эга бўлганлиги учун, бизнинг фикримизча, танлаб олиш услугидан эмас, балки **ялпи тадқиқот қилиш услугидан** фойдаланиш мақсадга мувофиқ, бу эса ахборотларнинг ишончлилигини оширади.

Ушбу балансни ишлаб чиқиши бўйича кейинги ишлар маълум ва амалда синалган методикага мувофиқ мазкур ҳудуднинг ривожланиши хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

**Учинчи босқичда** тўғри ( $a_{ij}^s$ ) ва тўлиқ ( $b_{ij}^s$ ) моддий харажатларнинг коэффициентлари аниқланади:

$$a_{ij}^s = X_{ij}^s / X_j^s, \quad (11)$$

$$b_{ij}^s = B = (E - A)^{-1}. \quad (12)$$

**Тўртинчи босқичда** жонли ва буюмлашган меҳнат сарфлари мажмуаси бўлган ЯИМ ишлаб чиқаришнинг тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентлари аниқланади.

Шунинг билан бирга тўлиқ меҳнат сарфлари кўрсаткичлари маҳаллий ҳисоб-китобларда ижтимоий зурур меҳнат сарфлари билан бир хил эмас ва қоидага кўра, турли хил мураккабликдаги меҳнатнинг аниқ турлари миқдорини намоён қиласиди. Улар таҳлил ва истиқболни белгилашнинг янги муҳим қуроли бўладилар. Тўлиқ меҳнат сарфлари коэффициентларидан ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши кўрсаткичларини асослашда, меҳнат ресурслари бандлиги ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ҳисоб-лашда, тўғри, ўтган ва тўлиқ бандлик коэффициентларини, меҳнат унумдорлигини, ишлаб чиқариш харажатларини ва иш вақтини аниқлашда, асосий ва айланма маблағлар ҳамда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилида, маҳсулотларни бир-бирларининг ўрнини босиши муамоларини ҳал қилишда, нархларни такомиллаштириш ва инфляцияни пасайтиришда, иш жойлари билан меҳнат

ресурслари ўртасидаги рационал мутаносибликни топишда фойдаланиш мүмкін. Тұлық мәннат сарфлари коэффициентларини аниклашда С.С.Струмилин [3], И.А.Машинский [5], С.С.Шаталин [6], Л.Ф.Комина [1] каби машхур иқтисодчи олимларнинг асарлари катта назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Маҳсулот ишлаб чиқариш учун тұлық мәннат сарфлари коэффициентини ҳисоблаб чиқиши муаммосини ҳал қилишда ТАБ услубидан фойдаланиш истиқболли йұналиш ҳисобланади. Бу коэффициентларни ҳисоблаш учун маҳаллий ва жалб қилинган мәннат ресурсларининг жонли мәннат сарфлари ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш моддий ресурсларининг тұлық харажатлари коэффициентларини аниклаш керак.

Жонли мәннат сарфлари коэффициентлари маҳаллий ва жалб қилинган мәннат ресурсларининг ишлаган иш вақтлари ҳажми асосида аникланади:

$$t_j^s = V_j^s / X_j^s, \quad (13)$$

$$\bar{t}_j^s = \bar{V}_j^s / X_j^s. \quad (4)$$

Жонли мәннат сарфларини киши соатида ўлчаш ходимларнинг ишлаган иш вақтларини аник ифодалайды. Шунинг учун улардан тұлық мәннат сарфлари коэффициентларини аниклашади:

$$T_j^s = \sum_{i=1} b_{ij} (t_j^s + \bar{t}_j^s), \quad (15)$$

Бу ерда:  $b_{ij}^s$  - ҳудуд таркибиға кирмаган тармоқларнинг харажатларини бириктириб олувчи тұлық моддий харажаттар коэффициентларининг матрицаси.

**Бешинчи босқичда** тадқиқ қилинаётган ҳудуднинг маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли, буюмлаштирилған ва мажмуавий мәннат сарфларини акс эттирувчи, мәннат күренишидаги ТАБ тузилади:

$$T_i^s X_{ij}^s; T_i^s \bar{X}_{ij}^s; T_i^s Y_i^s; T_i^s X_i^s; T_j^s X_j^s; V_j^s; \bar{V}_j^s. \quad (16)$$

**Олтинчи босқичда** тузилған баланснинг мувофиқлаштирилғанлиги, яни (7) ва (8) тенгликларни бажирилиши аникланади. Агар мазкур шартлар бажарылса, баланс тузишнинг кейинги босқичига ўтилади, акс ҳолда ахборотларнинг ишончлилиги ва хисоб-китобларнинг тұғрилиги текширилади.

**Еттинчи босқичда** (13), (14) ва (15) ёрдамида ҳудуднинг маҳаллий ва жалб қилинган мәннат ресурсларининг тұғри ( $h_j^s, \bar{h}_j^s$ ) ва тұлық ( $H_j^s$ ) бандлиги коэффициентлари аникланади;

$$h_j^s = V_j^s / O_j^s = (t_j^s / X_j^s) / O_j^s, \quad (17)$$

$$\bar{h}_j^s = \bar{V}_j^s / \bar{O}_j^s = (\bar{t}_j^s / X_j^s) / \bar{O}_j^s, \quad (18)$$

Бу ерда:  $O_j^s$  ва  $\bar{O}_j^s$  – ҳудуднинг маҳаллий ва жалб қилинган мәннат ресурсларига мос келувчи иш вақти меъёрий фонdlарининг ҳажми. Улар күйидагича аникланадилар:

$$O_j^s = n_{ne_j}^s \cdot N_j^s, \quad (19)$$

$$\bar{O}_j^s = \bar{n}_{ne_j}^s \cdot \bar{N}_j^s, \quad (20)$$

Бу ерда:  $n_{\%o_j}^s$  ва  $\hat{n}_{\%o_j}^s$  – маҳаллий ва жалб қилинган ходимга мўлжалланган йиллик иш вақти меъёри;

$N_j^s$  ва  $\bar{N}_j^s$  –маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ўртача йиллик сони.

Бу вақтда

$$H_j^s = T_j^s (h_j^s + \bar{h}_j^s). \quad (21)$$

**Якуний босқичда** ҳосил қилинган натижалар таҳлил қилинади, буюмлаштирилган ва жонли меҳнат сарфлари ўртасидаги нисбатни яхшилаш йўли билан ишчи кучи бандлигини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБини тузишда таъкидлаб ўтилган босқичлар истиқбол балансига ҳам тегишилдири. Бундай турдаги балансни тузиш маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБ ахборотлари ва тўғри меҳнат сарфлари коэффицентлари ёрдамида амалга оширилади. Бу жараёнда меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБ маълумотларидан, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан фойдаланиш бўйича меъёрлардан, ҳудуд ривожланишининг макроиктисодий ва демосоциал қўрсаткичларидан ва ишчи кучига талаб ва таклифнинг белгиланган истиқбол режаларидан кенг фойдаланилади.

Бундан ташқари, меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлиги секторларида меҳнат сарфларининг истиқбол ТАБини ишлаб чиқишида ҳисобот даврларидағи меҳнат ва моддий харажатлар коэффициентларидан фойдаланилади. Шунинг учун фақат кўрилаётган даврнинг оралиқ йиллари учун тўғри меҳнат сарфлари аниқлангандағина юқорида ифодаланган услубдан фойдаланиш билан чекланиш мумкин.

Истиқболга мўлжалланган даврдаги тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлашда статистик ва норматив услублардан фойдаланилади.

**Статистик услуб ёрдамида** турли йиллар учун тўғри меҳнат сарфлари истиқбол коэффициентларини аниқлашда бир хил методикадан фойдаланиш керак, чунки методик фарқлар турли даврлардаги коэффициентларнинг миқдорини таққослаб таҳлил қилишни мушкуллаштиради.

**Норматив услуб** асосида тўғри меҳнат сарфларининг истиқбол коэффициентларини аниқлашда маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари меъёри, шунингдек, обьектлар ривожланишининг техник-иктисодий қўрсаткичлари ҳам қўлланилади.

Маҳсулотларнинг сермеҳнатлиги ҳисоб-китоби ва истиқболини янада такомиллаштириш мақсадида унинг динамикасига(ўсишига) айrim омиллар таъсирини аниқлаш зарур. Омиллар таъсири бўйича сермеҳнатликнинг таҳлили учун математик статистика услуби, хусусан, кўпомиллик моделлар услубидан фойдаланиш мумкин. Омилларни танлаб олишда биринчи навбатда, сермеҳнатликка жиддий таъсир қилувчи меҳнат унумдорлиги қўрсаткичларини танлаш керак. Танлаб олинган қўрсаткичлар миқдорий ўлчаниши лозим.

Маҳсулот сермеҳнатлиги динамикасининг таҳлили учун омилларнинг умумий миқдоридан қўйидагилар танлаб олинади: меҳнатнинг фонд билан

таъминланганлиги; меҳнатнинг энергия билан таъминланганлиги; ихтисослаштириш коэффициентлари; янги техникани татбиқ этиш харажатлари; кадрлар қўнимсизлиги; малакали ходимлар улуши; қўл меҳнатининг улуши; меҳнат ресурслари умумий сонидаги ишловчиларнинг улуши. Улар асосида ишлаб чиқариш функцияси шакллантирилади ва маҳсулот сермеҳнатлиги ўсишининг иқтисодий-математик таҳлили ўtkазилади.

Юқорида қайд этилган услублардан бир вақтда фойдаланиш, яъни тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш **янги услубнинг** пайдо бўлишига асос бўла олади.

Ушбу услугуб асосида тўғри меҳнат сарфлари истиқбол коэффициентларини аниқлашнинг асосий босқичларини кўриб чиқамиз:

1. Таққослаш маълумотларини олиш мақсадида меҳнат сарфларининг ҳисобот ТАБи тармоқлари маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш истиқбол ТАБи тармоқларининг таснифига кўра, гурухланиш ўтказилади, сўнгра тўғри меҳнат сарфларининг янги ҳисобот коэффициентлари ҳисоблаб чиқилади.

2. Тўғри меҳнат сарфларининг тузатиш керак бўлган энг муҳим коэффициентлари танлаб олинади. Бундан ташқари ҳудуднинг ҳар бир тармоғида меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланганлигига, иш ҳақи ҳамда маҳаллий ва жалб қилинган меҳнат ресурсларининг ишлаган иш вақтига тузатишлар киритиш зарур бўлади.

3. Тўғри меҳнат сарфлари коэффициентлари ўзгаришининг ЯИМ ҳажми ва таркиби таҳлилида корхоналарнинг репрезентативлигини ҳисобга олиш керак, улар уни ишлаб чиқаришда энг катта салмоқقا эга бўлмоғи лозим.

Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғидан вакил-корхоналарга тегишли тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари ажратилади. Улар ўртасидаги ҳамда тўғри меҳнат сарфларининг ўртача коэффициентлари орасидаги фарқларни асословчи сабабларни аниқлаш учун тадқиқ қилинаётган ҳудуд меҳнат ресурсларининг иқтисодиёти ўрганилади. Айни бир вақтда вакил корхоналарда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси ҳам таҳлил қилинади.

Мазкур босқичда вакил корхоналар учун тўғри меҳнат сарфларининг энг муҳим коэффициентлари меҳнат сарфлари ишлаб чиқилган ҳисобот ТАБи маълумотлари асосида ҳисобланади.

4. Маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга меҳнат сарфларининг меъёрлари маҳсулот ишлаб чиқариши ва тақсимлашнинг истиқбол ТАБига мувофиқ гурухларга ажратилади ва тузатишлар киритилади.

5. Кўпомилли моделлар ёрдамида танлаб олинган омилларни маҳсулот сермеҳнатлигининг динамикасига таъсири даражаси аниқланади ва унинг истиқбол кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилади.

6. Истиқболга мўлжалланган даврда тўғри меҳнат сарфлари коэффициентларини аниқлаш жараёнида юқорида кўрсатилган маълумотлардан ташқари тадқиқ қилинаётган вакили корхоналарнинг иқтисодий ва ижтимоий

ривожланиши, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларининг техник ва энергетик жиҳозланиши, қўл меҳнати улуши ва меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларидан ҳам фойдаланилади.

Шундай қилиб, тўғри меҳнат сарфларининг ҳисоблаб чиқилган истиқбол коэффициентларини тўлиқ моддий харажатларга қўпайтириб, тўлиқ меҳнат сарфларининг истиқбол коэффициентлари миқдори аниқланади.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва тақсимлаш ТАБининг юқорида баён этилган методологияси ва кўрсаткичлари асосида меҳнат кўринишидаги истиқбол ТАБи тузилади. У маҳсулот ишлаб чиқаришга жонли ва буюмлаштирилган меҳнат сарфларини ва истиқболда кўрилаётган даврдаги тўғри ва тўлиқ бандлик коэффициентларини аниқлашга имкон беради.

Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари меҳнат ресурсларидан фойдаланиш ва уларни тақсимлаш бўйича иқтисодиётнинг тармоқлари ва секторлари ўртасида яқин алоқа ўрнатишга, улардаги «тор жойларни» топишга ва уларни йўқотиши йўлларини белгилашга имкон беради. Айни бир вақтда мавжуд мутаносибсизлик аниқланади, иқтисодиёт ва ишчи кучи бандлиги, талаби ҳамда таклифини истиқболлаштириши такомиллаштирилади.

### **Қисқача хуносалар**

Меҳнат ресурслари баланси ишчи қучининг турлари бўйича иқтисодиёт секторлари ва тармоқларига тақсимланишининг ҳисбот ва истиқбол ҳолатларини аниқлаш имкони беради.

Тармоқлараро баланс усули меҳнат бозоридаги ишчига талаб билан унинг таклифи, иқтисодиётнинг секторлари ва тармоқларидаги ходимлар бандлиги ўртасидаги нисбатларни тўғри асослашга имкон беради.

Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари ўзаро узвий боғлиқ бўлган босқичлар асосида ишлаб чиқилади ва у баланс усулини такомиллаштиришга олиб келади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат ресурслари баланси қандай тузилиш ва кўрсаткичларга эга?
2. Меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини таҳлил қилишда тармоқлараро баланслар қандай аҳамиятга молик?
3. Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари нечта бўлимдан иборат ва улар қандай мазмунга эга?
4. Меҳнат сарфларининг тармоқлараро баланслари қандай босқичлар асосида ишлаб чиқилади?
5. Истиқбол ТАБни тузишида қайси бир ахборот манбаларидан фойдаланиш мумкин?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Мехнат”, 2004. -672б.

3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. - 342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Дорохотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.ИЛемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмуминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т.Замонавий мехнат бозори:фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10- 11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Мехнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **8- БОБ. ИШЧИ КУЧИГА ТАЛАБ ВА ТАКЛИФНИ ИСТИҚБОЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ**

### **8.1. Мехнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти**

### **8.2. Ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштириш босқичлари (блоклари)**

#### **8.1. Мехнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришнинг аҳамияти**

Республикамиз иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг бозор моделларига ўтиши аҳоли бандлигининг истиқболини белгилаш соҳасида бир қатор мураккаб ва қўп аспектли муамоларни қўяди, улар хўжалик юритишнинг янги шароитларида жиддий ўзгаришларга дуч келади.

Мехнатга қобилиятли аҳоли бандлигини истиқболлаштиришга бир қатор ёндашишлар мавжуд [1,2,3,5]. Афсуски, улар бандликнинг марказлаштирилган режалаштириш шароитларидан келиб чиқади. Ишчи кучи талаб ва таклифини истиқболлаштиришнинг биз тавсия этаётган методологияси ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг замонавий талабларига кўпроқ даражада жавоб беради [4].

Ушбу методология асосини яқин келажакдаги ишчи кучига талаб ва таклифнинг динамикасини тадқиқ қилиш услублари мажмуаси ташкил қиласди. У истиқболни белгилашнинг ўзаро боғлиқ қуидаги **блоклари** ёрдамида татбиқ этилади: мақсаднинг шаклланиши, тадқиқ қилинаётган жараён вазифалари, асосий муаммолари ва мезонларини аниқлаш; ҳудуд ривожланишининг асосий иқтисодий ва демосоциал кўрсаткичлари истиқболи қийматларини белгилаш; қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлигини истиқболлаштириш имкониятларини тадқиқ қилиш; хизмат кўрсатиш тармоқларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳоли бандлиги ривожланишининг истиқболларини белгилаш; ходимларни тайёрлаш ва қайтадан ўқитиш масалаларини ҳал қилиш; шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликлар, якка шахсий меҳнат фаолияти каби шахсий меҳнат секторининг жабҳаларида иш билан банд бўлганларнинг келажакдаги сонини аниқлаш; қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабнинг истиқбол баҳосини бериш; хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни режалаштириш; шахсий меҳнат соҳаларида ишчи кучига талабни ва тадқиқ қилинаётган ҳудуд аҳолиси иш билан бандлигининг барча тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбат ҳолатининг истиқболли кўрсаткичларини аниқлаш (расмга қаранг). Асосий блоклар мазмунини мукаммал кўриб чиқамиз.



*Иичи кучи талаб ва таклифины истиқболлаштиришининг ўзаро боғланган блоклари*

## **8. 2. Ишчи қучига талаб ва таклифни истиқболлаштириш босқичлари (блоклари)**

**Биринчи блокда** мақсадлар шаклланади, ишчи қучига талаб ва таклифнинг асосий вазифалари, энг муҳим муаммолари ва меъёрлари ҳамда ҳудуд ривожланиши демосоциал ва иқтисодий кўрсаткичларининг истиқболдаги даражалари аниқланади. Бандликнинг истиқболини белгилашда баланс ва ёшлар ўзгариши услублари бўйича ҳисоб-китобдан ҳосил қилинадиган аҳолининг табиий ва механик ҳаракатлари ва бир ёшдан бошқасига ўтиши асосий демографик кўрсаткичлар бўлиб хизмат қиласди.

Худуднинг иқтисодий-математик моделлар комплекси (айниқса эконометрик) ёрдамида аниқланадиган миллий даромади, ялпи ички маҳсулоти, меҳнат унумдорлиги, меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланганлиги, асосий ишлаб чиқариш фонdlарининг ўртача йиллик қиймати, асосий фонdlар ва ишчи қучидан фойдаланишнинг сменалик коэффициентлари, ернинг ишловчиларга тақсимланганлиги ва ижтимоий инфратузилма хизматлари билан таъминланганлиги каби бошқа иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичларнинг истиқболда кўзда тутилган даражаси тадқиқ қилинаётган обьект иқтисодиёти секторларининг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳолини иш билан бандлиги истиқболининг ахборот базаси бўлади.

**Иккинчи блокда** қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида аҳолининг иш билан бандлиги истиқболи имкониятлари аниқланади.

Иқтисодий адабиётларда аҳолининг бандлиги - истиқболини белгилашда бир неча хил ёндашиш баён қилинган [1, 2, 3, 5]. Улар орасида энг кўп ёйилганига [5] мувофиқ ҳалқ хўжалигида аҳоли бандлигининг истиқболи ишчи кучи таклифининг истиқболидан келиб чиқиши керак. Аммо у ривожланишнинг маълум босқичларида ҳал қилиниши лозим бўлган ижтимоий иқтисодий ва демографик вазифаларни ҳисобга олмайди.

Бошқа бир ёндашишга [3] мувофиқ, бандлик истиқболини белгилашда ҳалқ хўжалигининг ишчи қучига талабини аниқлаш бирламчи ҳисобланди. Бунда ишлаб турган корхоналардаги ходимлар сони меҳнат унумдорлигининг лойиҳалаштирилган ўсиши ҳақидаги маълумотлар асосида белгиланади, янги ишга туширилган корхоналарда эса ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштиришнинг лойиҳа маълумотлари ва графиклари бўйича ҳисобланади.

Баён этилган ёндашишлар бандликни истиқболлаштиришда кенг қўлланилади, аммо бозор иқтисодиёти асосида хўжалик юритишга ўтиш бу муаммони меҳнат унумдорлиги ўсишининг берилган фоизи эмас, балки товарларга талаб нуқтаи назаридан ўрганишни тақоза этади. **Бундай ёндашишнинг моҳияти шундан иборатки, қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларида ходимлар сони ушбу тармоқларда ишлаб чиқилган товарларга бўлган талаблардан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.** Бозор иқтисодиёти қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ҳар бир тармоғида ҶИМ ни энг кўп ишлаб чиқаришни таъминлаш ва якуний натижада бандликни ошириш бўйича имкониятларни баҳолаш учун ҳақиқий ишланган иш вақтини аниқлаш

масаласига алоҳида муносабатни талаб қиласди.

Бизнинг фикримизга кўра, аҳоли бандлиги истиқболини аниқлаш учун қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг ҳар бир тармоғида ҶИМнинг йиллик ишлаб чиқарилиши ва бир ишловчининг ўртача йиллик ишланган кунлар миқдорини баҳолаш талаб қилинади.

Йиллик ҶИМни истиқболлаштиришда иқтисодий статистика ва эконометрик тадқиқотларнинг турли хил услубларидан фойдаланиш мумкин [3, 4]. Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси ушбу барча услубларнинг асоси бўлади. Ёндашишлардан бири шундан иборатки, бир йиллик ҶИМ - Т вақти орқали, тармоқ ҶИМини ишлаб чиқариши -  $X$  ёрдамида, меҳнат сифати сарфининг кўрсаткичи қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг тармоқларида банд бўлганлар ишчилар сонини ( $C$ ) - уларнинг умумий сонига ( $N$ ) - нисбати ( $C/N$ ) сифатида аниқланади:

$$O = a_0 + a_1 X + a_2 T + a_3 C \cdot N, \quad (1.)$$

Бу ерда:  $O$  - бир йилдаги ЯИМнинг  $a_0, a_1, a_2, a_3$  - параметрларидир.

ЯИМ йиллик ишлаб чиқарилишининг истиқболи белгилангандан кейин, тармоқларда унинг ишлаб чиқаришини таъминлаш учун зарур бўлган соатларнинг умумий миқдорини аниқлаш мумкин. Кейин бандликнинг истиқболи учун қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг тармоқларида бир ишловчига ишланган кунларнинг ўртача йиллик миқдорини баҳолаш зарур. Бундай истиқболни ўтган йилларда маълум бўлган тенденциялар асосида, математик статистиканинг яхши ишлаб чиқилган услубарини қўллаб амалга ошириш мумкин.

Шундай қилиб, юқорида кўрсатилган баҳоларни ҳосил қилиб, банд бўлганлар миқдорини ЯИМни энг кўп қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини таъминлаш учун зарур кунларнинг умумий сонини истиқболда белгиланган ўртача йиллик ишланган кунлар сонига алоҳида бўлиш сифатида аниқлаш мумкин.

Мазкур тармоқлардаги бандликнинг истиқболи мулкчилик шакллари бўйича банд бўлганлар умумий сони тақсимланишини истиқболда кўзда тутиш учун бошланғич нуқта бўлади. Ушбу истиқболлаштириш кўп омиллик моделлардан фойдаланишга асосланган услубларни қўллаш билан амалга оширилади. Кўп омиллик моделларни тузишнинг **биринчи** босқичида ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилар танлаб олинади. **Иккинчи** босқич маълум кўплиқдан асосий омилларни танлаб олиш ва уларнинг турлари ҳамда ўлчамларини аниқлашдан иборат бўлади. Корреляцион-регрессион таҳлил аппарати бу мақсадлар учун энг яроқли ҳисобланади, унинг ёрдамида тадқиқ қилинаётган кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги акс эттирилиши мумкин. Аммо корреляцион-регрессион таҳлил услубарининг камчилиги шундан иборатки, улар ўрганилаётган ҳодисани бир ёки бир неча омилларнинг бирдан рўй берадиган ўзгаришлари таъсирини етарлича аниқ акс эттирмайди. Мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши ва улар бўйича ахборотларнинг етишмаслиги қайд этилган услубарнинг имкониятларини янада камайтиради.

Шунинг учун эвристик истиқболни белгилаш услубидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ кўринади, унинг моҳияти эксперлардан ўрганилаётган ҳодисалар истиқболининг келажакдаги баҳоларини олишдан иборат бўлади.

**Учинчи блокда** хизмат кўрсатиш турли тармоқлари ва шаклларида аҳоли бандлиги ривожланишининг истиқболлари бўйича масалалар ҳал қилинади.

Аввал хизматга талабни таъминлаш учун зарур бўлган хизмат тармоқларидағи бандликни баҳолаш керак. Бандлик миқдорини аниқлаш омилларни вужудга келтирган ўзаро алоқалар тузилмаси ва хизмат кўрсатиш натижалари асосида ўтказилади. Хизмат кўрсатишнинг зарурий ҳажмини топиб ҳамда ноишлаб чиқариш фондлари кўпайишининг нисбатан ўсиш гипотезасини қабул қилиб бандликнинг номаълум баҳоларини оламиз.

Таъкидлаймизки, мулкчиликнинг турли шакллари ривожланиши шароитларида хизмат кўрсатиш омиллари ва натижалари ўртасидаги ўзаро алоқаларда каттагина фарқланиш бўлиши мумкин. Шу сабабли ўзаро алоқаларни миқдорий баҳолаш мулкчиликнинг ҳар бир шакли учун алоҳида ўтказилиши керак. Хизмат кўрсатиш тармоқлари мулкчиликнинг давлат ва нодавлат шакллари «харажатлар-ишлаб чиқариш» функциялари мажмуасига эга бўлиб, мулкчиликнинг юқорида таъкидланган шакллари бўйича хизматларни амалга ошириш ҳажмлари ва ноишлаб чиқариш фондлар тузилишларини ҳисоблаб, ходимлар бандлигининг мулкчилик шакллари бўйича тақсимланишини аниқлаш, ушбу тармоқлардаги бандликнинг тузилиши ҳақидаги масалани ҳам шунга ўхшаш ҳал қилиш мумкин.

**Тўртинчি блок** кадрларни тайёрлаш ва қайта ўқитиш кўрсаткичларини истиқболлаштиришга бағишлиланган.

Кишлоқ хўжалиги ва саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида банд бўлган аҳоли сонини истиқболлаштириш кадрларни тайёрлашга талабни аниқлашга имкон беради. Кадрлар тайёрлаш ҳажмини аниқлашда бандликнинг ҳар бир ажратилган тармоғи учун иккита вазифани ҳал қилиш зарур:

- табиий сабабларга кўра, иқтисодиёт тармоқларидан озод этилган ходимлар сони;
- хўжалик юритишнинг бозор шароитларида қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида илмий-техник тараққиёт ютуқларини кўллаш натижасида ходимлар сонидаги ўзгаришлар.

Биринчи ҳолда кадрларни тайёрлаш ҳажмлари ходимларнинг жинси, ёши таркибида келажакда бўладиган ўзгаришларни ҳисобга олиш билан баҳоланади.

Бундай ахборот кадрларни тайёрлаш ва ўқитишнинг турли хил даражаларида ишдан озод этилган ходимлари сонини аниқлашга имкон беради.

Иккинчи ҳолда ходимларни тайёрлаш ҳажми эксперт баҳолари ва эконометрик тадқиқотлар ёрдамида аниқланади. Кадрлар тайёрлашнинг турли хил даражаларидаги ходимлар улушининг эксперт баҳолари аниқ бир тармоққа керакли мутахассислар сонини, яъни ўқиётганлар сонини аниқлашга имкон беради. Эконометрик тадқиқотлар кадрлар тайёрлашнинг турли даражаларида ходимлар сонидаги илмий-техник тараққиёт ютуқларини кўллаш ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказиш шароитларидағи ўзгаришларни ишлаб чиқариш

функцияси сифатида акс эттиради. Бу ҳолда турли ҳил даражадаги маълумот ва малакага эга мутахассисларга қўшимча талабни янада чуқурроқ аниқлаш ва шунинг билан кадрларни тайёрлаш тизимида ўқитиш ҳажмини белгилаш мумкин.

Ходимларни ишлаб чиқаришдан ажralган ҳолда қайта тайёрлаш кўламларини аниқлаш ушбу блокнинг муҳим таркибий қисми бўлиши керак, бу фоятда мураккаб, чамаси, ишнинг биринчи босқичларида фақат эксперт баҳоларидан фойдаланиш мумкин. Шу билан бирга ҳудуднинг турли тармоқлари учун бундай жараёнлар кўламини миқдорий баҳолашга имкон берувчи омилларни аниқлаш учун моделй тузиш зарур.

**Бешинчи блок** шахсий меҳнат соҳаларида банд бўлганларнинг истиқболли сонини аниқлашга бағишиланган. Бу ерда ҳисоб-китоблар уч соҳа: якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шахсий ёрдамчи хўжалиги ва деҳқон (фермер) хўжалиги бўйича олиб борилади. Аҳоли бандлиги бундай соҳаларда истиқболлаштириш фоят мураккаб ва турли туман.

Ҳаммадан аввал якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлганларнинг умумий сонида кўп болали оиласалар қанча миқдорни ташкил этишини аниқлаш муҳим. Унга бир ярим ёшгача болага қараш бўйича ҳақ тўланадиган таътилда бўлган барча ота-оналарни киритиш керак. Бу соҳадаги бандликка уч ва ундан ортиқ ёшдаги болаларни тарбиялаш бўйича ҳақ тўланмайдиган таътилда бўлган барча аёллар ҳам кирадилар. Баъзи бир оиласаларда аёллар, ҳатто, боласи бўлмагандан ҳам ишламайдилар. Бундай категориядаги аҳолини истиқболлаштириш фоят қийин. Иқтисодий ва демографик адабиётларда бу масала бўйича чуқур тадқиқотлар амалда йўқ. Истиқболлаштиришнинг бу масаласида эксперт баҳолашни қўллаш яхши самара беради.

Бешинчи блокнинг таркибий қисми - аҳолининг шахсий ёрдамчи ва деҳқон-фермер хўжаликларидағи бандлиги истиқболини аниқлашдир. Бу ерда истиқбол ҳисоб-китоблари иккинчи блок методикаси ва аниқ социологик тадқиқотлар натижалари бўйича ўтказилади.

**Олтинчи блок** қишлоқ хўжалиги ва саноатнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талабни истиқболлаштиришга бағишиланган. У мавжуд ва янги яратилган иш жойлари ҳолатига таъсир этувчи бир гуруҳ омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: меҳнатга рағбатлантирувчи омиллар  $\tilde{V} = (\square, \dots, v_n)$  (иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча ҳақлар, окладдан ташқари даромад ва ҳоказо); меҳнатни ташкил қилиш ва иш тартибига боғлиқ омиллар  $\tilde{D} = (d_1, \dots, d_m)$  (иш кунининг ўртacha давомийлиги, таътилнинг ўртacha давомийлиги ва ҳоказо); маълум касб «рейтинги»ни таърифловчи омиллар  $\tilde{R} = (r_1, \dots, r_g)$ ; иш жойини яхшилашга таъсир этувчи ижтимоий омиллар  $\tilde{L} = (l_1, \dots, l_z)$ ; ижтимоий инфратузилма обьектлари билан таъминланиш, саломатлик ва хавф-хатарни таърифловчи омиллар  $\tilde{O} = (o_1, \dots, o_h)$  (ишнинг хатарлилиги, касб касалликлари билан хасталаниш ҳавфи ва ҳоказо); иш жойлари сонининг ошишига таъсир этувчи омиллар  $\tilde{W} = (w_1, \dots, w_k)$  (меҳнатни фондлар билан таъминланишининг ошиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиши,

кичик, хусусий ва қўшма корхоналарнинг ташкил бўлиши ва ҳоказо); иш жойлари сонининг камайишига таъсир этувчи омиллар –  $\hat{W} = (w_1, \dots, w_n)$  (ишлаб чиқаришнинг қисқариши, корхоналарнинг тутатилиши, илмий-техник тараққиёт ютуқларининг татбиқ этилиши ва ҳоказо); бошқа омиллар –  $\hat{E}$  ( $e_1, \dots, e_M$ ).

Қайд этилган омилларга мувофиқ иш жойларининг нуфузлилик индекси қўйидаги кўринишга эга деб тахмин қиласиз:

$$H = h(\hat{V}, \hat{B}, \hat{R}, \hat{L}, \hat{O}, \hat{W}, \dots, \hat{E}) \quad (2)$$

Бу блокда ҳам эконометрик тадқиқот ва эксперт баҳолашни қўллаш мумкин.

**Еттинчи блокда** олтинчи блок услубиёти асосида хизмат кўрсатишнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб истиқболини белгилаш амалга оширилади.

Бозор мунособатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитларида хизмат кўрсатиш тармоқлари янгидан ташкил қилинган кичик, хусусий ва қўшма корхоналар сони ортмоқда. Бундай ҳолда малакали ишчи кучига талаб ўсади ва янги иш жойлари сонининг ошишига ҳақиқий имкониятлар яратилади. Истиқбол режалари тузилаётганда бундай иш жойларининг нуфузлилик даражасини ҳисобга олиш зарур. У ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланишнинг рақобат қобилияти даражасини маълум даражада шакллантиради. Ишчи кучига талабни истиқболлаштиришда хизмат кўрсатиш обьектларига қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан озод этилган ходимларнинг ўтиб ишлаши эҳтимолини ҳам инобатга олиш керак. Бу ерда эксперт баҳолаш энг қулай услугуб ҳисобланади.

**Саккизинчи блок** шахсий меҳнат соҳаларида ишчи кучига талабни аниқлашга бағишиланган.

Вкка тартибдаги меҳнат фаолиятида ишчи кучига талабнинг истиқбол даражаси аввало оиласидаги болалар сони, аёлларнинг ёш болаларни тарбиялаш бўйича таътил муддати, мактабгача болалар муассасалари билан таъминланганлиги, хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши каби худуди тараққиётининг демосоциал ва иқтисодий кўрсаткичлари ўсиши ва қўламлари билан асосланади.

Шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида ишчи кучига талабнинг истиқбол кўрсаткичлари кўпроқ қишлоқ хўжалиги тармоқлари маҳсулотларига эҳтиёжнинг даражаси ва ушбу тармоқлардаги мавжуд иқтисодий имкониятлар қўламига боғлик. Бу тармоқларда статистик ҳисбот етарлича олиб борилмаслиги истиқболлаштиришни мураккаблаштиради. Шунинг учун эксперт баҳолаш ва аниқ социологик тадқиқотлар воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Энг мураккаб ва амалда қўланиладиган ҳисоб-китобларнинг якуний қисми-тўққизинчи блокда олиб борилади. У иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва мулкчилик шаклларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини истиқболлаштиришга бағишиланган. Бу ерда кўп омилли таҳлил ёрдамида жонли меҳнатга талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатга

эришишга бевосита таъсир этувчи омилларни танлаш зарур. Уларга қўйдагилар киради: иш жойлари миқдорининг ўзгариши, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришлари, меҳнатни фонд ва энергия билан таъминланиши, мулкчиликнинг турли хил шаклларини ривожланиши, меҳнат ресурсларининг сони, бандлиги, малакаси, сафарбарлиги ва рақобатбардошлигини ўзгариши ва бошқалар.

**Ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги рационал нисбатни аниқлаш - ахоли бандлигини ишончли истиқболлаштиришнинг якуний натижасидир.** Бундай ҳисоб-китобларни фақат иқтисодий - математик услублар ва истиқбол моделларини тўғри ишлаб чиқиш ҳамда татбиқ этиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

### **Қисқача хуносалар**

Истиқболлаштиришнинг мазкур методологиясини татбиқ этиш меҳнатга лаёқатли ахоли бандлигининг **ишончли истиқбол режасини тақдим этишга**, ишчи кучи талаб ва таклифининг истиқболли ҳолатини аниқлашга ва улар ўртасидаги рационал нисбатларни белгилашга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миқдорини топишга олиб келади.

Истиқболлаштириш натижалари меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини аҳборотлар билан таъминлашни ҳам яхшилайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат бозоридаги ишчи кучига талаб ва таклифни истиқболлаштиришни аҳамияти нимада?
2. Ишчи кучига талаб ва таклиф қандай блоклар асосида истиқболлантиради?
3. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича ходимларнинг иш билан бандлиги қандай истиқболлаштирилади?
4. Истиқболни белгилашда қандай моделлар ва усуллардан фойдаланиш мумкин?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Изательство: Экзамен, 2004. - 342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Дорохотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые

- вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.)  
Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег  
Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие  
Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов  
Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмуминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маърузалар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т.Замонавий меҳнат бозори:фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> –диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **9- БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУРИ**

### **9.1. Меҳнат бозори мақсадли комплекс дастурининг аҳамияти**

### **9.2. Мақсадли комплекс дастурнинг тузилиши ва уни ишлаб чиқиши босқичлари**

### **9.1. Меҳнат бозори мақсадли комплекс дастурининг аҳамияти**

**Мақсадли комплекс дастур** меҳнат бозорининг келажакдаги фаолиятида асосий тадбирларни ишлаб чиқишнинг самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат бозори фаолиятининг мақсадли комплекс дастурини тузиш аҳамиятига алоҳида эътибор берамиз. У қишлоқ хўжалиги тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифни камайтириш, саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида жонли меҳнат ва иш жойларига ўсиб бораётган талабларни қаноатлантириш, ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш, ишсизликни камайтириш, юқори малакали ходимларни шакллантириш, бандликнинг инфратузилмаси обьектларини самарали ривожлантириш, банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш, дастурни амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий ва ҳукуқий механизmlарини такомиллаштириш каби қисқа ва узоқ муддатли тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради. Ушбу дастур бандликнинг давлат сиёсати, инфляция ва ишсизлик, бандлик ва инвестициялар, иш жойлари ва меҳнат ресурслари ўртасидаги мақроиқтисодий нисбатлар билан узвий боғланган ҳолда ишлаб чиқилади.

Ушбу дастурнинг барча бўлимлари ва тадбирларини ишлаб чиқиша қўйидаги **асосий тамойилларга** асосланилади: мақсадга йўналтирилганлик; комплекслик; боғланганлик; аниқлик; кўп вариантлик; ҳақиқийлик; рационаллик; устуворлик; чекланганлик; муддатлилик; эгасига мўлжалланганлик; бошқарувчанлик.

### **9.2. Мақсадли комплекс дастурнинг тузилиши ва уни ишлаб чиқиши босқичлари**

Мазкур дастур таҳлиллар ва муаммолар, мақсадлар, илмий услублар, ахборотлар, моделлар ва ҳисоблаш техникаси, дастурлар, ресурслар, йиғма, ташкилий-иқтисодий ва ҳукуқий механизmlар каби ўзаро боғлиқ бўлимлардан иборат.

Биринчи бўлим **таҳлиллар** ва **муаммолар деб ном олган** иккита бўлимчадан ташкил топади. Таҳлиллар қисмида меҳнат бозорининг ҳозирги вазиятдаги фаолиятига ҳамда ишчи кучига талаб ва таклиф ҳамда ишсизлик кўрсаткичлари динамикасига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг ҳудудни иқтисодий, ижтимоий ва демографик ривожланишининг турли жиҳатлари билан алоқаларига микдорий баҳо берилади. Меҳнат бозоридаги вазият, аввало ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбати ва қишлоқ хўжалиги, саноат, хизмат

кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқлардаги ўзгаришлар билан ифодаланади. Даастурни ишлаб чиқишида меҳнатга қобилиятили иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган (ищиз) аҳолининг миқдори ва сифати таснифлари ҳамда бандликка кўмаклашиш жамғармаси шаклланишида иштирок этувчи молиявий ресурслар, корхона ва ташкилотларнинг даромадлари, ходимлар иш ҳақининг даражаси муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчи бўлинмада меҳнат бозори фаолияти бўйича тадбирлар ишлаб чиқишида вужудга келадиган **асосий муҳим муаммолар** аниқланади. Уларга қўйидагилар киради: саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида ишчи кучига талаб ва таклифнинг ошиши; ходимлар қишлоқ хўжалигидан озод бўлишларининг таъминланиши; ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги ўсиб борувчи номутаносибликтининг қисқариши; миллий кадрлар малакаси ва рақобатбардошлигининг ошиши; ишсизликнинг йўл қўйиладиган (табиий) даражагача камайтирилиши; ишчи кучини ёллаш бўйича бозор мунособатларини тартибга солишда иқтисодий ва ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ва бошқалар.

Даастур таркибида меҳнат бозори фаолиятининг «Мақсадлар дарахти» асосида шаклланган **мақсадлар бўлими** етакчи ўрин эгаллайди. Даастурдаги мақсадлар уларни амалга оширишнинг устуворлиги ва уларга эришиш учун зарур бўлган ресурслар ва воситаларнинг БОБсига қараб, кетма-кетлик тартибида жойлашган бўлади (8.2.1-расм).

#### **Асосий мақсад (О) - аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш.**

**Биринчи даражалик мақсад - меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш:** 0.1.1 – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш тармоқларидағи экинларнинг мавжуд таркибини ўзгартириш ва интенсив технологияларни қўллаш йўли билан меҳнат қилиш минтақасини қисқартириш; 0.1.2 - саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида маҳаллий ва хорижий инвестициялар ҳисобига янги иш жойларини яратиш; 0.1.3 - иш жойлари билан меҳнат ресурслари ўртасидаги рационал нисбатларга эришиш.

**Иккинчи даражали мақсад - ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш:** 0.1.2.1 - қишлоқ хўжалигига ишчи кучига талабни камайтириш; 0.1.2.2 - саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларига ишчи кучига талабни ошириш; 0.1.2.3 - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига ишчи кучи таклифини камайтириш; 0.1.2.4 - саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларига ишчи кучи таклифини ошириш; 0.1.2.5 - ёлланма ходимлар ва иш берувчиларнинг шахсий ва жамоа манфаатдорлигини таъминлаш; 0.1.2.6 - ёлланма ходимлар касб-малака даражаси ва рақобатбардошлигини ошириш.


**Учинчи даражали мақсад - қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ишчи кучига талаб ва таклифи камайтириш:** 0.1.2.3.1-меҳнат унумдорлигини ошириш; 0.1.2.3.2-асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш; 0.1.2.3.3-интенсив технологияни қўллаш; 0.1.2.3.4 - мулкчиликнинг самарали шаклларини татбиқ этиш; 0.1.2.3.5 - ушбу тармоқ ичида таркибий ўзгаришларни таъминлаш; 0.1.2.3.6 - мазкур тармоқдан озод қилинган ходимларни иш билан таъминлаш учун саноат, хизмат кўрсатиш, сифат ва шахсий меҳнат тармоқларида меҳнатни қўллаш

минтақаларини кенгайтириш; 0.1.2.3.7-қишлоқ хўжалигидан озод бўлган ходимларнинг ишчи кучи етишмайдиган худудларга кўчишига кўмаклашиш ва рағбатлантириш.

**Тўртингчи даражали мақсад - ишсизликни камайтириш:** 0.1.2.3.4.1 - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни тайёрлаш ва қайта ишлашнинг мавсумий даврларида вақтинчалик иш жойларини тақдим этиш; 0.1.2.3.4.2 - қишлоқ хўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш; 0.1.2.3.4.3 - кафолатлаштирилган (квоталаштирилган) янги иш жойларини яратишга ҳамкорлик қилиш; 0.1.2.3.4.4 - банд бўлмаган аҳолини ўзини-ўзи банд қилишларига ҳамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.5 - ижтимоий ишларни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.6 - банд бўлмаганларнинг касб - малака даражаси билан иш жойлари тузилишини мувофиқлаштириш; 0.1.2.3.4.7 - қўшимча иш жойларини яратувчи хусусий тадбиркорларни рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.8 - банд бўлмаган кишиларнинг ишчи кучи етишамайдиган туманларга вақтинчалик кўчишига ҳамкорлик қилиш ва рағбатлантириш; 0.1.2.3.4.9 - банд бўлмаган ишчи кучи экспортини ташкил қилиш ва рағбатлантириш.

**Бешинчи даражали мақсад – меҳнат бозори фаолиятини тартибга солишининг ташкилий-иктисодий ва хуқуқий механизмлари самарадорлиги ошишини таъминлаш:** 0.1.2.3.4.5.1 - банд бўлмаган аҳоли учун янги иш жойларини яратиш бўйича давлат, маҳаллий ва хорижий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; 0.1.2.3.4.5.2 - нодавлат тузилмалар учун ишга қабул қилишга квоталар ва иктисодий рағбатлантиришнинг тегишли тадбирларини белгилаш; 0.1.2.3.4.5.3 - дехқон (фермер) хўжаликларини ташкил қилиш ва кичик, ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар бериш; 0.1.2.3.4.5.4 - ишсизлар учун янги иш жойларини ташкил қилувчи хорижий тадбиркорларни вақтинчалик асосий солиқлардан озод қилиш; 0.1.2.3.4.5.5 - ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича ҳар қандай маъмурий чеклашларни бекор қилиш; 0.1.2.3.4.5.6 - ишсизлик нафақасини ошириш; 0.1.2.3.4.5.7 - мавсумий жамоа ишларини ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.8 - доимий жамоа ишларини (ободончилик, иктисодий ишлар, ижтимоий ҳимоя ва ҳоказо) ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.9 - ишсизларни қайтадан ўқитиш ва малакасини оширишни ташкил қилиш; 0.1.2.3.4.5.10 - ишчи кучига талаб, унинг таклифи ва нарҳи ҳақидаги маълумотларнинг статистик, кадрлар маркетинги ва социологик банкини яратиш; 0.1.2.3.4.5.11 - ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида бозор мунособатларининг хуқуқий асосларни яхшилаш.

Мақсадларнинг мазмуни ҳудуддаги ижтимоий-иктисодий ва демографик вазиятларга мувофиқ ўзгаради. Юқорида қайд этилган мақсадлар республикамизнинг бозор иктисодиётига ўтиш даври учун мўлжалланган.



Мәхнат бозори фаолиятининг «мақсадлар дарахти»ни акс эттириш чизмаси.

Дастурнинг илмий услублар таъминот бўлими меҳнат бозори фаолияти соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва ўтказишнинг илмий-амалий асосларини яратишдан бошланади. Унга қуидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ: меҳнат бозорини тартибга солишининг тамойиллари ва ёндашишлари; мақсадга эришиш усуллари; бандлик сиёсатининг асосий йўналишлари; ишчи кучи талаби ва таклифини тартибга солиш соҳасидаги устуворликлар; ташқи ва ички ижтимоий-иктисодий шароитларни ўзгартириш бўйича муқобил тадбирлар; меҳнат бозори тизимчаларини шакллантирувчи омиллар; ижтимоий-иктисодий сиёсатнинг бошқа блоклари билан ўзаро ҳамкорликлари.

Бундан ташқари бу бўлимида меҳнат бозори фаолияти ҳолатининг таҳлили ва истиқболлаштиришда қўлланиладиган услублар, қоидалар ва йўриқномалар мажмуаси ҳам ўз аксини топади.

Дастурни ишлаб чиқиша **ахборотлар билан таъминлаш** бўлими муҳим аҳамиятга эга. У статистик ҳисобот, кадрлар маркетинги ва аниқ социологик тадқиқотларнинг маълумотлари асосида шаклланади.

Мазкур бўлимда товарлар, қимматли қофозлар ва илмий ишланмалар бозорлари, тадқиқ қилинаётган ҳудуд ривожланишининг демографик, ижтимоий ва иктисодий кўрсаткичлари ҳақида ахборотлар ҳам бўлади.

Дастурнинг **моделлар ва ҳисоблаш техникаси таъминоти** бўлими меҳнат бозори шаклланиши ва ривожланишининг таҳлили ва истиқболини белгилашда ҳамда рационал параметларини аниқлашда қўлланиладиган эконометрик моделлар, баланс услублари, амалий яратган дастурлар пакети, ҳисоблаш техникаси ва бошқа воситалар мажмуасидан иборат бўлади.


**Дастурлар таъминоти бўлими** турли тадбирлар, уларни бажарувчи масъул шахслар ва бажариш муддатлари кўрсатилган ўзаро боғланган аниқ дастурчалар мажмуасидан иборат бўлади. Улар меҳнат бозори фаолиятининг «мақсадлар дарахти» асосида тузилади. Ҳар бир дастур ўзаро боғланган бир неча бўлимлардан ташкил топади (-расм).

**Ресурслар таъминоти бўлими** дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник ва молиявий ресурсларни ва уларни ҳосил қилиш манбаларини акс эттиради.

Унинг молиявий маблағлари ( $M$ ) қуидаги асосий йўналишлар бўйича сарфланиши кўзда тутилади: ишсизларга нафақа бериш ( $H$ ); жамоа ишларини ташкил қилиш ( $J$ ); қисман ёки тўлиқ бўлмаган бандликка кўмаклашиш ( $B$ ); пенсияга муддатдан эртароқ чиқишга ёрдам бериш ( $P$ ); ходимларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш ( $I$ ); янги иш жойларини яратиш( $I$ ); ишсизларнинг ўзини-ӯзи банд қилишига ва тадбиркорлигига кўмаклашиш ( $T$ ); миграция ( $M$ ); компьютер техникаси ( $K$ ), амалий дастурлар пакетлари ( $\bar{P}$ ), методик йўриқномалари ( $\bar{Y}$ ), харид қилиш ва бошқа йўналишлар ( $B$ ). Бу ҳолда керакли молиявий маблағлар ҳажми қуидаги тартибда аниқланади.

$$M = a_1H + a_2J + a_3B + a_4P + a_5\bar{P} + a_6I + a_7T + \\ + a_8M + a_9K + a_{10}\bar{Y} + a_{11}\bar{B}, \quad (1)$$

Бу ерда:  $a_n$  - тузатиш киритувчи коэффициентлар ( $n$  к  $\overline{1,12}$ ).



Мехнат бозори фаолияти мақсадли комплекс дастурининг ўзаро боғланган дастурчалар чизмаси

Дастурни маблағлар билан таъминловчи худуднинг молиявий ресурслари (МР) қуидаги манбалар асосида шакланади: бандликка кўмаклашиш жамғармасининг маблағлари (БЖ); вилоятлар ва туманлар бюджетларининг маблағлари (МБ); юқори идора ва бошқа бюджетларнинг тушумлари (бевосита бандлик жамғармаси тушумларидан ташқари) (ББ); давлатни бандликка кўмаклашиш жамғармасининг мақсадли тушумлари (ДБЖ); бюджетдан ташқари тушумларнинг маблағлари (вилоят, туманлар) (ТТ); корхона ва фирмаларнинг жалб этилган маблағлари (КФМ); шахсий молиявий-тижорат фаолиятидан (ШМ), лотарея-заёмлар, кредитлар (К), хайриялар (Х) ва бошқа маблағлардан тушумлар (БТ).

Молиявий ресурсларнинг барча ҳажми қуидаги тартибда аниқланади:

$$MP = БЖ + МБ + ББ + ДБЖ + ТТ + КФМ + ШМ + ЛЗ + К + Х + БТ, \quad (2)$$

**Своднўй (йиғма) бўлимда** меҳнат бозорининг тахмин қилинадиган ҳолати, дастур тадбирлари амалга оширилгандан кейин аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражасини таърифловчи якуний кўрсаткичлар (натижалар) мавжуд бўлади. Уларга қуидагилар киради: меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлган ва банд бўлмаган аҳоли сони; ишчи кучига талаб, таклиф ва баҳо (меҳнат ҳақи); янги яратилган иш жойлари миқдори; ишга (доимий ва вақтингчалиқ) жойлашган шахслар; малакасини ошираётган ишчилар сони; ишсизлар сони, жумладан, нафақа олувчилар; ихтиёрий банд бўлмаган шахслар сони; ишчи кучини экспорт қилишнинг ҳажми ва бошқалар.

**Дастурни амалга оширишнинг ташкилий-иктисодий бошқарув механизми бўлими** ўз ичига қуидагиларни олади: биринчидан, дастурни бошқаришнинг турли даражадаги идоралар тизимини; иккинчидан, иктисодий нормативларни такомиллаштириш ва мувофиқлаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини; учинчидан, муаммоларни ҳал қилишга ажратилган ресурсларни тақсимлашни ва бошқаришнинг услублари ҳамда шаклларини; тўртинчидан, дастурий топширикларни амалга ошириш устидан назорат қилишнинг шакллари ва услубларини.

Дастурнинг **хуқуқий таъминот бўлими** меҳнат бозори фаолиятини тартибга солишга мўлжалланган юридик ва норматив хужжатлардан иборат бўлади («Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги қонун, «Меҳнат Кодекси» ва бошқалар). Янги хуқуқий норматив хужжатлар қабул қилинганидан кейин улар зудлик билан дастурни амалга оширувчиларга етказилиши керак.

Дастурни ишлаб чиқиш ва бошқаришни ташкил қилишнинг асосий босқичлари бўлимларнинг изчиллик билан жойланишига асосланади: мақсадлар ва асосий вазифаларни аниқлаш; таҳлил ва истиқболлаштиришнинг методик ва модел аппаратларини ишлаб чиқиш; статистик, маркетинг ва социологик ахборотларни йиғиш ва таҳлил қилиш; дастурчалар мажмуасини тузиш; дастурга аниқлик киритиш ва тасдиқлаш; дастурни амалга ошириш бўйича бошқарувнинг ташкилий-иктисодий ва хуқуқий механизmlарини яратиш.

Мазкур дастур самарадорлигини харажатлар билан натижаларни

таққослашнинг классик йўли орқали баҳолаш мумкин эмас. Уни амалга оширишнинг самарасини ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги фарқ динамикаси, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик даражасига қараб баҳолаш мақсадга мувофиқ.

### **Қисқача хуносалар**

Ушбу дастур меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиши, ишсизликни камайтириш, юқори малакали, касбга эга ходимларни шакллантириш, банд бўлмаган шахсларнинг ишончли ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш каби қисқа ва узоқ муддатли тадбирларни ишлаб чиқишга имкон беради.

Мазкур дастур бир-бири билан ўзаро боғланган бўлимлардан иборат бўлиб, унда «мақсадалар дараҳти»ни ифодаловчи бўлим етакчи ҳисобланади.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат бозорининг мақсадли комплекс дастури қандай аҳамиятга эга?
2. Дастур тузишнинг қандай тамойиллари бор?
3. Мақсадли комплекс дастур қандай бўлимлардан ташкил топган?
4. Ушбу дастур қандай босқичлар асосида ишлаб чиқилади?
5. Дастур тадбирларини амалга ошириш самарадорлиги қандай ани-ланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) – Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Булanova В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. - 342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.ИЛемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.

10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов  
Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.-416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство:  
Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы  
развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмұминов Ш.Р. Мекнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) –  
Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М:  
Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т.Замонавий мекнат бозори:фаолияти ва бошкарилишининг  
иктисодий механизми.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-  
11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Мекнат иқтисодиёти ва социологияси”  
кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – мекнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган  
маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг  
веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> –диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна  
вариантларини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **10- БОБ. ИЖТИМОЙ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ**

**10.1. Ижтимоий меҳнат миграциясининг ижтимоий иқтисодий мазмуни ва моҳияти**

**10.2. Ижтимоий меҳнат миграциясига таъсир этувчи омиллар ва ижтимоий меҳнат миграциясининг иқтисодиётга таъсир.**

**10.3. Ижтимоий меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши.**

### **10.1. Ижтимоий меҳнат миграциясининг ижтимоий иқтисодий мазмуни ва моҳияти**

Жаҳон иқтисодиётининг XXI асрдаги интеграциялашуви ва либераллашуви жараёнида ижтимоий меҳнат миграциясининг аҳамияти мунтазам ошиб бормоқда. Шундай экан ижтимоий меҳнат миграциясининг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва моҳиятини очиб бериш унинг қанчалик муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади.

Демак ижтимоий томондан кўрадиган бўлсак, ишчиларнинг яъни меҳнат ресурсларининг бир худуддан бошқа бир худудга кўчиб юриши бўлса, иқтисодий томондан ёндошадиган бўлсак эса, ижтимоий мазмуни билан боғланган ҳолда иқтисодиётнинг худудлараро тармоқларида банд аҳолининг кўчиш тушинилади. Ҳозирги кунга келиб ижтимоий меҳнат миграциясига меҳнат социологияси ҳамда демографиясига таянган ҳолдатариф ишлаб чиқилган. Бундай таъриф Халқаро Меҳнат Ташкилоти ва Халқаро Миграция бўйича Ташкилот томонидан ишлаб чиқилган. Унга кўра «меҳнат-мигрантлари – булар, инсонларнинг бирор бир худуддан у ўзи истиқомат қиласидиган мамлакат миқёсидами ёки руҳсат этиладиган мамлакатгами кўчиб иқтисодий фаолият билан шуғулланадиган қисми»<sup>1</sup>.

Энди эса бу таърифни умумлаштирусақда қуйидагича таъриф келтирусак:

«Ижтимоий меҳнат миграцияси – бу, инсонларнинг бир ижтимоий-профессионал гурухдан бошқа (бошқа) гурухга ёки бандлик доирасига (макон жиҳатдан), меҳнат фаолиятининг бошқа турларига ва албатта худудлараро иш жойларга ўтиб кетиши». Ижтимоий меҳнат миграцияси деганда одатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ўзгаришлар билан боғлиқ маконий кўчиб юриши тушинилади. «Аҳоли мазкур қисмининг кўчиб юришини талқин қилишда иккита ёндошувдан фойдаланилади. Биринчи ёндошув анча кенг ва умумий бўлиб, унда миграция аслида ишчи кучининг маконда харакат қилишга мос келади, иккинчи ёндошув анча тор ва маҳсус ёндошув бўлиб, бунда миграция маконда харакат қилишнинг муайян турлари билан чекланади. Иккинчи ёндошув migratio (лотинча «Кўчиб юриш», «Жойини ўзгартириш») сўзининг

<sup>1</sup> <http://www.demoscope.ru/center>. Трудовой Миграции в Республике Казахстан как основа трансграничных миграций.

дарстлабки маъносига мос келади»<sup>1</sup>.

Ижтимоий меҳнат миграциясининг, бутун аҳоли миграцияси каби, маконда хилма-хил кўчиб юриш турларидан ажратишининг умумий қабул қилинган мезонлари мавжуд. Уларга доимий яшаш жойини ўзгартириш, худудининг мажбурий чегаралари кесиб ўтиш, мигратнинг чиги яшаш жойида узоқ муддат ёки доимий туриши киради. Одатда мигратларнинг меҳнат мигратларнинг меҳнат миграциясидан мақсади шуки, яъни кўпроқ иш ҳақи топиш албатта ўзининг яшаб турган жойига қарагандакўпроқ пул ишлаб топиш ва ўзининг энг яхши меҳнат фаолиятига эришишдир. Ҳар бир худудда эмиграция ва иммиграция томонлари (оқимлари бўлади. Эмиграция – бу чегара ортига чиқиб кетиш бўлса, иммиграция – бу чегара ортидан кириб келиш демакдир. Иммиграция ва Эмиграция ўртасидаги фарқ миграция сальдосини беради. Шу ерда яна шуни таъкидлаш керакки, Ремиграция атамаси ҳам бўлиб, эммигрантларни қайтадан ўз маконига қайтишини англатади. Қонуний мигрантларнинг яна бир алоҳида тури мавжудки, бу чегара ортида ишловчилардир. Бу шундай изоҳлаш мумкин, яъни ҳар куни доимий равища қўшни давлат чегарасини кесиб ўтиб ишлашдир. Бунга яққол мисол қилиб мексикалик ишчиларнинг ҳар куни АҚШга бориб ишлашини айтишимиз мумкин.

Миллий иқтисодиётда ёки унинг айрим тармоқларида чет эл ишчиларининг бандлик бўйича улушини кўрсатувчи формула бўлиб, у қўйидагича кўринишда ифодаланади:

$$d = \frac{1}{\sum_{\text{чет. эл.иичи}}^{\text{чет. эл.иичи}} - \sum_{\text{бандлар}}}$$

бу ерда:  $d_{\text{чет. эл.иичи}}$  – чет эллик ишчиларнинг мамлакат иқтисодиётида банд бўлганларга нисбатан улуши,  $\sum_{\text{чет. эл.иичи}}$  –чет эллик ишчиларнинг жами сони;  $\sum_{\text{бандлар}}$  -мамлакат иқтисодиётига жами бандлар сони.

Замонавий меҳнат миграциясининг Халқаро Меҳнат Ташкилот томонидан 5 та асосий тури ажратиб кўрсатилади:

1. шартнома асосида ишловчилар, бунда ишловчиларнинг кириб келиш муддати қабул қилувчи давлат томонидан аниқ қилиб кўрсатади. Ва бу асосан мавсумий ишларда бўлиб, бунга ҳосил йиғиш пайити мисол бўлади. Ва бунга одатда малакасиз ёки малакаси паст бўлган ишчиларнинг меҳнат миграцияси мисол бўла олади.

2. малакали кадрлар миграцияси, бунга амалий тажрибаси ва билими шунингдек тайёргарлиги юқори бўлган ходимларнинг меҳнат миграцияси мисол бўла олади.

3. **ноқонуний мигрантлар**, булар хужжатларни расмийлаштиримасдан чет элда меҳнат фаолияти билан шуғулланаётганлардир.

---

<sup>1</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик Тошкент - «Меҳнат» - 2004. 306-бет

**4. қочоқлар** - булар ҳаёти ва фаолияти хавф остида бўлганлиги сабабли чет элга кетиб қолган кишилар.

**5. кўчманчилар** – булар доимий яшиш учун кўчиб кетганлар. Бу гурухга киравчи мигрантлар асосан саноати ривожланган мамлакатга кўчиб кетувчилар билан изоҳланади.

Жаҳон тажрибасида меҳнат миграциясининг қуидаги шакллари таснифланади.

а) йўналиши бўйича:

1-ривожланаётган ва социалистик давлатлардан саноати ривожланган давлатларга миграция;

2-ривожланган мамлакатлар даражасидаги миграция;

3-ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги миграция;

4-юқори малакали ишчи кучининг саноати ривожланган мамлакатдан ривожланаётган мамлакатга миграцияси.

б) худуд бўйича:

-ички миграция-бу, бирор бир мамлакат миқёсида бўлиб, шаҳар ва қишлоқ ўртасидаги, шаҳарлараро ва қишлоқлараро меҳнат миграцияларига бўлинади. Ана шу асосда қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан қишлоққа, шаҳардан шаҳарга, қишлоқдан қишлоққа борадиган меҳнат мигрантлари оқими шаклланади;

-ташқи миграция – бу, давалт чегарасини кесиб ўтиш билан содир бўлади.

Ва бунинг ўзи ҳам ўз набатда иккига бўлинади:

- қитъалараро миграция, яъни Осиё ва Америка ва бошқалар;
- қитъа ичидаги миграция, яъни ишчи кучининг Осиё доирасида, Европа доирасида, Америка доирасида, Африка доирасида кўчиб юриш;

в) мигрантларнинг малакаси бўйича:

- юқори малакали ишчи кучи миграцияси;
- паст малакали ишчи кучи миграцияси;

г) меҳнат сафарининг давомийлигига қараб:

• қайтиб келмайдиган миграция – бу, узоқ муддатга мўлжалланган ёки абадий бўлиб одатда бунга ташқи миграциянинг қитъалараро қисми ҳамда ички миграциянинг қишлоқдан шаҳарга бўлган миграцияси мисол бўлади.;

• вақтинчалик миграция – бу, ишга муайян муддатга кетишини ўз ичига олади. Бунга ташқи миграциянинг маълум муддатга шартнома бўйича қайтариб келиш шарти бўйича келишган кўчиб кетиш мисол бўла олади;

• мавсумий миграция – бу бир йил ва ундан кам бўлган ҳолда бирор бир худуддан бошқа худудга мавсумий иш бўйича бъоришини тақозо этади;

• тебранувчан миграция – ишчи кучининг бир аҳоли пунктидан бошқасига мунтазам равишда ишга боришини ва яна қайтиб келишини ўз ичига олади. Унинг мунтазамлиги меҳнат фаолиятининг режимига мос келади. Тебранувчан миграцияурбанизация (аҳолининг шаҳарларга кетиши) шароитида ривожланган. Асосий йўналишлари - қишлоқдан шаҳарга, шаҳар яқиндан агломерация ўзагига. Тебранувчан миграция йирик ва ўрта шаҳарларнинг таъсир зонасида тарқалган бўлиб, у ўша ерда ишчи кучини шакллантиришнинг

муҳим манбаидир. Шаҳар яқинига қатнайдиган транспортнинг ривожланиши билан бу хилдаги ҳаракат айниқса тез ортиб бормоқда, уларнинг кўлами, жадаллиги ва оқибатлари доимий кўчиб боришлилар миқдоридан ортиб одатий ҳолга айланаб бормоқда.

д) қонун жиҳатдан:

- қонуний миграция;
- ноқонуний миграция.

Бошқа давлатлардан мигарцияларни ўзига жалб қиласидиган худудлар ва давлатлар қуйидагилар:

**АҚШ, Канада.** Ҳар АҚШга бошқа давлатларга қараганда анча кўп иммигрантлар келади. Асосан паст малакали ишчилар АҚШга Мексика Кариб денгизи давлатларидан келади. АҚШ ва Канадага бир йилда келадиган иммиграцияларнинг сони 900 минг киши атрофида белгиланган ва ҳисоблаб чиқилган<sup>1</sup>;

**Австрия.** Мамлакатда 200 мингдан ортиқ чет эллик ишчилар бўлиб, улар Жанубий - Шарқий Осиё, Шарқий ва Марказий Европадан келиб ишлайдиганлардир<sup>1</sup>;

**Фарбий Европа** У ерда 6,5 млн меҳнат мигрантлари мавжуд. Иммигрантларни қабул қилувчи худудлар, булар Германия, Франция, Швецария, Буюк Британия, /арбий Европадаги иммигрантларнинг 1/4 қисми Германияда 20 йилдан бери яшаети<sup>2</sup>;

**Яқин ва Ўрта Шарқ** нефть қазиб олувчи давлатлар. Бу ерда ишчи бозори 70 – йилларда шаклланган. Саудия Арабистон, БАА, Бахрайн, қувайт, Уммон давлатларидағи ишчи кучларининг 50 % и қўшни араб давлатларидан келган иммиграциялардир<sup>3</sup>.

**Янги саноатлашган Осиё – Тинч океани** ва Лотин Америкаси давлатлари. Ишчи кучини импорт қиласидиган асосий давлатлари қуйидагилар: Сингапур, Гонконг, Жанубий Корея, Тайван, Малайзия, Аргентина, Бразилия, Венесуэла<sup>4</sup>.

## **10.2. Ижтимоий меҳнат миграциясига таъсир этувчи омиллар ва ижтимоий меҳнат миграциясининг иқтисодиётга таъсир.**

Ижтимоий меҳнат миграциясини кўриб чиқар эканмиз, унинг келиб чиқиши сабаблари ва ўз навбатида ижтимоий меҳнат миграциясининг ҳам мамлакат иқтисодиётига ижобий ва салбий таъсирларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Чунки буни ёритишдан мақсад халқаро меҳнат бозорининг меҳнат миграцияси шаклида намоён бўлишидир.

Меҳнат миграциясига таъсир этувчи омиллар иккита катта гуруҳга ажратилади. Ва бу иккита гуруҳ қуйидагилардан иборат:

<sup>1</sup> Цапенко И. Социально-политические последовия международной миграции населения. // МЭМО. 1999. №3. С. 53.

<sup>1,2,3,4</sup> Международное экономики отношения. Учебник под редакцией доктора экономических наук, профессора А.И. Евокимова Москва «Проспект» 2004. С. 480.

- 1) Иқтисодий омиллар;
- 2) Иқтисодий омиллар.

Иқтисодий омиллар қуйидаги тартибда таснифланади:

а) мамлакатнинг иқтисодий ривожланганликда режасияни ишчи қучлари ўз мамлакатларига нисбатан анча иқтисодий юксалган давлатларга кўчиб кетишига интиладилар:

б) мамлакат меҳнат бозорининг ҳолати, ёки бошқача айтсак кам ривожланган ва ахоли сонининг зичлиги оқибатда ишсизлар бошқа давлатга иш излаб кетиб қолишади;

в) иқтисодиётдаги эркинлаштирилиши натижасида халқаро муносабтлар яхши йўлга қўйилиб ишчи кучларини алмашиниши юзага келди;

г) капитал ҳаракати, яъни капитал олиб кириш ёки олиб чиқиш натижасида капитал билан бирга малакали ходимларнинг ҳам миграцияси содир бўлади.

Ноиктисодий омиллар эса қуйидагилар:

а) сиёсий-хуқуқий омиллар; б) миллий омиллар; в) диний омиллар; г) ирқий омиллар; д) оиласвий муносабатлар омиллари.

Энди эса меҳнат миграциясига таъсир этувчи омиллар батафсил, аниқ ва равшан изоҳлаб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлар эди. Миграция омиллари деганда ишчи қучининг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши учун сабаб бўладиган объектив ва субъектив шарт-шароитлар тушунилади. Ҳозирги вақтда меҳнат миграциясининг сабаб оқибатларини ўзаро боғлиқлигини тушунтириб берадиган бир қатор назариялар ва концепциялар ишлаб чиқилган. Улар ёрдамида минтақалар ўртасидаги турли миграцион оқимларнинг қўлами, йўналишлари, жадаллиги, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши мезонлари билан биргаликда макродаражада мувофиқлаштиради (иш ҳақининг миқдори, иш билан бандлик даражаси, капитал маблағлар ҳажми, уй-жой шароитлари, иш ўринлари сони ва ҳоказолар билан). Бундай ўзаро алоқаларнинг муҳим жиҳати – улар феъл атворининг мигратнлар таркиби (ёшига, жинсига, маълумот даражасига ва касбий тайёргарлигига ва хакозоларга) боғлиқликни аниқлашdir.

Айрим шахслар, оиласлар ёки уй хўжаликларининг турмуш шароитидаги у ёки бу қўрсаткичларнинг ўзгариши, миграция тўғрисида қарор қабул қилиш муҳим бўлган қўрсаткичларнинг ўзгаришига миграцион жавоб микродаражада ўрганилади. Бундай ёндошув миграцион хулқ-атвор қонуниятларини тадқиқ қилиш учун зарурдир. Умуман ишлаб чиқилган назариялар ва концепциялар миграцияни башорат қилишда муҳим бўлган моделлар ва фаразлар тузилишига асос бўлади.

«Миграция кўп сабабларга кўра келиб чиқади. Улардан кўп учрайдаиганларини юқоридагиларга қўшимча равишда қўриб чиқсан:

- ўз касб йўналишини амалга ошириш бўйича имкониятларни яратиш, бошқа яшаш жойида ойлик иш ҳақининг энг яхши шарт-шароитларига эга бўлган ишга жойлашиш;
- инсон соғлиги ҳамда иқлимга хос яшаш ва ишлаш шарт-шароитларини зарурлиги;

- қариндошларга қўшилиш;
- маълум бир маданиятга, билимга ва яшаш тарзини ўзгартиришга эҳтиёж;
- меҳнат зиддиятлари ва оиласдаги келишмовчиликлар;
- асадифий ҳолатлар, вазиятлар ва ҳ.к»<sup>1</sup>.

Энди эса миграциянинг оқибатларига кўра тўхталишидан олдин миграциянинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб алоҳида тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Миграция сабабларининг биринчи марта назарий жиҳатдан тушунтириб бериш одатда инглиз географи Ровенстейн номи билан боғланади. У XIX асрнинг оҳирларида «миграция қонунлари» назариясини таклиф қилган.

Ана шу қонунларга мувофиқ мигрантлар бир ҳудудни чекланган имкониятлар билан тарқ этиб, бошқа минтақаларда катта имкониятлар ниятида жойлашиб оладилар. Янги жойларни танлашда масофа катта рол ўйнайди, чунки мигрантлар яқинроқ масофаларга жойлашишни ҳоҳлайдилар. Қишлоқ-шаҳар миграциясининг ҳар бир оқими қишлоқ жойларига қарама-қарши миграция оқимини вужудга келтиради. «Ровенстейн айтганидек, шаҳар ахолиси қишлоқ ахолисига нисбатан кам харакатдадир. Шунингдек, транспорт ва алоқа воситаларининг ривожланиши, савдонинг кенгайши ҳамда саноатнинг ўсиши ҳам миграцияни кучайтиради»<sup>1</sup>.

Ўтган асрнинг оҳирларидан буён бу қонунлар тадқиқотчилар томонидан кўп марта текширилди ва тузатишлар киритилди.

Мигрантларни жалб қилиш ва туртиб чиқариш нуқтаи назаридан миграция сабабларига алоҳида эътибор берилди. Аниқ шароитилага қараб, ё жалб қилиш омиллари ё туртиб чиқариш омиллари ёхуд уларнинг алмашиниб келиши хал қилувчи аҳамитга эга бўлиши мумкун. Бу коцепция йирик минтақалараро оқимлар механизмини тушунтириб беришда муҳим роль ўйнайди, чунки ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнида турли-туманлар ўртасидаги тафовутлар хусусияти ўзгаради. Бу ҳол фақат кенг ҳудудга эга бўлган давлатлар нуқтаи назаридан эмас, балки халқаро меҳнат миграцияси учун ҳам долзарбдир, чунки бу эволюция жараёнида мигрантларни жалб қилувчи ва туртиб чиқарувчи мамлакатлар ҳам ўзгаради. Меҳнат миграциясининг сабабларининг бутун ҳилма-ҳилиги бошқа бир гурух олимлар томонидан одатда, табий-иклим, демографик, этник, ижтимоий-иктисодий гурухларга алоҳида олиб қаралади.

Табий иклим сабаблари деганда атроф-муҳитнинг таъсири тушунилади. У иклим, ланд-шафт, экологик тизимдаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Табий-иклим сабабларининг меҳнат миграциясига таъасири яшаш жойини ўзгартирганда мигрантлар бир қисмининг янги жойдаги иклимга мослашуви зарурлигига намоён бўлади. Бу баъзида кўчиб келганлар саломатлигининг ёмонлашуви билан ёки мигрантларнинг айrim қисмлари учун эса бу об-ҳаво иклим шароитлари яхши таъсир қилиши билан характерланади.

<sup>1</sup> Шоюсупова Н.Т. «Меҳнат социологияси» Т.: 2004. 72-73 бетлар.

<sup>1</sup> Абдураҳмонов Қ.Х. «Меҳнат иқтисодиёти» Дарслик Тошкент «Меҳнат», 2004 310-311 бетлар

Демографик омиллар аҳолининг жинси, ёши, никоҳ-оилавий аҳволи ва ҳоказолар тузилишидаги ҳудудий тафовутлар билан боғлиқдир. Аҳолининг жинси ва ёши бўйича фарқлар ўзгаришлар (масалан, «тўқимачилик» шаҳарлари ёш, никоҳ ёшидаги эркаклар кўп бўлган қишлоқ туманлари) тегишли ўзгаришларни, бир қадар «никоҳ» миграциясини келтириб чиқаради.

Миграциянинг этник сабабалри деганда турли халқлар миллий алоқалари, урф-одатлари, моддий ва манавий маданиятининг ўзига хос томонларининг ҳаракатчанлик даражасига, миграциянинг тузилиши ва йўналишига таъсири тушунилади. Ҳудди шу жойга келганда меҳнат миграциясининг натижа ва оқибатларига эътибор қаратсак жуда ҳам тўғри бўлади деб ўйлайман.

Меҳнат миграциясининг оқиб беришда икки хил ёндашув мавжуд бўлиб, **биринчидан**, мамлакатнинг меҳнат ресурсларига бўлган эҳтиёжни таъминлайди, янги ҳудудларни барпо этилишига олиб келади, иқтисодий фаоли аҳолини иқтисодиётдаги ҳолатини тартибга солади ва шунингдек аҳолининг ижтимоий-маданий ҳаёт тарзига сезиларли таъсир ўтказади.

**Иккинчи ёндашув** эса, меҳнат ресурсларининг миграцияси натижасида катта шаҳарлар пайдо бўлади, экологиянинг кескинлашуви, турли муаммолар туғилиши, мигрантларнинг янги ҳаётдаги муаммоларнинг вужудга келиши билан изоҳланади.

Шундай экан меҳнат миграциясининг донор мамлакатлар (ишчи кучини экспорт қилувчилар) ва реципиент мамлакатлар (ишчи кучини импорт қилувчилар)га ижобий ва салбий таъсирларни кўриб ўтамиз.

Меҳнат миграциясининг донор мамлакатлар иқтисодиётига ўтказадиган ижобий таъсирлари:

- эмиграция мамлакат меҳнат бозорини анча юмшатади яъни ишчи кучи миграцияси натижасида ортиқча меҳнат ресурслари сони камаяди; айниқса аҳолиси зич жойлашган мамлакатларга сезиларли даражада ижобий таъсир ўтказади (Хитой, Мексика, Покистон, Туркия).

- ишчи кучи экспорти – донор мамлакатларнинг эмигрант ишчиларига текин янги мутахассисликни ўзлаштиришга, уларнинг малакаси ошишига, янги техника ва технологиялар билан алоқа қила олишига олиб келувчи жараён;

- мигрантлар ўз ватанига қайтаётганда ўзи билан қимматбаҳо буюм, пул ва шунча ўхшаган ноёб нарсаларни олиб келишади ва шунинг турли пул жўнатмаларини амалага оширадилар:

- ишчи кучи экспорти – валюта кириб келишининг асосий манбай бўлими билан бирга уларнинг оила аъзолари турмуш даражасининг кўтарилишининг йўлларидан бири;

- донор мамлакатлар ўз фуқароларининг чет-элда ишлашини ташкиллаштирадиган воситачи фирмалардан давлат бюджетига солиқлар ундиради.

«Меҳнат миграциясининг салбий оқибатлари (донор мамлакатларга):

- эмиграция қиласидиган мамлакатлар ўзларининг меҳнат ресурсларини айниқса меҳнатга лаёқатли ва ёки меҳнат ресурсларидан ажralадилар;

- донор мамлакатлар эмигрантларнинг билим олиш ва малакасини ошириш учун маблағ сарфлайдилар;
- малакали кадрларнинг камайиши яъни билимли ва малакали кадрларнинг чиқиб кетиши» содир бўлади. Бунинг натижасида Россия йилига 60 млрд. доллар йўқотади<sup>1</sup>;
- чет эл ишчиларининг кириб келиши юқори даражадаги сафарбарликни келтириб чиқаради, миллий иқтисодиётнинг таркибида айрим тармоқларини шакллантиради;
- иммигрантлар миллатнинг ёш таркибини яшартиради, чунки одатда эмиграция қилинганлар ёшлардан иборат бўлади;
- қабул қилиб олаётган мамлакатлар ҳаражаларини тежашга эришади, чунки ўз ишчи кучларини билим ва малакасини оширишга жўнатаётган донор мамлакатлар буни олдиндан тўлашган бўлади;
- иммигрантлар ички бозор ҳажмини оширадилар, товарлар ва хизматларга талабни ва ишлаб чиқариш ҳажмини оширадилар;
- ишчи кучи импорти товарнинг рақобатбардошлигини оширади, чунки арzon ишчи кучи келиши билан ишлаб чиқариш ҳаражатлари тежалади;
- иммигрантларнинг вақтинчалик бўш турган маблағлари, яъни банкдаги ҳисоб рақамида турган маблағлари қабул қилувчи давлат томонидан ўз иқтисоди молиялаштириллади;
- иммигрантлар демографик ҳаолатини яхшилайдилар, аниқ бу /арбий Европа мамлакатларигаша тегишли чунки уларнинг аҳолиси таркибида қариялар сони кўп яъни ёш жиҳатдан қари давлат ҳисобланишади;
- иммигрантлар қабал қилиб олувчи томонидан тиббий суғурталанмайдилар ва бошқалар.

Меҳнат миграциясининг реципиент давлатлар учун салбий томонлари:

- мамлакат иқтисоди тармоқлари чет эл ишчи кучларига қарам бўлиб қалади. Айниқса хизмат кўрсатиш тармоқлари, савдо ва қурилишда. Чунки чет эл ишчи кучлари келиши билан мамлакат ички ишчи кучларига талаб камайиб ишсизлик кўпаяди;
- ички ишчи кучларининг баҳоси пасаяди ва чет эл ишчи кучларининг таклифи ошиб кетади;
- туб аҳоли билан иммигрантлар ўртасида турли зиддиятлар пайдо бўлади ва натижада мамлакатлараро низолар ҳам пайдо бўлиши мумкин;
- иммигрантлар меҳнат фаолиятини олиб бораётган мамлакатда узоқ ва қийин адаптация дучор бўладилар.

Ишчи кучини четдан олиб келувчилар учун ҳам, уни четга чиқарувчилар учун ҳам ташқи меҳнат миграциясининг ижобий ва салбий оқибатларини таҳлили асосида ишчи кучи ҳаракатининг иқтисодий самарадорлигини аниқлашга мўлжалланган қатор иқтисодий назариялар ишлаб чиқилган. «Уларнинг ичida кўпроқ маълум бўлгани ишчи кучи халқаро миграциясининг

---

<sup>1</sup> Международные экономические отношения учебник под редакцией доктора экономических наук, профессора А.И. Евдокамова Москва: «Проспект», 2004. С. 482.

«баланс» ва «Ассимметрия» назариялари бўлиб уларнинг ҳар бири ишчи кучини бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб юришини турлича тушунтиради<sup>1</sup>. «Баланс» ёки неоклассик назария миграцияни тор маънода, яъни асосан меҳнатга ҳақ тўлаш, ишчи кучи билан таъминланганлик, ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши нуқтаи назаридан кўриб чиқади ёки ишчи кучи миграциясини товарлар ва капитал оқими сингари яна бир ишлаб чиқариш омилиниң ҳаракати сифатида тушунтиради. Ушбу назарияга биноан, миграция меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутлар кўпайиб бориши билан ўсиб боради.

Шу билан бирга ишчи кучи меҳнат миграциясининг «Баланс» назарияси реал ҳаётининг аксарият жиҳтларини, чунончи иммиграцияни аҳолининг ёш таркибига, умумий фаровонлигини ўсишига, уй-жой шароитига, жамоат тартибининг барқарорлигига жамият маданий-диний бир хиллигини бузилишига ва бошқаларга бўлган таъсирини ҳисобга олмайди. Аксинча, асимметрия назарияси ишчи кучи миграцияси натижасида баҳолашга кенгроқ ёндашадива бунда унинг устунликлари сезиларли даражада камайтирилади, баъзида устунлик ҳолати бутунлай юз бермайди.

Шундай қилиб, меҳнат миграция жараёнларига турли хил ёндашишлар ва баҳолаш мезонлари мавжуд бўлиб, улар алоҳида мамлакатлар давлат сиёсатини ишлаб чиқишида ҳисобга олинади.

### **10.3. Ижтимоий меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши**

Ижтимоий меҳнат миграцияси давлат қонунчилиги ва халқаро актлар ёрдамида тартибга солиб турилади. Миллий қонунчиликда 2 хил тенденция ёнма-ён юради:

- 1) очиқ иқтисодиёт шароитида яъни меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракати;
- 2) проекционизм шароитида яъни миграция жараёнининг чекланганлиги.

Давлат миграция сиёсати – бу, ишчи кучи экспорти ва импортини тартибга солиб турувчи давлатнинг мақсадли фаолияти. Ишчи кучи миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши бевосита меҳнат мигрантларининг манфаатларини ҳамда ишчи кучини экспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлик.

«Давлат миграция сиёсатини тартибга солишнинг турли мақсад ва усууларидан келиб чиқиб эмигарция ва иммигарция сиёсатига ажралади»<sup>1</sup>.

Давлатнинг эмиграция сиёсати – бу, бивосита тартибга солиш яъни маъқул бўлган эмиграция иқлимини яратиш ва бевосита тартибга солиш яъни

<sup>1</sup> «Халқаро иқтисодий муносабтлар». И.ф.н., доцент Ҳакимова М.А. нинг умумий раҳбарлиги таҳрири остида. Тошкент «Ўқитувчи», 1997 144-146 бетлар.

<sup>1</sup> Международное экономические отношения учебник под редакцией доктора экономических наук, профессора А.И. Евдонимова Москва «Проспект», 2004 С. 484

эмиграция оқимларининг ҳажмини ва таркибини мақсадли равишда тартибга солишни кўзлайдиган саёсат.

Эммиграция оқимларини билвосита тартибга солиш усули:

- 1) чет элдан валюта кириб келишини кўзлаган валюта ва банк сиёсати;
- 2) ҳисоб рақамида валюта сақлаш бўйича имтиёзлар бериш;
- 3) меҳнат мигрантларига қимматли қоғозларни сотиш, албатта солик солмасдан;
- 4) божхона сиёсати яъни бунда ўз ватанига қайтаётган меҳнат мигрантларига бож тўловлари бўйича имтиёзлар берилади.

Эмиграцияни тартибга солишнинг бевосита усули:

- 1) меҳнат миграцияси субъектларини яъни воситачи фирмалар ёки меҳнат мигрантларини назорат қилиб туриш;
- 2) экспансион сиёсат, яъни чет эл бозорларида иш жойларини эгаллаб олиш учун йўналтирилган сиёсат (масалан, ўша мамлакатда ишлаб чиқарилиб экспорт қилинадиган маҳсулотни ишлаб чиқарувчи мутахассисларни кўпроқ жўнатиш орқали бозорни эгаллаш);
- 3) структуравий сиёсатнинг асосий элементлари бўлиб қуидагилар ҳисобланади:
  - а) чет эл паспорти берилишини чеклаш;
  - б) айрим тоифадаги ишчиларнинг чиқиб кетишини тақиқлаш ва эмиграцияга квота қўйиш.

Давлатнинг иммиграция сиёсати – бу миллий меҳнат бозорини мигрантларининг тартибсиз ҳаракатидан ва нотўғри фойдаланишидан ҳимоя қилиш сиёсати. Мигрантлар қўйидаги 3 та тоифа бўйича таснифланадилар:

- 1) оиласий эмиграция, бунда оила аъзоларининг айримлари чет элда юрганлиги боис қолганлари ҳам кўчиб боришга тўғри келади;
- 2) иқтисодий эмиграйия, катта маҳорат ва меҳнатга лаёқатлилик, хусусий тадбиркорлик фаолияти бўйича малака талаб қиласидан ҳам кўшидиган миграция йўналишидир. Ва ўз навбатида иқтисодий эммиграция ҳам 4 хил қўринишга эга:
  - шахсий тадбиркорлик эмиграцияси (тажриба ва ўз капитали орқали борган жойида иш бошлайди);
  - ёши кичикроқ бўлган лекин яхши малакали бўлган шахсларнинг эммиграцияси;
  - иш берувчи таклифига биноан эммиграция;
  - халқаро аҳамиятга эга бўлган яъни ижод ва спорт кабилар туфайли эммиграция;

- 3) гуманитар эмиграция; қочоқларнинг ҳаракати сифатида намоён бўлади.

Давлатнинг иммиграция сиёсати қўйидагилардан ташкил топади:

- чет эл ишчи кучларининг сифатига бўлган талаб (маълумоти тўғрисидаги сертификатнинг борлиги ва мутахассислиги бўйича стажга эгалиги), ёки бошқача айтсан олий маълумотлими ўрта маълумотлими ва бошқа Австралияда мутахассислиги бўйича камидан 3 йил, Уммон, Бирлашган Араб

Амирлиги, катар каби давлатларда хатто ошпазликка ҳам камида 5 йил стажга эга бўлганлар қабул қилинади;

- ёш бўйича танланиши. Бунинг мазмуни шундаки, импорт қилаётган давлат, меҳнатга лаёқатли ёшдагиларнинг айниқса 20 ёшдан то 40 ёшгacha бўлганларини қабул қилишни хохлади;

- саломатлиги бўйича. Чет эллик ишчиларнинг кўриқдан ўтказилиши билан изоҳланади. Масалан Швеция ва Норвегияда ёлловчи фирмалар кириб келаётган ишловчи номзодларни тиббий кўриқдан ўтказишиади;

- шахс характерининг чекланганлиги. Ижтимоий «тозалик» яъни қабул қилувчи давлатга ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан салбий таъсири бўлмаслиги лозим. Масалан АҚШда тоталитар кўринишдаги партияга аъзо бўлганларнинг кириб келишига чекловлар қўйилган;

- ишчи кучи импортига тўғридан-тўғри квота қўйиш. Мисол учун Грецияда 5 тадан кам бўлган грек миллатига мансуб бўлган ходимлари бор корхонага чет эл ишчи кучини ёллаш тақиқланган;

- молиявий чекловлар. Словакияда оддий ишлашни хохловчи мигрантлар меҳнат фаолиятини бошлиши учун маблағ киритишлари лозим. Ирландияда 4 ой давомида ишлаганлиги учун 100 ирланд фунти тўлаши шарт.

- вақтнинг чекланганлиги. Иммигрантлар учун қабул қилиб олувчи давлат унинг фаолият юргизиши учун маълум бир муддатни беради. Бу муддат бир йил бўлиши ёки 2 йил бўлиши мумкин.

- айрим фаолиятда тури билан шуғулланиш умуман тақиқланганлиги. Туркияда шундай қонун борки, унда чет элликлар келиб шуғулланиши мумкин бўлмаган мутахассисликлар номлари келтирилган. Уларга: шифокорлар, адвокатлар, учувчилар, кончилар, ҳайдовчилар, балиқчалар, официантлар, брокерлар, кўриқчилар киради.

- Миллий ва географик мавқеига қараб. Кўп давлатлар иммигрантларнинг этник таркибиغا қабар имтиёзлар қўядилар АҚШ Европалик иммигрантларни афзал билса, Германия эса Қозогистон ва марказий Осиёлик немецларни афзал кўради.

- Меҳнат мигрантларнинг чиқиб кетишини рағбатлантирувчи дастурлар. Ушбу дастурларнинг 3 хил тури мавжуд:

а) иммигрантларнинг компенсация билан сийланиши. Меҳнат фаолиятини муддатдан илгари тугаллаб кетишлари учун турли кўринишдаги тўловларни амалга ошириш;

- иммигрантларни ўз ватанига қайтишини осонлаштириш мақсадида касбий тайёргарлик дастурлари;

- оммавий эмиграция регионларига иқтисодий ёрдам дастурлари.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир мамлакат ўзининг ички шарт-шароитларидан келиб чиқиб ишчи кучининг кириб келиши ва чиқиб кетишини тартибга солиб, назорат қилиб туради.

Халқаро меҳнат ташкилоти экспорт қилувчи давлатларнинг эмиграция сиёсатини қўйидагича изоҳлаб беради:

- меҳнат ресурсларининг эмиграцияси ишсизликни камайтириш ва ташқи савдо баланси тақчиллигини қоплаш лозим;

- эмигрантлар чет элнинг яшаш шарт-шароитларига рози бўлишлари лозим; ;

- ўз ватанига қайтаётган эмигрантлардан чет эл тажрибасини ўрганиши талаб қилинади. Ҳозирги кунда меҳнат миграциясининг характерли томони шундаки, ишчи кучини экспорт қилувчи давлатлар турли хил усул ва услублардан фойдаланадилар. Улар қаторига қўйдагиларни киритиш мумкин:

- мамлакат манаатларини ҳимоя қилиш метод ва методологиялари – бу, эмиграция мактаби, эмигрантларнинг таркиби сифатига ва давлат доирасида жўнаб кетишини экспорт қилувчи давлат томонидан тартибга солиб турилишини йўлларидир. Кўпчилик давлатлар эркин кўчишини кўзлаб, фуқаролар хукуқини инобатга олган ҳолда эмиграция сиёсатини ишлаб чиқарадилар. Баъзи бир давлатлар эса юқори малакали мутахассислар ва малакали ишчи кучлари етишмаслиги туфайли эмиграцияни ушлаб тuriш сиёсатини амалга оширадилар.

- Мигрантларнинг валюталаридан иқтисодиётни ресурслар билан таъминлаш мақсадида эмиграциядан фойдаланиш методи ишлатилади. Яъни бунда миллий банкда эмигрантлар учун алоҳида валюта счёти очилади ва уларга бошқаларга қараганда юқори фоиз ставкалари белгиланади. Бундан ташқари яна бир қанча имтиёзлар ҳам берилади. Айрим давлатлар меҳнат мигрантларининг чет элдаги оладиган маошини кафолатини ўз зиммасига олса, бошқа бир давлатлар уларнинг суғурталанишини воситачи корхоналар орқали таъминлайди;

- меҳнат эмигрантларини хукуқини ҳимоя қилиш мақсадида, икки томонлама шартнома ва битимлар тузилади. Бу битим ва шартномаларда қўйидагилар аниқ келишилиб олинган бўлиши керак: а) иш ҳақисини олиши учун ижтимоий-иктисодий кафолатлар бўлиши керак; б) бориб-келиши учун тўловлар; в) яшаш шароитининг таъминланиши; г) тиббий хизматнинг давомий тарзда кўрсатилиши; д) ҳар қандай муаммоли вазиятлар бўлганда фуқаронинг (эмигрантнинг) хукуқини инобатга олган ҳолда ҳал этилишини кўзлаш ва бошқалар.

Шунинг учун ҳам меҳнат мигрантларининг хукуқини ҳимоя қилиш бўйича элчихона ва айрим муассасаларда аттеллиялар (шу соҳа бўйича мутахассис) фаолият юргизади.

Меҳнат мигранти ва унинг оиласини ҳимоя қилиш учун фонд тузилади. Бу фонднинг ишлатилиши одатда уларнинг тиббий хизматга, яшаш тарзини яхшилашга ва уйга қайтиш жҳтиёжи пайдо бўлганда кўринади.

Ҳар бир давлат одатда миграцияни тартибга солиш механизимини ишлаб чиқараётганда бир вақтнинг ўзида ҳам давлат манфаатлари ҳам эмигрант ва иммигрант манфаатларининг кўзланишини инобатга олади. Шундай жараённи амалага оширувчи воситалардан бири бу, чет элда ёллаб ишлатувчи корхоналарнинг (васитачи корхоналар) фаолиятини лицензиялаш. Лицензиялашда авваламбор шу корхонанинг қанақа фаолият кўрсатиб келаётганлиги, етарли даражада тажрибалилиги ва ҳалқаро миқёсда нуфузга эгалигига қараб унга ишонч далолатномасини бериш лозим.

Охирги йилларда экспорт қилувчи ва импорт қилувчи давлатларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича бир қанча ўзгаришлар бўлди (чунки ноқонуний миграция ҳозирги кунда катта маситабда тарқалмоқда).

Мехнат ресурсларини импорт қилувчи давлатлар доимий равища кириб келаётган меҳнат мигрантларининг сони ва сифатини тартибга солиб туриш учун иммиграция сиёсатини ўтказишяпти. Ва бунинг оқибатида, иммигрантларнинг сонини мувозанатда сақлаш учун иммиграция квота кўрсаткичларини йўлдан-йилга ўзгартириб борилмоқда. Бу квоталарни аниқлашда мамлакатнинг чет эл ишчи кучларига талаби бўйича ва алоҳида тоифалар бўйича (ёш ва жинси, мълумоти ва бошқалар) ва шунингдек, импорт қилувчи давлатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи ўрганиб чиқилади. Иммиграция квотаси турли кўрсаткичлар бўйича (албатта иммигрантларнинг) турли хил тақсимланади. Масалан «АҚШ да 1995 йил қўйидагича квота кўрсаткичлари қабул қилинган эди: 71%- келиб чиқиши АҚШ лик бўлса; 20% - АҚШ учун зарур бўлган мутахассислар ; 9% - қолган иммигарнлар»<sup>1</sup>.

Импорт қилувчи давлат биринчи навбатда меҳнат мигрантларининг сифатини таъминлаш учун турли методлар ишлаб чиқади (иммигрантларнинг гуруҳини аниқлашда биринчи навбатда кириб келиш визаларини назорат қиласди).

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки ҳар доим ҳам импортер давлат сифат бўйича саралаб олавермайди. Чунки қанча малакали бўлса шунча қўп маош олади ва бошқа кўрсаткичлар ҳам худди шундай.

Миграциянинг танлаб олиш сиёсати борки, унга кўра импорт қилувчи давлатлар айrim тоифадаги мигрантларнинг кириб келиши учун турли имтиёзлар жорий қиласди.

Шунингдек иммиграцияни амалга ошираётганда қўйидаги мигшрантларнинг 5 та гуруҳи инобатга олинади:

- ишчилар – кам иш ҳақи олиш бўйича ва қийин ҳамда хавфли ишни бажариш бўйича рақобатлашадиганлар;
- мутахассислар – халқ хўжалигининг тезда ривожланадиган ва юқори даражада технология билан таъминланган соҳада ишловчилар;
- ноёб касб эгалари (олмосга ишлов берувчилар, ҳатолар, шифокорлар ва бошқалар);
- таълим, саънат, тадбиркорлик, спорт каби соҳадаги юқори тоифали мутахассислар;
- халқаро ташкилотдаги ишловчилар ва қабул қилиб олувчи давлатда ишини давом эттироқчи бўлган тадбиркорлар.

Иммиграция сиёсатининг мақсадларидан бири бу, ички меҳнат бозорини чет эл ишчи кучларининг кириб келиши билан содир бўладиган турли-туман муаммолардан ҳимоя қилишdir.

Ҳар бир давлат ўзининг миграцион сиёсатини амалга оширап экан, ўша давлат албатта бошқа давлатлардаги қонунлар ва халқаро ташкилотларнинг

<sup>1</sup> Международное экономические отношения учебник под редакцией доктора экономических наук, профессора А.И. Евдокимова Москва «Проспект», 2004 С 488.

меъёрий-хукуқий ҳужжатларидан бевосита ва билвосита фойдаланади ва амалиётга татбиқ этади. Шундай экан айрим халқаро ташкилотлар тўғрисида тўхталиб ўтсак:

1. Халқаро Мехнат Ташкилоти (ХМТ). 1919 йилда ташкил топган 1946 йилда БМТнинг ихтисослашган муассасасигаайланган. ХМТнинг вазифаси қўйидагилардан иборат:

а) меҳнат қилмоқчи бўлганларнинг ҳаракатига кўмаклашиш;

б) ҳаёт тарзи ва меҳнат шароитини яхшилашгаша йўналтирилган сиёсати ва дастурларни ишлаб чиқиш;

в) халқаро меҳнат стандартларини ишлаб чиқиш;

г) ишсизликка қарши курашиш.

ХМТнинг тузилиши қўйидагича:

-Халқаро Мехнат Конференцияси – бу ХМТнинг олий органи бўлиб, қонунчилик функциясини бажаради;

-Маъмурий кенгаш яъни ХМТнинг турли комитет ва комиссияларини бошқариш турувчи орган;

-Халқаро Мехнат Бюроси – ахборот ва маслаҳат берувчи орган.

2. Халқаро Миграция бўйича Ташкилот (ХМБТ) бунга 1949 йил Халқаро Кочоқлар иши бўйича Ташкилот номи билан асос солинган. Кейинчалик, яъни 1989 йилда ҳозириги номи билан атала бошлаган. Унинг таркибига 81 та давлат киради (46 таси доимий аъзоси бўлса 35 таси назорати остидаги давлатлардир). ХМБТнинг асосий мақсадида қўйидагилардан иборат:

а) ишга ёллаш; б) оилаларни қайта қўшиш; в) билим омилига кўмаклашиши; г) сиёсий қувғинларни топиб уларга ёрдам бериш; д) фуқароларнинг ўз юрти, этник таркиби ва доимий яшаш жойишига кўмаклашиши.

Хуллас шунга ўхшаган бир неча ташкилотлар ва халқаро конвенциялар бўлиб, меҳнат миграциясининг давлат томонидан тартибга солинишида муҳим омиллар бўлиб хизмат қиласди.

## Қисқача хуноса

«Ижтимоий меҳант миграцияси – бу, инсонларнинг бир ижтимоий-профессионал гурухдан бошқа (бошқа) гурухга ёки бандлик доирасига (макон жиҳатдан), меҳнат фаолиятининг бошқа турларига ва албатта худудлараро иш жойларга ўтиб кетиши». Ижтимоий меҳнат миграцияси деганда одатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги ўзгаришлар билан боғлиқ маконий кўчиб юриши тушинилади.

Давлат миграция сиёсати – бу, ишчи қучи экспорти ва импортини тартибга солиб турувчи давлатнинг мақсадли фаолияти Ишчи қучи миграциясининг давлат томонидан тартибга солиниши бевосита меҳнат мигрантларининг манфаатларини ҳамда ишчи кучиниэкспорт ва импорт қилувчи мамлакатларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ.

## **Назорат ва мухокама учун саволлар**

1. Миграция нима?
2. Ижтимоий меҳнат миграцияси деганда нимани тушунасиз?
3. Давлат миграция сиёсатининг асосида нима ётади?
4. Давлат иммиграция сиётсати деганда нимани тушунасиз?
5. Халқаро Миграция бўйича Ташкилотнинг вазифаларини айтиб ўтинг.
6. Меҳнат мигранти деб кимларни айта оламиз?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Булanova B.C. и dr Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. -342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Дорохотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и dr. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмуминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.

18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов  
Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т. Замонавий мөхнат бозори: фаолияти ва  
бошқарилишининг иқтисодий механизми. Ўзбекистон иқтисодий  
аҳборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Мөхнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – мөхнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **11-БОБ. МАҲАЛЛИЙ КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШ ТИЗИМИ**

**11.1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий кадрлар билан ишлаш тизимининг тавсифи**

**11.2. Маҳаллий ташкилот ва муассасаларда кадрларни танлаш ва унинг мезонлари таҳлили**

**11.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг маҳаллий кадрларни тайёрлашдаги аҳамияти**

**11.4. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий кадрларни танлаш тизими ва уни такомиллаштириш истиқболлари**

### **11.1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий кадрлар билан ишлаш тизимининг тавсифи**

Маҳаллий кадрлари билан ишлаш тизими батик ва динамик кичик тизимлардан ташкил топади. Статик кичик тизимга кадрлар сиёсати муаммолари, кадрлар тизимини ташкил этиш. Кадрлар танлаш ва ҳоказолар киради. Кадрлар билан ишлаш динамик тизими ходимларининг меҳнатни ташкил этиш, уларнинг шу услуби ва усувлари.

Ишга рағбатлантириш тизими, тарбия масалалари ва ҳоказолар киради. Одатда тизимнинг статик қисми сўзнинг тор маъносида кадрлар билан ишлаш тизими деб, динамик қисми эса «меҳнатни илмий ташкил этиш» ёки «иш услуби ва усувлари» деб аталади.

Кадрлар билан ишлаш тизимида субъект ва объект тафовут этилади. Субъект деганда кадрлар функцияларини амалга оширувчи органлар ва ходимлар мажмуи тушунилади. Объект - бу кадрлар билан ишлаш тизимининг асосий компонентларидан: кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, баҳолаш ва ҳоказолардир.

Кадрлар билан ишлаш тизимининг асосий компонентларини батафсил қўриб чиқамиз. Тизимнинг биринчи бўғини- кадрлар сиёсати. Бу кадрлар ишининг бош йўналиши, унинг энг муҳим, туб асослари мажмуидир. У узоқ муддатга мўлжалланган.

Кадрлар сиёсати деганда аввалламбор мазкур даврда ва истиқболда бошқарув кадрларини бошқариш мақсадларини қатъий аниқлаш тушунилади.

Хўжалик юритиш истиқболларини аниқлаш узоқ муддатга йўналтирилган кадрлар сиёсатига бўлган талабни оширади. Фақат шундагина режалар ва дастурларни кадрлар билан таъминлаш мумкин. Кадрлар сиёсати янги вазифаларни белгилабгина қолмай, нима эскиргани, ривожланишга тўскىнлик қилаётган ва нималарни бартараф этиш кераклигини кўрсатиб беради.

Кадрларга қўйиладиган талабларни аниқлаш кадрлар сиёсатининг муҳим натижасидир. У икки компонентдан таркиб топади. Биринчи компонент - кадрларга қўйиладиган умумий талаблар. Бу ўринда ишбилармонлик, омилкорлик, бадастирлик, интизомлилик, жавобгарлик ва ҳоказолар ҳақида гап бораётир. Иккинчи компонент- бу ишлаб чиқариш ва

бошқарувни ривожлантиришнинг муайян босқичига қўйиладиган талаблардир. Кадрлар сиёсатининг айнан манна шу талабларини белгилайди. Масалан, бир корхонада бу молиявий барқарорлаштириш вазифалари бўлса, бошқа корхонада – янги технологияни амалга жорий этиш қобилиятидир.

Айни ҳолда худи манна шу босқичда алоҳида аҳамият касб этиладиган фазилатлар ҳақида гап боради. Кадрлар тизимининг штат тузилишини таркиб топтириш кадрлар билан ишлаш тизимининг муҳим элементидир. Кадрлар тизимининг тузилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларини ажратишни назарда тутади, ҳамда лавозимлар тизимида. Улардан ўтиш тартибида («хизмат тўсиқлари»). Шунингдек, касблари тизимида ва штатлар жадвалида ўз ифодасини топади.

Энг аввало ишда, ижтимоий фаолиятда, таълим олиш ва турмуш жараёнида кадрларни ривожлантириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Кадрларни ўқитиб ўргатиш, шу жумладан кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизими ҳозирги босқичда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Кадрларни танлаш - принциплари, процедураси, усуслари ва ҳоказолар хўжалик кадрлари билан ишлаш тизимининг асосий бўғинидир. Кадрлар билан ишлаш тизимининг мазкур асосий блоки таркибига кадрларни танлаш, захирадаги кадрларни илгари суриш, ретация қилиш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш киради.

Бошқарув жамоаси, командасини шакллантириш кадрларни танлаш тизимининг якунловчи бўғинидир.

Яна бир муаммо – кадрларга баҳо бериш. У бутун кадрлар билан ишлаш тизими – кадрларни танлаш, ўқитиб ўргатиш, мотивлаштириш тушунилади.

Шундай қилиб, маҳаллий кадрлар билан ишлаш тизимиға қўйидаги элементлар киради:

1. кадрлар сиёсати;
2. кадрларга қўйиладиган талаблар;
3. кадрларни штат лавозим тузилмасини таркиб топтириш;
4. кадрларни танлаш ва у бошқарув жамоасини шакллантириш;
5. кадрларга баҳо бериш(аттестация) тизими.

Кадрлар тизимини ташкил этиш шу билан бирга ва навбатдаги босқичи учун барча шарт-шароитлар яратилади.

Маҳаллий кадрлар билан ишлаш тизими ҳақида сўз кетганда, давлат аппаратида ва давлат секторида тузиладиган давлат тизимини ҳамда нодавлат ташкилотлари- акциядорлик, хусусий, жамоат ташкилотлари тизимини ажратиш зарур. Кадрлар билан ишлаш давлат тизими Конституция, қонунлари ва маҳсус қарорлар билан ҳуқуқий жиҳатдан қатъий тартиба солинган.

Нодавлат ташкилотларида баъзан изчил кадрлар билан ишлаш тизими умуман мавжуд эмас ҳамда эмпиризм ва тасодифийлик ҳукм суради.

Айрим ҳолларда нодавлат тизимларида давлат андозаларида тавсия этилган тартиб қўлланилади. Ташкилот хусусий бўлсада, унда давлат ташкилотларидағи сингари тартиб ҳукм суради. Бу эмпиризмдан яхши албатта. Аммо давлат бошқаруви андозалари кўпинча нодавлат

ташкилотларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олмайди ва нодавлат тузилмаларининг барча афзалликларини рўёбга чиқармайди.

Нодавлат ташкилотларда кадрлар билан ишлаш хусусий тизимлари айниқса катта самара беради. Улар давлат намуналари ва андозаларини эътиборга олади, аммо шу билан бир вақтда муайян ташкилотнинг барча ўзига хос хусусиятларини ҳам эътиборга олади ва хусусий ташкилотларга хос бўлган мослашувчанликни рўёбга чиқариш имконини беради. Хусусий ташкилотларда кадрлар билан ишлашдаги изланишлар ва янгиликлар кейинчалик давлат кадрлар билан ишлаш тизимлари амалиётига ҳам кириб келиши бежиз эмас.

Иккала вариант: кадрлар билан ишлаш давлат тизимининг ҳам, нодавлат тизимининг ҳам тажрибаси эътиборга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошқарувнинг барча босқичларида ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг ҳажми ва ўзаро нисбатини тўғри аниқлаш муҳимдир. Катта ҳуқуқлар жавобгарлик кам бўлган ҳолларда маъмурий ўзбошимчалик, субъективизм, пухта ўйланмаган қарорлар қабул қилишга йўл очади. Кам ҳуқуқлар бериб катта масъулият юклаш ҳам яхши оқибатларга олиб келмайди. Бундай ҳолларда ҳатто энг тиришқоқ ходим ҳам ўз зиммасига юклangan вазифани бажаришга ожиз бўлиб қолади.

Кадрлар тизими расмий, штатлар, лавозим тизимларини ҳамда муайян ходимлардан ташкил топган реал бошқарув жамоаси: командани ўз ичига олади. Кадрларни танлаш жараёнида штатлар тизими бошқарув жамоасига айланади. Кадрларни танлаш пайтида штат тизимини яхшилаш ёки аксинча, заифлаштириш мумкин. Нима бўлганда ҳам штат-лавозим тизими-кадрлар билан ишлашнинг негизидир.

Ўз навбатида, штат лавозим тузилиши функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларни лавозимлар ўртасида тақсимлашга асосланади. Ҳар бир бошқарув органи маълум ички тузилига эга. Унинг моҳияти алоҳида бўлимлар тузиш, уларга маълум функциялар, ҳуқуқ ва мажбуриятлар юклаш, уларнинг тобелик ва ўзаро алоқа қилиш тартибини белгилашдан иборат.

Бошқарув органининг ҳар қандай бўғини ходимлардан ташкил топади. Бошқарув органларининг таркибий бўғинларини ходимлардан таркиб топтиришда таркибий бўғиннинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини мазкур бўғин ходимларининг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўпламига айлантириш муаммоси туғилади. Органнинг ҳуқуқлари одатда унинг раҳбарига юкланди, бунинг натижасида раҳбарнинг функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини унинг қўл остидаги ходимлари ўртасида тақсимлаш муаммоси юзага келади.

Функцияларнинг тақсимланиши муқаррардир, чунки раҳбар уларни тўлиқ ҳажмда бажара олмайди. Агар раҳбар буни уddeлай олганида. Бошқарув бўғинига эҳтиёж қолмаган бўларди. Шундай қилиб, раҳбар имкониятларининг чекланганлиги-функцияларни тақсимлаш заруратини белгиловчи биринчи омилдир.

Функцияларни тақсимлаш зарурлигига иш кўламидан ташқари ихтисосланишнинг фойдали жиҳатлари ҳам таъсир кўрсатади. Алоҳида ходим

зиммасига ўхшаш функцияларни юклаш бутун бўғиннинг иш сифатини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш имконини беради.

Функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши қўл остидаги ходимларнинг ташаббускорлигини ошириш, янги захираларни аниқлашга қўмаклашади ва якуний ҳисобда бутун бошқарув органининг муваффақиятига, шунингдек орган ходимларининг касбий ўсишига олиб келади. Функцияларни ҳаддан ташқари марказлаштириш эса, аксинча ходимларда фақат аниқ ишлаш ва ижрочилик лаёқатинигина тарбиялайди. Уларнинг ташаббускорлигини чеклайди.

Орган (бўлим) функцияларини потенциал ижрочилар ўртасида тақсимлашда мавжуд ихтисосликлар тўпламидан, турли касб эгаларининг ўртача иш ҳажмини бажариш имкониятларидан келиб чиқилади. Бунга асосланиб ходимларнинг умумий сони, уларнинг ихтисосликлари, малака даражаси ва бошқа шунга ўхшаш жиҳатлар аниқланади.

Барча ходимлар биргалиқда мазкур орган (бўлим)ларга юклangan ҳамма функцияларни бажаришлари керак. Шунинг учун ҳам мазкур лавозимлар доираси бутун органнинг функцияларини бажаришаг қодир ё қодир эмаслигини аниқлаш муҳимдир. Такрорлаш, бўшлиқ ва иш билан юкланмаганлик энг кўп учрайдиган камчиликлардир.

Такрорлашда мажбуриятларни ходимлар ўртасида тақсимлашда бир хил функцияга даъвогар иккита ёки ундан ортиқ лавозимлар пайдо бўлади. Бўшлиқ органнинг бирон-бир функцияси унинг ходимлари зиммасига юкланмаганлигидан далолат беради. Иш билан юкланмаганлик ходимлар орасида мазкур бўлинма учун ортиқча ходимлар борлигини билдиради. Мазкур камчиликларни бартараф этиш зарур.

Функцияларни тақсимлаш деганда, фақат энг умумий мажбуриятларни (таққослаш) тақсимлаш тушунилади. Уларни муайянлаштириш, яъни бир лавозим бўйича ходимнинг вазифалари ва мақсадларини, уларнинг ишидаги қандай натижалар кутиш мумкинлигини аниқлаш зарур.

Кутилаётган натижалардан ташқарии вақт кўрсаткичларини, масалан, ишларни бажариш муддатларини ҳам қайд этиш керак. Ишни макон ва замонда аниқ қайд этиш навбатдаги босқич- ходимнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш босқичига ўтиш имконини беради.

Ходимлар ўзларига кам ҳуқуқлар берилганидан жуда кўп имконият қиласидилар, аммо энг юзаки таҳлил ҳам улар ўзларидан нима кутилаётганини яхши тасаввур қилмасликлари, бинобарин, ўзларига берилган ҳуқуқлар ҳажми ҳақида асосли фикр юрита олмасликларидан далолат беради. Ҳуқуқлар ва ваколатлар умуман эмас, балки муайян функциялар вазифаларни бажариш ва натижаларга эришиш учун берилиши керак. Ҳуқуқ ва ваколатлар моддий (пуллар, фонdlар ва ҳоказолар) ва ташкилий- маъмурий бўлади.

Жавобгарлик ўрнатиш орган функцияларини ходимлар ўртасида тақсимлаш жараённинг охирги босқичидир.

Жавобгарлик моддий, маънавий ва маъмурий (шу жумладан интизомий жавобгарликкача) бўлади. Бунда умуман жавобгарлик эмас, балки муайян

функциялар, вазифалар ва ҳуқуқларга асосан жавобгарлик мұхимдир. Ходирлар зиммасига жавобгарликнинг юкланиши уни раҳбар зиммасидан соқит этмайди. Жавобгарлик сақланиб қолади, уни ресурслар ва ижрочининг ваколатлари билан бериш мүмкін әмас. Акс ҳолда ягона орган мавжуд бўлмас эди.

Функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг тақсимланиши бир қатор омилларга боғлиқ. Айни ҳолда ижрочиларнинг таълим ва касбий даражаси мұхим аҳамиятга эга. Бошқарув органи билимли, тажрибали ходимларни қабул қилишни мўлжалласа, функциялар ва ҳуқуқларни тақсимлаш анча тўлиқ амалга оширилиши мүмкін. Ёш, фаол мутахассисларнинг мавжудлиги ҳам функцияларни кенг тақсимлашга турткি беради. Ходимлар яхши билиш ва тажрибага эга бўлмаган ҳолларда эса, аксинча, қайта иш ҳажми муқаррар равишда раҳбарнинг ва оз сонли мутахассисларнинг қўлида жамланади.

Раҳбарлар таркиби, уларнинг малакаси, топшириқ ва ҳуқуқларни қўл остидагиларга беришга тайёрлиги ҳам мұхим аҳамиятга эга. Барча масалаларни ўзи ҳал қилиб, ўрнини ҳеч ким боса олмайдигандек қилиб, кўрсатишга мойил раҳбарлар ҳам учрайди. Ташкилотни ривожлантириш босқичи ҳам мұхим. Анъанавий ташкилотларда функцияларни тақсимлаш янги тузилган ташкилотларга қараганда анча қийин кечади.

Функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тақсимлаш бошқарув аппаратининг турли функционал хизматларида ҳар хил амалга оширилади. Чунончи, ишлаб чиқариш ёки сотишнинг ташкил этишда функциялар кадрларни танлашга қараганда анча кенг тақсимланади. Потоели ишлаб чиқаришда функцияларни тақсимлаш якка тартибда ва кўп серияли ишлаб чиқаришдагидан бошқача кетади.

Функциялар, вазифалар, ҳуқуқлар ва мажбуриятларни тақсимлаш негизида штатлар жадвалини тузиш, кадрлар тизимининг штат-лавозим тузилишини шакллантириш мүмкін.

Бошқарув органининг тузилиши штатлар жадвалини тузиш учун насос бўлиб хизмат қиласи. Штатлар жадвали-бу бошқарувнинг тузилишидан кадрлар тизимиға ўтиш бўғинидир.

Лавозим штатлар тузилишининг асосий бирлиги бўлиб, у бошқарув органи ваколатларининг бир қисмини ўз ичига олади ва алоҳида ходимлар учун ҳуқуқ ва мажбуриятлар мажмуини белгилайди.

Давлат секторида ва хусусий секторда лавозимга қўйиладиган мажбурий ва расмий талабларни мустаҳкамлайдиган бир қатор ҳужжатларга амал қилинади.

Жумладан, бошқарув органлари ёки уларнинг таркибий бўлимлари тўғрисида низомларда (режа бўлими тўғрисида низом ва ҳоказоларда) айни орган ёки бўлим раҳбарларининг лавозимлари тавсифланади. Аммо раҳбарнинг реал функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бундай низомларда баён этилган функциялар, ҳуқуқлар ва мажбуриятлардан анча кенг.

Малакавий тавсифлар одатда уч бўлимдан ташкил топади: лавозим мажбуриятлари; билиш зарур бўлган ҳужжатлар; малакавий талаблар. Биринчи

бўлимда бундай лавозимни эгаллаган шахсларга топширилиши мумкин бўлган ишлар санаб ўтилади. Иккинчи бўлимда ходим билиши ва амал қилиши шарт бўлган меъёрий ҳужжатлар баён этилган. Учинчи бўлимда маҳсус тайёргарлик даражаси кўрсатилади.

Бошқарув аппаратида намунавий ва муайян лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилиши мумкин.

Маҳсус адабиётларда ҳар бир лавозим: унинг номи, ўрнини босиш ва ишдан олиш тартиби, тобелиги ва ҳисоб бериши, функциялари ва мажбуриятлари, хуқуклари ва жавобгарлиги, лавозимга қўйиладиган талаблар, баҳо бериш ва рғбатлантириш тизими ҳақида имкон қадар тўлиқ маълумотлар ифодалангандан универсал ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳақида таклифлар мавжуд.

Давлат аппаратида амалда бўлган ҳозирги лавозимлар тизими баъзан «горизонтал йўналишда ҳаракатланиш» муаммосини ҳал этмаганлиги учун танқид қилинади. Агар ходим иш сифати яхшиланганлиги, тажриба ва малакаси ошганлигига қарамай, шу лавозимда меҳнат қилишда давом этаётган бўлса, нима қилиш керак? Ходимнинг ошган малакаси ва тажрибасидан фойдаланиш учун у, айтайлик, катта муҳандис, назоратчи этиб тайинланади., аммо у аввалгидек ҳеч кимга раҳбарлик қилмайди, унинг мажбуриятлари доираси ўзгаришсиз қолади.

Орадан яна бир неча йил ўтади ва бу ходимни ўрта бўғин раҳбарлар и каторига ўтказиш, унинг мавқеи ва иш ҳақини ошириш керак бўлади. Ходим ўз меҳнати фаолияти давомида ҳатто аввалги лавозимида қолиб ҳам касбий ўсиш имкониятига эга бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда. Лавозимлар тизими горизонтал йўналишда ўсишини таъминлаши лозим. Бунга ҳар бир лавозим учун уч-бешта даража ўрнатиш ёки маълум унвонлар тизимини жорий этиш йўли билан эришиш мумкин. Хусусий секторда бу муомалани ҳал қилиш анча осон бунинг учун маблағ бўлса бас.

Яна бир муаммо-лавозимлардан утиш системаси. Лавозимлар йўналишининг тавсифини бу лавозимлардан ўтиш тартиби (ўзига хос салбий ўсиш схемаси ) билан тўлдириш керак.

Номенклатура - лавозимлар тизимининг муҳим таркибий қисми. Унинг икки асосий шакли мавжуд. Биринчиси-юқори орган қарори билан тамиланиши ёки озод қилиниши мумкин бўлган лавозимлар рўйхати. Иккинчиси - мазкур бошқарув органи таъминлайдиган, аммо номзодларни у ёки бую қори орган билан келишиши, улардан тавсиялар олиш керак бўлган лавозимлар рўйхати.

## **11.2. Маҳаллий ташкилот ва муассасаларда кадрларни танлаш ва унинг мезонлари таҳлили.**

Кадрларни танлаш бу шундай жараёнки, унинг ёрдамида корхона ёки ташкилот бўш жойга бир ёки бир нечта даъвогарлар орасидан танлаш мезонига кўра, атроф муҳит шарт-шароитларидан келиб чиқиб, энг мақбул одамни танлаб олади.

Ишнинг миқдори оғирлиги ва технологик ўзгарувчанлиги кадрларни ташлашга таъсир кўрсатадиган омиллардир. Тизимли, ишончли ва оқилона танлаш усуслари катта моддий харажатларни талаб этади, шунинг учун ҳам бундай усусларни фақат катта ташкилотлардагина қўллай оладилар. Бўш (вакант) жойлар кўп, даъвогарлар сони эса ундан ҳам қўп бўлган ҳоллардагина бундай усусларни ишлаб чиқиш ўзини оқлайди. Агар корхонада бўш жойлар кўп бўлса-ю, аммо даъвогарлар сони кам бўлса, мураккаб танлаш усуслари талаб этилмайди.

Кадрлар бўлимларининг ходимлари танлаш усусларининг самарадорлигини таҳлилдан ўтказадилар:

$$\text{Танаши коэффициенти} = \frac{\text{Танлаш олинган хохловчилаф}}{\text{Танлаш амалга оширадиган хохловчилаф сони}}$$

Танлаш коэффициенти турли касблар учун ҳар хил : менеджерлар -1:2, профессионал – техник ходимлар-1:1, клерклар-1:2. Агар танлаш коэффициенти 1:1 га яқин бўлса, танлаш жараёни қисқа ва сода, танлаш амалга ошириладиган хохловчилаф сони кам бўлади. Агар танлаш коэффициенти 1:2 бўлса, танлаш жараёни анча оғир кечиши мумкин.

Танлаш коэффициенти қанча кичкина бўлса, танлашни ташкил этиш шунча аниқ бўлиши мумкин. Танлаш коэффициенти 1:2 га teng бўлган ҳоллардаташкилот ўз мезонларига қўпроқ жавоб берадиган ходимни ишга олиши эҳтимоли танлаш коэффициенти 1:1 га teng бўлган ҳолларда қараганда катта бўлади.

Ҳокимият маъмурияти қўйидаги талабларга жавоб берадиган, яъни:

- юксак касбий малакаси билан ажралиб туради;
- кўп йиллар ишлашга тайёр;
- баҳтсиз ходисанинг паст кўрсаткичга эга;
- жамоада ишлай оладиган;
- ташкилотга ташриф буюрган одамлар билан муомала қила оладиган ходимларни жалб қилишга ҳаракат қиласди.

Кадрларни танлаш даъвогарнинг имкониятлари ва қарашларини аниқлаш, бунга асосан унинг иш шартлари ва хусусиятларига мувофиқлигини аниқлашга йўналтирилган.

Кадрларни танлаш дастури мукаммал бўлиши учун ходимнинг тегишли бўлиши учун зарур фазилатларини аниқ таърифлаш, яъни мезонларини аниқлаш лозим. Бу мезонлар ходимни ҳар томонлама, яъни унинг маълумоти, тажрибаси, соғлиғи ва шахсий фазилатларини таърифлаши керак. Кўпгина иш берувчилар ходимларни энг аввало маълумотига қараб танлашга ҳаракат қиласдилар.

Кўрсаткичлар teng бўлган ҳолларда иш берувчилар нисбатан юқори маълумотни паст маълумотдан, юқори даражани паст даражадан афзал кўрадилар. Аммо бу хусусиятлар ишдаги муваффақиятлар билан боғланиши, маълумотлилик мезони бажариладиган ишга кўйилган талабларга

таққосланиши лозим. Иш берувчилар кўпинча ходимнинг тажрибасига қараб унинг имкониятлари ва ишга муносабати ҳақида хукм чиқарадилар. Бундай фаолият билан илгари шуғулланган ва худи шундай ишни бажаришни истаётган одам уни ёқтиради ва яхши бажаради, деб ўйлайдилар.

Ташкилотда иш стажи рейтингини ўрнатиш иш тажрибасини ўлчаш усулларидан биридир. Ҳарбий хизматда унвонлар берилган сана иш стажи рейтингининг эквивалентидир. Иш стажи ҳар хил усуллар: Ушбу фирмада умумий ишлаш муддати ва ҳоказолар билан ўлчанади.

Ўтмишда кўргина иш берувчилар онгли ва онгсиз равишда даъвогарнинг жисмоний (тиббий) тавсифларидан танлашнинг мезонларидан бири сифатида фойдаланганлар.


Ходимнинг ижтимоий мақоми (ҳолати) унинг шахсини таърифлайдиган муҳим омиллардан биридир. Баъзи бир иш берувчилар «тийилган», уйланган ходимларни афзал кўрадилар, уйланган ходимларнинг иш сифати яхши бўлади деб ўйлайдилар. Бошқа фирмалар эса бўйдоқларни ёки хотини билан ажрашган ходимларни маъқул кўрадилар. Чунки бундай ходимлар бошқа жойга ишга боришга, хизмат сафарларига яиқишига ва дам олиш кунлари ишлашга монелик билдирамайдилар.

Даъвогарнинг ёши иккинчи муҳим шахсий хусусиятидир (аммо АҚШда, масалан, 40 ёшдан катта шахсларга қарши йўналтирилган камситиш ғайриқонуний деб топилган). Ёшни ажратишга асосланган ҳар қандай танлаш мезони фирмада узоқ вақтдан бери муваффақиятли ишлаб келаётган ходимларга нисбатан кўллашда пухта ўрганиб чиқиши керак.

Иш берувчилар турли ишларни бажариш учун маълум шахс типларини маъқул кўришлари мумкин. Масалан, киришимли одамларни одамовидан афзал кўришлари мумкин. Аммо киришимлилик, одамлар билан тил топиша олиш каби фазилатлар мижозлар билан ишлайдиган ходимларга қўл келиши мумкин, бошқа вазиятларда эса улар талаб этилмайди.

Даъвогарларни иш шароитларига яқин шароитларда тест синовлари ўтказиш номзодлар барча талабларга қай даражада мувофиқлигини аниқлаш ва номзодлар гурухидан энг маъкулини танлаб олишнинг усулларидан биридир. Бундай танлаш усуллари натижа бериши учун улар етарли даражада ишончли ва асосли бўлиши керак. Агар даъвогар душанба кунги тест- синовда 70 балл, пайшанба куни ўтказилган тест синовида 40 балл ва жума куни 95 балл оладиган бўлса, натижаларнинг қайси бири даъвогарнинг қобилиятини аниқ акс эттиришни аниқлаш мумкин эмас: бундай тестни асосли деб бўлмайди.

## 10.1-чизма.



Танлаш усулининг асослилиги унинг ўлчашда сурункали хатоларга йўл қўймаслигини таъминлайди, яъни у турли шароитларда лаёқатли эканлигини билдиради.

Агар даъвогар билан сухбат ўтказаётган хизматчи унинг қобилиялари ва имкониятларига турли кунларда ҳар хил баҳо берган бўлса, бундай баҳоларни асосли деб ҳисоблаш мумкин эмас. Амалда тест синовининг асослилиги турли кунларда ўтказилган икки (ёки ундан ортиқ) бир хил тестларнинг натижаларини таққослаш ўюли билан аниқланади. Асослиликни оширишнинг яна бир йўли-бир нечта муқобил танлаш усуллари (масалан, тест ва сухбат)нинг натижаларини таққослаш. Агар натижалар бир хил ёки ўхшаш бўлса, олинган натижани асосли деб ҳисоблаш мумкин.

Асослилик - бу шундай даражани, унда тест, сухбат ёки иш сифатига баҳо бериш мазкур ишни бажариш учун мавжуд кўнималар, тажриба ва қобилиятларни ўлчайди. Масалан, водопровод, ғишт терувчи ва электр пайвандчилар ёллашда қўлланиладиган тестлар шу ҳолда асосли бўладики, башоратчи тест мазмуни ишнинг мазмуни билан бевосита боғлиқ бўлса. Котибани ёллашда даъвогарнинг машинкасида ёзиш кўникмаси ва қобилиятини тест синовидан ўтказиш бундай мувофиқликни аниқлашга имкон бўла олади.

Тест иш шароитларини таҳминан тиклаш имконини беради. Даъвогарга кичик бир матн кўчириш учун берилади ва амалдаги иш шароитларига яқин шароит яратиб берилади. Даъвогарнинг берилган матни кўчириш бўйича иш сифатига ҳам баҳо берилади. Бундай матнларни кўчириш ишнинг асосий компонентларидан бири бўлганлиги учун бундай тестни ишнинг мазмунига мувофиқ деб ҳисоблаш мумкин.

Мазмунан мувофиқ тестларни қўллаш нисбатан мавҳум хусусиятларини, айтайлик, даъвогарнинг сардорлик салоҳиятини ва иш услубини ёки унинг ишлаш эстетикасини аниқлаш имконини бермайди. Бундай ҳолларда бўлғуси ишнинг хусусиятига даъвогарнинг мувофиқлигини ўлчаш тестлари қўлланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай тестлар мазкур ишни бажариш учун зарур феъл-атвор хусусиятларига баҳо беради.

АҚШда ходимларни танлаш схемаларида бундай мувофиқликни исботлаш учун учта мажбурий талаб кенг қўлланилади:

- иш жараёнининг таҳлили мазкур ишнинг юқори сифатини таъминлаш учун зарур иш услуги ва омилларни аниқлаш имконини бериши (мумкин) керак;

- тест бундай омиллардан бирини ўлчаши лозим-менежер билан боғлиқ мисолда тест сардорлик фазилатлари даражасини қониқарли ўлчашини исботлайдиган далиллар (масалан, тест синовии натижалари бошқа корхона ўтказилган шундай тест натижалари билан бир хил) бўлиши керак;

- мазкур шахсий фазилат иш сифати билан чиндан ҳам боғлиқлигини ва мазкур лавозимни эгаллаш учун муҳимлигини исботлаш зарур, яъни сардорлик фазилатлари иш сифатини чиндан ҳам оширишга ишонч ҳосил қилиш керак.

Кадрларни танлашда қарор қабул қилиш жараёни одатда даъвогарлар ўтиши лозим бўлган бир нечта босқичдан ташкил топади.

**1-босқич.** Дастреки танлаш сұхбати. Мазкур босқичда иш турли усулларда ташкил этилиши мүмкін. Баъзи бир фаолият турлари учун номзодлар кадрлар бўлимiga ёки иш жойига келганлари маъқул. Бундай ҳолларда кадрлар бўлими мутахассиси ёки тармоқ менежери улар билан дастреки танлаш сұхбатини ўтказади.

Бунда корхоналарда даъвогарнинг маълумотини аниқлаш, унинг ташқи кўринишига ва шихсий фазилатларига баҳо беришга йўналтирилган баъзи бир умумий сұхбат қоидалари қўлланилади.

Шундан сўнг омадли даъвогарлар танлашнинг (дастреки) навбатдаги босқичидан ўтадилар. Кичкина корхоналарда ва ташкилотларда дастреки танлаш субъекти ёллаш бўйича асосий сұхбат (3-босқич) ўрнига ўтказилиши мүмкін.

**2-босқич.** Ариза бланкаси ва таржимаи ҳол сўровномасини тўлдириш. Дастреки танлаш сұхбатидан ўтган даъвогарлар ариза бланкаси ва сўровномани тўлдиришлари керак. Ёлловчилар ҳам худи шундай кетма-кетликда иш олиб борадилар.

Сўровнома бандлари сони минимал бўлиб, уларда даъвогарнинг бўлғуси иш унумдорлигига кўпроқ таъсири кўрсатадиган маълумотлар сўралиши керак. Маълумотлар даъвогарнинг олдинги ишига ва фикрлаш тарзида тааллуқли бўлиши мүмкін. Уларнинг асосида даъвогарга психометрик баҳо берилади. Саволлар нейтрал услубда таърифланади ва берилиши мүмкін бўлган ҳар қандай жавобларни, шу жумладан рад жавобини ҳам назарда тутади. Рақамланган бандлар бири иккинчидан келиб чиқиши керак.

Танлаш усули сифатида сўровномадан фойдаланиш учун кадрлар билан ишлайдиган мутахассис сўровноманинг ҳар бири бандини белгиланган натижали танлаш мезонлари билан таққослаш керак.

**3-босқич.** Ёллаш сұхбати. Ўтказилган тадқиқотлар АҚШ фирмаларида даъвогарларни танлаш юзасидан қарорларнинг 90% сұхбат ўтказиш йўли билан қабул қилинишини кўрсатади.

Ёллаш сұхбатининг бир нечта асосий типлари мавжуд.

- А) схемага асосан ўтказиладиган сұхбат;
- Б) номига расмий сұхбатлар;
- В) схемасиз сұхбат.

Ҳар қандай сұхбатнинг мақсади бита-даъвогарнинг ишга лаёқатини аниқлаш. Ахборот алмашиш одатда савол жавоб қўринишида ўтказилади.

**4-босқич.** Ёллаш тестлари. Ёллаш тестлари ходимни танлаш юзасидан қарор қабул қилишда қўлланиладиган усуллардан бири бўлиб, улар одамнинг бирон-бир кўрсаткичини ўлчайди. Психологлар ва ходимлар билан ишлайдиган мутахассислар бундай тестларни таклиф қилинаётган жойда бериладиган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур қобилияtlар ва фикрлаш тарзига баҳо бериш учун ишлаб чиқадилар. Котиб-референт учун зарур қобилияtlар: компьютерда матнни тез териш ва стемография қилиш, шунингдек зарур инсоний фазилатлар бўлиши мүмкін.

Психологлар тестининг бундай қобилиятларини ўлчовни бандларини тузадилар. Шундан кейин тестнинг даъвогарларни яроқли ва яроқсизга ажратиш лаёқати текширилади.

Таклиф қилинаётган иш жойида алоҳида ишларни бажариш тестлари. Улар орасида қўйидагиларни айтиб ўтиш мумкин:

- 1) компьютерда дастурлаштириш тестлари-дастурлар учун;
- 2) мўъжаз штамплаш прессида ишларни бажариш;
- 3) автоюклагич ҳайдовчини ўрнига даъвогарларни тест синовидан ўтказишида қўлланиладиган стандарт ҳайдовчилик тести;
- 4) симфоник оркестрга машшоқларни қабул қилишда даъвогарлар мусиқа асбобида қандай куй гапишларини тинглаб кўриш;
- 5) турли механизмлар оператори бўлиб, ишлаш учун асбоблар билан муомала қилиш кўникмасини текшириш тести;
- 6) компьютерда теришни текшириш стандарт тестлари.

**5-босқич.** Тавсияномалар ва таърифномаларни текшириш. Ишга қабул қилиш ҳақида ариза берилганидан кейин танлаш босқичларидан бирида даъвогарлардан олдинги бошлиқларидан тавсиянома ва бошқа шунга ўхшашиб ҳужжатлар олиб келиш талаб этилиши мумкин. Тавсиянома фойдали бўлиши учун у маълум шартларга жавоб бериши керак. Тавсиянома муаллифи янги иш берувчига даъвогар ҳақида ўз фикр мулоҳазаларини билдириш учун даъвогарнинг иш сифати ва унумдорлигини яхши билиши керак. Нихоят, тавсиянома муаллифи бирга маълумотлар ҳаққоний бўлиши лозим.

Агар даъвогар тавсияномани сўралган ерга такдим этиш учун ўз қўлига оладиган бўлса, юқорида зикр этилган шартларнинг бажарилиши кафолатланмайди:

Даъвогар ўқиши имкониятига эга бўлгани туфайли имкониятига эга бўлгани туфайли кўпчилик у ҳолда ўзининг ҳақиқий фикрини билдиришга тортинади. Натижада, бундай тавсияномаларнинг муаллифлари ё даъвогарнинг камчиликларига эътиборни қаратадилар, ё унинг ижобий ҳислатларини ошириб кўрсатадилар.

**6-босқич.** Тиббий кўриқдан ўтиш. Баъзи бир ташкилотлар энг муносиб даъвогардан тиббий сўровномаларни тўлдиришни ёки тиббий кўриқдан ўтишни талаб қиласадилар. Бу қўйидаги сабабларга кўра талаб этилади:

-даъвогарнинг ишга ёлланаётган пайтдаги соғлифи ҳолатини билиш кейинчалик у бетоблиги туфайли компенсация талаб қилган ҳолларда асқотади;

-юқумли касалликларнинг ташувчилари бўлган шахслар ишга ёлланишининг олдини олиш зарур;

- даъвогар таклиф этилаётган шуни бажаришга жисмонан лаёқатли эканлигини аниқлаш керак.

Бу талабларни тиббий сўровномани тўлдириш, тиббий кўриқдан ўтказиши ёки иш жараёни физиологиясини таҳлилдан ўтказиши йўли билан қондириш мумкин. Сўнгги усул оғир жисмоний меҳнатни бажарувчи ходимларни танлашга мўлжалланган.

**7-босқич.** Қарор қабул қилиш. Қарорни корхона раҳбарияти қабул қиласади.

Менежерларни танлаш. Менежерларни танлаш жараёнлари ва бундай жараёнларда қўлланиладиган танлаш усуллари жойи бўш бўлган менежер ишининг типига боғлиқ. Кадрларни танлаш қарорларининг самарадорлиги. Танлаш натижалари ва бунда сарфланган харажатларни баҳолаш негизида корхона қўллаши лозим бўлган танлаш усулини тўғри танлаш мумкин. Ходимни танлашнинг етти босқичига уларга хос бўлган харажатлар даражасига қараб баҳо бериши мумкин (1-жадвал).

Хар бир босқичга малакаси нисбатан кам бўлган номзодларни ўтказмайдиган фильтр деб қараш мумкин. 1,2 ва 3-босқичлар деярли барча ҳолларда қўлланилади. 4,5 ва 6-босқичлардан зарури танлаб олинади. 5-босқич алоҳида масъулият талаб этмайдиган лавозимлар учун зарур эмас. Барча танлаш усулларининг самарадорлигига фойда ва харажатлар нуқтаи назаридан баҳо берилиши мумкин.

#### *10.1-жадвал.*

#### **Ходимларни танлаш усулларидан фойдаланишда сарфланган харажатлар**

№	Танлаш усуллари	Харажатлар
1.	Дастлабки танлаш сухбати	Жуда кам
2.	Ариза бланкасини тўлдириш	Жуда кам
3.	Ёллаш сухбати	Сарфланган вақт харажатлар
4.	Ёллаш тестлари	Б-8000 АҚШ доллари
5.	Тавсияномаларни ва хизмат рўйхатини текшириш	100 АҚШ доллари
6.	Тиббий кўрикдан ўтказиш	100АҚШ доллари
7.	Қарор қабул қилиш	

#### **11.3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг маҳаллий кадрларни тайёрлашдаги аҳамияти**

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури маҳаллий кадрларни тайёрлашда катта аҳамият касб этиди. Мазкур дастурининг мақсади- таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимни яратишидир.

Ушбу мақсадни рўёбга чиқариш қўйидаги вазифалар ҳал этишини назарда тутади. «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ таълим тизимини ислоҳ қили шва нодавлат таълим муассаслари ҳамда таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш негизида таълим тизимини ягона ўқув илмий ишлаб чиқариш мажмуи сифатида изчил ривожлантиришни таъминлаш таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини жамиятда амалга ошираётган янгиланиш, ривожланган демократик ҳуқуқий давлат қуриш жараёнларига мослаш;

Кадрлар тайёрлаш тизими муассасаларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш педагогик фаолиятнинг нуфузи ва ижтимоий мақомини кўтариш;

Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётга истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фанмаданият, техника ва технологиянинг замонавий ютуқларидан келиб чиқиб қайта қуриш;

Таълим олувчиларнинг маънавий - ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ҳамда услубларини ишлаб чиқиш вўа ижро этиш таълим ва кадрлар тайёрлаш, таълим муассасаларини аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш сифатида баҳо беришнинг ҳолис тизимини жорий қилиш.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари босқичма-босқич рўёбга чиқарилади.

**Биринчи босқич (1997-2001 йиллар)** мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ислоҳий тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун хуқуқий кадрлар жиҳатидан илмий-услубий, молиявий моддий шарт-шароитлар яратиш.

Ушбу босқичда қуидагиларни амалга ошириш зарур:

1. «Таълим тўғрисида»ги қонунга- мувофиқ таълим тизимини мазмунини таркибий қайта қуриш ва табдан яхшилаш;

2. педагог ва илмий педагого кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини оширишни замон талабларига жавоб берадиган даражада ташкил этиш;

3. таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси маданий ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларини белгилаб берувчи давлат таълим стандартларини яратиш ва жорий этиш;

4. таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизимини, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизимини ишлаб чиқариш ва жорий этиш;

**Иккинчи босқич (2001-2002 йиллар)** миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш, меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий салоҳиятларини ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш. Таълим муассасаларини маҳсус тайёрланган малакали педагого кадрлар билан тўлдири.

**Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)** – тўпланган тажрибани ташкил эти шва умумлаштириш асосида мамлакатни ижтимоий- иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш. Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмларини қуидагилар ташкил этади:

Шахс-кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъект ива обьекти, таълим соҳасидаги хизматларининг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

Давлат ва жамият-таълим ва кадрлар тайёрлаш тизмининг фаолиятини тартибга соли шва назорат қилиши амалга оширувчи кадрлар тайёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;

Узлуксиз таълим- малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб-таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар

тайёрлаш тизимини тузилмаси ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

Фан юқори малакали мутахассислар тайёрловчи илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

Ишлаб чиқариш-кадрларга бўлган эҳтиёжини шунингдек, уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўйиладиган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи тайёрлаш тизимини молия ва моддий техника жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Давлат ва жамият узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими барча учун очиқ бўлишини ва ҳаёт ўзгаришларига мослашувчанлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси томонидан инсон ҳукуқлари, бирга ҳукуқини сақлашдаги шартномалар ва конференцияларнинг бажарилиши, кадрлар тайёрлаш соҳасида жаҳон илғор тажрибасини ҳисобга олиш узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимининг барча жиҳатларига даҳлдор бўлим унинг ривожланиши омилларидан биридир.

Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий –ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс фуқарони шакллантиришни назарда тутади. Шу тарзда фуқаронинг энг асосий конституциявий ҳукуқларидан бири- таълим олиш ижодий қобилиятини намойиш этиш, интеллектуал жиҳатдан ривожланиш касби бўйича меҳнат қилиш ҳукуқи рўёбга чиқарилади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун умумий ўрта ва Ўрта маҳсус касб ҳунар таълим стандартлари орқали сифатли таълим олиш, шунингдек таълим ва касб-ҳунар жиҳатдан тайёргарликнинг шакллари ва турларини танлашни, узлуксиз малака ошириб бориш, зарурат тақозо этса, тегишли қайта тайёргарликда ўтишхукуқин ива кенг имкониятларини назарда тутади.

Таълим хизматларининг истеъмолчиси сифатида шахсга давлат таълим олиш ва касб-ҳунар тайёргарлиги кўриш кафолатланади. Таълим олиш жараёнида шахс давлат таълим стандартларида ифода этилган талабларни бажариш шарт.

Шахс таълим хизматларини яратувчиси сифатида тегишли малака даражасини олгач, таълим моддий ишлаб чиқариш, Фан маданият ва хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият кўрсатади ва ўз билими ва тажрибасини ўзгартиришда иштирок этади.

Давлат ва жамият кадрлар тайёрлаш тизими амал қилиши ва ривожлантиришнинг кафиллари, юқори малакали рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш бўйича таълим муассасаларининг фаолиятини уйғунлаштирувчи сифатида фаолият кўрсатади.

Давлат ва жамият қўйидагиларга;

Фуқароларнинг билим олиш, касб танлаш ва ўз малакасини ошириш ҳукуқлари рўёбга чиқарилишига;

Давлат грантлари ёки- пуллик шартномавий асосда олий таълим ва олий ўкув юртидан кейинги таълим олиш ҳукуқларини рўёбга чиқарувчи устувор соҳадир.

Узлуксиз таълим ижодкор, ижтимоий фаол, маънавий бой шаклланиши ва юкори малакали рақобатбардош кадрлар илдам тайёрланиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Узлуксиз таълимнинг фаолият олиб бориш принциплари қуидагилардан иборат: таълимнинг устуворлиги унинг ривожланишининг

### **10.2-жадвал.**

#### **Ўзбекистон Республикасида таълим тизимини ривожлантиришнинг асосий қўрсаткичлари динамикаси**

<b>Кўрсаткичлар номи</b>	<b>Ўлчов бирлиги</b>	<b>2000</b>	<b>2001</b>	<b>2002</b>	<b>2003</b>	<b>2004</b>
<b>Умумтаълим мактаблари</b>						
Жами умумтаълим мактаблари	та	9802	9788	9799	9834	9835
Уларда ўқувчилар сони	минг киши	6037,4	6076,4	6329,1	6263,1	6151,4
<b>Академик лицейлар</b>						
Жами лицейлар	та	46	47	57	54	65
Уларда ўқувчилар сони	минг киши	9,8	17,5	20,5	26,2	30,5
Қабул	минг киши	3,0	10,6	9,3	10,3	13,4
<b>Профессионал коллежлар</b>						
Жами лицейлар	та	241	303	414	533	827
Уларда ўқувчилар сони	минг киши	59,5	216,8	366,9	531,6	757,6
Қабул	минг киши	30,1	164,0	184,1	145,9	310,1
<b>Олий таълим муассасалари</b>						
Олий таълим муассасалари жами	та	61	61	62	62	63
Уларда ўқувчилар сони	минг киши	183,6	207,2	232,3	254,4	263,6
Қабул	минг киши	44,7	50,6	54,6	60,9	59,3
Уларда шартнома асосида қувчилар	минг киши	22,6	27,9	31,7	38,0	36,9

сони						
------	--	--	--	--	--	--

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кўмитаси маълумотлари биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи.*

Таълимнинг демократлашуви – таълим ва тарбия услубларини танлашда ўкув юртлари мустақиллигининг кенгайиши таълимни бошқаришнинг давлат жамият тизимига ўтилиши;

Таълимнинг инсонпарварлашуви- инсон қобилияtlарининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли туман эҳтиёжларининг қондирилишини миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши инсон, жамият ва атроф муҳит ўзаро муносабатларнинг уйғунлашуви;

Таълимнинг ижтимоийлашуви- таълим олувчиларга эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларга юксак маънавият, маданиятга ижодий фикрлашни шакллантириш;

Узлуксиз таълим соҳасидаги ислоҳотлар қўйидагиларни назарда тутади:

Таълим тизимининг кадрлар салоҳиятини тубдан яхшилаштириш, тарбиячи, ўқитувчи, муаллим ва илмий ходимнинг касбий нуфузини ошириш.

Давлат ва нодавлат таълим муассасаларининг ҳар хил турларини ривожлантириш;

Давлат таълимини таркибий жиҳатдан қайта куриш, таълим Фан техника ва технологиянинг иқтисодий ва маданиятнинг жаҳон миқёсидаги замонавий ютуқларини ҳисобга олган ҳолда таълим ва касб –хунар таълими дастурларини тубдан ўзгартириш;

Мажбурий умумий ўрта таълимдан ўрта маҳсус касб-хунар таълимига ўтилишини таъминлаш;

Маҳсус касб-хунар таълимининг марказлари сифатида Фан ва турмуш (ишлаб чиқариш) интеграциялашган янги типдаги ўкув муассасаларини вужудга келтириш;

Илғор технологияларни кенг ўзлаштириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, чет эл инвестицияларини кўламинининг кенгайиши, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш билан боғлиқ касб-хунар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар, шу жумладан бошқарув тизими кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

Миллий мустақиллик принциплари ва халқнинг бой интеллектуал методи ҳамда умумбашарий қадриятларнинг устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини ривожлантириш;

Таълимни бошқариш тизимини такомиллаштириш, жамоат бошқаруви шаклларини ривожлантириш, таълим муассасаларини миңтақалаштириш.

Узлуксиз таълим тизимининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларининг изчиллиги асосида таъминланади. Ва қуйидаги таълим турларини ўз ичига олади:

1. Мактабгача таълим;

2. Умумий таълим;
3. Ўрта маҳсус қасб-хунар таълими;
4. Олий таълим;
5. Олий ўкув юртидан кейинги таълим.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг ўзига хос хусусияти мустақил равишдаги тўққиз йиллик умумий ўрта ҳамда уч йиллик, ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини жорий этишдан иборатдир. Бу эса, умумий ўрта таълим дастурларидан ўрта маҳсус, қасб-хунар таълими дастурларига изчил ўтилишини таъминлайди.

Умумий таълим дастурлари: мактабгача таълим, бошланғич таълим (1-4-синфлар), умумий ўрта таълим (1-9-синфлар), ўрта маҳсус, қасб-хунар таълимини қамраб олади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш мутахассисларнинг қасб билимлари ва кўникмаларини янгилаш ҳамда чуқурлаштиришда қаратилган. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларидағи ўқиши натижаларига кўра давлат томонидан тасдиқланган намунадаги гувоҳнома ёки сертификат топширилади.

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини ташкил эти шва ривожлантириш учун қўйидагилар зарур;

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизими фаолиятида янгича таркиб, мазмун ҳамда бу тизимни бошқаришни шакллантириш;

Юқори малакали ўқитувчи мутахассислар кадрлар тайёрлаш ва шахсни улар билан тўлдириб боришини таъминлаш;

Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг бу соҳада рақобатга асосланган мұхитни шакллантириш.

#### **11.4. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий кадрларни танлаш тизими ва уни такомиллаштириш истиқболлари**

Бозор муносабатлари шароитида, Республикаизда маҳаллий кадрларни танлашнинг тизимлилигини кучайтириш ва бу иш билан юқорида зикр этилган брча жабҳаларини қамраб олиш керак. Бундай ёндашув бирон-бир компонентлар тушиб қолмаслигини ва ҳаммага бир хилда эътибор берилишини кафолатлайди.

Кадрлар танлашда номенклатура ўта мұхим ўрин тутади. Ушбу бошқарув механизмига қараб узлуксиз такомиллаштириб бориш зарур.

Маҳаллий кадрларни танлаш тизимида ретациянинг аҳамиятини ҳам кучайтириш керак. Ретация янги вазифаларни ҳал қилишини имконини беради ва турғунлик, расмиятчилик каби иллатларни бартараф этиш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Ротация техника ва технологияларни бир тармоқдан бошқа тармоққа ўтказишнинг қудратли воситасига айтилиши мумкин.

Ушбу лавозимда ва умуман касбий фаолиятни якунлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бу тажрибали кадрлар ва ёш ходимларнинг имкониятларидан имкон қадар тўлиқ фойдаланиш масаласидир.

Амалиёт - ходимнинг касбий ўсишининг асосий шартидир. Бу фикрга ҳамма қўшилади. Аммо унинг оқибати доим ҳам эътиборга олинавермайди. Жиддий вазифаларнинг камлиги, ўринbosар лавозимидаёки бошқарувнинг паст бўғинларида узоқ вақт ишлаш истеъодли ташкилотчини ўртамиёна маъмурга айлантириб қўйиши мумкин.

Бошқарувнинг бошқа бўғинлари қатори, маҳаллий кадрларни танлаш ҳам режалаштирилиши керак. Бос устига, танлашнинг истиқболлиги ва узлуксизлиги узоқ муддатли ёндашувни талаб этиди. Шунинг учун ҳам дастурлар ва режалар тизимини ривожлантириш ҳамда уларни якка тартибда касбий ўсиш истиқболлари даражасига кўтариш муҳим вазифадир.

Маҳаллий кадрларни танлашни унинг хизматларини мустаҳкамлаш, ҳужжатларга ишлов бериш замонавий технологияларини амалга жорий этиш, кадрлар бўлимларида ишлайдиган мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш нуқтаи назаридан ҳам яхшилаш талаб этилади. Кадрлар иши статистикаси яхши йўлга қўйилган ҳисобга олиш, ахборотни тўплаш ва янгилаш тизимлари зарур.

Захирадаги хўжалик кадрлари муаммоларини таҳлилдан ўтказища бир захирадаги кадрлар сонининг меъёрийларини ўрнатиш, кадрларни ўқитиб ўргатиш, улар билан ишлаш ва уларни захирага қабул қилишнинг маҳсус шаклларини ривожлантириш ва ҳоказоларнинг муҳимлигини қайд этиб ўтдик. Буч ора-тадбирлар ижобий натижалар бериши учун юзага келган амалиётда қўшимча ўзгаришларни амалга ошириш зарур.

Захира энг муносиб ходимларни аниқлаш имконини беради. Бунда «абадий захирачилар» пайдо бўлмаслиги учун захирада бўлишнинг умумий муддатини қатъий бўлишнинг умумий муддатини қатъий тартибга солиш керак. Захирада узоқ вақт бўлиш ходимни ишдан совутади. Захиличининг иш ҳақига қўшимча ҳақ тўлашнинг мажбурийлиги захирани шакллантирувчи идораларни янги номзодларга жойни бўшатиш учун қайсиdir босқичда ходимларни захирадан чиқаришга мажбур қиласди.

Захирада бўлиш муддатининг қатъий белгиланиши ходимга ўз келажагини режалаштириш имконини беради. Раҳбарлар ходимни захирадан чиқаришда ноқулайлик сезмайдилар. Бу муносабат билан «янги лавозимга кўтарилимаган ва шунинг учун ҳам захирадан чиқарилган» ходимларни ва «янги лавозимга кўтариш учун муносиб топилмаган» ходимларни тафовут этиш зарур.

Биринчи тоифа ходимлар-захира тизимининг қонуний натижаси. Захирада туриш-малака оширишнинг алоҳида шакли. Шунинг учун ҳам захирадан чиқарилаётган ходимни албатта ташаккурнома, фахрий ёрлиқ ёки муокфот билан тақдирлаш керак.

Маҳаллий кадрларни танлашда бўш жойга ходимни танлаш биқиқ амали деб қараш деб қараш мумкин эмас. «Лавозим-ходим» нисбатидан ташқарии «Ушбу номзод - у ишлаши керак бўлган бошқарув жамоаси» нисбатини ҳам

кўриб чиқиш зарур. Бу кадрларни танлашга бошқарув командаси нуқтаи назаридан ёндашишдир.

Хозирги вақтда бундай усул ҳеч қаерда мустаҳкамланмаган. Жамоада бундай типга мансуб ходимлар етарли бўлганлиги, боқача тажриба ва феъл-авторга эга ходим кераклиги кам учрайди. Амалда бу омил камдан-кам ҳолларда асосан тизимсиз эътиборга олинади.

Жамоанинг бир таркибида айни лавозимни эгаллаган (ёки унга дазвогар бўлган) ходимдан бир фазилатлар талаб этилса, жамоанинг бошқа таркибида-бошқа фазилатлар талаб этилади. Агар кадрларни танлашга жамоа нуқтаи назаридан ёндашилса, номзоднинг лавозими вазиятгагаина эмас, бутун жамоага баҳо бериш лозим. Бугунги кунда бундай ёндашув спортнинг жамоавий турларида (спорт командаларини тузишда), театрда (ансамбллар ташкил этишда), қутб станциялари ёки космик кемаларнинг экипажларини, альпинистларнинг гуруҳларини ва ҳоказоларни тузишда айниқса кучли ривожланган. Афсуски маҳаллий кадрларни танлашга жамоавий ёндашув хўжаликни бошқаришда ҳали яхши ривожланмаган.

Олий бўғинга баҳо бериш. Раҳбарга баҳо бериш- шу қадар нозик иш, эътиборга олиш керак муайян ҳолатлар шу қадар кўпки, бу ишга стандарт ёндашиш мумкин эмас. Раҳбарларга якка тартибда баҳо бериш талаб этилади. Раҳбарнинг даражаси кўтарилиб борган сари индивидуаллик даражаси ҳам ортиб боради. Шунинг учун ҳам якка тартибда аттестациядан ўтказишнинг ўзи кифоя қиласи, умумий баҳолаш тизими эса мантиқсиздир.

Авваламбор, баҳо беришнинг мақсад ва вазифалари, унинг процедураси, иштирокчиларнинг ҳукуқ ва мажбуриятлари аттестациядан ўтказилаётганларни ҳам, аттестацияни ўтказаётганларни ҳам тўлиқ хабардор қилиш керак.

Маҳаллий кадрларга баҳо бериш асосларини ишлаб чиқиш муаммоси. Ходимларга баҳо бериш тизимларини тўлиқ таҳлилдан ўтказиш мазкур усульнинг қийинчиликлари ва ҳал қилинмаган муаммоларини ўрганини назарда тутиши керак.

Агар маҳаллий кадрларга баҳо бериш учу ниш натижалари асoso қилиб олинадиган бўлса, хўжалик раҳбарлари татбиқан эришилган натижаларга улар қандай ҳисса қўшганлиги ўрганилади.

Бундай ҳиссага баҳо беришга қўйидаги омиллар таъсир кўрсатади: мазкур лавозимда ишлаш муддати, режа топшириқларининг қизғинлиги, эришилган натижаларнинг қиймати, раҳбар қўллаганвоситаларининг хусусияти ва ҳоказо. Аммо умумий назарий мулоҳаза юритишдан муайян меъёрлар, методикаларга ўтиш керак. Буларнинг барчаси хозирги кунда мавжуд эмаслиги натижаларининг кўрсаткичларидан баҳолашда фойдаланиш имкониятини чеклайди.

Ходимнинг ўзига баҳо беришда ҳам анча оғир муаммолар туғилади. У ёки бу фазилатларнинг мавжудлигини қандай аниқлаш керак? Айтайлик, нимага асосланиб уни принципал ходим деб эътироф этиш мумкин? Бундай асослар аттестация комиссияларининг барча аъзоларида аниқ ва бир хил бўлиши керак.

Сўнгти йилларда психология инсон характери хусусиятларига баҳо бериш методикаларини ишлаб чиқишида анча олға силжиди. Аммо инсон характери

хоссаларидан шахсга комплекс баҳо беришгача бўлган йўл анча олис. Ҳатто бир соҳага, масалан, ижтимоий-психологик фазилатларга тааллуқли турли баҳоларни таққослаш муаммоси ҳам ҳали назарий жиҳатдан ишлаб чиқилмаган. У ёки бу таққослашларсиз ҳатто умумий методика бўйича олинган баҳоларни ҳам солиштириш қийин.

Шахс психологияси ва социологиясининг асосий қоидалари шу жумладан бошқарув тизимида ҳам илмий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилмаганлиги муаммо бўлиб қолаётир. Баҳо мазмунини таърифлашдаги камчиликлар, унинг таркибий элементларини ўлчаш (ва таққослаш) усууларининг қидирилиши ҳам шу билан изоҳланади.

Ҳатто бир қарашда аниқ ва равшандек туюлган баҳо бериш амалда ҳам ишлаб чиқилмаган назарий масалалар мавжуд. Масалан, баҳоларнинг ошкоралиги масаласини олайлик. Агар одамнинг бартараф этиш осон бўлган шахсий камчиликлари ошкор этиладиган бўлса, бу унга зарар келтириши мумкин. Аммо ошкоралик мақтов шаклида бўлиши ва ходимнинг фаоллигини ошириши мумкин.

Шунинг учун ҳам ташкилот манфаатларини ҳам, шахснинг манфаатларини ҳам эътиборга олиш керак. Вазифа кадрларга баҳо бериш ҳақидаги ахборотни кенгайтириш, уни парда ортидаги маҳфий ишдан ходимнинг ўзига ҳам, унинг хизматдошларига ҳам тушунарли бўлган оддий бошқарув процедурасига айлантиришдан иборат. Аммо ошкораликни маълум даражада чеклаш нафакат зарур, балки фойдалидир. Бу айниқса аттестация комиссияларининг аъзоларига тааллуқли бўлиб, улар миш-мишлар тарқалишига йўл қўймасликлари керак.

Муфассал баҳо бериш энг яхши натижалар беради, аммо бериш энг яхши натижалар беради, аммо у жуда катта меҳант, вақт ва маблағ сарфини талаб этади, баъзан у кўпгина ходимларга тушунарсиз.

Баҳо бериш маҳаллий кадрларни танлашга ёрдам берилиши керак. Кадрларни танлашда ҳам баҳо бериш якунларига таяниш лозим. Баҳо бериш танлашни сифат жиҳатидан янги, янада юқори поғонага кўтариш имконини беради. Агар баҳо беришнинг натижаларидан амалда фойдаланилмаса, у моҳият эътибори билан бефойдадир.

Ходим ҳақида умумий хulosса чиқариш учун қисқа муддатли баҳо бериш етарли эмас. Узок муддатли дастурларнинг амалга оширилишини акс эттирмайдиган даврларга берилган баҳоларга қараганда йиллик иш якунларига берилган баҳолар самаралироқдир.

### Қисқача хulosса

Кадрлар сиёсати деганда аввалламбор мазкур даврда ва истиқболда бошқарув кадрларини бошқариш мақсадларини қатъий аниқлаш тушунилади.

Хўжалик юритиш истиқболларини аниқлаш узоқ муддатга йўналтирилган кадрлар сиёсатига бўлган талабни оширади. Фақат шундагина режалар ва дастурларни кадрлар билан таъминлаш мумкин. Кадрлар сиёсати янги

вазифаларни белгилабгина қолмай, нима эскиргани, ривожланишга тўсқинлик қилаётган ва нималарни бартараф этиш кераклигини қўрсатиб беради.

Кадрларни танлаш - принциплари, процедураси, усуслари ва ҳоказолар хўжалик кадрлари билан ишлаш тизимининг асосий бўғинидир. Кадрлар билан ишлаш тизимининг мазкур асосий блоки таркибига кадрларни танлаш, захирадаги кадрларни илгари суриш, ретация қилиш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш киради.

Кадрлар тизими расмий, штатлар, лавозим тизимларини ҳамда муайян ходимлардан ташкил топган реал бошқарув жамоаси: командани ўз ичига олади. Кадрларни танлаш жараёнида штатлар тизими бошқарув жамоасига айланади. Кадрларни танлаш пайтида штат тизимини яхшилаш ёки аксинча, заифлаштириш мумкин. Нима бўлганда ҳам штат-лавозим тизими-кадрлар билан ишлашнинг негизидир.

Кадрларни танлаш дастури мукаммал бўлиши учун ходимнинг тегишли бўлиши учун зарур фазилатларини аниқ таърифлаш, яъни мезонларини аниқлаш лозим. Бу мезонлар ходимни ҳар томонлама, яъни унинг маълумоти, тажрибаси, соғлиги ва шахсий фазилатларини таърифлаши керак. Кўпгина иш берувчилар ходимларни энг аввало маълумотига қараб танлашга ҳаракат қиласидилар.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Кадрлар деганда нимани тушунасиз?
2. Ўзбекистонда маҳаллий кадрлар тайёрлаш тизимининг асосини қандай хужжатлар ташкил этади?
3. Кадрлар сиёсати деганда нима?
4. Кадрларни танлиш принципида нималарга асосий эътибор қаратилади?
5. Бугунги кунада Ўзбекистон Республикасида Миллий кадрлар тайёрлаш дастури неchanчи босқичда амал қилмоқда?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” -Т.: “Ўзбекистон”, 1997.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Конуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) – Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
4. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
5. Булanova В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. - 342с.
6. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.

7. Дорохотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
8. Кейнс Джон Майнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
9. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
10. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амальфейя, 2002.-304с.
11. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
12. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
13. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
14. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.- 416с.
15. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
16. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
17. Холмуминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маърузалар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
18. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
19. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
20. Шоюсупова Н.Т.Замонавий меҳнат бозори:фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми.Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **12-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТИ**

### **12.1. Меҳнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти**

### **12.2. Меҳнат бозорини аниқ социологик тадқиқ этиш босқичлари**

#### **12.1. Меҳнат бозорини ўрганишда социологик тадқиқотнинг аҳамияти**

Хозирги пайтда социологик ахборотлардан бозор иқтисодиётига ўтишнинг ижтимоий-иқтисодий натижаларини (оқибатларини) ўрганишда кўп фойдаланилмоқда.

Улар меҳнат бозори, аҳолининг иш билан бандлиги ва ишсизлик ҳолатларининг эконометрик моделлар комплекси (ЭМК) ва тармоқлар баланс (ТАБ) ёрдамида таҳлил қилишда қўлланади ва уларнинг ахборот таъминотини яхшилайди.

Меҳнат сарфлари тармоқлар баланси тузишда ишлаб чиқаришининг қизгин даврида жалб қилинган ишловчилар ва улар бажарган иш вақти ҳақида ишончли ахборотларни тўплаш анча мураккаб иш. Бундай вазиятда ахборотлар йиғишининг самарали услубларидан бири – аниқ социологик тадқиқот ҳисобланади. Мазкур тадқиқотларнинг натижалари жонли ва буюмлашган меҳнат сарфларини, тўғри ва тўлиқ меҳнат сарфлари ва аҳоли бандлиги коэффицентларини аниқлашда ҳамда тармоқлар баланси тузишда қўлланадиган бошқа кўрсаткичларни асослашда қўлланилади.

Шу билан бирга, социологик ахборотлар шахсий ёрдамида хўжаликларни, индивидуал (якка тартибда) меҳнат фаолияти ва ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳолатларини тўлароқ ифодалайди ва улар ёрдамида шахсий меҳнат секторидаги тўлиқ меҳнат сарфларини аниқлаш мумкин. Аниқ социологик тадқиқот воситаларидан самарали фойдаланиш шахсий меҳнат фаолияти билан шуғулланувчиларнинг даромадлари ва харажатлари ҳақида ишончлироқ ахборотлар ҳосил қилиш имкониятини туғдиради.

Бундан ташқари улар ёрдамида кичик ва ўрта бизнесни ҳамда хусусий ишбилармонликнинг ривожланиши бўйича статистик ҳисботларда учрамайдиган маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилиш мумкин.

Социологик ахборотлар меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини тузишда ва татбиқ этишда, жумладан, BAND моделининг (2) (3), (6), шартларини, MB-R моделининг (6) ва (7) чегараловчиларини, шакллантиришда ва ишчи кучига талаб (TALAB) ва таклиф (TAKLIF) миқдорларини асослашда қўлланилади. Бундан ташқари, улардан ISHSIZ моделлар ёрдамида яширин, мавсумий, технологик, таркибий ва умумий ишсизликларнинг миқдорини аниқлашда фойдаланилади.

Таъкидлаш лозимки, социологик ахборотлардан шундай вазиятда фойдаланиладики, қачонки ишончли статистик ва маркетинг ахборотлар мавжуд бўлмаса ёки уларни эксперт баҳолаш мажмуаси ёрдамида ҳам ҳосил қилинмаса. Бундай вазиятда сифатли ва ўз вақтида ўтказилган аниқ социологик

тадқиқот мөхнат бозори шаклланиши ва ривожланишини эконометрик моделлари комплекси ахборот таъминотини сезиларли даражада яхшилайди.

Собиқ иттифоқ давлатларида, жумладан, республикамизда социологик тадқиқотлар бўйича бой тажрибалар тўпланган [1, 2, 3, 4, 5]. Мазкур тажрибаларга таянган ҳолда, **биз методика ишлаб чиқдик**. У мөхнат бозори шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ва ишсизлик ҳолатлари ва сабабларини аниқ социологик тадқиқ(АСТ) қилишда қўлланилди.

## **12.2. Мөхнат бозорини аниқ социологик тадқиқ этиш босқичлари**


Тавсия этилган методикага асосан АСТ босқичма-босқич олиб борилади (расмга қаранг).

**Биринчи босқичда** АСТнинг асосий мақсади, асосий вазифалари, предмети ва обьектлари аниқланади. Ушбу тадқиқотнинг **асосий мақсади** - бозор иқтисодий муносабатларининг шаклланиши ва ривожланиши шароитида аҳолининг иш билан бандлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиш ва мөхнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини татбиқ этишда қўлланадиган социологик ахборотлар фондини вужудга келтириш.

Тадқиқотнинг **асосий вазифаларига** қуйидагилар тааллуқли: иш билан банд бўлган ва бўлмаган мөхнатга лаёқатли аҳолининг ижтимоий ҳолати ва унинг мөхнат даромадларини ошириш мақсадида иш жойларини ўзгаришиш истакларини ўрганиш; ходимларни ёллаш шартларини аниқлаш; иш берувчиларнинг ёлланган ходимларни иш билан бандлиги ва малака даражаларини ошириш бўйича имкониятлари ва истакларини билиш; иш берувчилар ва ёлланма ходимларни бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги қасбларни эгаллаш истакларини аниқлаш; ерга хусусий мулкчилик ва янги иш жойларини яратишга тўсиқ бўладиган асосий сабабларни топиш; ишловчиларни ўз мөхнати якуний натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма обьектлари ва маҳаллий мөхнат биржалари хизматларидан қониқиши даражасини аниқлаш; тўлик, қисман, вақтинчалик ва мавсумий ишсизликлар сабабларини ахтариб топиш; ишсизларнинг ишга жойлашиши, малакасининг ошиши, янги ихтисосликларни эгаллаши ва иш берувчиларнинг ходимларни ёллаш шартлари бўйича истакларини аниқлаш; шахсий мөхнат фаолиятини ташкил этишга ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир этувчи асосий сабабларни топиш; мөхнат биржаларининг иш фаолиятини яхшилаш юзасидан таклифларни ўрганиш; мөхнат бозорининг эконометрик моделлари комплексини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун зарур бўлган социологик маълумотлар фондини вужудга келтириш.

**Тадқиқотнинг предмети** – танланган минтақа мөхнат бозори шаклланиши ва ривожланиши шароитида ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва ишсизликнинг ҳолатлари.

**Ушбу тадқиқотларнинг объектлари** танланган минтақа иқтисодиёти тармоқлари корхоналари ва ишсизлар мавжуд бўлган яшаш жойлари ҳисобланади.



Социологик ахборотларнинг вужудга келиш босқичлари

Аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг **иккинчи босқичи** асосий натижаси – долзарб муаммолар бўйича икки хил ёзма сўровлар (анкеталар)ни тузиш: «Ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш» ва «ишилизик ҳолати ва сабабларини ўрганиш».

Биринчи анкета 32 савол ва уларга тааллуқли қўп вариантлилик жавоблардан иборат бўлиб, ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлади. Унинг кириш қисми респондентларни тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари билан таништиришга бағишлиданади. Саволлар таркибига респондентларнинг ижтимоий ҳолати, маълумот даражаси ва иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашиши мақсадида иш жойларини ўзгартириш истаклари киритилиб, қўп вариантлилик жавоблар билан бирга берилган бўлади (анкетанинг 1-б-саволлари).

Ушбу анкетанинг кейинги саволларида **қуидаги муаммолар** ўрганилади: меҳнат шартномаларининг мақбул турини танлаш (7); иш берувчиларнинг ходимларни танлаш шартлари (8); иш берувчиларнинг ёлланган ходимларни иш билан бандлигини ва малакасини ошириш имкониятларини ва истакларини аниқлаш (9-14); иш берувчилар ва ёлланган ходимларнинг бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган янги касбларни эгаллаш борасидаги истакларини ўрганиш (5-17); ерга хусусий мулкчиликнинг ривожланиши ва янги иш жойларининг яратилишига тўсиқ бўладиган асосий сабабларни аниқлаш (18-21); меҳнат даромади шаклланишининг асосий манбаларини топиш (22); ишловчиларнинг ўз меҳнатини якуний натижаларидан ва ижтимоий инфратузилма объектлари ва маҳаллий меҳнат биржалари хизматларидан қоникиш даражасини аниқлаш (23-30); респондентларнинг бандлик хизмати ташкилотлари амалий фаолиятини яхшилаш (31) ва ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш бўйича таклифларини ўрганиш (32).

Иккинчи анкета ҳам ўзбек ва рус тилларида тузилган бўлиб, у аниқ социологик тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини ва респондентларнинг мажбуриятларини тушунтириш билан бошланади. У қуидаги муҳим муаммоларнинг тадқиқотига мўлжалланади: тўлиқ, қисман, вақтинчалик ва мавсумий ишилизикларнинг сабаблари (3-7); ишилизарнинг ишга жойлашиш, малакасини ошириш, янги касбни эгаллаш ва иш берувчиларга ёлланиш шартлари бўйича истаклари (8-16); шахсий-меҳнат фаолиятини ташкил этишига ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи асосий сабаблар (17-19); иш билан банд бўлмаган шахсларнинг ишга ёлланиш шартлари (20-21); маҳаллий меҳнат биржаларининг амалий фаолияти ва уни яхшилаш бўйича респондентларнинг таклифлари (22-26).

Анкета саволларига жавобларни кодлаштириш аниқ социологик тадқиқотларнинг **учинчи босқичи** натижаси ҳисобланади.

Анкеталардаги саволларнинг барча жавоблари позицион кодлаштирилади.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг **тўртинчи босқичида** объектларни танлаш услублари аниқланади. Таҳлил кўрсатадики, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш юзасидан анкеталар учун **ишлаш жойлари** бўйича танлаш **услубини** қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Бундай танлаш услубида корхоналар, фирмалар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар ҳақидаги маълумотларга асосланиб, тадқиқотнинг репрезентатив (энг мақбул) объектлари аниқланади. Репрезентатив объектлар бўлиб, аҳолининг иш билан бандлик коэффициенти ҳудудий ўртача қийматидан энг юқори ва энг паст бўлган корхоналар, ташкилотлар ва хусусий хўжаликлар хизмат қиласи. Бу жараёнда танлананаётган объектларнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларидағи маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш салмоғи ҳисобга олиниши лозим.

Лекин, мазкур танлаш услуби ёрдамида ишсизлик ҳолати ва сабабларини ўрганиш анкеталари учун тадқиқот объектларини танлаб бўлмайди. Бундай вазиятда **яшаш жойлари бўйича танлаш услубини** қўллаш мақсадга мувофиқ [5]. Унга биноан ишсизлик даражаси энг юқори бўлган яшаш жойлари тадқиқот объектлари қилиб танланади. Авваломбор, мазкур услуг ишсизлар ижтимоий-иқтисодий ҳолатини ижтимоий гуруҳларга бўлиб ўрганиш имкониятини беради.

Минтақа ва тураг жойлари ривожланишининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини ўрганиш билан тадқиқотнинг **бешинчи босқичи бошланиб**, сўнгра аниқ социологик тадқиқотларнинг объектлари танланади. Улар дастлаб, ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни ўрганувчи анкеталар бўйича танланади.

Аниқ социологик тадқиқот объектларининг асосий мезонлари бўлиб, меҳнат ресурсларининг бандлик коэффицентлари ва минтақалар ҳамда хўжаликларда бир ишловчига тўғри келадиган экин майдони ва чорва моллари сони хизмат қиласи. Шундай объектлар танланадики, қайсики у ерда юқоридаги асосий мезонларнинг миқдори минтақа ўртача йиллик кўрсаткичидан энг юқори ва энг паст.

Аниқ социологик тадқиқотнинг иккинчи анкетаси учун объектлар танлашда минтақалар ва яшаш жойларида ишсизлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қиласи ва ҳисоблаш юқорида қайд этилган тамойил бўйича олиб борилади. Объектларни танлашда уларни репрезентативлиги ҳисобга олинади.

Тадқиқотнинг **олтинчи босқичи** вазифаси - аниқланган объектлардан респондентларни танлаш. Биринчи социологик сўров бўйича респондентлар жинси, ёши, маълумоти, ихтиосслиги ва иш стажи бўйича улар меҳнатда иштироки (бандлик) коэффицентлари асосида танланади. Респондентлар таркибига меҳнатга лаёқатли кўп болали аёллар, пенсионерлар, ногиронлар ва кундузги бўлим студентлари ва ўқувчилар ҳам кириши лозим.

Иккинчи анкета бўйича респондентлар танлашда ишсизлик даражаси асосий мезон бўлиб хизмат қиласи.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг **еттинчи босқичида** социологлар, иқтисодчилар, дастурчилар ва бошқа ходимлар танланади. Холбуки, уларга

ҳосил қилинадиган социологик ахборотларнинг ишончлилик даражаси кўп жиҳатдан боғлиқ. Шунинг учун социологик тадқиқот ўтказадиган шахслар юқори маълумотли ва маданиятли, виждонли ва яхши муомалали бўлиши лозим. Танланган ходимлар бир ҳафта давомида ўқитилиб, тадқиқот ўтказиш методик йўриқномалари ва дастурлари билан таништирилади.

**Саккизинчи босқичда** аниқ социологик тадқиқотларнинг иқтисодий асосланган дастури тузилади. Улар проф. В. Г. Гречихин таъкидлаганидек, икки қисмдан (методология ва амалиёт) эмас [1, 36-бет.], балки тўртта бўлимдан иборат бўлади: методология, методика, амалиёт ва молия.

Дастурнинг **методологик бўлимида** аниқ социологик тадқиқотларнинг мақсадлари, асосий вазифалари, обьектлари ва предметлари аниқланади. Танлаган обьектларнинг ижтимоий-иқтисодий ва демографик ривожланиши бўйича дастлабки комплекс таҳлил ўтказилади.

Дастурнинг **методик бўлимида** оғзаки ва ёзма сўровлар асосида аниқ социологик тадқиқотлар ўтказишнинг назарий йўриқномалари ишлаб чиқилади. Анкеталарнинг матнлари тузилади ва саволларнинг жавоблари кодлаштирилади.

Социологик сўровни ўтказиш, яъни анкеталарни тўлдириш қоидалари ва иштирокчиларнинг мажбуриятлари дастурнинг **амалиёт бўлимида** жойлашган бўлади. Бу бўлимда дастлабки социологик ахборотларни тўплаш ва компютерда қайта ишлаш муддатлари белгиланади.

Дастурнинг **молия бўлимида** қуйидаги асосий кўрсаткичлар мавжуд, қайсики уларсиз ҳар қандай аниқ социологик тадқиқотни ўтказиш мумкин эмас: иш ҳақи; моддий ресурсларга харажатлар; транспорт харажатлари; нашр сарфлари; компютерда қайта ишлаш харажатлари; бошқа сарфлар.

Аниқ социологик тадқиқот натижаларидан манфаатдор бўлган меҳнат биржаси органлари, юридик шахслар ва айрим ишбилиармонларнинг маблағлари ҳисобидан дастур бажарилишини сармоялар билан таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Аниқ социологик тадқиқотларнинг **тўққизинчи босқичида** респондентлар сўрови уч фазадан ўтказилади: мослашиш (кўникма ҳосил қилиш); мақсадларга эришиш, бартараф этиш.

Тадқиқотларнинг **ўнинчи босқичида** дастлабки маълумотлар компютерларда қуйидаги кетма-кетлик асосида қайта ишланади: маълумотларни киритиш ва дастлабки таҳлил қилиш; маълумотларни назорат қилиш ва хатоларини тўғрилаш; ўзгарувчилар қаторини тузиш; машина алгоритмлари ва дастурларини тузиш; тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш. Компьютерда дастлабки маълумотларни қайта ишлаш бўйича методика Россия фанлар академияси Социологик тадқиқотлар институти нашр этган «Социологнинг иш китоби» номли китобда батафсил ёритилган [3]. Дастлабки маълумотлар компютерда қайта ишлангандан сўнг, уларнинг ишончлилиги текширилади. Агар, улар юқори ишончли бўлса тадқиқотнинг кейинги босқичига ўтилади. Акс ҳолда ахборотлар таҳлили янгидан бошланиб, тадқиқотнинг иккинчи босқичидан ўнинчисигача бажарилган ишлар қайтадан бажарилади.

Тадқиқотнинг **ўн биринчи босқичида** ёлланган ходимлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий муносабатлар ва турли шаклдаги ишсизликнинг вужудга келиш сабабларини ўрганиш бўйича ҳосил қилинган социологик ахборотлар асосида илмий ҳисобот тузилади.

Тадқиқотнинг **сўнгги босқичида** ҳосил қилинган социологик ахборотларни меҳнат бозорининг эконометрик моделлари комплексига татбиқ этиш амалга оширилади.

### **Қисқача хуносалар**

Социологик тадқиқотлар меҳнат бозорининг ҳолати бўйича ишончли статистик маълумотлар етарли бўлмаган тақдирда ўтказилади. Уларни ўтказиша муаммолар, мақсадлар ва асосий вазифаларни тўғри белгилаб олиш асосий ўринни эгаллайди.

Мазкур тадқиқотларнинг асосий мақсади – аҳолининг иш билан баңдлигини ошириш ва ишсизликни камайтириш бўйича илмий асосланган тавсияномалар ишлаб чиқиши.

Меҳнат бозорини аниқ социологик тадқиқотлари ўзаро боғлиқ бўлган босқичлар асосида ўтказилиб, улардан ҳосил қилинган ахборотлар иш берувчлар билан ёлланувчилар ўртасидаги ижтисоий – иктисодий муносабатларни ва ишсизлик сасабларини тўла ифодалайди.

### **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Меҳнат бозорини социологик тадқиқ қилишининг аҳамияти нимада?
2. Мазкур тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари нималардан иборат?
3. Аниқ социологик тадқиқотлар қандай босқичлар асосида ўтказилади?
4. Анкеталарда қандай саволлар тузилган бўлади?
5. Аниқ социологик тадқиқотларни ўтказиш ёрдамида нималар аниқланади?
6. Бирламчи социологик ахборотлар қандай методик асосда компьютерда қайта ишланади?

### **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иктисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иктисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Булanova В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. -342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.

6. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Майнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.-416с.
14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмуминов Ш.Р. Мехнат бозори иқтисодиёти (Маърузалар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т. Замонавий меҳнат бозори: фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллуқли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна варианtlарини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **13-БОБ. ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МЕҲНАТ БОЗОРИ**

**13.1. Демографик тенденциялар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири**

**13.2. Меҳнат бозорида глобаллашув ва миллий манфаатлар тамойили**

**13.3. Меҳнат бозорида фаол ва нофаол сиёсат**

**13.4. Давлатнинг иш билан бандлик хизмати**

### **13.1. Демографик тенденциялар ва уларнинг меҳнат бозорига таъсири**

Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у қўп жиҳатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди. Меҳнат иқтисодиёти меҳнат муносабатларининг қатнашчиси бўлган аҳоли қисмiga алоҳида эътибор беради.

Дунё аҳолиси йилига 80 миллиондан зиёд кишига қўпайиши давом этмоқда. Инсоният сони 1804 йилда бир миллиард кишига етган бўлса, атиги 123 йилдан сўнг яна бир миллиард кишига қўпайди, учинчи миллиард 33 йилда, тўртинчиси 14 йилда, бешинчиси 13 йилда қўшилди. Аҳолининг рекорд даражада — ўрта ҳисобда 87 миллион киши миқдорида йиллик қўпайиши 1980 йилларда кузатилди. Дунё аҳолиси сони 1950—2000 йилларда ошишининг деярли учдан икки қисмини Осиё қитъаси таъминлади: унинг улуши ошиб, 56 %дан 61 %га етди. Аҳоли қўпайишининг ҳажми жиҳатидан Африка иккинчи бўлиб қолди, унинг улуши ошиб, 9 %дан 13 %га етди.

2000 йилда сайёра аҳолисининг сони 6 миллиард кишидан ошди ва қўпайиш суръати бирмунча қисқараётганлигига қарамай, унинг ўсиш жараёни давом этмоқда ва 2050 йилга бориб, чамаси 10,2 миллиард кишига етиши мўлжалланмоқда.

Дунё олимларининг таҳлилига кўра, ҳаво ва сув булғаниши, яшаш сифати пасайиши, элатларапо ва миллатлараро низолар, чекланган табиий ресурслар учун кураш зўрайиши каби жиддий муаммолар аҳолининг қўпайиб бораётганлиги билан боғлиқ. Аҳолининг қўпайиш жараёни ривожланган мамлакатлар билан суст тараққий этаётган мамлакатлар ва улар ўртасида қўплаб иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тафовутлар сақланиб келаётганлиги айrim муаммоларни келтириб чиқараётганлиги кузатилмоқда.

БМТнинг туғилиш ва ўлим, аҳолининг бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиши тўғрисидаги маълумотлари келажак воқеаларини ҳозирдаёқ аён қилиб қўймоқда: туғилиш коэффициенти юқори бўлган мамлакатлар аҳолининг «хатарли қўпайиш» муаммосини вужудга келтиради. Айни чоғда туғилиш паст, умр узунлиги юқори даражада бўлган мамлакатлар демографик мувозанатини факат *иммигрантлар* оқими ҳисобига сақлашлари мумкин бўлади.

Хозир саноати ривожланган мамлакатларда (иммиграцияни ҳисобга олмаганда) аҳолининг қўпайиши ё нолга, ёки манфий қийматга teng бўлмоқда.

Бу ҳодисани демографик ўтиш назарияси изоҳлайди, унга кўра даромадлар ошиши ва аёллар эмансиپациясидан тортиб, бола туғилишига муносабат ўзгаришигача — қатор ижтимоий омиллар туфайли муайян даврда Ер курраси аҳолисининг сони кўпайиши тўхтайди. Инсоният юқори даражалардаги туғилиш ва ўлимдан паст даражалардаги туғилиш ва умр узунлигига ўтади. Ҳозирги вақтга келиб, бу жараён ривожланган мамлакатларда тугалланди ва эндиликда ривожланаётган мамлакатларда кечмоқда.

Олимларнинг ҳисоблашларича, яқин ярим аср ичидаги сайёрамиз аҳолиси сони қарийб икки баравар ошганидан кейин, туғилиш ва ўлим кўрсаткичлари барча мамлакатларда умуман тенглашади. Демографик ўтиш назарияси гуё инсониятга ресурслар етмай қолиши мумкинлиги тўғрисидаги вахимали башоратларни рад этади. Овқатланиш бўйича халқаро ташкилотнинг маълумотларига қараганда, мавжуд ресурслар билиб ишлатилса, 20—25 млрд одамни боқишга бемалол этади. Яъни, олимларнинг ҳисобларига кўра, улар сайёрамизда яшайдиган одамларнинг энг кўп миқдоридан ҳам кўпроқ миқдордаги одамларни боқишга етарлидир.

2050 йилга бориб Италия, Япония ва Россия каби мамлакатлар аҳолиси қисқаради, Буюк Британиянинг аҳолиси эса ҳозирги даражада қолади. Мали, Саудия Арабистони ва Нигерияда шу давр ичидаги аҳоли сони 3 баравар, Миср ва Кенияда эса 2 баравар ошади. БМТ мутахассислари, ривожланган мамлакатларнинг аҳолиси умуман 2050 йилга бориб қисқаради (1,8 млрд кишидан 1,16 млрд кишигача), ривожланаётган мамлакатларнинг аҳолиси эса кўпаяди (4,57 млрд кишидан 8,2 млрд кишигача) деб ҳисобламоқдалар. Ҳар секундда дунёда 21 киши туғилиб, 18 киши ўлмоқда. Ҳар куни Ер аҳолиси 250 минг кишига кўпаймоқда.

Аҳолининг тўхтовсиз кўпайиб бориши муносабати билан истиқболни ўйлаб кўрилганда инсониятнинг келажаги тўғрисида ғоят 1950 йил 1996 йил 2050 йил ташвишли таҳминлар ва ҳатто қиёмат қойимга ўхшаш воқеа башоратлари юзага кела бошлади. Инглиз олими Томас Роберт Мальтуснинг (1766—1834) «Ортиқча аҳоли қонунияти хусусидаги тажриба» китобида (1798) баён қилинган назарияси айниқса машҳур бўлди.

Мальтус ўз назариясини асослаш учун шундай концепциядан фойдаландики, бу концепция кейинчалик ернинг унумдорлиги камайиб бориши қонуни деб номланадиган бўлди. Унинг ёзишича, аҳолининг сони икки ҳисса ошиши амалда Ер куррасининг катталиги икки баравар камайишига teng. Шу боис аҳоли қанчалик кўп бўлса, ҳар бир киши ҳисобига ишланадиган ер шунчалик камроқ қолади. Шу сабабли ер унумдорлиги камайиб бориши қонунининг амал қилиши туфайли озиқ-овқат ресурслари кўпайиши аҳолининг кўпайишидан орқада қолиши тенденцияси юзага келади. Мазкур қоида қўйидагича икки қатор рақам билан далилланади:

1	2	4	8	16	32	64	128	256
1	2	3	4	5	6	7	8	9

Биринчи қатор аҳолининг ҳар 25 йилда потенциал ўсишини (геометрик прогрессия), иккинчи қатор озиқ-овқат ресурсларининг ҳар 25 йилда эҳтимолий

кўпайишини (арифметик прогрессия) тавсифлайди. Юқорида айтилганлардан аҳоли сони ниҳоят даражада юқори суръатда ошадиган мамлакатлар камбағалликка маҳкум бўладилар (улар «Мальтус тузоги» ҳолатига тушиб қоладилар).

Мальтус ҳуқумат ва бошқа ижтимоий ташкилотлар томонидан ижтимоий сиёsat юритилишига изчил равишда қарши чиқар эди. Унинг фикрича, камбағалларга нисбатан қилинадиган хайриялар уларнинг аҳволини яхшилашга қодир бўлмай, аксинча, вазиятни баттарлаштиради. Аҳолининг энг паст табақаларига молиявий ёрдам кўрсатиш қисқа муддатли ижобий самара беради ва шу тариқа аҳолининг янада кўпайишини рағбатлантиради. Лекин бу озиқовқат маҳсулотларининг тегишли равишда ошиб боришига олиб бормайди. Бинобарин, жамият умуман камбағалроқ бўлиб боради. Бундай бўлмаслиги учун аҳоли кўпайиши ва текинхўрлик ошишини рағбатлантирадиган ижтимоий ва хусусий хайриялардан воз кечиш шарт. Айни чоғда Мальтуснинг келажакка оид қарашлари кескин (кўпинча адолатсиз) танқидга учради, уни “инсониятнинг умид чироғини ўчирмоқчи бўлган даҳшатли ва машъум даҳо” деб номлайдиган бўладилар.

Вазминроқ муаллифлар Мальтус башоратларининг қатор камчиликларини кўрсатар эдилар. Жумладан, унинг камайиб борувчи самара масаласидаги ўз далил-исботларида техникавий тараққиётнинг таъсирини, тараққиёт жамиятнинг ишлаб чиқариш имкониятларини, шу жумладан, озиқовқат ресурслари қўпайиб бориши борасидаги имкониятларини муттасил кенгайтиришни эътиборсиз қолдирганлигини таъкидлар эдилар. Чунончи, АҚШ аҳолиси XIX асрнинг иккинчи ярмида деярли тўрт баравар кўпайган, лекин шу билан биргаликда ушбу мамлакат аҳолисининг фаровонлиги ҳам ўрта ҳисобда тўрт баравар ошган. Мальтус аҳолиси кўп мамлакатларнинг табиий шароитлари қишлоқ хўжалиги учун қулай бўлган мамлакатлардан озиқовқат маҳсулотлари келтиришларига имкон берадиган транспорт воситаларининг жўшқин ривожланишини ҳам олдиндан кўра билмаган. Ва ниҳоят, Мальтус ўлим даражасини ҳам эътиборга олмаган (айни чоғда ўлим даражаси пасайишининг оқибатлари аҳоли сони учун туғилиш даражасининг кўпайишига ўхшашидир) ва жамиятнинг фаровонлиги ошиши туғилиш (ва ўлим) даражасининг пасайишига олиб келишини ҳисобга олмаган.

Хозирги вақтда ортиқча аҳоли муаммоси ўта муҳимлигича қолаётган бўлса-да, аксарият одамларнинг тунлари хотиржам ухлашларига халақит берәётгани йўқ. Қисман бунинг боиси шундаки, мазкур муаммо аввалларида гидек умидсиз тусда эмас. БМТ «дунё аҳолиси унчалик тез кўпаймайдиган бўлиб қолди», деб хулоса чиқарганлиги ҳам бу борада муҳим роль ўйнади.

**Аҳолининг кексайиши муаммоси.** Барча замонавий демографик жараёнлар орасида аҳоли кексайиши жараёни жўнроқ ўлчанадиган, тахминлар қилиниши қулайроқ ва аслида, ўз оқибатларига кўра хавфлироқ бўлган жараёндир. Шундай бўлса-да, у энг кам тадқиқ қилинган жараёнлардан бири эканлигича қолмокда. Демографларнинг фикрича, мамлакат аҳолиси ундаги ёши қайтган шахслар улуши 7—8 %дан ошган тақдирда кексайган

хисобланади. Ғарбдаги иқтисодий ривожланган давлатларнинг кўпчилигида 65 ёшли ва ундан каттароқ ёшдагиларни, баъзи мамлакатларда эса 60 ёшдан ошганларни ёши қайтганлар тоифасига киритиш қабул қилинган.

Аҳолининг кексайиши Францияда XVIII асрнинг охирида бошланиб, кейинчалик аста-секин барча ривожланган мамлакатларга тарқалган. Лекин авваллари ҳеч қачон ёши қайтган одамларнинг улуши ҳозиргидек тез ва кўламдор ошмаган. 2000 йилда ёши қайтган кишилар улуши Германияда 15,0 %, Англияда 16 %, Францияда 15 %, АҚШда 13 %, Японияда 13 % ни ташкил этди.

Аҳоли кексайишининг сабаби икки хилдир. Бир томондан, бу — *туғилиши камайиши* бўлиб, бунинг оқибатида болалар ва ёшлар улуши қисқаради. Иккинчи томондан, бу — *умр узунлигининг ошиши*дир.

Аҳолининг кексайиши бир қатор иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келиши мумкин. **Биринчидан**, ёши кекса одамлар улушкининг ошиши ўз навбатида аҳолининг иқтисодий фаоллиги пасайишига олиб келади. Одамнинг ёши қанчалик катта бўлса, маҳсулдорлиги шунчалик паст бўлади, деб ҳисобланади. **Иккинчидан**, аҳолининг кексайиши иқтисодиётда ёшлар улуши камайишини англатади, бу эса, айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, иш билан банд аҳоли касб-малака ва тармоқ таркибининг ўзгариши жараёни ва, бинобарин, иқтисодиёт самарадорлиги ошишини секинлаштиради. Иқтисодий самарадорлик ошишининг секинлашиши аҳоли ҳаракатчанлигининг пасайиши билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

**Учинчидан**, пенсия фондлари зиммасига пенсиялар тўлаш харажатларининг бениҳоя оғир юки тушади, зеро, пенсионерлар улуши кўпайиши билан бир йўла пенсия фондларига маблағ тўлаб борадиган ишга қобилиятли аҳоли салмоғи қисқаради.

**Тўртинчидан**, ноchor қарияларга ёрдам кўрсатиши лозим бўлган давлат ижтимоий хизматларига иш кўпаяди. Қарияларни парвариш қилиш учун тўлов каби муаммолар кўпаяди.

**Бешинчидан**, ёши қайтган кишиларга тиббий хизматлар кўрсатиш учун қўшимча маблағ сарфлаш, геронтологик муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бутун соғлиқни сақлаш тизимини сифатли тарзда қайта қуришни талаб қиласди.

**Олтинчидан**, ҳали ишлашни истайдиган «ёш қариялар»ни иш билан таъминлаш лозим. Бу осон вазифа эмас, чунки, маълумки, пенсия ёшига етмаганларга ҳам иш ўринлари етишмайди. Ёши қайтганларда фаол ҳаётий позицияни сақлаб қолиш, уларни ижтимоий ҳаётга жалб этиш, ёлғизликка қарши қураш ҳам фоят муҳимдир.

**Еттинчидан**, аҳолининг кексайиши моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасининг тузилмасига таъсир этади —ахир ёши қайтганларнинг талаб-эҳтиёжларига мувоғиқ равишда товарлар ва хизматлар *ассортиментини* ўзgartиришга тўғри келади. Баъзи технологик операцияларни ҳам ўзgartириш, машина ва ускуналарни ходимларнинг ёш хусусиятларига мослаштириш керак бўлади. Транспорт воситалари ҳам кексаларнинг талабларига монанд бўлиши лозим.

«Қариялар қўпайиши» аста-секин бутун дунёни қамраб, қўплаб муаммоларни юзага келтирмоқда. Инсоният мазкур тенденция туфайли келиб чиқадиган вазифаларнинг муҳимлигини тушуниб етиши даркор. Кўпчилик мамлакатлар ёши қайтган одамларнинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш учун ҳозирдаёқ қўп ишларни амалга оширмоқдалар. Лекин кенг қамровли давлат сиёсатининг ишлаб чиқилиши ҳали олдиндадир.

Иш ўринлари учун рақобат кучайиши ва ёш гурухлари ўртасидаги бегоналашув ортиб бориши оқибатида ҳам низо келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Пенсия жамғармасига маблағ ажратишлар муттасил қўпайиб бориши ёшларда норозилик уйғотади. Шу билан бирга ёши қайтганлар сони ошган сайин уларнинг сиёсий кучи ҳам ошиб боради ва ёшлар билан ёши қайтганлар ўртасидаги зиддиятлар хавфли ижтимоий вазиятни юзага келтириши мумкин. Ёшлар қарияларнинг ишга жалб этилишидан норозидир, чунки бундай қилиниши ёшларнинг иш топиши ва хизмат пиллапояларидан қўтарилиши имкониятларини камайтиради.

Гарбий Европадаги иқтисодчилар ёши қайтган одамлар улуши юқори даражали жамиятнинг ривожланиши манзарасини тахмин қилишга уринмоқдалар. Баъзи мутахассислар бу манзаранинг аянчли, ғоят мудҳиш эканлигини кўрсатмоқдалар. Масалан, франциялик демографлар **А. Сови, Ж. Буржуа-Пиша, Ж. Кало**, Франциянинг собиқ бош вазири **М. Дебре**, германиялик демограф **Б. Кайцер** ишчи кучида ёшлар улуши қисқариши натижасида «иқтисодий тизимнинг мослашувчанлиги» камайиши мумкин, деб ҳисобламоқдалар. Уларнинг фикрича, кексайиб бораётган жамият консерватив бўлиб, таваккал чиликдан қўрқади, кескин тусдаги тажрибаларга муросасиз бўлади, у бошқа жамиятлардан нафақат техникавий жиҳозланганлик ва иқтисодий фаровонлик жиҳатидан, балки, шунингдек, интеллектуал жиҳатдан ҳам, ижодий ютуқлар борасида ҳам орқада қола бошлайди. Янгиликларни секинлатиш аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш ҳажми қисқаришига, реал иш ҳақи ва тўловга қобилиятлилик бўйича талаб камайишига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, пенсия фондларига бадаллар ошиши «қарилликка» ишлаётганлар томонидан қилинадиган жамғармалар қисқаришига олиб келади. Натижада инвестиция ресурслари камаяди ва меҳнат унумдорлигининг ошиши суръати секинлашади.

Лекин бир қатор тадқиқотчилар бошқача нуқтаи назарни ёқлаб чиқмоқдалар. Жумладан, инглиз социологи **А. Комфортнинг** фикрича, гўёки кўпчилик ёши қайтган одамлар боқиманда эканлиги тўғрисидаги тасавурларга жамият барҳам бериши керак. У ёши қайтганларнинг жамият учун фойдали фазилатларини амалда қўлланиш; пенсия ёшига етган шахслар ўз қобилияtlарига мос келадиган меҳнатнинг янги шакллари билан, жумладан, солиқ имтиёzlари туфайли меҳнатнинг янги шакллари шуғулланишдан манфаатдор бўлишлари учун шарт-шароит яратишни таклиф этади. Ёши қайтганларни ишчи кучи таркибидан ялписига «йўқотиш», қатор муаллифларнинг фикрича, хатодир. Меҳнат қилиш қобилияти ва истаги бўлганлар ишлашлари ва шунга мувофиқ иш ҳақи олишлари даркор.

Гарбдаги баъзи мутахассислар қариялар солиштирма салмоғи ошиб боришининг ўзи иқтисодиётга салбий таъсирни автоматик тарзда келтириб чиқармайди дейдилар. Улар Швецияни мисол келтирадилар, бу ерда 65 ва ундан юқори ёшли шахслар улуши 17 %дан юқорироқдир, лекин бунда кексайиш феноменининг иқтисодиётга таъсири жиддий ташвишга солаётгани йўқ. Бунинг боиси шундаки, Швеция бир неча ўн йилдан буён кам даромадли аҳоли гурухлари, шу жумладан, пенсионерларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириб келди, яъни даромадларни тенглаштириш сиёсатини юритди. Натижада Швецияда мулкий тафовутлар бошқа мамлакатлардагичалик катта эмас.

Таникли немис демографлари Г. Шубнель ва О. Нелль-Бройнингларнинг фикрича, мамлакат муайян иқтисодий кўрсаткичларга эришган тақдирда пенсия ёшидаги шахслар улуши кўпайиши миллат учун ҳеч бир жиҳатдан хавфли бўлмайди. Масалан, ГФРда Шубнелнинг ҳисобларига қўра, ялпи ички маҳсулот йилига 3—5 % чамасида қўпайган тақдирда пенсионерларни таъминлаш масаласи молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармайди.

Карилек муаммолари бўйича Жаҳон ассамблеясининг материалларида ҳам худди шундай фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Ушбу материалларда таъкидланадики, ривожланган мамлакатларда давлат сиёсати ёрдамида пенсияга барвақт чиқиши чеклаш, ишлашни давом эттираётган пенсионерларнинг иш ҳақидан пенсия фондига маблағ чегириб қолишини бекор қилиш, ёши қайтганлар учун ишчи муҳитнинг жозибалилигини ошириш, улар учун қулайроқ, ўзгарувчан иш графигини киритиш лозим. Ассамблея бундай хуроса чиқарди: аҳолининг кексайиши албатта оғир иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқаравермайди. Испанияда ўтказилган тадқиқот асосида жамиятда «янги қариялар», «янги ёши улуғлар» пайдо бўлганлиги тўғрисида тезис олдинга сурилди: «Бу кишилар фаровон яшамоқдалар ва жамиятга катта иқтисодий наф ҳам келтирмоқдалар, лекин улар келтираётган ушбу наф ҳанузгача қадрланмай келмоқда». Баъзи муаллифлар болалар ва ўсмирлар салмоғи камроқлиги катта авлодга қилинадиган ижтимоий сарф-харажатлар ўрнини қоплайди, деб умид қилмоқдалар. Ишлайдиганларнинг зиммасига тушган иқтисодий юқ болалар ва ўсмирларни таъминлаш сарф-харажатлари қисқариши туфайли енгиллашади, лекин бу харажатлар тўлиқ қопланмайди.

**Ўзбекистондаги демографик тенденциялар.** Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида МДҲ мамлакатлари аҳолиси сони анча камайган Белорус, Россия, Украина ва Қозоғистон каби мамлакатларидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда аҳоли сони маълум даражада ошиб бормоқда.

1897 йилда ҳозирги Ўзбекистон худудида атиги 3,9 млн киши яшар эди, яъни ўтган 100 йилдан сал кўпроқ вақт мобайнода бу ерда аҳоли 6,3 баравар (2000 йилга келиб 24,6 млн кишигача) кўпайди. 4.3-жадвалдан кўриниб турганидек, XX асрда Ўзбекистон **аҳолисининг сони** бир текис ошгани йўқ. Унинг дастлабки икки ҳисса кўпайиши салкам 60 йил давомида рўй берди, кейинги икки ҳисса кўпайиши эса 20 йил ичидан амалга ошди. Республика

аҳолиси 2001 йилнинг охирига келиб 1980 йилга нисбатан 1,6 баравар қўпайиши кутилган эди, аҳолининг учинчи маротаба икки ҳисса қўпайиши эса унинг юзага келган қўпайиш суръати сақланган тақдирда XXI аср иккинчи ўн йиллигининг охирида рўй бериши кутилмоқда.

Аҳоли қўпайиши билан бир йўла унинг зичлиги ҳам анча ошмоқда: 1940 йилда ҳар км<sup>2</sup>.га 14,6 киши тўғри келган бўлса, 2000 йилда 54,1 киши тўғри келди (зичлик 3,7 баравар ошган). Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг 14 та ҳудудий бўлинмасидан 10 таси, шу жумладан, Тошкент шаҳри аҳоли зич бўлган ҳудудий бўлинмалар жумласига киради, ваҳоланки, улар Ўзбекистон ҳудудининг атиги чорагини, аҳоли унча зич бўлмаган тўртта вилоят эса республика ҳудудининг қолган тўртдан уч қисмини эгаллаган. Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларга бутун аҳолининг, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол ва иш билан банд аҳоли, туғилган болалар ва аҳоли табиий қўпайишининг бешдан тўрт қисми, ялпи ички маҳсулотнинг 74 % и, инвестицияларнинг 79 % и ва истеъмол харажатларининг 88 % и тўғри қелмоқда.

Аҳолининг қўпайиб кетиши уни озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимлик сув, иш ўринлари билан таъминлашдаги қийинчиликлар, шунингдек, экологик оқибатлар ва касаллик қўпайишини келтириб чиқаради. Айни чоғда Ўзбекистоннинг аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларида ишлаб чиқарувчи кучлари энг юқори даражада ривожланган ва яшашни таъминлаш шартшароитлари қулай бўлган ҳудудий бўлинмалар бор, шу сабабли аҳолининг қўпайиб кетиши уларда ишсизлик даражасига майинроқ таъсир этди. Аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақалар ҳиссасига республика меҳнат ресурсларининг 81 % и тўғри келаётган бўлса, ишсизлар улар умумий сонининг атиги 55 % и миқдорига тўғри келмоқда. Умуман, Ўзбекистон бўйича расмий ишсизлик даражаси 0,5 % ни ташкил этаётган бўлса, аҳоли ниҳоятда зич бўлган минтақаларда 0,3 % ни ташкил этмоқда.

## Ўзбекистоннинг асосий демографик қўрсаткичлари

<sup>1</sup> Йил	Аҳоли сони, млн. киши	Аҳолининг ўртacha йиллик кўпайиши, минг киши	Аҳоли кўпайи- шининг ўртacha суръати	Туғилиш коэффи- циенти, %	Ўлим коэффи- циенти, %	Табиий кўпайиш коэффи- циенти, %
1897	3.95	-	-	-	-	-
1960	8.52	72.6	1.25	39.9	6.0	33.9
1980	15.76	362.0	3.15	33.8	7.4	26.4
1999	24.14	445.6	2.30	22.3	5.3	17.0
2000	24.49	332.2	1.4	21.3	5.5	15.8
2025	33.4+	233.7	0.75	-	-	-

Аҳоли зичлиги паст даражада бўлган минтақаларда камроқ ривожланган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, тор йўналтирилган тармоқ ихтисослашуви ва экотизмга путур етишининг оқибатлари сезиларлироқлиги хосдир. Республика аҳолиси сонининг ўсиши уни шакллантириш манбалари бўлган табиий ва механик тарзда кўпайиши билан боғлиқдир.

Ҳозирги вақтда аҳоли миграциясининг манфий *сальдоси* камайиб, 1990 йилдаги 181 минг кишидан 2000 йилда 66,6 минг кишига тушиб қолди. Шу билан бирга Ўзбекистон аҳолисининг XX аср охирига келиб умумий кўпайиши, асосан, табиий кўпайиш ҳисобига рўй берди, ушбу кўпайиш эса механик тарзда кўпайишнинг манфий сальдосини қоплади. Айни вақтда аҳолининг табиий кўпайиши астасекин пасайиб бормоқда. Бунинг боиси аввало шундаки, Республика аҳолиси ўз ҳаётини сифат жиҳатидан яхшилаш учун оилани оқилона режалаштиришга мойилроқ бўлиб бормоқда.

1997—2000 йилларда республикада **аҳолининг ёш таркиби прогрессивроқ** бўлиб қолди. Меҳнатга лаёқатли ёшга етмаган болалар ва ўсмирлар улуши 2000 йилда бутун мамлакат аҳолисининг 41 %ини, меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар улуши 51,2 %ини, меҳнатга лаёқатли ёшдан каттароқ одамлар улуши 7,5 %ини ташкил этди. Ушбу йилларда меҳнатга лаёқатли ёшдан ошган аҳоли жамият кексайиши жараёнини белгилайдиган йўл қўйилувчи энг юқори даражадан ошмади.

Тўғри, ҳозирги вақтда амалда барча ривожланган мамлакатларда намоён бўлаётган аҳоли кексайиши истиқболда бизда ҳам бошланиши мумкинлиги эҳтимолдан холи эмас. Ўзбекистонда бу ҳозирги вақтдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ўзининг ёш гуруҳидан каттароқ ёш гуруҳига ўтиб, пенсионерлар сафини тўлдириши натижасида рўй беради. Дарвоқе, 50-йилларнинг охирида мамлакатимизда бундай жараён кузатилган эди. 1959 йилда меҳнатга лаёқатли ёшдан кичикроқ шахслар улуши 38,9 %ни, меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахслар

<sup>1</sup> БМТ UNFRA 6 миллиардов. Время выбора. New York, 1999, 84-б.

улуши 49,1 %ни, меҳнатга лаёқатли ёшдаги каттароқ шахслар улуши 12 %ни ташкил этган эди. Ўшанда Иккинчи жаҳон уруши йилларида туғилиш даражаси пасайланлиги бундай нисбатнинг асосий сабаби бўлган эди.

**Кишлоқ аҳолисининг сони доимий ошиб бориши** ва республика аҳолиси умумий миқдорида унинг улуши юқорилиги Ўзбекистон демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятидир. Айни қишлоқ аҳолиси республика аҳолисининг учдан икки қисмини ташкил этиб, ундаги табиий кўпайиш, туғилиш ва чақалоқлар ўлими ҳажмларини биринчи навбатда белгилайди.

**Аҳолининг кўпайиб кетиши муаммоси** ривожланаётган мамлакатлар учун долзарб бўлиб турганлиги юқорида айтиб ўтилди. Ушбу муаммо Ўзбекистонга маълум даражада таҳдид солиши мумкин. Бу таҳдидни ташқи ва ички таҳдидга бўлиш мумкин. Ташқи таҳдид сирасига аҳолиси зич бўлган ва, одатда, қашшоқлашган қўшни мамлакатларда турмуш даражаси ёмонлашиши киради. Булар ижтимоий ва ҳарбий можароларга, мигрантларнинг сони қўпайишига олиб келиши мумкин.

Ички муаммолар Ўзбекистоннинг ўзидаги аҳоли нисбатан тез суръатда қўпайиб бораётганлиги билан боғлик. Аввало, қишлоқ жойларга хос бўлган туғилиш даражаси юқорилиги республика ҳукуматининг алоҳида эътиборини талаб қиласди. Кўп болали оиласарга бериладиган нафақаларга, мактабгача ва бошлангич таълимнинг қиммат инфратузилмасини кенгайтиришга, соғлиқни сақлаш хизматларини кенгайтиришга сарф-харажатларни қўпайтириш каби чора-тадбирлар ушбу туғилиш даражаси билан боғлик. Бунинг устига, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш устуворлигини ва ўтиш даврида жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймасликни таъминлаш билан бирга ҳукумат қўп болали оиласи фақат нафақалар ҳисобидан боқиш мумкинлиги билан кўп йиллардан бўён боғлик бўлиб келаётган боқимандалик кайфиятларидан жамиятни халос эта бориши ҳам керак бўлди. Бу эса манзисиз тусда бўлган ва деярли бутун аҳолини қамраган, шу туфайли самарадорлиги пасайлан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимидағи шусиз ҳам қийин бўлган вазиятни анча мураккаблаштирас, мазкур тизим деярли бутун аҳолини қамрас, бу эса ушбу ҳимоянинг самарасини пасайтирас эди.

Ўзбекистонда бир онадан фарзандлар туғилишидаги вақт оралигини узайтириш, оиласда фарзандларнинг сонини эмас, балки мамлакатнинг келажагини таъминлай оладиган соғлом, илмли инсонларни тарбиялаш мақсадида, соғлом миллат *генофондини* шакллантириш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатни янада ривожлантириш лозим. Шу муносабат билан республикада олиб борилаётган Соғлом авлод дастурини, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалийлигини таъминлаш, жамиятнинг ишлаб чиқариш, ижтимоий ва маданий ҳаётидаги хотин-қизлар роли ва мақомини, оммавий жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, жамият ва оиласининг умумий маданиятини юксалтириш каби бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим.

### **13.2. Меҳнат бозорида глобаллашув ва миллий манфаатлар**

## тамойили

Глобаллашув ҳодисаси технологияларни, биринчи навбатда, ахборот ва телекоммуникация технологияларини ривожлантиришга, шунингдек, миллий иқтисод хўжаликларнинг жаҳон иқтисоди ётига интеграциялашуви учун янги имкониятлар юз берадиган сифат сакрашидир. Бу жараённи тўхтатиб бўлмайди. Давлатларнинг маҳдуд яшаши ўнглаб бўлмас йўқотишларга ҳамда миллий иқтисоди ётларнинг ғоят орқада қолишига олиб боради.

Жамиятда глобаллашув ҳодисасига муносабат турлича. Баъзилар уни жадал миллий ривожланишга туртки деб, бошқалар эса миллий иқтисодиётга таҳдид деб ҳисоблайдилар. Ҳар икки нуқтаи назарнинг ўз асослари бор.

Тез глобаллашув ва технология жараёни ҳамма мамлакатлар учун муштарак бўлган янги муаммоларни яратмоқда. Кучайиб бораётган рақобатчилик ҳамда глобал иқтисодий интеграция ва технология жараёни бирлашган кучларининг натижаси бўлган иқтисодий ўзгаришлар миллий ишчи кучининг катта сегментларида иш билан бандликни сақлаб қолишида бекарорлик ва қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Шу билан бирга улар иқтисодий ўсиш ва иш билан бандликни кенгайтириш учун янги имкониятларни таъминлаб бермоқда. Мамлакат ихтиёридаги ишчи кучининг малака даражаси ва сифати вужудга келаётган имкониятлардан фойда чиқариб олиш ҳамда тез амалга ошаётган технологик трансформация ва янада очикроқ иқтисодиётга ўтиш чоғида ижтимоий чиқимларни камайтириш учун муҳим омил бўлиши мумкин. Шу сабабли давлатнинг глобал тамойилларидан илгор иқтисодиёт тармоқларини жадал ривожлантиришда фойдаланишга ва ички бозор эҳтиёжларини қондираётган тармоқларни ҳимоя қилишга қаратилган пухта ўйланган ижтимоий-иктисодий сиёсати зарур.

Кейинги йилларда малакали ишчи кучига бўлган талаб анча ошди. Бу ҳол глобаллашув, технологик ўзгаришлар ҳамда меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар натижаси бўлди. Бу учала омил бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетади. Бу эса ишчи кучининг малакасини оширишга ва касбга тайёрлашга инвестиция киритишнинг аҳамияти ўсишига олиб бормоқда. Касбга тайёрлаш тизимларидағи ҳозирги тараққиёт эҳтиёжларини ҳисобга олувчи ўзгаришлар давр талабига мос жавоб бўлиши керак.

Глобаллашув шароитида таълимни ривожлантиришга ва кадрлар малакасини оширишга инвестициялар киритишнинг тобора кучайиб бораётган аҳамияти, ХМТнинг жаҳонда иш билан бандлик тўғрисидаги охирги маъruzасида айтилганидек, **беш асосий омил** билан белгиланади:

1) сиёсий эркинлашиш ва кенгайиб бораётган демократиялаш таълимнинг ролини кучайтириди. У фуқароларга ўз хукуқларини ва мажбуриятларини англайдиган тўлақонли жамият аъзолари сифатида фаолият кўрсатиш имконини бермоқда;

2) жадал кечеётган технологик ўзгаришлар таълим ва касбга тайёрлашнинг мазмунан янада бойроқ бўлишига муҳтоҷ, одам бутун меҳнат ҳаёти мобайнида узлуксиз таълим олишининг муҳимлигини кучайтирмоқда;

3) глобал иқтисодиётнинг кучайиб бораётган интеграцияси, таълим ва қасбга тайёрлаш тизимларининг ўзаро яқинлашуви миллий иқтисодиётлар янада байналмилал, рақобатбардош ва самарали иқтисодиётга айланишининг мухим таркибий қисмидир;

4) айрим аҳоли гурухларининг ижтимоий ажralишига сабаб бўлаётган омилларнинг аҳамиятини англаш таълим ва малакани оширишнинг ижтимоий-иктисодий ночорликни енгиллаштиришдаги роли кучайишига олиб бормоқда;

5) иқтисодий потенциални кучайтириш воситаси сифатида қийинчиликларни тугатиш йўли билан меҳнат бозорининг самарадорлигини ошириш мумкин.

Ўзбекистон борган сари кўпроқ жаҳон хўжалигининг бир қисмига айланмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон глобаллашув жараёнларидан четда туриши мумкин эмас. Бу жараёнлар иш билан бандлик соҳасида мамлакатнинг миллий манфаатларига қай даражада тааллуқли? Бу борада икки нуқтаи назар мавжуд. **Биринчи** нуқтаи назар шундан иборатки, чет эл сармояси ва хорижий инвестициялар мамлакатимизнинг жаҳон хўжалигига янада кўпроқ интеграциялашувига олиб боради ва бу муқаррар жараёндир. Бошқа бир нуқтаи назарга кўра, глобаллашув миллий иқтисодиётни путурдан кетказади ва ишсизликнинг ўсишига олиб келади. Равшанки, ижтимоий масъулиятга асосланган ягона давлат стратегияси ишлаб чиқилмоғи керак. Бу стратегия, бир томондан, мамлакатнинг рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқара оладиган корхоналарини қўллаб-қувватлашга, иккинчи томондан, имтиёзли шароитларда ишлаётган корхоналар мамлакатнинг истеъмол бозорида сифатга зарар келтириб, чиқарилаётган маҳсулотнинг миқдор кўрсаткичларини афзал деб билмасликларига қаратилган бўлмоғи керак. Шу сабабли оқилона миқдорда импорт қилинадиган товарлар рақобати ҳам бўлмоғи керак.

Лекин бу масаланинг бир қисми, холос. **Иккинчи** қисми шундан иборатки, компьютерлаштиришнинг янги босқичи, глобал **Интернет** тармоқлари, телекоммуникациялар ҳозирнинг ўзидаёқ иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги босқичига, янги иш жойлари, янги касблар пайдо бўлишига олиб келди. Ходимларнинг малакасига муносабатининг ўзини ҳам ўзгартириб, асосий эътиборни уларнинг касбий шайлигига ва мослашувчанлигига қаратди. Навбатдаги муаммолар меҳнатни ташкил этишнинг фаол, юқори малакали ходимларга қаратилган, янги шаклланишга ўтишдан иборатдир. Бунда глобаллашув даврида мамлакатни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш бозор иқтисодиётининг ҳозирги стандартларини ҳам, ўзбек халқининг тарихий анъаналари ва меҳнат соҳасидаги маънавий-ахлоқий қадриятларини ҳам ҳисобга олмоғи керак.

### **13.3. Мехнат бозоридаги пассив ва фаол сиёсат**

Пассив сиёсат меҳнат бозорида ходимлар ва иш берувчиларнинг аҳволи учун давлатнинг масъулиятини назарда тутади. Бундай ҳолда давлатнинг бозорга ўзига хос ғамхўрлиги намоён бўлади. Бу юқорида санаб ўтилган ижтимоий-мехнат муносабатларида патернализм (ғамхўрлик) қўринишининг шаклидир.

Давлат меҳнат бозорининг барча қатнашчиларига муайян кафолатлар беради: ходимларга иш ўрни сақланишини, иш ҳақи ва нафақалар берилишини, ижтимоий суғуртани, пенсия берилишини ва ҳоказоларни; иш берувчиларга — ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг режалаштирилган ҳажми учун талабни, хом ашё ва материаллар беришни, барқарор нархлар ва мақсадли маблағ ажратишни кафолатлайди. Бу кафолатлар контрагентларга ҳар қандай бозор ўзгаришларида ҳам ўзларини ижтимоий ҳимояланган ҳис қилиш имконини беради, лекин давлат томонидан ўрнатиладиган молиявий чегараларнинг қаттиқлиги ходим билан иш берувчининг шахсий ташаббускорликка бўлган рағбатини, меҳнатни татбиқ этишнинг энг самарали соҳаларини қидириш, унумдорликни ошириш, ўз-ўзини таъминлашнинг ички захираларини аниқлашга интилишини чеклаб қўяди, яъни ижтимоий меҳнат муносабатларида пассивликни шакллантиради.

Меҳнат бозорини тартибга солишнинг пассив сиёсатига қуйидаги чораларни киритиш қабул қилинган: иш қидиувчиларни рўйхатга олиш, ишсизлик бўйича бериладиган нафақа микдорини аниқлаш, ишсизлик бўйича нафақа бериш тизимини ташкил этиш, ишсизларни ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-куватлашнинг пулдан ташқари шаклларини амалга ошириш ва ҳоказо.

Пассив иш билан бандлик сиёсатини амалга оширишнинг энг кўп тарқалган шаклларидан бири ишсизликдан суғурта қилиш дастурлари бўлиб, улар бозор иқтисодиёти ривож топган мамлакатларда кенг татбиқ этилади, ишсизликдан суғурта қилиш, мазкур тадбир тарафдорларининг фикрича, икки хил даражадаги ижтимоий-иқтисодий мақсадларни кўзлайди. Микродаражада, яъни айрим оила, инсон даражасида бу ҳол истеъмол ва иш билан бандликни барқарорлаштиришдир. Истеъмолни барқарор қилиш шуни назарда тутадики, ишсизлик бўйича нафақа олмаса, ишсиз одамнинг оиласи ўз турмуш даражасини қўллаб туриш учун етарли маблағга эга бўлмайди. Иш билан бандликни барқарор қилиш шуни англатадики, ишсизлик бўйича нафақалар янги иш қидиришни осонлаштиради, чунки тасодифий пул топишга кетадиган вақт сарфини камайтиришга ёрдам беради.

Бироқ, мазкур чорага шубҳа билан қарашлар ҳам учрайди, чунки ишсизликдан суғурталаш дастурлари бундай ҳолда ижтимоий боқимандаликни давлат томонидан қўллаб-куватлашдир, маблағларни ходимларни меҳнат бозорининг аҳволи ва истиқболларидан хабардор қилиш тизимини такомиллаштиришдир, деб ҳисобланади: шунингдек, нафақа тўлаш ўз-ўзидан ходимнинг диққатини вақтинча пул топишларга чалғитмасдан фақат доимий иш қидиришини кафолатлайди, деб ҳам ҳисоблайдилар.

Бироқ ишсизликдан сұғурта қилиш дастурларининг аввалдан бошлаб ижтимоий-иктисодий мақсади макроиктисодий барқарорлық бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу амалдаги иктисодий ривожланишнинг молиявий рағбатларини ўз-ўзидан таъминлаш — талаб кескин пасайиб кетган давларда аҳолининг харид қилиш қобилиятини оширишдан иборатdir. Мазкур дастурларнинг рақиблари фикрича, ишсизлик бўйича нафақалар тўлаш билан боғлиқ бўлмаган иктисодий ва молиявий сиёsatнинг маҳсус гайрициклик дастурини ишлаб чиқиш анча осонроқdir.

Ишсизликдан сұғурта қилиш дастурлари кўпинча нафақа олиш хуқуки берилишини тартибга солишин назарда тутади. Сұғурта дастурларидан кўпинча айрим тармоқлар (масалан, АҚШда қишлоқ хўжалиги, Швейцарияда меҳмонхона ва ресторанлар соҳаси, Франция ва Голландияда уй-рўзғор хизмати кўрсатиш ва шу кабилар) чиқариб ташланади; ҳажмига қараб айрим корхоналар, айрим касблар, аҳолининг айрим демографик гурухлари чиқариб ташланади. Нафақа берилиши ёки берилмаслиги ҳам мумкин, унинг миқдори ишдан бўшашиб сабабларига, иш стажига, қарамоғида одамлар борлигига, иш ҳақининг миқдорига, ишсизликнинг давомийлигига қараб ўзгартирилиши мумкин.

Шундай қилиб, пассив сиёsatнинг асосий вазифаси ишсизларга нафақа беришdir. У кун кечиришнинг энг кам даражасини таъминлайди ва ишсизнинг қарамоғидаги оила аъзолари сонини ҳисобга олади. Шунингдек, бу сиёsatнинг вазифаси ишсизларга ва уларнинг оила аъзоларига нафақалар беришни ва пулдан ташқари ёрдам шакллари билан таъминлашни ташкил этиш ҳамdir. Бу бозор муносабатлари шароитида давлат ижтимоий сиёsatнинг ажралмас қисми бўлиб, ходимларда бефарқлик ва боқимандалик кайфиятларининг ривожланиш хавфи пассив сиёsatнинг ўз муайян чеклашлари билан, шунингдек, давлатнинг куч-гайратини фаол сиёsatга маълум даражада қаратиш билан барҳам топтирилади.

Меҳнат бозоридаги фаол сиёsat, юқорида айтиб ўтилганидек, инсоннинг иш ўрни учун курашдаги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган бўлиб, бунга таълим олиш, қайта тайёрланиш, мустақил шуғулланишга кўмаклашиш, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланиш йўли билан эришилади ва соғлом киши ўз оиласини таъминлаш учун мустақил равишда маблағ ишлаб топишига, бу унинг бурчи эканлигига асосланади. Инсоннинг ўз оиласи фаровонлиги учун жавобгарлиги унинг ўз зиммасида, давлат эса унга иш билан бандлик учун имконият яратиб берадиган воситаидир.

Меҳнат бозорида фаол сиёsatни ишлаб ва амалга оширишда омилларнинг **уч энг муҳим гуруҳи** ҳал қилувчи таъсир қилади:

1) ҳалқаро меҳнат нормалари, улар эркин танланган иш билан бандлик, имкониятлар ва муомаланинг тенглиги, бирлашиш эркинлиги ва ҳоказо асосий хуқуқларни белгилаб беради;

2) ижтимоий меҳнат муносабатларининг қарор топган тури: ҳар қандай сиёsat, шу жумладан, меҳнат бозоридаги фаол сиёsat борди-ю, тадбиркорлар, меҳнаткашлар ва бошқа ишсизларнинг ижтимоий манбаатдор бўлган бошқа

гурухлари эътироф қиласидиган бўлса, муваффақият қозонишга катта умид қилиши мумкин;

3) турли мамлакатлар ва мамлакат ичидағи турли минтақалар учун хос бўлган шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги.

Меҳнат бозоридаги фаол сиёсат шакли бўйича ишсизларни тезлик билан фаол меҳнатга қайтариш учун кўмаклашишга қаратилган тадбирлар мажмуи бўлиб, у қуидагиларни ўз ичига олади:

- ишга жойлашишда ёрдам кўрсатиш;
- касб тайёргарлигига кўмаклашиш;
- мустақил шуғулланишни ривожлантириш;
- касб соҳасида маслаҳатлар бериш ва ҳоказолар.

Фаол сиёсат факат ишдан маҳрум бўлиб қолганларни қўллаб-қувватлаб қолмасдан, шу билан бирга ҳар бир кишининг ўзи учун иш ўрни қидиришга қаратилган фаоллигини рағбатлантиради, бу эса ўз навбатида унинг ижтимоий тўловлар хисобидан даромадларни қўллаб-қувватлаш сиёсатига боғлиқлигини қисқартиради, давлат бюджети харажатларини қисқартиради, жамиятдаги кескинликни юмшатади, меҳнат унудорлигини ошириш, иқтисодиётнинг таркибий жиҳатдан қайта қурилишига ёрдам беради.

Саноати ривожланган мамлакатлар меҳнат бозоридаги фаол сиёсатга бўлган ўз диққат-эътиборини ана шу дастурлар фойдасига молиявий ва моддий ресурсларнинг муайян улушини ажратиш билан таъкидлаб кўрсатадилар.

Меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб боришда мазкур бозорда мавжуд бўлган хилма-хил шарт-шароитларни ҳисобга олиш зарур. Шу билан бирга бозорларнинг олдинги бобда келтириб ўтилган оддий классификацияси (очик ва яширин меҳнат бозорлари, расмий ва норасмий меҳнат бозорлари, айрим касб гурухларининг меҳнат бозорлари ва ҳоказо) етарли бўлмайди.

Меҳнат бозоридаги кескинлик сабабларини таҳлил қилиш учун у ёки бу меҳнат бозоридаги фаол сиёсат олиб бориши соҳасидаги тадбирлар пакетини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда, энг муҳим нарса, халқаро меҳнат ташкилоти мутахассисларининг фикри бўйича, қуидаги ахборотга эътибор беришдир:

- иш билан бандлар, иш билан банд бўлмаганлар, ишсизларнинг ёш-жинс тузилиши;
- иш кучи сафларига киришдаги ўртача ёш ва унинг меҳнат-кашларининг малака даражасига таъсири;
- оила даромадининг ёлланиб ишлаш, давлат нафақалари, мустақил иш билан бандлик, ижарага бериш, фоизли даромад ва кўчмас мулкдан олинадиган даромаддаги улушки;
- шаҳарлардаги урбанизация даражаси ва расмий ҳамда норасмий иш билан бандлик миқёслари, аграр ва ноаграр иш билан бандлик даражаси ва шу кабилар;
- корхоналарнинг ҳажми ва мулк шакли бўйича тақсимланиши;
- иқтисодиётнинг халқаро рақобат учун очиқлиги, хусусан, савдонинг миллий даромаддаги улушки, хорижий инвестицияларнинг аҳамияти;

— меҳнат институтларининг, шу жумладан, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ташкилотларининг ривожланиши ҳамда самарадорлиги;

— меҳнат қонунчилиги миқёслари ва уларнинг бажарилиш даражаси, меҳнаткашларни ҳимоя қилиш ва ижтимоий суғурта.

Меҳнат бозоридаги фаол сиёсат кўпинча аҳолининг бирмунча ноқулай аҳволдаги гуруҳлари манфаатлари йўлида ишлаб чиқилади. Лекин бундай ёндашганда меҳнаткашларнинг маҳсус қўллаб-куватлашни талаб қиласиган гуруҳларини ажратиш анча мураккаб ҳисобланади. Шуни айтиш кифояки, бундай гуруҳлар қўйидагилар бўлиши мумкин: иш кучида чекланган даражада қатнашувчи шахслар (жисмоний нуқсонлари бор кишилар), жинси ва ёш белгисига қараб ишга ёлланишда камситилишга дуч келадиган шахслар; ишлаб чиқариш фаолиятида алоҳида қийинчиликларни бошдан кечирадиган кишилар (масалан, нотўлиқ оиласларнинг бошликлари); сурункали ишсизлар ҳам шулар жумласига киради.

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, меҳнат бозоридаги шундай фаол сиёсат, яъни бутун аҳолининг манфаатлари йўлида меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиш натижаларини яхшилашга қаратилган сиёсат кўпроқ самара бериши билан ажralиб туради, лекин бунда аҳолининг заиф муҳофаза қилинган гуруҳлари муаммоларининг ўзига хос томонларига алоҳида эътибор берилади. Бошқача айтганда, меҳнат бозорининг умумий аҳволи яхшиланганда аҳолининг ҳар бир алоҳида гуруҳининг аҳволи ҳам яхшиланади.

Меҳнат бозорлари учун хос бўлган айрим муаммоларнинг илдизлари уларнинг ўзларида эмас, балки мамлакатдаги (минтақадаги) иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий вазиятнинг ўзига хос томонларида намоён бўлади. Бундай ҳолатда фаол чора-тадбирлар воситасида меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсати мазкур омилларнинг салбий таъсирини юмшатиши мумкин. Бироқ меҳнат бозорида фаол сиёсат олиб бориш муаммоларнинг пайдо бўлиш сабабларини барҳам топтира олади, деб ҳисоблаш унчалик тўғри бўлмайди. Меҳнат бозорининг фаолият кўрсатиши натижаларини яхшилаш учун сиёсатнинг қандай вариантларини танлаш самаралироқ бўлишини, улар қандай меҳнат бозорида энг кўп фойда келтириши мумкинлигини аниqlаш зарур бўлади.

Хозирги вақтда меҳнат бозорини тартибга солишда бир қатор йўналишлар қарор топган бўлиб, уни хусусан, аҳоли иш билан бандлиги давлат хизмати амалга оширмоқда. Бу фаолиятни мазкур хизматларнинг истеъмолчилари бўлган ходимлар ҳам, иш берувчилар ҳам юқори баҳоламоқдалар.

Бу йўналишларни қараб чиқамиз, уларнинг моҳиятини, ташкилий ва сабаб жиҳатларини, асосий норматив қоидаларни, улардан республика меҳнат бозори сиёсатида фойдаланиш ва жорий қилишнинг айрим муаммоларини таҳлил қилиб чиқамиз.

### 13.4. Давлат иш билан бандлик хизмати

Меҳнат бозори фаол сиёсат олиб боришнинг энг самарали йўналишларидан бири меҳнат бозорининг энг муҳим институти бўлган иш билан бандликнинг ихтисослашган умуммиллий хизматидир. Унинг асосий вазифаси меҳнат бозори ҳақидаги ахборотнинг тарқалиши ҳисобига унинг самарадорлигини оширишдан иборатdir. У, биринчидан, ишсизларнинг бўш иш ўринлари қидиришларига, тадбиркорларнинг ходимлар қидиришларига сарф этиладиган вақтни қисқартиришни таъминлайди, иккинчидан, иш берувчиларнинг ўз талабларига энг кўп даражада мос келадиган ходимлар ёллашига ёрдам беради, ходимларга эса меҳнат шароитлари ва иш ҳақи даражаси мувофиқ келадиган иш жойини топишларига имкон беради.

Бундан ташқари, иш билан бандлик хизмати вазифаларига қўйидагилар киради: иш қидирудувчиларга касблар бўйича маслаҳатлар бериш ва ишсизларни янги мутахассисликлар бўйича ўқитиш; ногиронлар, ёшлар, ҳарбий хизматдан бўшаб келган ёшлар ва фуқароларнинг ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинишга муҳтоҷ бўлган бошқа гуруҳлари учун иш жойларини банд қилиб қўйиш; иш кучини худудлар бўйича қайта тақсимлаш; оддий йўл билан ишга кира олмайдиган фуқароларнинг (кўп болали ва ёлғиз ота-оналарнинг) иш билан бандлигига кўмаклашиш учун иш ўринларини қўллаб-куватлаш; ишсизларнинг тадбиркорлик ва мустақил фаолияти билан шуғулланишларига ёрдам кўрсатиш; оммавий ишдан бўшатишларни тўхтатиб қолиш учун компенсация тўловларини амалга ошириш.

Республикамида давлат иш билан бандлик хизмати 1991 йилда ташкил этилган эди. Иш билан бандлик хизмати ишининг асосий тамойиллари халқаро тажрибага мос келади. Масалан, аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунга кўра давлат фуқароларига ўзлари учун мос келадиган иш танлашда ва ишга жойлашда бепул ёрдам кўрсатади, ишсизларга бепул таълим олиш имконияти яратиб берилади, янги касбга ўқиётган вақтда стипендия тўланади, ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имкони берилади, ишсиз фуқаролар даромадларини қўллаб-куватлаш сиёсати амалга оширилади. Иш билан бандлик хизмати мурожаат қилган меҳнаткашларга ва иш берувчиларга ишга эга бўлиш имконияти ҳақида ва иш кучи билан таъминлаш тўғрисида, бирор қасб эгаллашни истайдиган фуқароларга қўйиладиган талаблар ҳақида ахборотлар берилади; фуқароларнинг ўзларига мос келадиган иш топишларида, иш берувчиларга эса зарур ходимлар танлашда кўмаклашади. Иш билан бандлик хизмати иш берувчиларга ёшлар, ногиронлар, ёлғиз ва кўп болали ота-оналар учун иш ўринлари сақлаш ва яратиш дастурларини қўллаб-куватлашни кафолатлади. Саноати ривожланган мамлакатлардаги ишга жойлаштириш бюролари каби республика иш билан бандлик хизмати органлари иш ўринларини таклиф қилиш ва иш кучига бўлган талаб ва таклиф тўғрисидаги статистик маълумотларни, ахборот материалларини эълон қилиб боришни таъминлайдилар.

Умуммиллий иш билан бандлик хизматлари муайян меҳнат бозори сегментини (бўлагини) тартибга солиб туради. Мамлакатларнинг ривожланиш тажрибасини умумлаштириш шуни кўрсатадики, бўш иш жойларининг учалик кўп бўлмаган қисми улар ёрдамида тўлдирилади, лекин булар бирмунча паст ва

ўртача малака талаб қиласынан иш ўринларидир. Масалан, Швецияда иш қидирайтганларнинг қарийб 35 % иш билан бандлик хизмати билан алоқага киришади, Францияда иш қидирудиларнинг қарийб 15 %, АҚШда эса 5 % га яқини улар хизматидан фойдаланади. Ҳисоблаб чиқилишича, иш қидирудиларнинг күпчилиги (50 %дан ортиғи) иш жойлари ҳақидаги ахборотларни дүстлари ёки қариндошларидан олади.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов мөхнат бозоридаги фаол сиёсатнинг асосий йўналиши ҳисобланади, чунки ҳозирги дунёда ишга эга бўлиш истиқболи тез ўзгаришлар ва таркибий ислохотлар билан боғлиқ бўлиб, инсон капиталига қўйилган маблағлар билан юқори сифатли маълумот ва замонавий касб эгаллашга ёрдам беради, булар ишсиз бўлиб қолишдан кафолатлайди. Кўп сонли фактлар шундан далолат берадики, юқори малакали ходимлар учун хос бўлган ишсизлик малакасиз ходимлардагига нисбатан 4—7 баравар камдир.

Шунинг учун ҳам дунёдаги барча мамлакатларда ишсизлар ва ишсиз қолиши хавфи остида турган ходимларнинг касб тайёргарлиги ва уларни қайта тайёрлашдан иборат турли-туман дастурларни ишлаб чиқиши тажриба қилиб кўрилаётир. Бунда мазкур дастурлар биринчи навбатда олдинги касб малакаси иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларга, ишчи ўринларининг янги касбий тузилишига жавоб бермайдиган кишиларга, шунингдек, аҳолининг заиф ҳимояланган қисмига (ҳозирча зарур касбий тайёргарликка эга бўлмаган ёшлиарга, мөхнат бозорига қайтишга қарор қилган аёлларга; касбга йўналтиришга эҳтиёж сезадиган ногиронлар ва бошқаларга) қаратилган. Кўпинча таълим олиш учун номзодларни давлат иш билан бандлик хизмати аниқлайди.

Касб тайёргарлиги ва қайта тайёрлов дастурлари давлат, тадбиркорлар ва касаба уюшмаларининг иштироқида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Бу дастурларнинг бевосита ташкилотчиси кўпинча давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобланади, у марказлар ва ўқув курсларининг маҳсус ташкил этилган шахобчаларда, шунингдек, ўқув юртлари ёки корхоналар билан тузилган шартномалар асосида ташкил этади; таълим олувчиларга стипендиялар тўланади.

Иш билан бандлик хизмати давлат манфаатларини кўзлаб иш олиб боради, ишсизларнинг таълим олиши ва қайта ўқишини уларга маблағлар ажратиш шаклида нафақалар тўлаш орқали рағбатлантиради. Давлат корхоналар ходимларининг таълим олиши учун ажратилган маблағлар ҳисобидан соликларни олиб ташлаш орқали тадбиркорларни ҳам рағбатлантиради.

Аҳолининг иш билан бандлиги тўғрисидаги қонунда ишсиз фуқаролар ҳам иш билан бандлик хизмати йўлланмаси билан бепул касб танлаш, касб тайёргарлиги, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ҳукуқига эгадирлар, деб таъкидланган. Мазкур ҳукуқлар Қонуннинг бошқа моддалари ва бандларида ҳам кафолатланган.

Мөхнат бозоридаги фаол сиёсатнинг ана шу йўналишини амалга оширишдаги асосий мураккаблик иқтисодиётнинг бўлажак касб-малака тузилиши тўғрисида, ўрта ва узоқ муддатли истиқболда касб соҳасидаги

мехнатга бўлган эҳтиёж қандай бўлиши ҳақидаги ахборотнинг етишмаслигидадир. Яна бир муаммо ишдан маҳрум бўлган шахсларнинг касбий жиҳатдан қайта тайёрланишга кам талаб билдиришидир, чунки улар олдинги касблари бўйича ишга жойлашишга умид қиласидар. Мехнат бозоридаги фаол сиёсатнинг мазкур йўналишини ривожлантиришга тўскинлик қилувчи омил иш билан бандлик хизмати фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлашнинг чекланганлиги ҳамdir.

**Мустақил иш билан бандлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тизими.** Ҳозирги вақтда меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги фаолият доирасида мустақил иш билан бандликни ривожлантириш, тадбиркорлик малакаларини ўргатиш ва кичик бизнесни ташкил этишга кўмаклашиш дастурлари муҳим аҳамият касб этади. Мехнат бозоридаги сиёсатнинг бу йўналиши энг муҳим ижтимоий вазифани — янгича меҳнат дунёқарашини шакллантиришdir.

Ишсизлар агар ўзларининг мустақил ишларини ташкил этишни хоҳласалар, иш билан бандлик хизматига зарур асослаш билан (бизнес-режа билан) лойиҳалар танловида иштирок этиш ҳақида ариза берадилар, бу ерда унинг режасини мутахассислар кўриб чиқиб, ўз хулосаларини берадилар. Агар илтимос қондириладиган бўлса, у ҳолда янги тадбиркор учун бошланғич капитал сифатида унга муайян муддатга бериладиган ишсизлик нафақасининг бутун суммаси хизмат қиласи ва бир йўла тўланади.

Маълумки, одамларнинг фақат 3—5 % ида ўз ишини ташкил этиш ва юритишга майл ҳамда қобилият бўлади. Ана шундан келиб чиқиб, иш билан бандлик хизматининг вазифаси ўзига мурожаат қилганлардан ўз фирмасини очиши мумкин бўлганларни танлаб олишdir. Иш билан бандлик хизматининг яна бир вазифаси мустақил меҳнат фаолияти билан шуғулланишни истайдиганларни ўқитишидир. Бу кишилар ишга доир асосий кўнимкамаларни (нарх белгилаш асослари, муҳосиблик ҳисоби, режалаштириш ва ҳоказо) ўқиш жараёнида эгаллаб чиқадилар. Иш билан бандлик хизматининг вазифаси тадбиркорга мустақил иш билан бандлик нималарни билдиришини (масалан, ижтимоий неъматларнинг бирмунча қисқариши, иш вақтининг давомийлиги бирмунча ортиши, юқори даражадаги таваккалчилик, хонавайрон бўлиш эҳтимоли борлиги, қонунларнинг ҳали тўла мукаммал эмаслиги ва ҳоказоларни) тушунтиришидир.

Янги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш яна қўйидагиларни ўз ичига олади: маслаҳат хизматларини кўрсатиш, имтиёзли қарз бериш, ишлаб чиқариш бинолари, хом ашё билан таъминлаш, хом ашё етказиб берувчилар билан алоқа ўрнатиш ва тайёр маҳсулотни сотиш.

Ҳозирги вақтда мустақил шуғулланиш ва тадбиркорлик ташабbusи асосида кичик ишлаб чиқариш корхоналарининг шаклланиши кенг истиқболга эгадир. Ҳозир иш билан бандларнинг қарийб 15 % мулкчиликнинг барча шаклларидағи кичик корхоналарда меҳнат қилмоқда. Шундай ҳодисалар, чунончи, хусусийлаштириш, рақобатнинг кучайиши муносабати билан корхоналар ҳажмининг қисқариши, оммавий ишлаб чиқаришдан мослашувчан ихтисослашувга ўтилиши, шунингдек, таркибий қайта қуриш жараёни,

мутахассисларнинг фикрича, ўтиш иқтисодиётiga эга бўлган бошқа мамлакатлардаги каби йирик фирмалардаги янги иш ўринлари кичик корхоналарга нисбатан камроқ бўлади.

**Жамоат ишлари дастурлари.** Иш билан бандлик хизмати меҳнат бозорида амалга оширадиган фаол сиёсатнинг навбатдаги йўналиши ишсизларга вақтинча ва жамоат ишларининг дастурларини ривожлантириш орқали меҳнат бозорига қайтишда ёрдам қўрсатишдир. Бундай дастурлар биринчи марта АҚШда 30-йилларда пайдо бўлган эди. Ўша йилларда жамоат ишлари умуммиллий хусусиятга эга эди ва ўзига юқори малакани талаб қилмайдиган ишларни қамраб оларди. Халқаро тажрибанинг кўрсатишича, ҳозирги вақтда мазкур дастурлар баъзан бутун мамлакатни, кўпинча эса аҳолининг айрим тоифаларини, худудларни ёки даврларни ўз ичига олади.

Мазкур дастурлар ишсизларга маҳсус касб тайёргарлигисиз ҳамма учун қулай фаолият турларини тақдим этади. Бу дастурларни амалга ошириш тажрибасини умумлаштириш шуни қўрсатадики, улар қуйидаги иш турларини бажаришга қаратилган: йўл қурилиши ва уни таъмирлаш, кўприклар барпо этиш ва таъмирлаш (АҚШ ва Японияда); ерларни ўзлаштириш — дараҳтлар ўтқазиш, ирригация, каналлар, портлар, аэродромлар қурилиши ва уларга хизмат қўрсатиш; экологик тадбирлар (Австралия тажрибаси). Муниципиал маъмурлар ҳақ тўлайдиган ижтимоий жамоатлар ишлари — булар қарияларга, ногиронларга қарашиб хизматлари ва ҳоказолар (Канада, Австралия ва бошқа мамлакатларнинг тажрибаси) ҳам мавжуддир.

Кўпинча жамоат ишлари тўлиқ бўлмаган иш куни мобайнида давом қиласи, бундан мақсад вақтнинг бир қисмини касб тайёргарлигига ёки доимий иш қидиришга бағишлишдир. Мазкур дастурларнинг қатнашчилари одатда энг кам иш ҳақи оладилар.

Вақтинча ишларнинг ташкил этилиши бир қатор принципларга асосланган. Вақтинча ишлар бандлик хизмати томонидан бевосита ёки бошқа ташкилотлар билан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади:

1) бу ишлар айнан вақтинча бўлиши ва улар одатдаги иш ўринлари билан рақобатга киришмаслиги керак. Бунинг маъноси шуки, бундай ишлар жамоат ишларининг маҳсус дастурларисиз амалга оширилмаслиги лозим;

2) бундай ишларнинг қатнашчилари фақат чекланган вақт мобайнида шуғулланишлари мумкин, масалан, 1 йилгача, кейин нормал ишга жойлашиш имконияти пайдо бўлиши билан дарҳол бу дастурларни янгилашлари мумкин.

Вақтинча ёки жамоат ишлари дастурларининг самарадорлиги, биринчидан, қўшимча иш ўринлари яратишда намоён бўлади (мутахассисларнинг берган баҳосига қараганда, жамоат ишлари соҳасида ҳар 100 та иш ўрни бошқа секторларда 40 та доимий иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади). Иккинчидан, ишсизларни руҳий жиҳатдан қўллаб-куватлашни таъминлашда намоён бўлади (ҳаммага маълумки, иш билан бандларнинг руҳий ҳолати ишсизларнинг ҳолатидан анча яхшироқдир).

## Қисқача холосалар

Демографик омилнинг ўзгариб бориши глобал муаммо бўлиб, у кўп жихатдан жамиятнинг ҳолати ва ривожланишини белгилайди. Мехнат иқтисодиёти меҳнат муносабатларининг қатнашчиси бўлган аҳоли қисмига алоҳида эътибор беради.

Иш ўринлари учун рақобат кучайиши ва ёш гурӯҳлари ўртасидаги бегоналашув ортиб бориши оқибатида ҳам низо келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Пенсия жамғармасига маблағ ажратишлар муттасил кўпайиб бориши ёшларда норозилик уйғотади. Шу билан бирга ёши қайтганлар сони ошган сайин уларнинг сиёсий кучи ҳам ошиб боради ва ёшлар билан ёши қайтганлар ўртасидаги зиддиятлар хавфли ижтимоий вазиятни юзага келтириши мумкин. Ёшлар қарияларнинг ишга жалб этилишидан норозидир, чунки бундай қилиниши ёшларнинг иш топиши ва хизмат пиллапояларидан кўтарилиши имкониятларини камайтиради.

Аҳоли зичлиги паст даражада бўлган минтақаларда камроқ ривожланган ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, тор йўналтирилган тармоқ ихтисослашуви ва экотизмга путур етишининг оқибатлари сезиларлироқлиги хосдир. Республика аҳолиси сонининг ўсиши уни шакллантириш манбалари бўлган табиий ва механик тарзда кўпайиши билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда бир онадан фарзандлар туғилишидаги вақт оралигини узайтириш, оиласда фарзандларнинг сонини эмас, балки мамлакатнинг келажагини таъминлай оладиган соғлом, илмли инсонларни тарбиялаш мақсадида, соғлом миллат *генофондини* шакллантириш борасида олиб борилаётган оқилона сиёсатни янада ривожлантириш лозим.

## **Назорат ва муҳокама учун саволлар**

1. Замонавий меҳнат бозори миллий моделлари (Америка, Швеция, Япония, Франция моделлари)нинг хусусиятлари нималардан иборат?
2. Дунёдаги демографик ҳолатнинг ўзгариб бораётганлиги ҳақида нималарни биласиз?
3. Томас Роберт Мальтуснинг «Ортиқча аҳоли қонунияти хусусидаги тажриба» деб номланган китобида қандай назария асосланган?
4. Аҳолининг кексайиши қандай муаммолар келтириши мумкин?
5. Демографик олимларнинг кексайиш бўйича фикрларини қандай баҳолайсиз?
6. Ўзбекистондаги демографик тенденциялар ҳақида нималар биласиз?
7. Ўзбекистон аҳолисининг умумий ўсиш даражаси ва шаклланиш хусусиятларини нималарда кўрасиз?
8. Меҳнат бозоридаги энг янги тамойиллар нималардан иборат?
9. Меҳнат бозоридаги глобаллашув ва миллий манфаатлар нималарда ифодаланади?

## **Асосий адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
2. Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
3. Абдураҳмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
4. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. -342с.
5. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
6. Дорохотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
7. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
8. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
9. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
10. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
11. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
12. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
13. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.-416с.

14. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
15. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
16. Холмўминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (Маърузалар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
17. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
18. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
19. Шоюсупова Н.Т. Замонавий меҳнат бозори: фаолияти ва бошқарилишининг иқтисодий механизми. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси Т: №10-11.2001

### **Интернет веб-сайтлари**

1. <http://www.economyfaculty.uz> – “Меҳнат иқтисодиёти ва социяологияси” кафедраси сайти мавжуд бўлган веб-сайт
2. <http://economics.com.ua> – меҳнат иқтисодиётига тааллукли бўлган маълумотлар веб-сайти
3. <http://www.bearingpoint.uz> – “Ўзбекистон иқтисодиёти” қўлланмасининг веб-сайти
4. <http://goldenpages.uz> – иқтисодиётнинг энг сўнгги янгиликлари
5. <http://rea.ru> – Россия иқтисодиёт академиясининг веб-сайти
6. <http://5ballov.ru> – диплом, диссертация, реферат ва курс ишларининг намуна вариантларини ўзида қамраб олган веб-саҳифа..

## **14-БОБ. МЕҲНАТ БОЗОРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ**

### **14.1. Мехнат бозори ривожланиши концепциясининг**

#### **14.2. Мехнат бозорининг ривожланиш босқичлари**

#### **14.3. Мехнат бозорининг самарали ривожланиш тадбирлари**

### **14.1. Мехнат бозори ривожланиши концепциясининг стратегик мақсадлари**

Мехнат ресурслари билан қўп таъминланган республикамиз меҳнат бозорини ривожланиш концепциясининг **асосий мақсади** – меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан бандлигининг камайиши, ишсизликнинг ўсиши, янги иш жойларининг кам яратилиши, меҳнат унумдорлигининг пасайиши, инфляциянинг мавжудлиги, мулкчиликнинг турли шакллари секинлик билан ривожланиши, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг сустлиги, ҳақиқий меҳнат даромадларининг камайиши каби шароитларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқишидан иборат. Улар ўтиш даври Ўзбекистон миллий иқтисодиёти чукур таркибий ислоҳ қилиши ва эркинлаштиришнинг стратегик мақсадларига асосланиб ишлаб чиқлади.

Буни ҳисобга олган ҳолда мазкур концепциянинг **стратегик мақсадлари** қилиб қўйидагиларни белгилаш мумкин:

1. ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозорини босқичма-босқич шакллантириш;
2. меҳнатга лаёқатли иш билан банд бўлмаган аҳолини иш жойлари билан таъминловчи ҳамда ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга соловчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш;
3. иқтисодиётда оқилона бандликни шакллантирувчи чукур таркибий ислоҳотларни амалга ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш;
4. саноат, хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида янги иш жойлари ва ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун меҳнатнинг кафолатлаштирилган минтақаларини ташкил қилиш;
5. ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш;
6. мулкчиликнинг ширкат, ижара, ҳиссадорлик ва хусусий шакллари ва шахсий ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш;
7. қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидан ортиқча ишчи кучини озод қилиш ва унинг талаб ва таклифини камайтиришга кўмаклашувчи ижтимоий инфратузилма обьектларининг миқдорини ошириш;
8. маҳаллий ходимларнинг рақобатбардошлиги, сафарбарлиги ва экспорт

- қобилиятини ошириш, юқори касбли мутахассислар синфи ва аҳолида янги иқтисодий фикрлашни шакллантириш, эркин ва мустақил иш жойларини танлаш имкониятларини яратиш;
9. меҳнат бозори ва аҳоли бандлигини тартибга солишнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш.

Ушбу стратегик мақсадларга изчиллик билан эришиш учун меҳнат бозори ривожланишининг асосий босқичлари ва вазифаларини аниқ белгилаш зарур.

## **14.2.Меҳнат бозорининг ривожланиш босқичлари**

**Меҳнат бозори ривожланишининг биринчи босқичида (1991-200 й.й.) қуидаги вазифалар бажарилган:** меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошлангич ташкилотлари ташкил қилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва прогнози, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш билан шуғулландилар; кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга унча катта бўлмаган молиявий ёрдам кўрсатилди; иқтисодиёт тармоқларида, айниқса, қишлоқ ҳўжалигига таркибий ислоҳотлар амалга оширилиб, "пахта якка ҳукмронлиги"ни тугатиш учун шартшароитлар яратилди; ёлланма ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Бу даврда аҳоли иш билан бандлик даражасининг пасайиши, ишсизликнинг ошиши, ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида номутаносибликтининг ортиши содир бўлди.

**Ушбу босқичнинг якуний натижаси – меҳнат бозорини шакллантириш учун ижтимоий-иқтисодий ва ташкилий-ҳуқуқий шартшароитлар яратилди.**

**Иккинчи босқичда (2001-2010й.й.) қуидаги вазифаларни бажариш зарур:** маҳаллий инвестициялар ва хорижий кредитларни жалб қилиш асосида қишлоқ ҳўжалиги бўлмаган янги иш жойларини яратиш йўли билан ишчи кучига талабни ошириш; меҳнатга лаёқатли ўсмирлар, кўп болалик аёллар, пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталанган иш жойларини ташкил қилиш ва улар иқтисодий рағбатлантирилиши ошириш; банд бўлмаган шахсларга янги иш жойларини яратиш билан шуғулланувчи иш берувчиларга доимий молиявий ёрдамларни кўрсатиш; ишчи кучи таклифини унинг малакасини, рақобатбардошлигини ва экспортини ошириш йўли билан камайтириш; мулкчиликнинг турли шаклларни шакллантириш ва миллий иқтисодиётда чуқур ислоҳотларни ўтказиш асосида аҳолининг иш билан бандлиги соҳасида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; иш ҳақи ва бошқа меҳнат даромадларининг манбалари даражасидан солиқ ставкасини кескин камайтириш; бандлик хизматининг бозор инфратузилмасини ташкил қилиш; меҳнат шартномаларини тузишни такомиллаштириш ва бошқалар. **Буларнинг**

**ҳаммаси бандликни сезиларли ўсиши ва ишсизликнинг камайиши ҳамда ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасидаги фарққисқаришига қўмаклашади.**

Учинчи босқичда (2011-2020й.й.) қуйидаги вазифаларни амалга ошириш қўзда тутилади: ишчи кучига талаб ошиши ва унинг таклифи камайишига йўналтирилган тадбирларни амалга оширишни кучайтириш; бандлик хизмати ва бу хизмат инфратузилмаси қудратли ва тез ривожланувчи тизимини яратиш; оқилона бандликни шакллантириш; ишсизликни йўл қўйиладиган даражасигача қисқартириш; иш билан банд бўлмаган маҳаллий ходимларнинг малакаси, рақобатбардошлиги, ижтимоий ҳимояси ва экспортини ошириш; меҳнат бозори, бандлик ва ишсизликни тартибга солишининг самарали ташкилий-иктисодий ва ҳуқуқий механизмларини яратиш.

Қайд этилган вазифаларни бажариш ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозорининг самарали шаклланишига олиб келади.

**Мазкур бозор ривожланишининг кейинги босқичида ишчи кучи талаб ва таклифи ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш мумкин.**

Буларнинг ҳаммаси меҳнат бозори самарали ривожланишига йўналтирилган ишчи кучига талабнинг ошиши ва унинг таклифи камайиши бўйича иктисодий, ижтимоий ва ташкилий тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш зарурлигини тақозо этади.

#### **14.3.Меҳнат бозорининг самарали ривожланиш тадбирлари**

Ишчи кучига талаб ошиши бўйича асосий иктисодий тадбирлар орасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ҳажмининг ошишига йўналтирилган чукур иктисодий ислоҳотларни ўтказиш етакчи ўрин эгаллайди. ЯИМ ҳажмини кўпайтиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири - меҳнат унумдорлигини ошириш. Унга иш жойларини замонавий моддий-техник ва технологик таъминлаш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш, ходимлар моддий манфаатдорлигини яхшилаш, оқилона молия-солиқ сиёsatини олиб бориш каби йўллар билан эришиш мумкин.

**Муҳим иктисодий тадбирларга қуйидагилар киради:** саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарида янги иш жойларини яратиш; ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан маблағни кўпроқ ажратиш; хизмат кўрсатишни яхшилаш ва илгор технологияларни татбиқ этиш; янги ширкат, ижара, хусусий ва қўшма корхоналарни ташкил қилиш; ўтиш иктисодиёти даврида қишлоқ хўжалиги ва саноат тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буортмаларини сақлаш; кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш; ижтимоий ишларни ташкил қилиш ва ҳ.к.

Улар орасида кўшимча иш жойларини яратувчи ва энг кам сармоя талаб қиладиган кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш ҳамда ижтимоий ишларни ташкил қилиш ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин тутади. Кичик ва ўрта бизнеснинг ривожланишини маблағ билан таъминлаш манбаи бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка қўмаклашиш жамғармаси ва бизнес-фонд маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг сармоялари хизмат қиласи.

ва ўрта бизнес вакилларига фоизсиз ёки кичик фоизлар билан имтиёзли кредитлар ажратиш мақсаддага мувофиқ.

Тадқиқотлар кўрсатадики, кичик ва ўрта бизнесни хизмат кўрсатиш ва шахсий меҳнат тармоқларида ривожлантириш зарур. Бу тармоқларда иш жойларнинг қиймати катта эмас. Шунинг учун кўплаб янги иш жойларини яратиш мумкин. Бу тадбирларни амалга оширишда биринчи навбатда хусусий тадбиркорлар хизматидан фойдаланиш керак.

Ҳар бир ўзига хос табий-экологик, ижтимоий-демографик ва иқтисодий ривожланиш хусусиятлари мавжудлигини ҳисобга олиб, "юқоридан пастга" тамоилии бўйича **хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадли комплекс дастурини тузиш зарур**. Бундай дастур аҳоли бандлигини ошириш мақсадида тузилиб, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича чора-тадбирларни тўғри амалга оширишга имкон беради.

Мустақил кичик ва ўрта бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожлантиришни, шу жумладан хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни доимий рағбатлантириш зарур. Бундай инвестициялар оқими иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни анча тезлатиши мумкин. Хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши истиқболлари амалда чекланмаган. Бундан ташқари, республиканинг ўз кўламлари ва сифати бўйича етарлича катта бўлган тадбиркорлар қатлами вужудга келди. Уларнинг қонун ва ҳукumat қарорлари доирасида давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва ҳимоя қилиниши хусусий тадбиркорликни янада самарали ривожлантиришга имконият яратади.

Меҳнатга лаёқатли ёш ва кўп болалик аёллар, ўсмирлар, пенсионерлар ва ногиронларнинг **фаолиятини** турли хил иқтисодий ва ижтимоий имтиёзлар ва квоталанган иш жойларини тақдим қилиш йўли билан **рағбатлантириш тизимини янада такомиллаштириш ишчи кучига талабни ўстирувчи иқтисодий тадбирларнинг ажралмас қисми ҳисобланади**.

Бола тарбиялаш вақтини (келажакда бола етти ёшга етгунга қадар) ва унга бериладиган нафақа миқдорини доимо ошира бориши меҳнат бозоридан ва иқтисодиётнинг тармоқларидан ёш болалик аёлларни ихтиёрий равишида “тортиб олишга” имконият яратади. Улар оиласиий ишлар билан кўп шуғулланганлиги сабабли иш жойларида юқори ишлаб чиқаришни таъминлай олмайдилар. **Кичик ёш болалик аёлларнинг** “сұйний” ишсизлигини камайтиришнинг мухим усули - уларни болани тарбиялаш бўйича ҳақиқий фаолиятини рағбатлантириш ва уни расмий тан олиш. Бунинг учун бандликка қўмаклашиш жамғармасининг ишсизлик бўйича нафақасига сарфланувчи маблағларини ижтимоий суғурта жамғармасига қайта тақсимлаш ва уларни аёлларга тегишли ижтимоий тўловлар сифатида бериш лозим.

**Кўп болалик аёллар** фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва тайёрлаш билан шуғулланувчи корхоналарда, ижтимоий-ишлаб чиқариш инфратузилма ташкилотларида, хусусий хўжаликларда квоталанган иш жойларини яратишни кўпайтириш ва уйда меҳнат қилиш кўламларини кенгайтириш орқали амалга оширилиши мумкин.

**Ёшлар ишсизлиги** муаммосини мактабларда ўсмирларни касбга йўналтиришни яхшилаш ва даромадлар келтирадиган ишларнинг турларини кўпайтириш йўллари билан ҳал қилиш мумкин.

**Меҳнатга қобилиятли пенсионерлар ва ногиронлар** учун квоталанган иш жойларини ташкил қилувчиларга имтиёзли кредитлар бериш ва уларнинг даромадларига пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш керак.

Шунинг билан бирга ишчи кучи таклифини рағбатлантирувчи солиқ ставкалари муҳим иқтисодий тадбирлар гуруҳига киради. Даромад солиги ставкасининг ўсиши ёлланган ходимларни янги иш жойларига таклиф камайишига олиб келади. Шу билан бирга юқори малакали мутахассисларнинг қўшимча ишга қизиқишлари сусаяди. Солиқ ставкаси ошиши кўпчилик аҳолининг иш билан бандлигига салбий таъсир қиласди. Шунинг учун бундай тадбирларни амалга оширишдан аввал унинг оқибатларини комплекс таҳлил қилиш керак.

Ишчи кучи **таклифи камайишига** олиб келувчи ижтимоий-иқтисодий тадбирларга қуидагилар таалуқли: шахсий ёрдамчи хўжаликлар, шахсий меҳнат фаолияти ва ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг бошқа усувларини ривожлантириш; бандликнинг эгилувчан ва ностандарт шаклларини кўпроқ қўллаш; ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг бозор усувларини татбиқ этиш; инфляцияни пасайтириш; ишсизликни камайтириш; ишсизларнинг малакаси, рақобатбардошлиги ва четга чиқишини ошириш. Шу билан бирга ёлланган ишчи кучининг малакаси, сафарбарлиги, экспорт қобилияти ва ижтимоий ҳимоясини ошириш **ижтимоий тадбирларнинг** таркибий қисми ҳисобланади. Ҳозирги вақтда бозор услубида хўжалик юритиш талабларига мос келувчи юқори малакали ходимларни тайёрлашга жиддий зарурият туғилди. Бунинг учун ўқув юртларининг моддий-техник ва молиявий таъминотини яхшилаш ва профессор-ўқитувчиларнинг моддий манфаатдорлиги, ижтимоий ҳимояланиши ва касб-малака даражасини ошириш зарур.

Хорижда ўқишни, энг аввало, юқори малакали мутахассисларга талаби мавжуд бўлган корхоналар, ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар ҳисобидан маблағлар билан таъминлаш керак.

Шу муносабати билан ишчи кучининг рақобатбардошлиги, сафарбарлиги ва экспорт қобилиятини оширувчи қулай шарт-шароитлар яратилади. Булар эса ишчи кучининг таклифи камайишига бевосита таъсир этади.

Иш ҳақини тартибга солиш бўйича тадбирларни ишчи кучи талаб ва таклифига таъсир қилишнинг умумий иқтисодий ва ижтимоий услуби сифатида қарашиб мумкин. У кўпроқ ишчи кучининг таклифига таъсир этади. Чунки иш ҳақининг миқдори меҳнатни татбиқ қилиш соҳасини тузишни ва бир неча иш жойларида ишлашга ҳаракат қилиш миқёсини белгилайди. Шунинг учун, давлат иш ҳақи соҳасида белгиланган сиёсатини ўтказиб, ишчи кучига талабнинг миқдори ва тузилишига таъсир кўрсатиши мумкин. У иш ҳақининг барча кўрсаткичларини тартибга соловчи. Давлатнинг аралашуви маъмурий ва иқтисодий бўлиши мумкин. Унинг иш вақтининг давомийлиги ва иш вақти бирлигига иш ҳақи тўлашга таъсири, одатда, маъмурий характерга эга. Кўпгина

ривожланган мамлакатларда давлат иш ҳафтасининг энг кўп давомийлиги ва энг кам иш ҳақини тартибга солади. Иш ҳақининг аниқ миқдорини белгилашда тўртта субъект ўзаро ҳамкорлик қиласи: давлат, касаба уюшмаси, тадбиркорлар ва меҳнат бозори. Давлат иш ҳақини белгилаш бўйича маъсулиятни касаба уюшмалари ва тадбиркорларга юклаши мумкин бўлса ҳам, бу жараёнда фаол иштирок этади. Бозор шароитларида давлат иш ҳақи даражасини маъмурий белгилашдан воз кечиши лозим. Унинг миқдори иш берувчилар билан ёлланма ходимлар ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси (контракт) асосида касаба уюшмаси вакилининг иштирокида белгиланиши керак.

Ташкилий тадбирлар орасида давлат томонидан ахолининг иш билан бандлигини ошириш бўйича ўтказаётган сиёsat етакчи ўринни эгаллайди. У ахолининг иш билан бандлигини ва ишчи кучига талаб ва таклиф тузилишидаги ўзгаришларни ва иш жойини йўқотган, аммо меҳнат қилишни хоҳловчи ва фаолиятнинг бошқа турларини фаол изловчи шахсларни қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини узвий бирлаштиришдан иборат бўлиши лозим. Яқин келажакда республика минтаقا ва ҳудудий дастурлари билан бир қаторда маълум тармоқларда аҳоли бандлигини оширишнинг мақсадли комплекс дастуриларини ишлаб чиқиш зарур. Бундай дастурларда қўйидаги тадбирлар акс эттирилиши лозим: мулк эгасининг алмашуви, хусусийлаштирилиш, корхоналарнинг иқтисодий начорлиги ва уларнинг ихтисослашишидаги ўзгаришлар каби шароитларда ишловчиларнинг (айниқса малакали ходимларнинг) бандлигини сақлаш ва барқарорлаштириш (иш жойларини маблағлар билан таъминлаш ва квоталаштириш); ходимларнинг рағбатбардошлигини ошириш; иш билан банд бўлмаган шахсларни қайта тайёрлаш, қўшимча касблар ва мутахассисликлар олишга шароитлар ва руҳий кайфиятлар яратиш; ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг турли шаклларини рағбатлантириш; ноқишлоқ хўжалиги иш жойларини яратиш учун бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш (қарзлар, имтиёзли кредитлар); ўсмирлар, кўп болалик аёллар, меҳнатга қобилиятли пенсионерлар ва ногиронлар учун квоталанган иш жойларини ташкил қилувчи корхоналарни, фирмаларни иқтисодий рағбатлантириш; олий ўқув юргларини битириб, мутахассисликлари бўйича иш топа олмаган ёш кадрларни бандлик хизмати ташкилотлари билан шартнома асосида иш ҳақига бандликка кўмаклашиш жамғармасидан маблағларни ўтказиш шарти билан ишга қабул қилиш тажрибасини кенгайтириш; янги иш жойлари яратишни инвестициялар билан таъминлаш; ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантириш ва х.к.

Бундан ташқари, ижро хокимияти республика ва минтақавий идораларининг меҳнат бозори ва аҳоли иш билан бандлигини таҳлил ва прогноз қилишдаги ўзаро методик ва ахборот алмашуви бўйича ҳамкорликларини яхшилаш ва бандлик жараёнини тартибга солиш бўйича тадбирлар ташкилий характерга эга. Хусусан, манфаатдор идоралар минтақавий меҳнат бозоридаги вазиятларни доимий таҳлили (мониторинг) ва прогнозининг маҳсус шакллари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқишилари лозим.

Улар асосида Иқтисодиёт вазирлиги, Статистика давлат қўмитаси ва

унинг минтақавий идоралари билан ҳамкорликда бандликни тартибга солиш ва меҳнат бозоридаги кескин вазиятларнинг олдини олиш бўйича тегишли чоратадбирлар ишлаб чиқишилари ва уларни маблағ билан таъминлаш ва амалга ошириш муаммоларини ҳал қилишилари мумкин. Аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори тахлили ва прогнози Статистика давлат қўмитаси ташкилотларининг ишини такомиллаштиришни талаб этади. Ҳозир нодавлат корхоналари ва ташкилотларида ишчи кучига талаб ва ундан фойдаланиш, улар учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шароитлари ва иш ҳақи бўйича ахборотларнинг камчилиги кескин сезилмоқда.

Шу билан бирга мулкчиликнинг турли хил шакллари иш жойларининг ҳаракати, ишчи кучи талаб ва таклифининг ўзгариши, ишсизликнинг ҳолати, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш каби масалалар бўйича статистик тадқиқотлар ўтказишни яхшилаш даркор.

Айнан шундай статистик тадқиқотлар, хусусан, мулкчиликнинг янги шакларини вужудга келиши аҳолининг иш билан бандлиги таркиби ўзгаришига, меҳнат фаолияти ва ўз-ўзини иш билан банд қилишнинг турли йўналишлари ривожланишига ва ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатга тъсирини аниқлаш имконини беради.

Шу муносабат билан аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори соҳасида статистикани такомиллаштириш бўйича тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш керак.

Яқин келажакда меҳнат бозорининг ривожланиш концепциясини амалга ошириш **ишчи кучига талаб ва унинг таклифи ўртасида зарурӣ мувозанатга эришиш** ва меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлашга олиб келади.

## Қисқача хуносалар

Меҳнат бозори яқин келажакда ривожланишининг асосий мақсади – меҳнат ресурслари билан кўп таъминланган минтақаларда ишчи кучига талабни ошириш ва унинг таклифини камайтириш.

Меҳнат бозори ривожланиши босқичларида қайд этилган тадбирларнинг амалга оширилиши яқин келажакда ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасидаги бозор мувозанатига эришиш – пировардида, меҳнат ресурсларининг оқилона бандлигини таъминлаш ва ишсизликни кескин камайтиришга олиб келади.

## Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Меҳнат бозори ривожланишининг асосий мақсади нима?
2. Меҳнат бозори ривожланишининг биринчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?
3. Меҳнат бозори ривожланишининг иккинчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?
4. Меҳнат бозори ривожланишининг учинчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?

5. Меҳнат бозори ривожланишининг тўртинчи босқичида қандай тадбирлар амалга оширилди?
6. Меҳнат бозорининг яқин келажакда ривожланиш концепцияси тадбирларини амалга ошириш қандай натижалар беради?

### **Асосий адабиётлар**

20. Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуни «Меҳнат» газетаси – Т., 1993, 1 октябрь.
21. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Дарслик (назария ва амалиёт) –Т.: “Меҳнат”, 2004. -672б.
22. Абдурахмонов Қ.Х. ва бошқ. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси – Дарслик. -Т.: Ўқитувчи, 2001.
23. Буланова В.С. и др Рынок труда. Учебник. Издательство: Экзамен, 2004. -342с.
24. Волгин Н.А. Рынок труда. Издательство: Экзамен, 2003.
25. Доброхотова Е.Н., Лаврикова М.Ю., Маврин С.П. и др. Курс российского трудового права: Т. 2: Рынок труда и обеспечение занятости (правовые вопросы) (под ред. Маврина С.П., Пашкова А.С., Хохлова Е.Б.) Издательство: М: Юристъ, 2001. -560с.
26. Кейнс Джон Мейнард. Общая теория занятости, процента и денег Издательство: Гелиос, 2002.
27. Кязимов К. Рынок труда и занятость населения: Учебное пособие Издательство: Перспектива, 2005. -368с.
28. О работе за границей по контракту/Сост.А.Илемешев. -М.: Изд.: Амалфея, 2002.-304с.
29. Павленков В.А. Рынок труда: Занятость; Безработица: Учебник для вузов Издательство: М: изд-во МГУ, 2004. -368с.
30. Петров М.И. Трудовой стаж. ISBN: 5-94280-097-9. 2005.
31. Рофе А.И. Рынок труда. Издательство: МиК, 2003.
32. Руденко Г.Г. Формирование рынков труда: Уч. пос. -М.: Экзамен, 2004.-416с.
33. Соловьев А.А. Вопросы занятости и трудоустройства Издательство: Приор, 2000. -122с.
34. Топилин А. В. Рынок труда России и стран СНГ: реалии и перспективы развития: Издательство: Экономика, 2004. -321с. \*
35. Холмуминов Ш.Р. Меҳнат бозори иқтисодиёти (Маъruzalар матнлари) – Т.: ТДИУ, 2000.
36. Чапек В.Н., Долгодушев В.А. Рынок труда. Издательство: Феникс, 2005.
37. Шлендер П.Э. Рынок труда: Учебное пособие для вузов Издательство: М: Вузовский учебник /ВЗФЭИ, 2004. -208с.
